

New-York Times бестселлери
Элликта тилга таржима қилинганд.

ҲАММАСИ РАСВ

12 миллион
нусхада нашр
этилган.

Умид ҳақида китоб

15
M 97



МАРК МЭНСОН

МАРК МЭНСОН

ҲАММАСИ

PACBO

Умид ҳақида китоб



MUHAMMAD AL-XORAZMIY NOMIDAGY
TOSHKENT AXBOROT
TEXNOLOGIYALARI UNIVERSITETI

413477



AXBOROT-RESEFS MƏRKAZI

Тошкент – 2020

УЎК 001
КБК 88
М 97

Марк Мэнсон

Ҳаммаси расво (Умид ҳақида китоб) [Матн]: фалсафий-психологик / М.Мэнсон. – Тошкент: Muhammarr Nashriyoti, 2020. – 240 б.

ISBN 978-9943-6590-6-3

Биз жуда қизиқ даврда яшамоқдамиз. Шу пайтга қадар инсон боласи кўрмаган қулаилукларга эгамиз, бой-бадавлатмиз, тўрт мучамиз сог, тинч замонда яшияпмиз, лекин, шундай бўлса-да, кўпчиликни умидсизлик қўршаб олмоқда. Қай биримиз глобал иссиш муаммоларидан қўрқамиз, кимлардир ҳукуматдан норози, иқтисодий буҳронлардан таҳликага тушиаётганларимиз ҳам сон-саноқсиз. Бу ҳол одамларда қўрқувни, келажакка умидсизлик кайфиятини, негатив фикрларни туғедирмоқда.

Мутолаасига киришиаётганимиз ушбу китоб айни муаммоларни ечишда бизга ёрдам беради – руҳиятимиздаги ўзгаришларни психологияк таҳлил қиласди, сиёсий жараёнларга баҳо беришни ўргатади, глобал ўйинлар, бизнес ҳийалалар ҳақида жуда қизиқарли, ҳайратланарли маълумотларни тақдим этиади. Хуллас, муаллиф ушбу асари орқали инсонларни умидсизланмасликка, ялтироқ нарсаларга алданмасликка, ҳаётнинг моҳиятини англаб яшиашга чакиради.

УЎК 001
КБК 88

Таржимон:
Ахрор Шарипов

Тақризчи:
Балтаева Икбал Таджибаевна,
филология фанлари номзоди, доцент

Ушбу китобнинг муаллифлик ҳуқуқи "Azbo.uz" интэрнет дўйконининг "Azbobooks" лойиҳасига тегишили бўлиб, унинг руҳсатисиз китобни электрон, аудио, видео ёки ҳар қандай шаклда тарқатиши Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан тақиқланади.

ISBN 978-9943-6590-6-3

© Mark Manson.

© Azbobooks.

© «Muhammarr Nashriyoti»,
Тошкент, 2020.

I БҮЛІМ. УМИД

1-БОБ.

ЁҚИМСИЗ ҲАҚИҚАТ

Марказий Европанинг чекка қишлоқларидан бирида қачонлардир ҳарбийларга тегишли бўлган омборхоналар атрофида ёвуз қабилалар пайдо бўлиб, улар содир этган даҳшатли ва кўпдан-кўп ёзувлайларни дунё кўрмаган эди. Тўрт йил ичида бу ҳудудда 1,3 миллиондан ортиқ одам сараланиб олинди ва барчаси кул қилинди, яна қанчалари қийноққа солинди ва ўлдирилди. Бу ишларнинг барчаси Манхеттендаги Марказий Парқдан унчалик катта бўлмаган ҳудудда содир бўлди. Бу ишни тўхтатишга ҳеч ким журъат этмади. Фақат бир кишидан ташқари...

Бу иш фақат эртак ёки комик китобларидағина бўлиши мумкин: ўша киши ёвузликнинг оламга ёйилишига қарши туриб, гўё дўзахнинг оловига ўзини урди. Натижага эришишнинг умуман имкони йўқ эди. Ғалаба ҳақида гапириш мантиқсиздек туюларди. Аммо бизнинг жасур қаҳрамонимиз ҳеч иккиланмади. Уни ҳеч нима қўрқита олмади. У қаддини тик тутгани ҳолда, аждаҳони енгди, ёвуз босқинчиларни қириб ташлади, сайёрамизни ва унга қўшиб қанақадир маликани ҳам кутқариб қолди.

Шундай қилиб, қисқа вақт давомида одамларда умид уйғонди.

Аммо бу китоб умид ҳақида эмас, балки бизнинг хаётимиз бутунлай издан чиққани ҳақида. Ҳа, айнан ҳаётнинг изидан чиққани ҳақида. Бу мусибат шунчалик улканки, сочиқ-халатда дивангага ёнбошлаб, бепул

Wi-Fiда сузиг юрган сиз билан мен унинг кўламини тасаввур ҳам қила олмаймиз.

Витолд Пилецкий ҳали Аушвitzга бормай туриб, урушдаги қаҳрамонликлари туфайли танилиб улгурган эди. Ёш ва навқирон Пилецкий 1918 йилги Польша-Совет урушида қатнашиб, офицер унвонига эга бўлган. У қизил коммунистлар қандай разилликларга қодирликларини одамлар билишидан аввал уларнинг кетига тепиб ҳайдаб юборган эди. Уруш тутаганидан сўнг Пилецкий Польша қишилоқларидан бирига кўчиб ўтди, у ерда мактаб ўқитувчисига уйланди, икки нафар фарзанд кўрди. У замонавий шляпа клиишни хуш кўрарди, шунингдек, от миниш унинг севимли машғулоти эди, яна, сигара чекарди. Ҳаёти оддий, энг муҳими, яхши эди.

Кейинчалик Гитлер пайдо бўлди ва ҳалқ мудофаага отлангунча, нацистлар аллақачон Польшанинг ярмини расво қилиб бўлишган эди. Бир ойдан сал ошиқ муддат ичида Польша бутунилай бой берилди. Албатта, бу адолатли уруш эмасди: нацистлар мамлакат гарбини ишғол этаётган бир даврда, совет қўшинлари шарқий худудларни босиб олиб бўлганди. Мамлакат худди болға ва сандон орасида қолгандек эди: болға шафқатсиз тарзда оммавий қати уюштирган ва бутун дунёни эгаллашни мақсад қилиб қўйган фашистлар Германияси бўлса, сандон нафратта тўла, аммо маънисиз қатлиом ўтказаётган Совет иттифоқи эди. Мен ҳар қайсисининг асл мақсади нима бўлганини ҳалигача тушуна олмайман.

Бошида Советлар нацистлардан кўра кўпроқ шафқатсизлик қилишди. Улар бутун бошли ҳукumatни ағдариб ташлаб, ўзининг ёлғон мағқурасига ҳалқни ишонтириш учун қандай разилликларни амалда кўллаб келганини яхши биласиз. Ҳатто нацистлар уларнинг қилмишлари олдида бокира қизлардек пок эди (Гитлернинг мўйловли расмига қарасангиз, буни тушуниб олиш қийин бўлмайди). Баъзи маълумотларга кўра, урушнинг дастлабки ойларида Советлар миллиондан ортиқ Польша фуқароларини шарққа сургун қилишган. Улар ҳақида

бир фурсат мuloҳаза юритайлик. Бир неча ой ичида мамлакатнинг бир миллион аҳолиси шунчаки ғойиб бўлди. Уларниң баъзилари бир амаллаб Сибирдаги лагерларга етиб борищди, баъзиларининг қолдиқлари бир неча ўн йил ўтганидан сўнг оммавий қабрлардан топилди. Яна қанчаларининг тақдирни ҳалигача номаълум қолмоқда.

Ана шу Пилецкий ҳам немисларга, ҳам советларга қарши курашган. У бир нечта жангда мағлубияттага учраганидан сўнг, Варшавада бошқа полшалик офицерлар билан биргаликда яширин харакатта асос солди. Улар ўзларига “Махфий поляк армияси” деб ном беришди.

1940 йил баҳорида Махфий поляк армиясига мамлакат жанубидаги бир шаҳарчанинг четида немислар улкан қамоқхона кураётгани тўғрисидаги хабар етиб келди. Немислар бу қамоқхона мажмуасини Аушвитз деб номлади. 1940 йилнинг ёзидан бошлаб, минглаб ҳарбий офицерлар ва миллатнинг олд вакиллари гарбий Польшадан ғойиб бўла бошлади. Қаршилик харакати аъзолари орасида қўрқув пайдо бўлди, чунки шарқда Советлар қўллаган услубни немислар ҳам ўргангани тўғрисидаги гап-сўзлар тарқалган эди. Пилецкий ва унинг экипажи кичик шаҳарча янглиғ майдонни эгаллаган Аушвитз қамоқхонаси ушбу йўқолиб қолишларга алоқадор деб, у ерда собиқ поляк аскарлари қўним топганини тахмин қилди.

Шундан сўнг Пилецкий Аушвитзга ихтиёрий боришига рози бўлди ва бу ҳаракатини кутқарув операцияси дея изоҳлади. Хуллас, у ўз хоҳиши билан қамоқقا тушди, кейин ўша ердаги асир поляк аскарлари билан тил бириктириб қўзғолон уюштириди ва улар қамоқхонани бузиб, қочиб кетишли.

Бу шунчалик хавфли вазифа эдикни, ундан кўра командирдан бир челак оҳак сувини ичишта рухсат сўраши яхшироқ эди. Раҳбарлари уни ақлдан озган деб хисоблашди ва кўп бора ниятидан қайтаришга уринишди.

Аммо ҳафталар биринма-кетин ўтар экан, муаммо катталашиб бораверарди: минглаб поля-

клар йўқолаверар, Аушвitz эса иттифоқ разведка тармоғи ишлаши имконсиз худуд бўлиб қолган эди. Иттифоқчилар у ерда нималар содир бўлаётганини билишмасди ва буни билиш имконияти ҳам йўқ эди. Охир-оқибат, бошлиқлари Пилецкийга режасини амалга оширишга розилик беришиди.

Бир куни кечқурун Пилецкий Варшавадаги одатий назорат пунктида комендантлик соатини бузгани учун хибсга олинди. Орадан кўп ўтмай, у фашистларнинг концлагери – Аушвitzга олиб кетилди.

Пилецкий қамоқхонадаги ҳаёт тахмин қилинганидан ҳам баттарроқ эканини кўрди. Махбуслар сабр қилолмаслик ёки сафда туриш қоидаларини бузиш каби майда-чуйда хатолар учун ҳам тўхтовсиз отиб ташланарди. Уларни қулдан баттар хўрлашар, ўлгудек ишлатишар, баъзида эрмакка юмуш бажартиришар эди. Пилецкийнинг қамоқхонадаги биринчи ойи пайтида асиirlарнинг учдан бир қисми ишнинг зўрлиги ёки зотилжам сабаб оламдан ўтди ёхуд отиб ташланди. Шунча қийинчиликларга қарамай, бир нечта комик китоблар қаҳрамонига айланган Пилецкий 1940 йилнинг охирига келиб, жосуслик операциясини амалга оширишга киришиди.

Эй қаҳрамон Пилецкий, махфий хабарларни кир солинадиган саватларга солиб, разведка алоқаларини қандай йўлга кўйдинг? Эй тубсизлик қаърига ғарқ бўлган ғолиб Пилецкий, қандай қилиб эски қисмлар ва ўғирланган батареялардан Макгайвер услубида йиғганинг транзисторли радиостанция орқали Варшавадаги махфий поляк армиясига қамоқхона лагерига ҳужум режасини жўнатдинг? Эй Пилецкий, қандай қилиб маҳбусларга озиқ-овқат, дори-дармон, кийим-кечак олиб келиш учун қамоқхонада контрабандани ташкиллашибирини уddyададинг? Қандай қилиб минглаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиб, ўлимига рози бўлганларга қайтадан умид бахш эта олдинг? Аммо бу дунё сенга лойиқ бўлиш учун ниҳма қилди?!

Пилецкий икки йил ичида қамоқхонада қаршилик ҳаракатига асос солди. Ушбу қаршилик ҳаракати унвон ва офицерлик тизими мавжуд бўлган қўмондонлиқ занжири, логистика тармоғи ва ташқи дунё билан алоқа линияларини ўз ичига оларди. Энг муҳими, Совет қўриқчилари уларнинг ҳаракатини қарийб икки йил давомида умуман пайқамаган. Пилецкийнинг бош мақсади лагерда кенг кўламли қўзғолон уюштириш эди. У ташқаридан келадиган ёрдам ва кўллаб-куватлаш эвазига қамоқхонани буза олишларига, шунингдек, совет қўриқчиларини маҳв этиб, ўн минглаб поляк партизанлари озодликка чиқишига шубҳа қилмасди. У режа ва ҳисоботларини Варшавага жўнатди. Бир неча ой кутиш билан ўтди. Аммо у тирик қолишни уddaлади.

Кейинчалик бу ерга яхудийларни олиб келиб жойлаштиришди. Аввал автобусларда, сўнг тиқилинч поездларда олиб келишди. Тез орада улар ўлимига рози бўлган ва умидсизликка тушган ўн минглаб одамлар орасига қўшилиб кетишли. Ҳар қандай оилавий мулк ва хукуқлардан маҳрум бўлган яхудийлар янги қурилган «душ» баракларга пала-партиш тақсимланар, у ерда газдан заҳарланганларидан сўнг, жасадлари крематорийда ёқиб юборилар эди.

Пилецкий ташқарига юборган хабарлар даҳшат ва ғазабга тўла эди. Фашистлар ҳар куни ўн минглаб одамларни шафқатсиз тарзда ўлдиради. Уларнинг аксарияти яхудийлар эди. Яхшилаб ҳисобланса, ўлганлар сони миллиондан ошиб кетиши аниқ эди. Пилецкий маҳфий поляк армиясига куйидагича хабар жўнатди: “Дарҳол лагерни озод қилишингизни ўтиниб сўрайман. Агар лагерни озод қилиш қўлингиздан келмаса, ҳеч бўлмаганда, портлатиб юборинг. Худо ҳаққи, бизни ҳеч бўлмаганда газ камераларида ўлиб кетишидан халос қилган бўласиз. Ҳеч бўлмаганда...”

Маҳфий поляк армияси унинг хабарларини қабул қилди, аммо Пилецкий бўрттириб юборяпти деб унга

ишонмади. Уларнинг фикрича, Аушвигтзаги реал ҳаёт бунчалик даражада даҳшатли бўлиши мумкин эмас.

Холокост тўғрисида дунёни огоҳлантирган биринчи инсон Пилецкийдир. Унинг разведка маълумотлари даставвал Польша атрофидаги турли қаршилик гурӯҳлари орқали юборилган, сўнгра Польша ҳукуматининг Буюк Британиядаги вакилига етиб келган ва айнан у Лондондаги бирлашган Кўмондонликка ҳисобот берган. Ахборот охироқибат Эйзенхауер ва Черчиллга ҳам етиб борган. Аммо улар ҳам Пилецкийни бўрттириб юборганликда айблашди.

1943 йилда Пилецкий унинг ғалаён ва қамоқхонани бузиш режалари ҳеч қачон амалга ошмаслигини англаб етди: Махфий поляк армиясидан дарак бўлмади. Америкаликлар билан британияликлар ҳам келишмади. Ҳеч ким кутмаганда, энг ёмон вариант деб билинган вазият юзага келди – СССР қамоқхонага яқинлаша бошлади. Пилецкий лагерда қолиш жуда хавфли эканини англади. Энди бу ердан тезроқ қочиш керак.

Унга қочиш жуда осон туюларди. Даставвал, Пилецкий ўзини касалга солиб, лагер касалхонасига ётиб олди. Кейин врачларга лагер четида, дарё бўйида жойлашган новвойхонада тунги навбатчилиги борлиги ва ишга қайтиши зарурлиги айтиб ёлғон гапирди. Шифокорлар текширувидан ўтиб бўлгач, новвойхонага йўл олди ва у ерда охирги нон тайёр бўладиган соатга қадар ишни давом эттирди. Соат иккига яқинлишиб, охирги нонни ҳам пишириб бўлгач, телефон симларини кесди, эшикни оҳиста ёпди, олдиндан ўғирлаб тайёрлаб қўйган фуқаро кийимини кийди ва совет қўриқчиларининг кўзини шамғалат қилганча дарёга қараб чопти. Ҳатто ўқ ёмғири остида бир неча километр югурди, сўнг қутулганига ишонч ҳосил қилгач, юлдузларга қараб, шаҳар томон иўл топишга уринди.

Бугун дунёизнинг кўп қисми издан чиққандек туюлади. Тўғри, ҳозирда дунё нацистлар ёки холокостдан

азият чекмаяпти (бунга яқын ҳам келгани йўқ), аммо барибир кўп нарса издан чиққан.

Пилецкий каби инсонларниң ҳаёти эса, бизни илҳомлантиради, умид баҳш этади. Пилецкий ҳикояси бизни ўйлашга чорлайди: “Жин урсин, – деймиз ўзимизга ўзимиз, – бу йигит мендан ҳам ҳам баттарроқ аҳволга тушиб қолганди, аммо барисини енгиб ўтди. Мен-чи, нима каромат кўрсатдим?” Диванда ётиб олиб баҳо берадиганлар, твитчилар, порнографияга мукка-сидан кетганилар учридан ҳозирги даврда ўзимизга бир қараб қўйсак, зарар қилимайди. Ўтмишга назар солганда ва истиқболни белгилаб олаётганда, Пилецкий каби қаҳрамонлар дунёни қутқараётганини англаймиз, аммо бу вақтда қанақадир чивинларга қарши курашаётган ёки кондиционер ишламай қолганидан шикоят қилиб юрган бўламиз.

Пилецкий ҳикояси мен ҳаётим давомида дуч келган ягона қаҳрамонона воқеадир. Сабаби, бу қаҳрамонлик шунчаки жасорат, матонат ёки оқилона хийлакорлик эмас. Ушбу сўзлар кенг тарқалган бўлиб, қаҳрамонликка хос бўлмаган хусусиятлар учун ҳам ишлатилавериади. Ҳақиқий қаҳрамонлик – умид қолмаган жойда умид пайдо қилиш, гугурт билан тубсизликни ёритиш, бизга яхшироқ дунёни кўриш имкониятини тақдим этиш (биз яашни хоҳлаган эмас, балки тасаввуримизга ҳам сиғдира олмайдиган дунёни), ҳаммаси издан чиққандек туюлган вазиятни яхши томонга ўзгартириш қобилиятидир.

Жасорат – одатий ҳолат. Матонат ҳам худди шундай. Аммо қаҳрамонликда доимо маълум бир фалсафий ранг бор. Унда қаҳрамонни бошқарадиган буюк «Нега?» – ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзгармас ғаройиб сабаб ёки ишонч мавжуд. Шунинг учун ҳам биз жамият сифатида бугунги кун қаҳрамони учун жуда умидсизмиз: вазият жуда ёмон бўлгани учун эмас, балки биз олдинги авлодларни жунбушга келтирган муайян «Нега?»ни йўқотиб қўйганимиз учун.

Биз тинчлиқ, фаровонлиқда, шунингдек, ҳеч нарсага, ҳатто электомобил радиаторлари учун янги қопқоқقا муҳтож бўлмаган замонда яшяпмиз. Буларнинг бари бизда мавжуд. Биз фақат умидга муҳтоjmиз.

Урушнинг даҳшатларига, қийноқ, ўлим ва геноцидга гувоҳ бўлган Пилецкий эса, ҳеч қачон умидини йўқотмади. Ўз мамлакатини, оиласини, дўстларини ва ҳаётини деярли йўқотганига қарамай, ҳеч қачон умидини сўндиrmади. Урушдан кейин Совет иттифоқи хукмронлиги ўрнатилган бўлса-да, ҳеч қачон эркин ва мустақил Полъша орзусида ёнишдан тўхтамади. Ҳеч қачон фарзандлари учун тинч ва баҳтли ҳаёт яратишумидан чекинмади. Ҳеч қачон одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ва уларга ёрдам бериш фикридан қайтмади.

Урушдан сўнг Пилецкий Варшавага келди ва жосусликни давом эттирди. Бу вақтда ҳокимиятни коммунистик партия эгаллаб олган эди. Пилецкий яна бир бор мунтазам ёвузлик тўғрисида, шунингдек, Советлар Полъша ҳукумати сайлов натижаларини қалбакилаштиргани ҳақида Ғарбга биринчи бўлиб хабар берган шахс сифатида тарихда қолди. У, яна, уруш пайтида советлар содир этган шарқдаги ваҳшийликларни хужжатлаштирган биринчи шахс ҳисобланади.

Аммо бу сафар уни фош қилишнинг уddасидан чиқишиди. Унга ҳибста олинниши мумкинлигини айтишиб, Италияга қочиш имконияти яратиб беришиди. Аммо Пилецкий бу таклифни рад этди – Полъшада қолишни ва шу ерда ўлишни таниашини, бегона юртда яшащдан воз кечишини маълум қилди. Эркин ва мустақил Полъша унинг ягона умид маёнбай эди. Бусиз у ҳечким эди.

Шундай қилиб, умиди унинг ўлимига сабаб бўлди. 1947 йилда коммунистлар Пилецкийни қўлга олди ва унга шафқатсизларча муносабатда бўлишиди. У деярли бир йил давомида қийноқка солинди. Қийноқлар шу қадар даҳшатли ва давомий бўлганки, Пилецкий кейинчалик Аушвitz билан таққослар экан, хотинига “у ер шунчаки жаннат эди”, деб айтган.

Шунга қарамай, у ҳеч қачон терговчилар билан ҳамкорлик қилишга рози бўлмаган.

Охир-оқибат, ундан ҳеч қандай маълумот олишнинг имконияти йўқлигини англаган коммунистлар Пилец-кийдан ўрнак олишга қарор қилишди. 1948 йилда улар сайдер суд ўтказиб, хужжатларни қалбакилаштириш, комендантлик соатини бузиш, жосуслик ва хиёнат билан шуғуланиш каби бир қанча айбларни Пилецкийнинг бўйнига қўйишиди. Бир ой ўтгач, судда у айбдор деб то-пилди ва ўлимга маҳқум этилди. Маҳкаманинг сўнгти кунида Пилецкийга охирги марта гапиришга имкон беришиди. У ҳар доим Польша ва унинг халқига содик бўлганини, ҳеч қачон бирон бир ватандошига зарар етказмагани ёки хиёнат қилимаганини, шунингдек, ҳеч нарсадан афсусланмаслигини таъкидлаб ўтди. “Мен шундай яшашга ҳаракат қилдимки, ўлим ониари яқинлашганида кўркувдан кўра қувончни ҳис қилишим керак эди”, деганча гапини тутатди у.

Агар бу ҳикоя сиз эшитган энг аянчли воқеа бўлмаса, демак, бундан ҳам баттарроғини сиздан эшитишимиизга тўғри келар экан.

Сизга қандай ёрдам беришим мумкин?

Агар мен “Starbucks”да ишлаганимда, кофе идишига одамларнинг исмини ёзиш ўрнига бошқа нарса ёзган бўлардим. Масалан:

“Бир куни сиз ҳам, яқинларингиз ҳам бу дунёдан ўтади. Баъзи бирорларникини ҳисобга олмаганда, ҳаммаларингизнинг гапларингиз-у қилган ишларингиз – барча-барчаси унуптилади. Ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати бу. Ва бу нарса сиз ўйлаган ёки қилган ишларингиздан қочишнинг ажойиб усули ҳамдир. Биз коинотда шунчаки бир заррамиз, холос. Аммо ўзимизни жуда муҳим тасаввур қиласиз. Олдимизга маҳсадлар қўямиз, аммо биз ҳечмиз!

Шунинг учун бу лаънати кофени ичинг”.

Албатта, бу сўзларни майда ҳарфлар билан ёзишимга тўғри келарди. Шунингдек, бироз вақт талаб қилинарди, сабаби Старбукус қаҳвахоналаридағи эрталабки навбатнинг охири ташқарида бўларди. Мижозлар эса доимо қаҳвахона хизматчилари яхши ишламаслигидан шикоят қилишарди. Эҳтимол, у ерда ишламаслигимнинг сабабларидан бири шу бўлса керак.

Чек-чегарасиз макон ва замон кенгликларида онангизнинг буйрак алмашинуви яхши натижа келтиргани, болаларингизнинг коллежга қатнаши ёки хўжайинингиз сизни жадвал тузганингиз учун мақташи мутлақо аҳамиятли эмас. Коинот учун демократлар ёки республикачиларнинг президентлик сайловларида ғалаба қозонишининг ҳам қизиғи йўқ. Машхур аэропорт ҳаммомида кокаин истеъмол қилиб, мастурбация пайтида қўлга тушган бирорта машхур шахс ҳам қизиқ эмас. Ўрмонлар ёниб кетадими, музлар эрийдими, сув сатҳи кўтариладими, ҳаво заҳарланадими ёки генимиз бегона ирқлар томонидан булғанадими – коинотта заррача фарқи йўқ.

Аммо Сизга фарқи бўлмаслиги мумкин эмас!

Сиз қайғуринг. Қайғурганингиз учун ҳам ҳаммасининг ортида қандайдир буюк космик маъно борлиги-га ўзингизни ишонтирасиз.

Сиз қайғуринг. Ёқимсиз ҳақиқатдан, мавжудлигиниз маъносизлигидан, моддий аҳамиятсизлигиниз туфайли эзилиш хавфидан қутулиш учун ҳам сизга ушбу муҳим туйғу керак. Бошқаларга ўхшаб ушбу ҳаёлий аҳамиятни атрофингиздаги одамларга намойиш қилинг, айнан шу нарса сизга умид баҳш этади.

Бу гапларни гапиришга ҳали эрта деб ўйлайсизми? Мана сизга яна битта кофе. Мен ҳатто унинг юзасига кўпикли сут билан смайлик чизганман. Хўш, бу ёқимли эмасми? Майли, сиз уни инстаграмга жойлаштиргунингизгача кутиб тураман.

Хўш, қаерда тўхтаган эдик? Ҳа! Тўппа-тўғри – мавжудлигиниз тушунарсиз экани масаласида.

Ҳойнаҳой, “Марк, ишонаманки, биз ҳаммамиз бир сабаб билан яшаяпмиз. Бу дунёда ҳеч нарса тасодифан содир бўлмайди ва ҳаётда ҳар бир инсоннинг ўз ўрни бор. Бизнинг хатти-ҳаракатларимиз бошқаларга таъсир кўрсатади. Биз бир кишига ёрдам қўлини чўзсан, бехуда яшамаган бўламиз, тўғрими?” деган фикр хаёлингиздан ўтиб турган бўлса, ажаб эмас.

Оббо, қуёнчам-э!

Қаранг, умидхакида гапкетяпти. Тонгда ўрнингиздан туришингиз учун ушбу ҳикояни тўқиб чиқарасиз: ҳаётда нимадир муҳим бўлиши зарур, чунки бирон-бир нарса аҳамият касб этмаса, унда яшашни давом эттириш учун ҳеч қандай сабаб қолмайди. Фидойи-ликнинг баъзи кўринишлари ёки азобни енгиллаштиришга уриниш энг ишончли ҳаёт қутқарувчиларидир: сизни бирон-бир нарсага эҳтиёж борлигига ишонтириш жуда осон.

Худди балиқ сувга эҳтиёж сезганидек, руҳимизнинг ҳам умидга муҳтожлиги бор. Умид ақлий ҳаракат учун ёқилғидир. Умид – пишириқдаги сариёғдек гап. Умид бўлмаса, бутун бошли ақлий аппаратингиз ишдан чиқади ёки оч қолади. Агар келажак ҳозирги даврдан авлороқ бўлиб, ҳаётимиз қайсиdir жиҳатдан яхшиланади, деган умид бўлмаса, руҳан ўлган ҳисобланамиз. Ахир, эртанги кун яхшиланишга умид қиласак, нима учун яшаяпмиз? Нима учун тирикчилик қиляпмиз?

Кўпчилик бир нарсани тушунмайди: баҳтнинг акси ғазаб ёки қайғу эмас. Агар ғазаблансангиз ёки хафа бўлсангиз, демак, сизда ҳали қайғуриш ҳисси мавжуд. Бу сизда умид ҳали ҳам бор, деганидир.

Аксинча, баҳтнинг зидди умидсизлик, тортиноқлик ва бепарволикнинг чексиз кулранг уфқидир. Бу ҳаммаси издан чиқди деган тушунчага ишонишидир. Хўш сизни нима безовта қиляпти?

Умидсизлик – совуқ ва ишончсиз мункирлик, ҳаётда яшашдан маъно топмагани сабабли ҳамма нарсага кўл силташ, шунинг оқибатида олов билан ўйнашиш,

Албатта, бу сўзларни майдага ҳарфлар билан ёзишимга тўғри келарди. Шунингдек, бироз вақт талаб қилинарди, сабаби Старбукус қаҳвахоналаридағи эрталабки навбатнинг охири ташқарида бўларди. Мижозлар эса доимо қаҳвахона хизматчилари яхши ишламаслигидан шикоят қилишарди. Эҳтимол, у ерда ишламаслитимнинг сабабларидан бири шу бўлса керак.

Чек-чегарасиз макон ва замон кенгликларида онангизнинг буйрак алмашинуви яхши натижа келтиргани, болаларингизнинг коллежга қатнаши ёки хўжайинингиз сизни жадвал тузганингиз учун мақташи мутлақо аҳамиятли эмас. Коинот учун демократлар ёки республикачиларнинг президентлик сайловларида ғалаба қозонишининг ҳам қизиги йўқ. Машхур аэропорт ҳаммомида кокаин истеъмол қилиб, мастурбация пайтида қўлга тушган бирорта машхур шахс ҳам қизиқ эмас. Ўрмонлар ёниб кетадими, музлар эрийдими, сув сатҳи кўтариладими, ҳаво заҳарланадими ёки генимиз бегона ирқлар томонидан булғанадими – коинотта заррача фарқи йўқ.

Аммо Сизга фарқи бўлмаслиги мумкин эмас!

Сиз қайғуринг. Қайғурганингиз учун ҳам ҳаммасининг ортида қандайдир буюк космик маъно борлиги-га ўзингизни ишонтирасиз.

Сиз қайғуринг. Ёқимсиз ҳақиқатдан, мавжудлигиниз маъносизлигидан, моддий аҳамиятсизлигиниз туфайли эзилиш хавфидан кутулиш учун ҳам сизга ушбу муҳим туйғу керак. Бошқаларга ўхшаб ушбу ҳаёлий аҳамиятни атрофингиздаги одамларга намойиш қилинг, айнан шу нарса сизга умид баҳш этади.

Бу гапларни гапиришга ҳали эрта деб ўйлайсизми? Мана сизга яна битта кофе. Мен ҳатто унинг юзасига кўпикли сут билан смайлик чизганман. Хўш, бу ёқимли эмасми? Майли, сиз уни инстаграмга жойлаштиргунингизгача кутиб тураман.

Хўш, қаерда тўхтаган эдик? Ҳа! Тўппа-тўғри – мавжудлигиниз тушунарсиз экани масаласида.

Ҳойнахой, “Марк, ишонаманки, биз ҳаммамиз бир сабаб билан яшаяпмиз. Бу дунёда ҳеч нарса тасодифан содир бўлмайди ва ҳаётда ҳар бир инсоннинг ўз ўрни бор. Бизнинг хатти-ҳаракатларимиз бошқаларга таъсир кўрсатади. Биз бир кишига ёрдам қўлини чўzsак, бехуда яшамаган бўламиз, тўгрими?” деган фикр хаёлингиздан ўтиб турган бўлса, ажаб эмас.

Оббо, қуёнчам-э!

Қаранг, умидҳақида гап кетяпти. Тонгдаўрнингиздан туришингиз учун ушбу ҳикояни тўқиб чиқарасиз: ҳаётда нимадир муҳим бўлиши зарур, чунки бирон-бир нарса аҳамият касб этмаса, унда яшашни давом эттириш учун ҳеч қандай сабаб қолмайди. Фидойи-ликнинг баъзи кўринишлари ёки азобни енгиллаштиришга уриниш энг ишончли ҳаёт кутқарувчилариdir: сизни бирон-бир нарсага эҳтиёж борлигига ишонтириш жуда осон.

Худди балиқ сувга эҳтиёж сезганидек, рухимизнинг ҳам умидга муҳтожлиги бор. Умид ақлий ҳаракат учун ёқилғидир. Умид – пишириқдаги сариёғдек гап. Умид бўлмаса, бутун бошли ақлий аппаратингиз ишдан чиқади ёки оч қолади. Агар келажак ҳозирги даврдан авлороқ бўлиб, ҳаётимиз қайсиdir жиҳатдан яхшиланади, деган умид бўлмаса, руҳан ўлган ҳисобланамиз. Ахир, эртанги кун яхшиланишга умид қилмасак, нима учун яшаяпмиз? Нима учун тирикчилик қиляпмиз?

Кўпчилик бир нарсани тушунмайди: баҳтнинг акси ғазаб ёки қайғу эмас. Агар ғазаблансангиз ёки хафа бўлсангиз, демак, сизда ҳали қайғуриш ҳисси мавжуд. Бу сизда умид ҳали ҳам бор, деганидир.

Аксинча, баҳтнинг зидди умидсизлик, тортичоқлик ва бепарволикнинг чексиз кулранг уфқидир. Бу ҳаммаси издан чиқди деган тушунчага ишонишдир. Хўш сизни нима безовта қиляпти?

Умидсизлик – совуқ ва ишончсиз мункирлик, ҳаётда яшашдан маъно топмагани сабабли ҳамма нарсага кўл силташ, шунинг оқибатида олов билан ўйнашиш,

бошлиқнинг хотини билан бир тўшакда ухлаш ёки мактабда отишма содир қилиш! Мангулик олдида биз учун аҳамият касб этиши мумкин бўлган барча нарсаларнинг тезда бир пулга айланайтанини англаш ҳам умидсизликдир. Афсуски, бу гаплар ёқимсиз эса-да, ҳақиқат!

Умидсизлик ташвиш, руҳий касалликлар ва тушкунликнинг илдизидир. Худди шу нарса аксар баҳтсизликнинг манбай ва гиёҳвандликларнинг сабабидир.

Булар баландпарвоз гаплар эмас. Тинимсиз ташвиш чекиши, яъни умиднинг инқорозга юз тутишидан қўрқишидир; муваффакиятсиз келажакдан хавфсирашдир. Умидсизликнинг меваси тушкунликдир.

Бу маънисиз келажакка ишонч бўлиб, хаёлпастлик, гиёҳвандлик, фанатлик – буларнинг барчаси бир вақтнинг ўзида битта тинчлантирувчи ёки семизликка қарши дори билан ўтиб кетадиган ҳолатлардир.

Умидсизликка йўл қўймаслик керак, шунда умид пайдо бўлиши онгимизнинг асосий лойиҳасига айланади. Бу жараёнда инсон ва олам ҳақидаги барча тасаввурлар умид устида қурилганини тушуниб оламиз. Шундай экан, ҳар биримиз учун сув ва ҳаводек зарур бўлган ягона нарса умиддир. Айнан умид туфайли биз тасаввур қила олганимиздан ҳам кўпроқ нарсаларга ишонамиз. Умид бўлмаса, биз ҳеч киммиз.

Коллежда ўқиб юрган пайтимда бобом вафот этиб қолди. Орадан бир неча йил ўтса ҳам, бобом фахрланаидиган даражада ҳаёт кечиришим тўғрисидаги фикр менга тинчлик бермасди. Қайсиdir маънода бу мен учун тўғри ва оқилона йўл бўлиб туюлса ҳам, аслида унақа эмасди. Ҳаётта реал кўз билан қараганда, бу хатти-ҳаракатдан ҳеч қанақа мантиқ топиб бўлмасди. Бобом билан ҳеч қачон яқин муносабатда бўлмаганман. Биз ҳеч қачон телефонда гаплашмасдик. Ҳеч қачон бир-бirimizda xat ёзмаганмиз. Ҳатто охирги 5 йилда умуман кўришмаганмиз ҳам.

Уни ўлган дебайта олмасдим. Менинг “бобом фахрла-

ниши учун яшаганим" нингунга нима қизифи бор? Бобомнинг ўлими мени ушбу ёқимсиз ҳақиқатта тик қарашга ундади. Шундай қилиб, ҳар қандай мункирликдан ҳалос бўлиш ва руҳий ҳолатимни бир маромда ушилаб туриш учун миямда келажакка умид ишлаб чиқара бошладим. Бобом бу ҳаётда умид қилиш ва интилиш қобилиятидан маҳрум бўлгани сабабли, мен унинг ўрнига умид қилиш ва интилишни давом эттиришим жуда мухим деган қарорга келдим. Шу нарса менинг ўзимга яраша шахсий ишончим, шахсий эътиқодимга айланганди.

Ҳа, бу иш берди. Унинг ўлими қисқа вақт ичида менинг жўн ва бемаъни машғулотларимга маъно ва муҳимлик баҳш этди. Ва айнан шу нарса менда умид пайдо қилди. Эҳтимол, сиз ҳам яқинларингиздан бирор киши вафот этганида меникига ўхшаш ҳиссиётларни бошдан кечиргандирсиз. Бу одатий ҳистуйғу. Ўзингизга "ўша яқин инсоним мен билан фахрланиши учун яшайман", деб айтгандирсиз? Балки "ҳаётимни уни хурсанд қилишга баҳшида этаман", деб таъкидлагандирсиз? Қачондир бунинг мухим ва оқилона иш эканига ишонч ҳосил қилгандирсиз...

Бу "муҳим ва оқилона иш" бизни экзистенциал қўрқув пайтида руҳий ҳолатимизни бир маромда ушлаб туради. Мен бобомнинг арвоҳи доимо мени кузатиб туришини ҳис қилиб яшадим. Тириклигида деярли билмаганим бу инсонга энди математика имтиҳонини қандай топширишим қизиқдек туюларди. Албатта, бу мутлақ бемаънилик эди.

Бизнинг онгимиз ҳар сафар баҳтсизлик бошимиизга тушганда тасалли берадиган хаёлий ҳикояларни ўйлаб топади. Ҳатто маънисиз ёки зарарли бўлса ҳам, бу хаёлий ҳикояларга ишонишимиз керак, чунки уларнинг барқарорлаштирувчи кучи онгимизни ёқимсиз ҳақиқатдан ҳимоя қилиши мумкин. Умид ҳақидаги ушбу ҳикоялар ҳаётимизда мақсад борлигини англаб яшавимизга ёрдам беради. Бу ҳикояларда нафақат кела-жақда яхшироқ нарса борлиги назарда тутилади, балки

үшпа порлоқ келажаккa эришиш учун барчада имконият мавжудлиги уқтирилади. Ҳаётдан мақсад топа олмаган инсон ўзи учун нимa мұхимлигини, чекланған вақтини нимага сарфлаш қераклигини, гапнинг қисқаси, нимага умид қилиши лозимлигини билмайди. У ҳаёти «олдин» кечганини ва «кейин» қандай кешиши қераклигини тасаввур қила олмайди.

Үзингиз учун “олдин” ва “кейин”ни аниқлаб олиш оддий иш әмас. Буни аниқлаш жуда қийин, сабаби, сиз ҳақ ёки ноңақ эканингизни аниқ билишнинг ҳеч қанақа усули ўйлаб топылмаган. Шунинг учун одамлар динга муҳтож, диннинг күрсатмаларини ўзларига асос қилиб олишади ва унга күра ўзларининг ҳаракатларига баҳо беришади. Диндор одамлар динга эътиқод қилмайдиганларга нисбатан камроқ тушкунликка тушиши ва жонларига камроқ қасд қилиши бор гап. Диний эътиқод одамларни ёқимсиз ишлардан ҳимоя қиласи.

Аммо умид ҳақидаги ҳикояларингиз диний бўлиши шарт әмас. Ҳар қандай мавзудагиси ҳам бўлаверади. Бу китоб менинг кичик умид манбаим. У менинг ҳаётимга мақсад ва маъно ато этди. Умид ҳақидаги бу китобим одамларга ёрдам бериб, ўзимнинг ҳаётимни ва дунёни бироз бўлса ҳам ўзгартиришига ишонаман.

Мен буни аниқ биламанми? Йўқ. Аммо бу менинг «олдин» ва «кейин» ҳақидаги шахсий ҳикоям ва усиз ҳеч нима қила олмайман. Бу ҳикоя мени эрталаб ғайрат билан уйғонишумга ва ҳаётимдан мамнун бўлишимга сабаб бўлади. Бу менга нафақат куч беради, балки ҳаётдан умидвор ҳам қиласи.

Баъзи одамлар “олдин” ва “кейин” ҳақидаги ҳикояни болаларига яхши тарбия бериш деб билади. Баъзилар эса буни атроф-мухитни сақлаб қолища кўради. Кимдир бахтни миллиардлаб пул ишлаб топиб, шахсий яхта сотиб олища кўрса, яна ким учундир голф ўйинини ўрганиш саодат йўли бўлиб кўринади.

Хоҳлаймизми-йўқми, барчамизда бирон-бир сабабга кўра танлаб олинган қанақадир ҳикоялар мавжуд. Сиз

умидни диний эътиқодлар орқали оласизми ёки далилларга асосланган назария, ички ҳиссиётлар ва асосли далиллар орқалими, фарқи йўқ. Буларнинг барчаси бизни битта натижага элтади: келажақда ўсиш, яхшилаш ёки сақланиб қолиш учун потенциалимиз бор ва бу келажакка эришиш учун бизда имконият мавжуд. Бўлди.

Кундан кунга, йилдан йилга ҳаётимиз ушбу умид ҳақидаги ҳикояларнинг чексиз тўқнашувидан иборат бўлиб бормоқда. Бу ҳикоялар худди чўпли сабзига ўхшайди.¹

Илтимос нотүғри тушунманг, мен нигилизмга – одамлар кўниккан қонун-қоидаларни инкор қилишга мутлақо қаршиман. Бу китобда умуман мункирликнинг фойдалари тўғрисида мулоҳазалар берилмайди. Китобда ичимизда яшайдиган инкор билан замонавий дунёда мавжуд мункирликнинг заарлари кўрсатиб ўтилган. Нигилизмга қарши муваффақиятли курашиш учун ишни уни ўрганишдан бошламоқ керак. Бу эса, ёқимсиз ҳақиқат. Шу ердан туриб, аста-секинлик билан умид учун ишонарли далиллар келтиришингиз мумкин. Щунчаки ҳар қандай умид ҳақида эмас, балки умиднинг барқарор, хайриҳоҳ шакли ҳақида гап кетяпти. Бизни ажратиб юбориш ўрнига, бирлаштирадиган умид ҳақида. Мустаҳкам ва кучли, ҳалигача ақл ва ҳақиқатта суюнган, кунимиз оҳирiga қадар миннатдорлик ва мамнуният ҳиссини баҳш этадиган умид ҳақида.

Буни бажариш сиз ўйлагандек осон эмас, бу аниқ. Айниқса, йигирма биринчи асрда бу иш ҳар қачонгидан ҳам қийинроқ кечади. Нигилизм билан хоҳиш-истакларга тўла эрк бериш иккаласи биргаликда дунёни қамраб олмоқда. Ҳокимият – ҳокимият учун. Муваффақият – муваффақият учун. Хурсандчилик – хурсандчилик учун. Нигилизм муйайян “нима унун?” до-

¹ Иккинчи жаҳон уруши пайтларида Англияниң сарзинчарга чўлтиқиб, болаларга сотишган. Биздаги хурозканд Ҳимакандни тасаввур қилинг. Сут, шакар танқис вактларда ота-оналар боҳалирини музқаймок ўрнига “сабзиқанд” билан тозореди музқаймаклар.

ган тушунчани тан олмайди. У ҳеч қандай ҳақиқат ёки сабабга риоя қылмайди. У “шунчаки менга ёқяпти”, деган ғояни күллаб-кувватлайди, холос. Күриб турганимиздек, буларнинг ҳаммаси жуда ёмон оқибатларга олиб келади.

Тараққиёт парадокси

Биз қизиқ даврда яшаяпми; моддий нарсалар аввалгидан сөзиларли даражада яхши бўлса ҳам, дунё обдан тозаланиши керак бўлган катта ахлат қутисига айланиб қолган, деган тушунча хаёлимизни банд этган. Маънисиз умидсизлик ҳисси бойлар, шунингдек, ривожланган давлатлар орасида тарқалмоқда. Бу нарса тараққиёт мантиғига зид – парадокс ҳисобланади: нарсалар такомиллашгани сари, бизни ташвиш ва умидсизлик кўпроқ эгалламоқда.

Сўнгти йилларда Стивен Пинкер ва Ганс Рослинг каби ёзувчilar бир овоздан умидсизликка тушиш учун ҳеч қанақа асос йўқлигини, аслида, инсон ҳёти ҳеч қачон бунчалик гуллаб-яшнамаганини ва келажакда бундан ҳам яхши бўлишини таъкидлашмоқда. Иккаласи ҳам бир бурчакдан бошланадиган ва негадир ҳар доим қарама-қарши бурчакда тутайдиган графика ва диаграммалар билан тўлган қалин ва оғир китоблар тўпламини ёзишган. Иккаласи ҳам биздаги тарафкашлик ва нотўғри тахминлар асл воқеликни тўла ҳис этишимиздан тўсишини батафсил баён қилди. Уларнинг фикрича, тараққиёт замонавий тарих² давомида узлуксиз давом этган. Ҳозирги одамлар ҳар қачонгидан ҳам саводли ва ўқимишли ҳисобланишади. Зўравонлик йилдан йилга, эҳтимол асрдан-асрга камайиб бормоқда. Ҳозирда ирқчилик, фаҳш, ҳукуқларнинг поймол этилиши ва аёлларга нисбатан зўравонлик тарихдаги энг паст кўрсаткичларда қайд этилмоқда. Бизда олдин мавжуд

² Биламизки, инсоният тарихи бир неча даврга бўлинади: антик, энг қадимги, қадимги, ўрта асрлар тарихи каби. Замонавий тарих деңгана 1918 йилдан (баъзи тарихчilar, 1917 йилдан бошланади, дейди) ҳозирги кунгача бўлган давр тушунилади. – Мұхаррир.

бўлмаган кўплаб ҳуқуқлар мавжуд. Сайёрамизнинг ярмидан кўпи интернетдан фойдаланади. Дунё бўйлаб ўта қашшоқлик даражаси жуда паст фоизни ташкил этади. Инсоният тарихи ҳеч қачон ҳозиргидек кичик ва камдан-кам содир бўладиган урушиларга гувоҳ бўлмаган. Болалар ўлими ҳам жуда кам, инсонлар узок умр кўришмоқда. Одамлар қўлида тўпланган бойлик ҳар қачонгидан ҳам кўп. Шунингдек, сўнгти йилларда инсоният кўплаб қасалликларнинг даъвосини топишга мусассар бўлди.

Рости, ёзувчилар ҳақ. Биз бу маълумотларни ёдда тутишимиз керак. Аммо бундай китобларни ўқиш Ларри амакининг³ ўшлигида яшаш қанчалик қийин бўлгани ҳақидаги ҳикояни тинглашга ўхшайди. Унинг гаплари тўғри бўлса-да, бу муаммоларингизни яхшироқ ҳис қилишингизга ёрдам беролмайди.

Бугунги кунда эълон қилинаётган шунча хушхабарларга қарамай, бир нечта ҳайратланарли статистик маълумотлар ҳам мавжуд: АҚШда руҳий тушкунлик ва депрессия аломатлари охирги саксон йил ичида ўшлар орасида ва охирги йигирма йил ичида катталар орасида энг юқори даражага етди. Муаммо фақаттина одамларнинг депрессиядан азият чекаётганида эмас, балки уларнинг эрта ўшдан бошлиб бундай оғир дардни бўйнига олганидадир. 1985 йилдан бери аёллар-у эркаклар ҳаётдан қониқмасликларини айтиб келишади. Уларда бу ҳолатнинг юз беришига сабаб охирги ўттиз йил ичida тушкунлик даражаси ортгани бўлса керак. Опиум туфайли етган инқироз Америка ва Канаданинг аксарият қисмини остин-устун қилиб юборди, шу сабабли гиёхванд моддаларга ҳаддан ташқари ружу қўйиш охирги пайтларда энг юқори кўрсаткичга етди. АҚШ аҳолиси орасида ёлғизлик ва жамиятдан ажралиб яшаш ҳисси кучайиб бормоқда. Америкаликларнинг деярли ярми ўзларини ёлғиз ҳис қилишларини билдиришган.

³ Ларри амаки – тарихий шахс; санъатда мультифильмлардаги ижобий қаҳрамон. У бутун дунё болаларининг ҳимоячиси бутун гавдалантирилган.

Ривожланган мамлакатлардаги ижтимоий ишонч жуда тез суратларда пасаймоқда: ҳукуматта, оммавий ахборот воситалариға ва бир-бирларига ишонадиган одамлар ҳар қачонгидан ҳам камайиб бормоқда. 1980 йилларда ўтказилган тадқиқотларда қатнашчилардан сүнгти олти ой ичида мұхим шахсий масалаларни нең-чта одам билан муҳокама қилишгани сүралганида, әнг күп учрайдиган жавоб “уч” әди. 2006 йилга келиб эса, “уч” ўз ўрнини “нол”ға бўшатиб берди.

Айни пайтда, атроф-мухит бутунлай издан чиққан. Шизоидлар⁴ қўлида аллақачон ядро қуроллари мавжуд ёки яқин орада мавжуд бўлади. Экстремизмнинг ҳар қандай кўриниши – ўнг ва чап, диний ва дунёвий – жаҳон бўйлаб ўсишда давом этмоқда. Фитна назариячилари, фуқаро милиционерлари, сурвивалистлар-у «препперлар» (Армагеддонга тайёргарлик кўраётганлар) шу қадар оммабоп субмаданиятга айланганки, улар чегарадаги асосий оқимга дўниб бўлишган.

Умуман олганда, биз дунё тарихидаги энг хавфсиз ва гуллаб-яшнаётган инсонлар бўлсанк ҳам, умидсизлик бизни ҳар қачонгидан кўра қаттикроқ қамраб олган. Ишларимиз қанчалик яхшиланмасин, умидсизликка туша-верамиз. Бу тараққиёт парадоксидир. Ва эҳтимол, буни қуидаги ҳайратланарли далил билан асослаш мумкин: қанчалик фаровон ва хавфсиз ҳолатда яшасангиз, ўз жонингизга қасд қилиш эҳтимоли шунчалик катта бўлади.

Сүнгти бир неча юз йил ичида соғлиқни сақлаш, хавфсизлик ва моддий бойликлар соҳасидаги улкан ютуқларни инкор этиб бўлмайди. Аммо булар келажак ҳақидаги эмас, балки ўтмиш ҳақидаги статистик маълумотлардир. Умид эса, бизнинг келажак тўғрисидаги тасаввурларимизда яшайди.

Умид статистикага асосланмаган. Умид қурол билан боғлиқ ўлимлар ёки автоҳалокатларнинг камайиши каби ҳолатлар ҳақида қайғурмайди. Ўтган йили уму-

⁴ Шизоид – руҳий аномал одам.

ман авиаҳалокат содир бўлмагани ёки Мўғулистанда саводлилик даражаси мисли кўрилмаган кўринишга келгани билан унинг иши йўқ.

Умид аллақачон ечилган муаммолар ҳақида ўйламайди. Уни ҳал қилинмаган муаммолар қизиқтиради. Чунки, дунё қанчалик яхшиланса, биз шунчалик кўп йўқотишимизга тўғри келади. Шунингдек, қанчалик кўп йўқотишимизга тўғри келса, шунчалик кам умид қилишимиз кераклигини ҳис этамиз.

Умид ўйғотиш ва уни сақлаб қолиш учун бизга учта нарса керак бўлади: Назорат, Қадрият, Жамият. «Назорат» деганда хаётимизни ўзимизда ушлаб туришимиз ва тақдиримизга таъсир қилишимиз мумкинлигини англаш ҳиссини тушунамиз. «Қадрият» эса нимагадир етишиш ва яхшироқ нарсага интилиш учун муҳим бўлган тушунчадир. «Жамият» бизнинг ишларимизни қадрлайдиган ва уларга эришиш учун ҳаракат қилаётган гурухнинг бир қисми эканимизни англатади. Жамият бўлмаса, яккаланниб қоламиз ва қадрияларимиз ҳеч қандай маъно англатмай қўяди. Қадрият бўлмаса, ҳеч нарса интилиш учун арзимаслигини тушуниб етамиз. Назорат бўлмаса, бирон нарсага интилишга ожизлигимизни ҳис қиласиз. Учтасидан бирортасини йўқотсангиз, қолган иккисини ҳам йўқотасиз. Демакки, умидни йўқоттан бўласиз.

Нега бугун умидларимиз инқирозга учраётганимизни англаб етишимиз учун унинг пайдо бўлишини ва ўрнашиб қолиш механизмини яхши тушуниб олишимиз керак. Кейинги уч – Назорат, Қадрият ва Жамият бобларида хаётимизнинг ушбу уч соҳасини қандай ривожлантириш ҳақида сўз юритамиз.

Яна ўша саволга қайтамиз: ҳаммаси яхшиланиб боришига қарамай, ўзимизни тобора ёмон ҳис этаётганимиз дунёда нималар юз бермоқда?

Жавоб сизни ҳайратта солиши аниқ.

2-БОБ.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИЛЛЮЗИЯСИ

Барчасига бошоғриқ сабаб бўлди.

Машхур компанияни бошқарган Элиот омадли одам эди. Унинг ҳамкаслари ва қўшилари орасидаги обрўйи жуда баланд эди. У қизиқарли, шу билан бирга, кўнгилга тегмайдиган ҳазил қилишни билар эди. Унинг ҳаёти бекам-у кўст эди: хотини, фарзандлари, дўстлари... Кўшимчасига, меҳнат таътилларини соҳилда ўтказарди. Аммо ҳар замонда безовта қилиб турадиган бошоғриғи бўлмаганида, унда ҳаммаси яхши, деб айтишимиз мумкин эди. Бу бир зумда ўтиб кетадиган ёки битта цитрамон билан босиладиган оғриқ эмасди. Гёё кимдир бошига улкан рўмол боғлаб, миясини ғижимлаётганга ва ичкаридан туриб, пўлат золдир билан кўз соққасига зарба берадиган ўхшарди.

Элиот дори ичди. Уйқу дори ҳам ичиб кўрди. Асабийлашмасликка, тинчланишга, дам олишга, сиқилмасликка ва унуглишга ҳаракат қилди. Аммо, ҳар қанча уринмасин, бош оғриғи қолмади. Балки, янада кучайди. Кўп ўтмай, бошоғриқ шунчалик жиддийлашдики, Элиот кечаси ухлай олмайдиган ёки кундузи ишлайлмайдиган бўлиб қолди.

Нихоят, шифокорга боришга қарор қилди. Шифокор одатий ишларини қилди, текшириб кўрди, натижаларни таҳлил қилди ва кейин Элиотга шумхабарни етказди: миясининг ўнг олд қисмида шиш мавжуд. “Мана у. Кўярпизми? Ҳа, ҳа, олдидаги кулранг доғ. Ҳа, у катта. Тахминан, бейсбол тўпидек келади”.

Жарроҳ бу шишни олиб ташлади ва Элиот уйига қайтди. Бир неча кундан сўнг ишга чиқди. Оиласи ва дўстлари билан яна дийдор кўришди. Ҳаммаси яхшидек туюлаётган эди. Аммо...

Бирданига ҳаммаси ёмон тарафга ўзгариб кетди.

Элиотнинг иш фаолиятида оғир синовлар пайдо бўлди. Бир пайтлар унинг учун арзимасдек туюлган вазифалар энди ундан жуда катта диққат ва эътибор талаб қиларди. Кўк ёки қора ручкадан фойдаланиш борасида бир қарорга келиш учун соатлаб вақт сарфларди. У жуда жўн хатолар қилиб кўяр ва бир неча ҳафта ўтса ҳам, уларни тузатмас эди. У иш жадвалидаги қора туйнукка айланиб қолганди. Йиғилиш ва дидлайнларни ўтказиб юборар, гўёки буларнинг ҳаммаси бутун бошли макон ва замон табиатига ҳақоратдек туюларди.

Аввалига ҳамкасларнинг унга раҳми келиб, айбларини беркитишга ҳаракат қилишди. Ахир, унинг бошидан жуда катта шиш кесилди. Аммо, ножӯя ҳаракатлари кўпайиб борар экан, Элиотнинг узрлари сабр косаларни тўлдирди. “Янги стиплер сотиб олиш учун инвестор билан учрашувни ўтказиб юборгандинг-а, Элиот? Ростдан-а? Нималар қилиб кўйдинг?”

Барбод бўлган учрашувлар ва бошқа бемаъниликлардан сўнг ҳаммаси аён бўлди: Элиот жарроҳлик амалиётида шиш билан бирга бошқа муҳим нарсани ҳам йўқотди: ҳамкасларининг фикрига кўра, компания пулларининг катта қисмини ўзи билан олиб кетди. Шу сабабли Элиот ишдан бўшатилди.

Унинг уйидаги ҳаёт ҳам кўнгилдагидек эмасди. Ялқов, бегам, беҳафсала, уззу кун диванда чўзилиб ётадиган отани бир тасаввур қилиб кўринг. Элиотнинг янги ҳаёти худди шундай эди. У ўғлининг кичик баскетбол лигасидаги ўйинларини ўтказиб юборди, Жемс Бонд марафонини телевизорда томоша қилиш учун ота-оналар мажлисига бормади, ҳатто хотини билан муомалаларни ҳам унутиб юборди.

Элиот турмушидаги жанжаллар янги ва кутилма-

ган хатолар қаторида юз берди. Аслида, уларни жанжал деб ҳам бўлмасди. Жанжалнинг қоидасига кўра икки киши тенг бақириши керак. Хотини оғзидан олов пуркаётганида, у жавоб қайтаришга қийналиб, жим қоларди. Ўзини ўзгартиришга умуман ҳаракат қилмасди, маstryулияти зиммасида бўлган одамларни заррача ўйламасди, ҳаммасига бепарво ва бефарқ эди. Гўё у бошқа бир мінтакада яшаётгандек эди.

Охири, хотини бошқа чидай олмади. Элиот ўсимтадан ташқари яна нимадир йўқотди, деб дод солди. Ва бу йўқотилган нарсани унинг художўй юраги деб билди. У ажрашди, болаларни ҳам олиб кетди. Элиот ёлғиз ўзи қолди.

Шундагина руҳий тушкунликка тушган ва бутунлай гангуб қолган Элиот мавқеини қайта тиклаш ҳақида ўйлай бошлади. У фирибгарларга “ов” бўлди. Бир олчоқ унинг деярли барча жамғармаларини ўмариди кетди. Бир аёл уни йўлдан оздирди, турмуш қуришга кўндириди ва орадан бир йил ўтгач, мулкининг ярмига эга чиқиб, ажрашиб кетди. Ҳатто уйсиз қолди. Кейин бир неча йил арzon ва кичик ўйларда яшади, шаҳар кўчаларида санғиди. Кейинчалик акаси уни кўчадан топиб олиб, ўзи билан олиб кетди. Дўстлари ва қариндошлари бир вақтлар кўпчиликнинг ғавасини келтирган бу одамнинг ҳаёти бир неча йил ичida издан чиқиб, ғариб аҳволга тушганига ҳайратланиб қараб туришарди. Бу қандай содир бўлганини ҳеч ким тушуна олмади. Элиотда нимадир ўзгаргани яққол кўриниб турарди: боз оғриғи ортида яна нимадир яширинган эди.

Аммо бу нима эди?

Акасининг олиб бормаган шифокори қолмади. “У Элиот эмас. Унда қанақадир муаммо бор. Унда ҳаммаси яхши кўринса ҳам, аслида яхши эмас. Ваъда бераман”, деган эди акаси. Шифокорлар одатдаги ишларини қилишди, натижаларни таҳлил қилиб бўлиб, Элиот билан ҳаммаси жойида эканини айтишди. Ҳаттоки, ҳолати ўртачадан анча яхши, деган хулоса беришди. Компью-

тер томографияси натижаси яхши чиқди. IQ – интеллект коэффициенти даражаси ҳалигача юқори эди. Фикрлаши тиник, хотираси кучли. У узоқ вақт давомида нотўғри танловнинг сабаб ва оқибатларини муҳокама қила оларди. Турли мавзуларда ҳазил ва мутойиба билан сұхбатлашарди. Психиатр фикрига кўра, Элиот ҳеч қанақа тушкунликка тушмаган. Аксинча, у ўзига юқори баҳо берар, сурункали ташвиш ёки тушкунлик аломатларини сезмасди – лоқайдлиги сабаб келиб чиққан инқилоб марказида худди дзенлар⁵ каби хотиржам турарди.

Акаси бу ҳолни қабул қила олмади. Унингча, нимадир нотўғри кетяпти. Нимадир йўқотилган.

Ва ниҳоят, умидсизлик гирдобига ўралиб қолган Элиотни Антонио Дамасио исмли нейробиологнинг кўригига олиб боришиди.

Дастлаб Дамасио бошқа шифокорлар қилган ишларни такрорлади: Элиотта когнитив тестлар тўпламини бериб кўрди. Хотира, рефлекс, онг, шахсият, инсоний муносабатлар, ахлоқий қадрияtlарнинг барчаси текширувдан ўtkазилди. Ҳеч қанақа муаммо топилмади.

Ахийри, Дамасио бошқа шифокорларнинг хаёлига келмаган ишни қилди: У бемор билан гаплашиб олди. Ҳа, айнан гаплашиб олди. Шифокор ҳаммасини билишни хоҳларди: Элиот йўл қўйган ҳар бир хатони, ҳар бир камчиликни, нимадан афсусланишини; ишини, оиласини, уйини, пулларини қандай йўқотганини.

Элиот бошидан нималар ўтказганини айтиб бера оларди, аммо уларнинг келиб чиқиш сабабини изоҳлай олмасди. У аниқ фактлар ва воеалар кетма-кетлигини мукаммал равонилиқда ва мазмунли тарзда айтиб берар, аммо ўз қарорларини таҳлил қилишга келганда бошини чангallаб қолар эди: нега янги стиплер сотиб олишни сармоядор билан учрашувдан кўра муҳимроқ

⁵ Дзен, дзэн – V-VI асрларда Хитойда пайдо бўлган мистик йўналиш. Унга кўра, инсон ўзи учун ўзи жавоб беради, атрофидаги ишлар учун ўзини жавобгар ҳис этади. Жамиятга аралашмайди. Faқат ўзининг ички дунёсини мушоҳада қиласди. – Муҳаррир.

деб ўйлаганини ёки нега Жеймс Бонд болаларидан кўра қизиқроқ бўлганини тушунтириб бера олмасди. Унда жавоб йўқ эди. Энг ёмони, бу саволларга жавоби йўқлиги унинг пинагини бузмасди. Умуман, ташвишга тушмасди.

У хатолари ва аҳмоқона қарорлари туфайли ҳамма нарсасини йўқотган, ҳаёти бутунлай издан чиққан ва ўзи билан нима содир бўлганини аниқ тушуниб турибди, лекин қилган ишиларига заррача пушаймон эмас, ўзини айбламайди, ҳатто уялмайди ҳам. Кўпчилик одамлар Элиот бошидан кечирган кўргуликларнинг ўндан бирини кўрса, жонига қасд қилиш даражасига боради. Аммо у ҳаммасини хотиржам қабул қилиб, мутлақо бефарқ одамга айланиб қолган эди.

Доктор Дамасио оламшумул қарорга келди: Элиотда синаб кўрилган психологик тестлар фақат фикрлаш қобилиятини ўлчаш учунгина ўтказилган, аммо ҳеч ким унинг руҳий ҳолати билан қизиқмаган.

Олдинги шифокорлар Элиотнинг ақлий қобилиятлари устида қайғуришди, аммо унинг ҳиссиётларига зарар етган бўлиши мумкинилигини унутиб кўйишишди. Мабодо, буни аниқлашганида ҳам, ҳиссиётта етказилган зарарни ўлчашнинг асло иложи йўқ.

Бир куни Дамасионинг ҳамкасларидан бири бир нечта ғалати расмларни чоп қилди. Унда ёнғин қурбонлари, даҳшатли қотиллик саҳналари, урушдан кейинги хароба шаҳарлар ва оч болалар тасвирланган эди. Шунда доктор у расмларни Элиотга бирма-бир кўрсатди.

Элиот буларга ҳам бефарқ бўлди. Даҳшатларга тўла расмлар қаҳрамонимизга заррача таъсир қилмади. Ва унинг пинагини бузмагани шунчалик ҳайратланарли эдики, ҳатто бунинг патология эканини ўзи ҳам тан олди. “Бу тасвирларни илгари кўрганимда безовта бўлган, юрагим эзилиб, ҳамдардлик ҳисларим ортган, бунақа тасвирлардан тўла нафратланган бўлардим”, деди. Аммо ҳозир-чи? Одамзоднинг энг жирканч қилмишларини кўратуриб, ҳеч нарсани ҳис қилмасдан ўтиради.

Дамасио муаммо нимада эканини аниқлади: Элиот-

нинг билим ва мулоҳазалари сақланиб қолган бўлса-да, ўсимта ёки уни олиб ташлаш учун қилинган амалиёт унинг ачиниш ва ҳис қилиш қобилиятини пасайтирган. Унинг ички дунёсини ёруғлик ёки зулмат эмас, балки чексиз туман қоплаб олган эди. Қизининг фортопиано концертида қатнашиш унинг учун янги пайпоқ сотиб олишдай оддий гап эди, оталик ғурури уйғонмасди. Ёки миллион доллар пулинни йўқотиш бензин қуиши, чойшаб ювиш ёки кино кўриш билан бир хил эди. У бемалол юрадиган, гаплашадиган ҳиссиз машинага айланиб қолганди. Қанчалик ақлли бўлмасин, яхшини ёмондан ажратолмас, ўзини назорат қила билмас эди.

Элиотдаги бу ҳолат катта саволни ўртага ташлади: унинг когнитив қобилияtlари (онги, хотираси, дикқат-эътибори) мукаммал даражада бўлган бўлса, нега энди самарали қарорлар қабул қила олмаяпти? Дамасио ҳам, унинг ҳамкаслари ҳам бу ҳақида ўйлаб ўйига ета олишмасди.

Барчамиз баъзида ҳиссиётларимизни ўчириб қўйиши хоҳлаб қоламиз, чунки улар туфайли кўпинча афсусланишмизга сабаб бўладиган хатти-ҳаракатларни бажариб қўямиз. Асрлар давомида психологлар ва файласуфлар ҳис-туйғуларни жиловлаш ҳаётдаги барча муаммоларини ҳал этади, деб тахмин қилишган. Аммо ҳис қилиш ва ачиниш туйғуларидан маҳрум бўлиб, ўйлаш ва фикрлаш қобилиятидан бошқа ҳеч нарсаси қолмаган қаҳрамонимизнинг ҳаёти бутунлай боши берк кўчага кириб қолган эди. Ва унинг шароитида фақатгина оқилона қарорлар ва ўзини тута билиш ҳақидаги одатий фалсафалар ўзини оқламаслигига гувоҳ бўлдик.

Шундан сўнг иккинчи ва анча шубҳали савол туғилди: агар Элиот ҳали ҳам ақлли, доно бўлса, оқилона қарорлар чиқара олса, нега унинг ҳаёти жар ёқасига бориб қолди? Нега унинг барча қилганилари барбод бўлди? Нега у салбий оқибатларини англаган ҳолда оиласини ташлаб кетди? Оиласи ва иши ҳақида қайғурмайди дегани, улардан воз кечиш керак дегани эмас-ку! Айтмоқчиманки, буни

ҳатто эңг виждансыз одамлар ҳам тушуна олади. Аммо нега ҳамма анлаган нарсаны Элиот англамади? Вақти-вақти билән кичик лига ўйинларини томошы қилиб туриш шунчалик қийинми? Қайсибир маңнода, Элиот хис этиш қобилиятини йүқтөтгани сабабли, қарор қабул қилиш қобилиятидан маҳрум эди. У ҳәётини бошқариш хусусиятидан ҳам бебаҳра қолганди.

Барчамиз қийин вазиятта тушганда нима қилиш түғрисида соатлаб тапирамиз, аммо ўзимиз шунақа вазиятта тушганда довдираң қоламиз. Мұхым вазифаларни четта сурасыз, бизга ғамхүрлик қилаёттан одамларни эътиборсиз қолдирасыз, ҳатто ўз манфаатимиз йўлида ҳаракат қила олмаймиз. Одатда, агар ўзимиз хоҳлаган нарсаларни бажара олмаёттан бўлсак, бунга ҳис-туйғуларимизни етарлича назорат қила олмаётганимиз сабаб деб ўйлаймиз. Биз ҳамма нарсаны тушунарсиз ва мантиқсиз деб ўйлашга одатланиб қолганмиз.

Элиотнинг ҳолати буларнинг барчасини савол остига қўйди. Ўз-ўзини бошқариш гояси, ички таъсир ва ҳиссиётларга қарамай, онгли равишда фойдали ишларни бажаришга мажбур қила оладиган гоя савол сифатида рўпарамизга чиқди.

Ҳаётда умид уйғониши учун, аввало, ҳаётни назорат қила олганимизни хис этишимиз керак. Биз яхши ва порлоқ келажакка интилишимиз, «бу дунёни яхши масканга айлантирамиз» деб ишонишимиз лозим. Аммо даставвал ўзимизни назорат қила олишга уринишимиз керак. Элиот воқеаси кўзимизни очишимиз, атрофимизда нималар бўлаётганини тушуниб этишимиз учун яхши сабаб бўла олади. Бу одам ғарид, ёлғиз ва яккамохов бўлиб қолди. Бу одам эңг катта фожиалар суратини ҳам бефарқ томошы қилиб ўтиради. Бу одам бор-будидан ажралиб, буни жилмайиб айтиб бера олади. Бу одам онгимиз қандай ишлаши, қандай қарор қабул қилишимиз ва умуман қай даражада ўзимизни бошқара олишимиз түғрисида мутлақо янги хулосаларни кўрсата олди.

Мумтоз тахмин

Бир куни мусиқачи Том Уэйтсдан ичкиликбозлиги тұғрисида сұрашганида, “Фронтал лоботомиядан⁶ күра, бир шиша ароқни афзal күраман”, деб роса ғұлдираганды. Бу гапни айтганида у жуда ғарип ахволда әди. Яна, миллий телевидениедан туриб шу гапларны айтганды. Фронтал лоботомия мия жарроҳлигининг бир шакли бўлиб, бош суюига бурун орқали тешик очилади, шундан сўнг миянинг пешона тарафидағи бўлаги муз билан кесиб олинади. Бундай жарроҳлик усули 1935 йилда Антониу Эгаш Мониш деган невролог ихтиро қилган. Ҳаддан ташқари ташвишга тушган, жонига сүиқасд қилиш арафасида турган ёки рухий саломатлик билан боғлиқ муаммолар гирдобидаги одамнинг миясиға тұғрий йўл билан жароҳат етказиб, бу ташвишилардан кутула олиш йўли кашф этилди.

Эгаш Мониш бир вақтлар мукаммаллашган лоботомиянинг барча рухий касалликларни даволай олишига ишонган ва дунёга жар солган. 1940 йилларнинг охирига келиб, бутун дунёда ўн минглаб беморларда ўтказилған операция анча шуҳрат топди. У ушбу кашфиёті учун ҳатто Нобел мукофотига сазовор бўлди. Аммо 1950 йилларга келиб, одамлар бу амалиёт баъзи салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини пайқаб қолиши. «Баъзи салбий оқибатлар» деганда “сабзавот”га айланиб қолиш назарда тутилған. Ҳа, бу жараён bemорларнинг кучли ҳиссий азобуқубатларини даволади, аммо уларни диққатни жалб қилиш, қарор қабул қилиш, рутбага эга бўлиш, узоқ муддатли режалар тузиш ёки ўзлари ҳақида мавхум фикрлаш имкониятидан маҳрум қилди. Хуллас, улар онгсизларча ҳаётдан мамнун бўлган зомбиларга айланышди. Янги элиотлар пайдо бўла бошлиди.

⁶ Фронтал лоботомия – миянинг пешонадаги ўз-ўзини англаш ва қарор қабул қилиш вазифаларини бажарадиган қисмини психохирургия, нейрохирургия йўли билан олиб ташлаш.

Совет иттифоқи қатъий тарзда лоботомияни тақиқлаган биринчи мамлакат бўлди. Советлар бу жарайнӣ «инсоний тамойилларга зид» ва «ақлдан озган одамнӣ аҳмоққа айлантириш» деб эълон қилди. Бу эълон бутун дунёни уйғотувчи чақириқ ўлароқ янгради. (Иосиф Сталин ахлоқ ва инсоний қадриятлар тӯғрисида маъруза ўқиётганида, ишлар яхши кетмаётган эди.) Шундан сўнг, дунёning қолган қисми ҳам астасекин бу амалиётни тақиқлашни бошлади ва 60-йилларга келиб унга нисбатан нафрат шаклланди. Сўнгги лоботомия амалиёти 1967 йилда АҚШда ўтказилган ва бемор вафот этган. Орадан ўн йил ўтгач, маст Том Уейтс телевидениеда ўша машҳур жумлаларни гапириб ўтирибди.

Том Уейтс жуда кўп ичарди. У 70-йилларда кўп вақтини кўзларини зўрға очиб туриб, сигаретни қаерда қолдирганини эслашга уриниб ўтказган. Щунингдек, у ушбу даврда еттита ёрқин албомини ёзишга вақт топган. У сермаҳсул ва теран ижод қилди, мукофотларга сазовор бўлди ва дунё бўйлаб миллионлаб трекларни сота олди. У инсон тақдирни тӯғрисида қайгурадиган ноёб санъаткорлардан бири эди.

Томнинг лоботомия тӯғрисидаги гаплари шунчаки ҳазилга ўхшаса ҳам, унда ҳикмат яширин эди: у умуман ҳиссиётсизликдан кўра шишага қарамлиқдан азоб чекиш яхшироқ эканини, ҳеч нарса топмагандан кўра, пастқам жойлардан ўмид излаш фойдалироқлигини, бекарор импулсларсиз ҳеч ким эмаслигимизни таъкидлаган эди. Ҳис-туйғулар талай муаммолар келтириб чиқармоқда, ақл ишлатиб бу тартибсизликларни миядан олиб ташлаш керак, деган беъмаъни фикрлар ҳам талайгина. Бу тапнинг асосида Суқротнинг “яхшиликлар тафаккурга боғлиқ”, дёған таъкиди ётади. Уйғониш даври намояндаларидан бири Декарт инсоний фазилатлар ва ҳайвоний эҳтирослар ҳар биримиздә мавжудлигини ва биз бу эҳтиросларни бошқаришни албатта ўрганишимиз кераклигини таъкидлаб ўтган.

Кант ҳам деярли шу фикрларни илгари сурган. Фрейд шундоқ ҳам күп нарсаларни инобатта олмаган.

1935 йилда Эгаш Мониш биринчи bemорида лоботомия операциясини ўтказганида иккى минг йилдан бери файласуфлар илгари суриб келгән гайриинсоний эхтиросларни жиловлаш, инсониятта охир-оқибат ўзига нисбатан қатъий назоратни амалга оширишга ёрдам бериш ғояларни ҳаётга татбиқ этиш йўлини кашф қилганига ишонган эди.

Ҳиссиётларни бошқариш учун ақлдан фойдаланамиз, деган ушбу тахмин асрлар давомида шаклланниб келган ва бугунги кунда ҳам маданиятимизнинг кўп қисмини белгилаб беради. Келинг, уни “мумтоз тахмин” деб номлаймиз. Бу тахминга кўра, агар одам тарбиясиз, ўзини тута олмайдиган ёки ғазаби кучли бўлса, демак, у ҳис-туйғуларини бўйсундириш қобилиятига эга бўлмаган, иродаси заиф ёки шунчаки аҳмоқ ҳисобланади. Мумтоз тахминга кўра, эхтирос ва ҳиссиёт инсон руҳиятидаги ўз-ўзидан тузатилиши керак бўлган хатолар ҳисобланади.

Хозирги пайтда биз одамларга шу тахминга асосланниб баҳо берамиз. Семиз инсонлар семиз бўлганлари учун уят ва кулгига қолади, улардаги ортиқча вазн ўзини бошқара олмаганлари сабаб келиб чиқсан деб қаралади. Улар озгин бўлишлари кераклигини биладилар, шунга қарамай ейищда давом этадилар. Нега? Улар билан нишадир нотўғри кетяпти деб тахмин қиласиз. Чекувчилар билан ҳам худди шундай. Гиёҳвандлар ҳам худди шу тарзда қабул қилинади, фақат уларга кўшимча тарзда “жиноятчи” деган тамға босилади.

Депрессия ва ўз жонига қасд қилиш мойиллиги бўлган одамлар учун мумтоз тахмин хавфли бўлиши мумкин: улар ҳаётларига умид ва маъно баҳш эта олмасалар, бунга ўзлари айбдор бўлишади. Агар улар сал ҳаракат қилгандарида эди, ўзини галстукка осиб кўйиш фикри ростдан аҳмоқона бўлиб туюларди.

Биз ҳиссий туйғуларга берилишни ахлоқий нуқсон

деб биламиз. Ўзини бошқара олмайдиган одамни нұқсанли харakterга эга инсон сифатида күрамиз. Ўзини-ўзи бошқариши қобилиятигининг етишмаслигини одамнинг феъл-авторида камчиллик сифатида қабул қиласымыз. Ҳиссиётсиз, юқори самарали роботларга ўхшаган спортчилар, тадбиркорлар ва етакчиларни күллаб-куватлаймиз. Агар бош директор стол остида ухласа ва ўз фарзандларини олти ҳафта давомида күрмаса, буни қатыят деб ҳисоблаймиз. Күряпсизми? Ҳар бир киши муваффақиятли бўлиши мумкин, деймиз!

Мумтоз тахмин қанақадир зарарли гумонларни келтириб чиқариши мумкинлигини пайқаш қийин эмас. Агар у тўғри бўлса, ўзимизни назорат қилоламиз, ҳиссий танглик ва эҳтирос устида қилинган жиноятларниң олдини оламиз, ақлий ҳаракат ёрдамида гиёхвандлик ва бефарқлиқдан қутуламиз. Буни удалай олмаслик қанақадир нұқсон борлигига ишора қилади.

Шу сабабли, тўлиқ бахтта эришиш учун ўзимизни ўзгартиришимиз керак, деган ёлғон эътиқодга ишонишмиз керак. Агар ўз мақсадларимизга эришолмасак, вазн ташламасак, лавозимга кўтарила олмасак ёки ниманидир ўрганиш қўлимииздан келмаса... булар ички нұқсонлар мавжудлигини англатади. Умидни сақлаб қолиш учун эса ўзимизни ўзгартиришимиз, бутунлай янги ва ўзгача инсонга айланишимиз керак. Шунда ўзимизни ўзгартириш истаги бизга янги умидларни тортиқ қилади. «Эски мен» сурункали чекишини ташлашга қодир бўлмаса ҳам, «янги мен» буни удалайди.

Доимий ўзингизни ўзгартириш истаги кейинчалик сизни тинч қўймайди: “янги мен”нинг ҳар бир жараёни ўзини ўзи назорат қилиш қобилиятигининг йўқолиши билан тугайди ва бу қайтадан “ўзингизни ўзгартириш” вақти келганини англатади. Ҳар бир жараён сиз қидираётган умид билан қайта туғилади. Шу билан бирга, муаммонинг илдизи бўлган мумтоз тахминга ҳеч қаҷон мурожаат қилинмайди.

Сўнгти бир неча асрлар давомида “ўзни ўзгартириш”

ғояси бутун дунёга вирус каби тарқалди. Ушбу ғоя бизни сохта ваъдалар билан ишонтироқчи бўлади ва баҳт, муваффақият, ўзини назорат қилиш сирларини очишни ваъда қиласи. Аслида эса, фақат битта нарса – одамларнинг ўзлари нуқсонли эканликларини англаб етиш мумкин. Ҳақиқат шундаки, инсон онги ҳар қандай сирдан кўра сирлироқдир. Ҳуллас, сиз шунчаки ўзингизни ўзгартира олмайсиз ва ўзингизни ўзгартириш ҳар доим ҳам керак эмас.

Биз ўз-ўзини бошқариш тўғрисидаги ушбу ҳикояни маҳкам тутамиз, чунки, ўзимни тўлиқ назорат қила оламан, деган ишонч умиднинг асосий манбаидир. Биз ўзимизни ўзгартириш нимани ўзгартиришимиз кераклигини билганимиздек осон эканига ишонишимиз лозим. Бирор нарсани бажариш қобилияти уни бажаришга қарор қилиш ва ўша ергача бориш учун етарли ирода тўплаш каби оддий эканига ишонишни хоҳлаймиз. Ўзимиз орзу қилган ҳар қандай ишни амалга оширишга қодир, ўз тақдиримиз яратувчиси эканимизга ишонгимиз келади.

Дамасионинг Элиот устида ўтказган кашфиёти шунчалик катта бўлганки, у мумтоз тахмин нотўғри эканини кўрсатиб берган. Агар у тўғри ҳамда ҳаёт ҳиссиётларни бошқаришни ва аклга таяниб қарорлар қабул қилишни ўрганиш каби содда бўлганида, Элиот ўзининг туганмас ғайрати, шижоати ва қатъий қарорлари билан ҳақиқий супермен бўлган бўларди. Шунингдек, лоботомия бутун дунёни қамраб олган, биз унинг учун ҳозирда аёллар кўкрагини катта қилдириш учун сарфлаёттандек пул сарфлаётган бўлардик.

Аммо лоботомия самара бермади ва Элиотнинг ҳаёти барбод бўлди.

Гап шундаки, ўзимизни назорат қилишимиз учун ирода кучидан кўпроқ нарса талаб этилади. Маълум бўлишича, ҳиссиётларимиз қарорлар қабул қилишда ва хатти-харакатларимизда муҳим аҳамиятга эга. Биз шунчаки уларни ҳар доим ҳам пайқайвермаймиз.

Бир-бири билан чиқиша олмайдиган иккита мия

Келинг; миянгизни машина деб тасаввур қиласыз. Уни “Оңг машинаси” деб атайды. Оңг машинаси ҳаёт йүлида кетар экан, бир қанча чоррахаларни, шунингдек, бир нечта паст-баландликларни босиб ўтишига тұғри келади. Ушбу йүллар ва чоррахалар машинани ҳайдаш пайтида қабул қилишингиз керак бўлган қарорларни акс эттиради ва сизнинг йўналишингизни белгилайди.

Оңг машинасида иккита йўловчини олиб юрасиз: Ўйловчи ва ҳис қилувчи мия. Ўйловчи мия онгли фикрларингизни, ҳисоб-китобларни амалга ошириш қобилиятингизни, тил орқали турли хил танловларни ва фикрларни ифода этиш қобилиятингизни акс эттиради. Ҳис қилувчи миянгиз эса ҳис-туйғулар, импулс, интуиция ва инстинктларни бошқаради. Ўйловчи миянгиз кредит картангиздаги тўловлар жадвалини ҳисоб-китоб қилаётганда, ҳис қилувчи миянгиз ҳамма нарсани сотишни ва Таитига саёҳат қилишни хоҳлаб қолади.

Ҳар икки миянинг ҳам ўзига хос кучли ва кучсиз тарафлари мавжуд. Ўйловчи мия - ҳалол, холис, обектив, одил ва оқил бўлиб, шу билан бирга суст ҳам. У жуда кўп ҳаракат ва энергия талаб қилгани сабабли мушаклар каби бир қанча муддат давомида шакллантирилиши ва агар ҳаддан ташқари чарчоқ кузатилса, зўрикиши мумкин. Аммо ҳис қилувчи мия тез ва қийинчилексиз хulosага кела олади. Муаммо шундаки, у қўпинча нотўри ва бемаъни бўлади. Шунингдек, унда бўрттириш хусусияти ҳам мавжуд. Биз ўзимиз ва қарор қабул қилишимиз ҳақида йўлаганимизда, одатда Ўйловчи мия онг машинасини бошқараётганини ва Ҳис қилувчи мия йўловчи ўринидигида ўтириб, ундан қаерга кетаётганини сўраётганини тасаввур қилиб кўрамиз. Йўл-йўлакай мақсадларимизга эришиб, уйга қандай етиб боришни ўйлаганча йўлимизда давом этар эканмиз, бу лаънати ҳис қилувчи мия порлок, жозибадор ёки кулгили туюлади-

ган нарсани кўриши ва рулни бошқа томонга буриб юбо-риши натижасида автомобил қарама-қарши йўналишга чиқиб кетади ва бошқа одамларнинг онг машиналари билан тўқнашиб, ўзимизнинг ва уларнинг машиналари га зарар етказади. Бу охир-оқибат ақлимиз ҳаётимизни назорат қилишини ва ҳиссиётларимиз эса катталарга халақит бермаслигини таъминлашимиз, уларни тий-ганча овозимизни чиқармаслигимиз керак, деган фикр мумтоз тахмин ҳисобланади. Шундан сўнг туйғуларга шафқатсиз муносабатда бўлиш одат тусига киради – чунки киши ўз-ўзини бошқариш даражасига етган бўлади.

Аммо бизнинг онг машинамиз бутунлай бошқача тарзда ишлайди. Миясидаги шиш олиб ташланганидан сўнг Элиотнинг ҳис қилувчи мияси трассанинг қарама-қарши йўналишинга ўтиб кетди – аммо унинг ҳаёти яхшиланмади. Чунки унинг онг машинаси тўхтаб қолган эди. Лоботомияни бошдан кечирган беморларнинг ҳис қилувчи мияси сиқиб қўйилган, бошқача айтганда онг машинасининг юхонасига қамаб қўйилган бўлади. Шундан сўнг улар бепарво, дангаса инсонга айланиб, одатда, тўшақдан тура олмайдиган ёки ҳатто мустақил кийина олмайдиган аҳволга келиб қолади.

Шу билан бирга, Том Уэйтс ҳам ҳар доим ҳис қилувчи мия билан яшаган ва унга телевизион шоуларда маст ҳолатда қатнашиши учун катта микдорга пул тўлашган. Кўряпсизми?

Хуроса шуки, ҳис қилувчи мия онг машинамизни бошқаради. Ўзингизни қанча ақлли санаманг, бу нарса исмингизда нечта ҳарф борлиги каби ҳеч қанақа аҳамиятий йўқ. Эй дўстим, сиз миллиардлаб одамлардан фарқ қилмайдиган оддийгина одамсиз. Ҳамма қатори ҳис қилувчи мия томонидан бошқариладиган ҳиссиз робот каби яшаб келмоқдасиз. Шунинг учун, марҳамат қилиб танангиздаги суюқликларни ўзингизда сақлаб тураверинг. Охир-оқибат, биз фақат ҳиссиётта таяниб ҳаракат қилганимиз сабабли, ҳис қилувчи мия онг машинасини бошқаради. Шу сабабли ҳаракат – ҳиссиёт

деганидир. Ҳиссиёт – танамизни ҳаракатта келтирадиган биологик гидравлик тузилма ҳисобланади. Кўркув мия ишлаб чиқарадиган сеҳрли нарса эмас. У ҳеч қачон танада юз бермайди. Кўркув – ошқозоннинг сиқилиши, мушакларнинг кенгайиши, адреналиннинг юзага чиқиши, танани бўш ва очик ҳудудга кўчириш истагидир. Ўйловчи мия фақат бош суяги ичидаги синаптик алоқалардагина⁷ мавжуд бўлса, ҳис қилувчи мия бутун бошли тананинг донолиги ва аҳмоқлигига намоён бўлади. Фазаб танани ҳаракатта келтиради. Ҳавотир уни чекинишга мажбур қиласди. Ҳурсандчилик юз мускулларингизни ҳаракатта келтирса, ғам-қайғу иложи борича мавжудлигимизга соя солишга ҳаракат қиласди. Ҳиссиёт бизни ҳаракатларга ун-даса, ҳаракат ҳиссиётни келтириб чиқаради. Иккаласи бир-бирига чамбарчас боғлиқ.

Шу нарса бизни асрлар давомида қийнаб келган саволга аниқ ва равшан жавоб топишимизга сабаб бўлади: Нега қилишимиз кераклигини яхши англаштурган ишларни бажаришни пайсалга соламиз?

Бунга сабаб уларни чин қалбимиздан ҳис қила олмаймиз.

Ўзни назорат қилишнинг бор муаммоси ахборот, интизом ёки ақлий эмас, балки ҳиссий муаммо саналади. Ўзни назорат қила олмаслик, дангасалик, сусткашлилик, етишмовчилик, ғайратсизлик – буларнинг барчаси ҳиссий муаммолардир.

Бу жуда хижолатли иш. Чунки ҳиссий муаммоларни ҳал қилиш ақлий муаммоларга қараганда анча қийин кечади. Автомобил кредити бўйича ойлик тўловларни ҳисоблашга ёрдам берадиган дастурлар мавжуд, аммо ёмон муносабатларга барҳам беришга ёрдам берадиган дастур ҳали ўйлаб топилмаган. Хатти-ҳаракатларингизни ўзгартиришингиз кераклигини онгли равищда тушунганингиз билан хулқ-авторингиз яхши томонга ўзгариб қолмайди. (Ишонинг, мен шу пайттacha тўғри овқатланиш

⁷ Синаптик алоқа – иккита асаб толаси ўзаро боғланиб, бирбиридан хабар қабул қиласиган ўрин.

ҳақида 12 та китоб ўқиганман, аммо бу жумлаларни буррито⁸ кавшаганча ёзиб ўтирибман. Биз чекишни ташлашимиз кераклигини, шакарнинг зарар эканини ёки дўстларимизнинг орқасидан ғийбат қиласлигимиз кераклигини яхши биламиз, шунга қарамай бу одатларимизни ташламаймиз. Уларнинг зарарини билимаганимиз учун эмас, балки ҳис қиласлиганимиз учун юқоридаги одатлардан воз кеча олмаймиз.

Ҳиссий муаммолар иррационал бўлиб, уларга қарши ҳеч қайси мантиқий далиллар иш бермайди. Устига-устак янада аянчлироқ хулосаларга келиши мизга сабаб бўлади: Ҳиссий муаммоларга фақатгина ҳиссиёт билан ечим топиш мумкин. Буларнинг ҳаммаси ҳис қилувчи мияга боғлиқ. Инсонларнинг ҳис қилувчи мияси қандай ишлашини кўрсангиз, унинг нақадар даҳшатли эканига гувоҳ бўласиз.

Буларнинг барчаси давом этар экан, ўйловчи мия йўловчи ўриндигига ўтирганча, вазиятни тўла ўз қўлимга олганман деб ўйлади. Агар ҳис қилувчи мия ҳайдовчимиз бўлса, ўйловчи мия йўл кўрсатувчимиздир. У орта икки қадам ташлаганча, муайян манзилга боришининг муқобил йўлларини топишни билади. У қаерда хавфли бурилишлар-у қаерда қисқа йўллар борлигини яхши билади.

У ўзини ақлли, оқил мия деб ҳис қилади ва ўзини онгли машинани бошқаришда катта имтиёзга эга деб ҳисоблайди. Аммо, афсуски, бундай бўлмайди. Даниел Каннеман бир марта таъкидлаганидек, «Ўйловчи мия ўзини қаҳрамон деб тасаввур қиласиган қўллаб-куватловчи персонаж» ҳисобланади. Баъзида ушбу икки мия ўзаро чиқиша олмаса ҳам, бир-бирига эҳтиёж сезади. Ҳис қилувчи мия бизни ҳаракатга келтирадиган ҳиссиёт жўш уришига сабаб бўлади, ўйловчи мия эса бу ҳаракатни қаерга йўналтиришни таклиф қиласи. Бу ерда ҳамма гап “таклиф қиласи” деган сўзда. Ўйловчи

⁸ Мексика миллий таоми. – Таржимон.

мия ҳис қилувчи мияни бошқара олмаса-да, маълум миқдорда таъсир кўрсатиш қудратига эга. Ўйловчи мия ҳис қилувчи мияни порлоқ келажакка йўл очишга, хотага йўл кўйилганда кескин ўзгариш қилишга ёки илгари эътиборсиз қолдирилган йўлларни қайта ўрганиб чиқишга ундай олади. Аммо ҳис қилувчи мия анча қайсар бўлиб, агар у “икки оёғини бир этикка тиқиб олса”, ўйловчи мия қанча далил ва маълумотлар келтиришидан қатъи назар, ҳаммасини ўзи бошқаради. Ахлоқшунос психолог Жонатан Хайдт ушбу икки мияни фил ва унинг чавандозига қиёслайди: чавандоз филни мулоийимлик билан бошқариши ва маълум бир йўналишни мўлжаллаб, юришга ундаши мумкин, аммо охир-оқибат фил ўзи истаган жойга боради.

Масхарабоз машинаси

Қанчалик ажойиб бўлмасин, ҳис қилувчи миянинг ҳам ўзига хос салбий тарафлари бор. Бу мия онг машинасида тўхташни ва йўл сўрашни хоҳламайдигаң тажанг эркакка ўхшаб қолади – у ўзига йўл кўрсатишларини хоҳламайди ва машина ҳайдашини танқид қилсангиз, бошингизга ёнғоқ чакади. Ушбу психологияк можароларнинг олдини олиш ва умид туйғусини сақлаб қолиш учун ўйловчи мия ҳис қилувчи миянинг қаерга боришини хоҳлаганини тушунтириб ёки асослаб берадиган хариталарни чизиш тенденциясини ривожлантиради. Агар ҳис қилувчи мия музқаймоқ истаб қолса, ўйловчи мия шакар ва ортиқча калория тўғрисида зид далиллар келтириш ўрнига, “Бугун қандай ишлаганимни кўрдингиз. Музқаймоқ ейишга лойиқман», деган қарорга келади, ҳис қилувчи мия эса буни бажонидил қабул қиласди. Агар ҳис қилувчи миянгиз шеригингизни абраҳ деб қарор чиқарса ва сиз ҳеч қандай ёмон иш қилмаган бўлсангиз, шеригингиз ҳаётингизни барбод қилиш мақсадида фитна уюштираётган бўлса ҳам, ўйловчи миянгиз унинг ҳақиқатан ҳам хотиржам ва камтар бўлган пайтларини

эслаб қолади. Шундай қилиб, иккита мия бир-бири билан очикдан-очиқ носоғлом муносабатларни ўрнатади. Бу болалигингизда ота-онангиз билан машинада бирон жойга бораёттанингизда, уларнинг қандай йўл туттанига ўхшаб кетади. Ўйловчи мия ҳис қилувчи мия учун аҳмоқона ишларни бажаришига тўғри келади. Бунинг эвазига ҳис қилувчи мия қарама-қарши йўналишга чиқиб кетмасликка ваъда беради. Ўйловчи мия ниҳоятда осонлик билан тузоққа тушади ва фақат ҳис қилувчи мия юришни хоҳлаган йўналишда юради. Бу нарса «ўз ноғорасига ўйнатиш» деб номланади ва инсоният қила оладиган барча ифлосликларга асос бўлади. Одатда, ўз ноғорасига ўйнатиш тарафдори сизни шунчаки нотўғри фикр юритишга ва фақат ўзингиз ҳақида ўйлашга ундейди. Ички ҳиссиётларингиз тўғри деб билган ишни тўғри ҳисоблай бошлайсиз. Инсонлар, жойлар, гурухлар ва ғоялар тўғрисида шошилинч хулосалар чиқарасиз, уларнинг аксарияти ноҳақ ёки ҳатто бироз мутаассибона бўлади. Аммо ҳаддан ташқари ўз ноғорасига ўйнатиш сизни чалғитиши, мавжуд бўлмаган ҳақиқатларга, ўтмишни бузиб кўрсатишга ва бўрттириб кўрсатилган фактларга ишонтириб қўйиши мумкин, буларнинг ҳаммаси ҳис қилувчи миянинг доимий инжиқликлари туфайли юзага келади. Агар ўйловчи мия заиф ва ёки тажрибасиз бўлиб, ҳис қилувчи мия ривожланган бўлса, ўйловчи мия ҳис қилувчи миянинг инжиқликларига сабр этишига тўғри келади. Бу ҳол ўз-ўзидан ўйлаш ёки ҳис қилувчи миянинг хулосаларига қарама-қарши туриш қобилиятини йўқотади.

Бу онг машинангизни катта, қизил ғилдиракли ва мусиқаси баланд овозда қўйилган цирк масҳарабоз машинасига айлантириб қўяди. Ўйловчи мияни ҳис қилувчи мия таслим қилганида, барча ҳаётий мақсадлар фақат хоҳишини қондириш билан чекланганида, ҳақиқатлардан ўз ноғорасига ўйнатиш мақсадида фойдаланилганида, барча ишонч ва тамойиллар нигилизм дengизига ғарқ бўлганида... онг машинаси масҳарабоз аравасига айланади.

Масҳарабоз машинаси муқаррар равищда гиёхвандлик, зўравонлик ва қарамлик томон етаклайди. Мияси масҳарабоз машинаси томонидан бошқариладиган одамлар яхши ҳаёт ваъда қиласидиган диний-экстремистик гурӯҳ раҳбарлари, сиёсатчилар, фитначилар ва интернетдаги фирибгарлар домига жуда осон тушиб қолади. Масҳарабоз машинаси бошқа онг машиналари ни ҳам (яъни одамларни) мамнуният билан ўзларининг катта, қизил резина шиналари билан таъминлайди, бунга ўйловчи мия уларнинг бунга лойиқ эканини оқлагани сабаб бўлади: “улар ёвуз, пасткаш ёки баъзи бир мураккаб муаммолар учун айбдор эди.”

Баъзи масҳарабоз машиналари фақат ўйин-кулгуга интилади – ичиш, зиёфат ва кўнгилхушлик қилишга мойилл бўлади. Бошқалари ҳокимият томон талпинади. Улар энг хавфли масҳарабоз машиналари бўлиб, уларнинг ўйловчи мияси иқтисод, сиёсат, ирқ, генетика, жинс, биология, тарих ва бошқа соҳалар ҳақидаги интеллектуал асосга эга деб бонг урилган назариялари орқали ўзларини оқлашга ҳаракат қиласиди.

Баъзан бу машина нафрат изидан қувади, чунки нафрат ғайритабиий қониқиш ва ўз-ўзига ишонч бахш этади. Баъзида бу миянинг ғазаби адолатли бўлади, чунки ташқи мақсадга йўналтириш мақсадининг мавжудлиги уни ахлоқий устунликка эга эканига ишонтиради. У бошқа онг машиналарини муқаррар равища йўқ қилишга ҳаракат қиласиди, чунки ташқи дунёни йўқ қилиш ва бўйсундириш орқалигина ўзининг ички хоҳишларини қондириш мумкин бўлади.

Масҳарабоз машинасига тушиб қолган одамни у ердан чиқариб олиш жуда мушкул вазифа. Масҳарабоз машинасида ўйловчи мия қилувчи мия томонидан Стокгольм синдромининг бир тури пайдо бўлгунга қадар узоқ вақт давомида ҳис ҳақоратланади ва камситилади – у ўз ҳаётини ҳис қилувчи мияни мамнун қилиш ва унинг қилмишларини оқлашларсиз тасаввур эта олмайди. Унинг ҳис қилувчи мия билан зиддиятга боришига,

у белгилаб берган йўлдан юрмасликка ақли етмайди, устига устак, унга тўғри йўл кўрсатсангиз, қулоқ солмайди. Масхарабоз машинасида мустақил фикр ва қарама-қаршиликларни ўлчаш ёки эътиқод ва қарашларни ўзгартириш имконияти мавжуд эмас. Қайсиdir маънода, масхарабоз машинаси томонидан бошқариладиган одам умуман индивидуал хусусиятта эга бўлмайди.

Шунинг учун кўл остидагиларнинг сўзсиз бўйсунишини истаган раҳбарлар ҳар доим ўйловчи мияларининг овозини имкон қадар ўчиришга ҳаракат қиласди. Дастреб тулулади, чунки ўйловчи мия қўпинча ҳис қилувчи мияга нотўғри қарорлар ҳақида эслатиб туради. Шундай қилиб, ўйловчи миянинг овозини бир муддат ўчириб қўйиш жуда яхши самара беради. Одамлар, одатда, нима яхши эканини ҳис қилаётib хатога йўл қўядилар.

Метафорик масхарабоз машинаси қадимги файласуфларни хоҳишга ҳаддан ташқари эрк бериш ва ҳистийғуларга сифиниш ҳақида огоҳлантиришга унданаган. Юнонлар ва римликларга фазилатларни ўргатган ҳам, кейинчалик эса насроний черковига нафсни тийиш ва ўзидан воз кечиш тўғрисидаги хабарни тарқатишга унданаган ҳам масхарабоз машинасининг қўрқуви эди. Класик файласуфлар ҳам, черков ҳам ҳокимиятдаги нацистик ва автократик одамлар томонидан қилинган вайронагарчиликларга гувоҳ бўлишган. Уларнинг барчаси ҳис қилувчи мияни бошқаришнинг ягона усули уни йўқ қилиш, имкон қадар кам кислород бериш ва шу орқали унга атрофидаги дунёни вайронага айлантиришига ва йўқ қилишига йўл қўймасликларига ишонишган. Бу нарса ўйловчи мияда мумтоз тахмин туғилишига сабаб бўлади: яхши одам бўлишнинг ягона йўли – ўйловчи миянинг ҳис қилувчи мия устидан ҳукмронлик қилиши, ақлнинг ҳиссиётдан устунилиги, бурчнинг хоҳишдан баландлиги. Инсоният тарихининг аксарият даврида одамлар шафқатсиз, жоҳил ва саводсиз бўлишган.

Ўрта асрларнинг одамлари мушукларни спорт ўйинлари учун қийноққа солар ва болаларини маҳаллий ўзриларнинг шаҳар майдонида ёнғоқни чиройли чақишиларини томоша қилиш учун олиб борарди. Одамлар садист ва шафқатсиз бўлишган. Тарихнинг аксарият қисмида дунё одам боласи яشاши учун қулай жой бўлмаган ва кўпчиликнинг ҳис қилувчи мияси ўзини бошқара олмагани бунга сабаб бўлган. Мумтоз тахмин асосан цивилизация ва мутлақ анархия ўртасида турадиган ягона тўсиқ эди.

Кейинги юзийиллар давомида бир нималар рўй берди. Одамлар поезд ва машиналарни яратди, марказий иситиш тизими ва бошқа фойдали нарсаларни ихтиро қилди. Иктиносий фаровонылик инсон куттаниданда ошиб кетди. Энди одамлар қиролни ҳақорат қилгани сабабли овқат ейиш имкониятидан маҳрум бўлиши ёки ўлим жазосига тортилиши ҳақида ташвишланмай қўйдилар. Ҳаёт осонлашиб, қулайлашиб бораверди. Ҳозирги одамларда бемалол ўтириб ўйлаш ва илгари ўйлаб ҳам кўрмаган мавжуд ифлосликлар ҳақида қайғуриш учун бўш вақт талайгина.

Натижада, XX асрнинг охирида ҳис қилувчи мияни ҳимоя қиладиган бир нечта ҳаракатлар пайдо бўлди. Ҳақиқатан ҳам, ҳис қилувчи мияни ўйловчи миянинг чангалидан халос қилиш миллионлаб одамлар учун анча енгилликлар берарди (ва бугунги кунда ҳам шундай бўлиб келмоқда). Муаммо шундаки, одамлар умуман тескари йўлдан бора бошлидилар. Улар ҳис-туйғуларини тан олиш ва ундан ғурурланишдан бошлиб, дунёда ҳис-туйғулардан муҳимроқ нарса йўқ деган қарорга келишгача бўлган йўлни босиб ўтишди. Бу, айниқса, мумтоз тахмин таъсирида ўстган, баҳтсиз бўлиб улғайган ва катта бўлгач, ҳис қилувчи миялари билан алоқада бўлган оқсуяқ, ўрта синф болаларига нисбатан тўғри келади. Ушбу одамлар ўзини ёмон ҳис қилишдан ташқари бирон бир жиддий муммога дуч келмаганликлари сабабли ҳиссиётлар

муҳим аҳамиятга эга ва ўйловчи миянинг харита ва йўналишлари бу ҳиссиётларни чалғитувчи тўсиқ деган хато хulosага келишади. Ушбу одамларнинг кўпчилиги ўйловчи миянинг ҳис қилувчи мия фойдасига овозининг ўчирилишини “руҳий ўсиш” деб атаган ва эски ҳис қилувчи мияни сиқувга олиб, манманлик қилишмаганида маърифатга йўл йўқ эди, деб ўзларини ишонтирган. Бу худди руҳий жиҳатдан “бўялган” масхарабоз машинасига ўхшаб кетади.

Ҳиссиётларга эрк бериш умиднинг инқирозига, шунингдек, жабрланишига олиб келади.

Ҳис қилувчи миясини инкор этган киши учун дунёнинг қолган қисми тўсилади. У ўз ҳис-туйғуларини рад этиб, қадриятларга баҳо беришдан, яъни бир нарсани иккинчисидан яшироқ деб хulosса чиқаришдан бош тортади. Натижада, у ҳаётга ва ўз қарорларининг натижаларига бефарқ одамга айланади. Бошқалар билан мулоқот қилиш учун жон бериб ҳаракат қиласади. Бу унинг муносабатларини қийинлаштиради. Охироқибат, сурункали бефарқлиги уни ёқимсиз ҳақиқат билан ёқимсиз учрашувига сабаб бўлади. Охироқибат, агар ўзингиз учун нима муҳим ва нима муҳим эмаслигини ҳал эта олмасангиз, бирор нарса қилишга иштиёқингиз йўқолади. Нимадир қилиш учун сабаб бўлмаса, унда нега яшаш керак?

Шу билан бирга, унинг ўйловчи мияни инкор этувчи одам таъсирчан ва худбин бўлиб, ҳеч қачон тутамайдиган эҳтирослари ва инжиқликлари учун ҳақиқатни бузуб кўрсатади. Унинг умид инқирози шундан иборатки, қанча еб, қанча ичиб, қанча ҳукмронлик қилиб, қанча давр-у даврон сурса ҳам, унга камдек туюлаверади – унда ҳеч қанақа аҳамият ҳам, маъно ҳам бўлмайди. У доимо ҳаракат қиласиган, аммо олдинга силжимайдиган умидсизлик йўлагида сарсон кезади. Қайсиadir жойда тўхтаб қолса, ёқимсиз ҳақиқат дарҳол унга етиб олади.

Буни биламан. Яна спектакл тўқиятман. Аммо шундай қилишга мажбурман, ўртоқ ўйловчи мия. Акс ҳолда,

ҳис қилувчи мия зерикиб қолади ва китобни ёпиб қўяди. Ҳеч хатчўпнинг нега хатчўп эканлиги билан қизиқиб кўрганмисиз? Китобни ўқилган жойигача белгилайдиган сиз эмас, ҳис қилувчи мия бўлади. Яхши ёзиш - бу бир вақтнинг ўзида иккала мия билан гаплашиш ва уни рағбатлантириш қобилиятига эга ёзув ҳисобланади.

Бубизнинг асосий вазифамиз ҳисобланади: иккала мия билан гаплашиш, мияни бирлашган, мувофиқлашган, ягона бутунликка бирлаштириш. Агар ўз-ўзини бошқариш ўйловчи миянинг қониқарли тасаввурини келтириб чиқарадиган хаёл, демак, ўзини ўзи қабул қилиш - ҳис-туйғуларимизни қабул қилиш ва уларга қарши эмас, балки улар билан биргалиқда ишлаш - бизни кутқариб қолади. Аммо ўз-ўзини қабул қилишни ривожлантириш учун, бир қанча иш қилишимизга тўғри келади. Ўйловчи мия, кел, гаплашиб олайлик.

Мени кейинги бандда кут.

Ўйловчи мияга очиқ хат

Салом, ўйловчи мия.

Оиласнгдагилар яхшими? Соликларни тўлаш жонингта тегмаяптими?

Бир пас тўхтаб тур, илтимос. Ҳавотир олма. Мен ҳаммасини унугланман, шунинг учун менга фарқи йўқ.

Ҳа, ҳис қилувчи мия яшашинга халақит берадётганини билиб турибман. Балки, бу сен учун жуда муҳим муносабатдир. Балки, сени ярим кечаси соат учда кимгадир аҳмоқона тарзда телефон қилишингга сабаб бўлаётгандир. Ёки доим сенга умуман кераксиз моддаларни берадётгандир. Биламан, сенда ўзингни бошқара олишинг учун катта хоҳиш бор, лекин, афсуски, буни уддалай олмайсан. Баъзида бу муаммо умидинг йўқолишига олиб келишини тасаввур қиласман.

Аммо сен қулоқ сол. Ҳис қилувчи мия ҳақида сен ёмон кўрган нарсалар - ўжарлик, эҳтирос, даҳшатли қарорлар қабул қилишми? Сен уларга ҳамдардлик бил-

дириш усулини топишинг керак. Чунки ҳис қилувчи мия бемалол тушуна оладиган ягона тил – қайғуриш. Ҳис қилувчи мия жуда таъсирчан хилқат саналади; у, аввало, сенинг аҳмоқона ҳис-туйғуларингдан ташкил топган. Қанийди, бу гапим хато бўлиб чиқса. Қанийди, сен унга ҳаммаси тушунарли бўлиши учун ҳисоб-китоб жадвалини кўрсата олсанг – худди сен билгандек, биз тушунгандек. Аммо бу сенинг кўлингдан келмайди.

Ҳис қилувчи мияни фактлар ва хулосалар билан янчидан ташлаш ўрнига, ундан ўзини қандай ҳис қилаётганини сўрашдан бошла. Унга “Ҳой ҳис қилувчи мия, бугун машғулотга боришга кўнгил тортадими?”, “Мавқеингни ўзгартиришингга юрак нима деяпти?” ёки “Бор будингни сотиб, Таитига бориб яшашга нима дейсан?” деб сўраб кўр.

Ҳис қилувчи мия сўзлар билан жавоб бермайди. Йўқ, сўзлар унинг учун секинлик қиласди. Бунинг ўрнига, у ҳиссиёт орқали жавоб қайтаради. Ҳа, бунинг яққол кўриниб турганини биламан, аммо баъзида сен аҳмоққа айланиб қолишинг ҳеч гап эмас. Ҳис қилувчи мия дангасалик ёки хавотир туйғуси орқали жавоб бериши мумкин. Эҳтимол, ҳиссиётлар жўш уриб, бир чимдим ғазаб ва бир чимдим ҳаяжон аралашиб кетиши мумкин. Нима бўлса ҳам, ҳар қандай ҳис-туйғуларга дуч келганингда ҳам хулоса қилмай турганинг маъқул. Дангасаликни ҳис қиляпсан? Ҳаммаси жойида, ҳаммамиизда дангасалик туйғуси мавжуд. Ўзингдан нафратланяпсан Эҳтимол, бу сухбатни узокроқ давом эттиришинг учун сабаб бўлар? Машғулот кутиб туради.

Ҳис қилувчи мияга ўзининг барча беъмани ва аҳмоқона туйғуларини тарқатиб юбориши учун йўл қўйиб бериш керак. Уни тоза ҳаводан нафас олиш имкони мавжуд бўлган очик жойга олиб чиқ, чунки у қанча кўп нафас олса, онг машинасини бошқариш имконияти шунча пасаяди. Ҳис қилувчи мияни тушуниш даражасига етганингдан сўнг, у тушунадиган йўл билан мурожаат қилиш вакти келган бўлади: ҳиссиётлар орқали.

Эҳтимол, ўзлаштиromoқчи бўлган янги одатларнинг барча ёқимили жиҳатлари ҳақида ўйларсан. Эҳтимол, йўл давомида учратишинг мумкин бўлган барча жозибали, иштаҳани очадиган ва қулгули нарсаларни эсга оларсан.

Эҳтимол, ҳис қилувчи мияга машғулотдан сўнг ўзини қандай ҳис қилишини, ёзни чўмилиш кийимида ўтказса, қандай яхши кўринишини, мақсадлари сари интилганда ўзини қандай ҳурмат қилиши кераклигини, қадрдонлари билан яшаётганида ўзини қанчалик баҳтни ҳис қилишини, севган инсонларингга ўрнак бўлишини эслатиб қўярсан?

Одатда, ҳис қилувчи мия билан марокашлик гилам сотувчи билан қандай савдолашсанг, шундай савдолашишинг керак: у иш яхши натижага олиб келишига ишониши лозим, акс ҳолда, қўлларингни ҳавога силкитиб, натижка йўқлигини айтиб дод солишинг ҳеч гап эмас. Эҳтимол, у сен ёқтирмайдиган ишни қилиш шартни билан сен у ёқтирган ишни қилишга рози бўлишинг мумкин. Фақатгина машғулот залдаги югуриш йўлагида севимли телевизион шоуни кўр. Ой давомида сен учун тўлашга оғринмайдиган дўстларинг билан кўчага чик.

Энг оддийидан бошла. Ҳис қилувчи миянинг жуда кўнгли нозик ва мутлақо онгиз эканини ёдинга тут.

Қачонки ҳиссий қониқиши олиб келадиган нарсаларни таклиф қилсанг (масалан, машғулотдан кейинги ўзингни яхши ҳис қилишинг, муҳим деб билган мавқемартаба кетидан қувишинг, болаларинг томонидан қадрланишинг ва ҳурмат қилинишинг), ҳис қилувчи мия бошқа бир ёки ижобий ёки салбий ҳиссиёт билан жавоб беради. Агар ҳиссиёт ижобий бўлса, ҳис қилувчи мия бу йўлдан оз миқдорда юришни хоҳлаб қолади – фақатгина оз миқдорда. Эслаб қол: ҳиссиётлар тезда ўтиб кетади. Шунинг учун энг оддийидан бошла. Шунчаки машғулотта киядиган пойабзалингни кийиб ол. Бўлди. Шунда нима содир бўлишини билиб оласан.

Агар ҳис қилувчи миянинг жавоби салбий бўлса, шунчаки ушбу ҳиссиётни қабул қиласан, муроса та-

клиф этасан ва натижада нима содир бўлганига гувоҳ бўласан. Юв ва такрорла.

Нима қилсанг ҳам, ҳис қилувчи мия билан жанжалашма. Бу шунчаки вазиятни чигаллаштиради. Биринчидан, барибир ғалаба қозона олмайсан. Ҳис қилувчи мия ҳар доим устунлик қиласди. Иккинчидан, салбий ҳиссиётлар учун ҳис қилувчи мия билан уришиш вазиятни янада ёмонлаштиради. Шу сенга керакми? Сен ўзинг жуда ақлилан-ку, тўғрими?

Ҳис қилувчи мия билан сухбат кундан-кунга, ҳафтадан-ҳафтага, ойдан-ойга қадар давом этаверади. Баъзида йилларга татигулилк сухбат бўлиши мумкин. Миялар ўртасидаги сухбат учун амалиёт керак. Баъзилар амалиёт деганда ҳис қилувчи мия ичида нималар кечаетганини англашни тушунади. Баъзиларнинг ўйловчи мияси ҳис қилувчи миянинг гапига буни ўрганиш узоқ вақт талаб этгани боис қулоқ солмайди.

Баъзиларда эса умуман бошқа муаммо мавжуд: Улар ўз ўйловчи миясини гапиришга ўргатишади, ҳис қилувчи миянинг айтганларига қулоқ солмай, фикр таклиф қилишга мажбурлашади. Шу ўринда савол туғилади: ҳис қилувчи миянинг хоҳиш-истаклари хато бўлса, нима бўлади? Сўнгра бошқа вариантлар кўриб чиқилади. Бу бошида мушкул вазифа бўлиб туюлиши мумкин. Сухбат қанча узоқ давом этса, икки мия бир бирини шунча кўп эшлишини бошлайди. Ҳис қилувчи мия турли ҳиссиётларни баҳам кўришни бошлайди ва ўйловчи мияда ҳаёт йўлидаги бурилишларда қандай йўл кўрсатиш тўғрисида кўникмалар пайдо бўла бошлайди.

Бу психологияяда «ҳиссий бошқарув» деб аталиб, бу ҳис қилувчи миянинг жарликдан қулаб кетишини олдини олиш учун ҳаёт йўлида кўпроқ тўсиқлар ва «Бир томонли транспорт» белгилари пайдо бўлишига олиб келади. Бу бажарилиши мушкул бўлган иш, аммо бу сен уддалайдиган ягона нарса.

Чунки сен ҳис-туйғуларингни назоратта ола билмайсан. Ўзини назоратта олиш – бу шунчаки иллюзия. Бу

илюзияда иккала мия келишиб, бир ҳаракат кетидан қуваёттанаңда рўй беради. Бу илюзия инсонларга умид баҳш этади. Сен – ўйловчи мия ҳис қилувчи мия билан келиша олмаганингда, одамлар ўзларини кучсиз сезади ва улар атрофидаги олам ҳам умидсизлик гирдобига гарқ бўлади. Бу илюзияда ўзни қўлга олишнинг ягона усули - доимий равишда сен билан ҳис қилувчи миянинг ўзаро алоқа ўрнатиб, умумий тил топишларингдир. Бу сув полоси ёки пичоқ устида сакрашда бўлгани каби маҳорат талаб қиласди. Мехнат талаб қиласди. Бу йўлда кўп муваффакиятсизликлар бўлади. Эҳтимол, қўлингни кесиб олиб, ҳамма жойни қонга ботиришинг мумкин. Бу икрор бўлиш тўлови деб қабул қилинади.

Бу сенинг яхши ишлаттанингдан дарак беради. Сенда ўз-ўзини назорат қилиш бўлмаслиги мумкин, аммо сенда ақл назорати мавжуд. Бу сенинг супер кучга эга эканингдан дарак беради. Бу сенга ҳадя этилган тухфа. Сен ўз эҳтирос ва ҳиссиётларингни назоратга ола биласан. Сен уларни ўзинг хоҳлагандек талқин қила оласан. Йўл харитасини чизиб бера оласан. Бу жуда катта куч ҳисобланади, сабаби ҳис-туйғуларга у ёки бу маънони бериш орқали ҳис қилувчи мия қандай муносабатда бўлишига таъсир қилишинг мумкин.

Мана, умид қаердан пайдо бўлишини билиб олдинг. Келажак порлоқ ва ҳаловатли бўлиши учун нимани ҳис қилиш кераклигини билиб олдинг: шунчаки ҳис қилувчи мия оқилона ва фойдали тарзда сенга жирканч тўсиқ қўишини тушунириш орқали. Эҳтиросларни оқлаш ва уларга қул бўлишнинг ўрнига уларга қарши кураш ва таҳлил қил. Уларнинг характеристи ва шаклини ўзгартириш.

Бу, албатта, яхши психотерапия деганидир. Ўз-ўзини қабул қилиш, ҳиссий интеллект ва бўлди. Умуман олганда, ўйловчи мияни “ёвуз иблис” деб аташ ўрнига, уни ҳис қилувчи мияни тушунишига ва келишиб қарор чиқаришига ўргатиш когнитив-хулқ атвор терапияси (КБТ) ҳамда қабул қилиш ва масъулият тे-

рапиясининг (АКТ) асосидир, шунингдек, клиник психологлар ҳаётимизни яхшилаш учун ўйлаб топган яна бир нечта қисқартмалар мавжуд.

Умид инқирози ўз ҳаётимизни ёки тақдиrimизни назорат қила олмаган пайтимииздан бошланади. Биз ўзимизни атрофимииздаги дунёning қурбони, янада ёмонрорги ақл-идрокимиз қурбони деб биламиз. Ҳис қилувчи мияни бўйсундириш учун у билан курашамиз. Ёки тескарисини қиласиз ва унга беихтиёр эргашамиз. Мумтоз тахмин туфайли биз ўзимизни масхаралаймиз ва буни дунёдан яширишга ҳаракат қиласиз. Замонавий дунёning фаровонлиги ва ҳамжиҳатлиги кўп жиҳатдан ўзини ўзи бошқариш иллюзиясининг азобини янада кучайтиради.

Аммо, ўйловчи мия, бу сенинг вазифанг. Буни танлашни қабул қилишинг керак: ҳис қилувчи мия билан у белгилаган қоидаларга кўра ўйна. Ҳис қилувчи миянинг энг ёмон жиҳатларини эмас, балки унинг энг яхши хоҳиш-истакларини намоён қилишига шароит яратадиган муҳит ярат. Ҳис қилувчи мия сенга нима таклиф килса ҳам, қабул эт ва у билан ҳамжиҳатликда ишла.

Умуман олганда ҳамма нарса (барча хулосалар, тахминлар ва мақтанишлар) иллюзиядир. Иллюзия ҳар доим бўлган. Сенда назорат йўқ, ўйловчи мия. Ҳеч қачон бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Аммо умидингни сўндирма.

* * *

Антонио Дамасио Элиот билан қилинган тажриба тўғрисида вабошқа кўпилаб тадқиқотларидан келибчиқиб ўзининг машҳур “Декартнинг хатоси” китобини ёзган. Бу китобда у ўйловчи мия мантиқий, фактга асосланган билим яратса, ҳис қилувчи мия ўзининг қийматли билим турини ривожлантиради дея таъкидлайди. Ўйловчи мия фактлар, маълумотлар ва кузатувларга асосланиб қарор чиқаради. Худди шундай, ҳис қилувчи мия ҳам шу каби фактлар, маълумотлар ва кузатувлар асосида муҳим фикрларни келтириб чиқаради. Ҳис қилувчи мия нима

тұғри ёки нима нотұғри экани, нимани хоҳлаш мүмкін-у нимани хоҳлаш мүмкін әмаслиги, әңг муҳими, нимага арзипшимиз ва нимага арзимаслигимиз тұғрисида қарор чиқаради.

Үйловчы мия – объектив ва фактта асосланиб иш юритади. Ҳис қилювчи мия эса субъектив ва нисбий хulosы чиқаради. Қанча ҳаракат қилмайлик, ҳеч қачон билимларнинг бир шаклини бошқасига таржима қила олмаймиз. Бу умиднинг ҳақиқий муаммосидир. Биз камдан-кам ҳолларда углеводларни қандай қисқартиришни, әртә уйғонишни ёки чекиши тұхтатишимизни тушуна оламиз. Бу ҳис қилювчи миямиз ичидаги нимадир бўлиб, биз бундай нарсаларни қилишга лойиқ әмаслигимиз ва уларни синааб кўрмаслигимиз керак, деган қарорга келамиз. Шунинг учун уларни жуда ёмон деб ўйлаймиз.

Бундай бепарволик ҳисси, одатда, ҳаётимизда дуч келган бирон бир ноҳақлик натижаси ҳисобланади. Қандайдир даҳшатли воқеани бошдан кечирамиз ва ҳис қилювчи миямиз бу балога арзиймизми ёки йўқ – бу тұғрида бир қарорга келади. Натижада, үйловчы миянинг кўпроқ билимга эга эканига қарамай, фалокат доимий равищда такрорлана бошлайди ва барчасини қайтадан бошимиздан ўтказишга мажбур бўламиз.

Бу ўз-ўзини назорат қилишнинг фундаментал муаммосидир. Бу умиднинг ҳам фундаментал муаммосидир – ҳамма гап ривожланмаган үйловчы мияда әмас, балки ўзи ва атрофидаги олам тұғрисида нотұғри хulosы чиқариб, бунга мослаша бошлаган, аммо ривожланмаган ҳис қилювчи мияда. Бу сиртдан қараганда психологик муолажага ўшшаб кетади: ўз қадрияттаримизни ўзимизда қолдирсак, уларни дунё билан уйғунаштира оламиз.

Бошқача айтганда, муаммо тақдир бизга нима атаганини билмаслигимизда әмас. Ҳақиқий муаммо қачондир, әхтимол, жуда узок өткілар олдин, биз қўлга кириптан тақдиримизни қайтариб бериш ўрнига, уни керакли деб қарор қилганимиздадир.

З-БОБ.

НЮТОННИНИГ ҲИССИЁТ ҚОНУНЛАРИ

Нютон биринчи тарсакини далада юрганида еган. Амакиси нега буғдой диагонал қаторда экилиши кераклиги түғрисида берган тушунчалари Исаакнинг қулоғига кирмасди. У қүёш нурлари қаердан пайдо бўлгани түғрисида бош қотириб, нигоҳини қуёшга қаратиб ўтиради.

Бу пайтда у 7 ёшда эди.

Амакиси унинг елкасига чунонам мушт туширдики, бу мушт Исаакнинг хушини йўқотиб, ерга ийқилишига кифоя қилди. У шахсий бутунлик ҳиссини йўқотиб кўйди. Онгининг таркибий қисмларини жойига келтираётганида, унинг қайсицир бир сирли тана аъзоси тупроққа қоришиб, ҳеч қачон тикланмайдиган жойда қолиб кетди.

Дадаси Исаак туғилишидан олдин вафот этган, онаси эса қўшни қишлоқдаги бой қарияга турмушга чиқиш учун уни ташлаб кетганди. Натижада, Нютон айни ўйнаб-куладиган пайтларини амакилари, жиянлари ва бобо-бувисининг хўрликларига чидаб ўtkазди. Ҳеч ким уни хушламасди. Ҳеч ким унинг тақдиди билан қизиқмасди. Қариндошлари уни ортиқча юқ деб ҳисобларди. Севиши-севилиш ҳисси у учун бегона эди.

Исаакнинг амакиси саводсиз ва пиёниста бўлса ҳам, даладаги қатор ва жўякларни санашни яхши биларди. Бу унинг ягона интеллектуал маҳорати бўлиб, бунинг натижасида ўз ишини керагидан ортиқ бажариб, қойиллатиб қўярди. Исаак тез-тез амакиси билан қаторларни санашда иштирок этарди, сабаби бу амакиси эътиборини тортиши учун ягона имконият эди.

Саҳродағи бир қултум сув каби, ҳар қандай эътибордан боланинг күнгли шод бўларди.

Вақт ўтиши билан бола юксак истеъдод сохиби экани маълум бўлә бошлади. Саккиз ёшида бутун мавсум давомида кўй ва чўчқаларни боқиш учун зарур бўлган озуқа микдорини ҳисоблай олар эди. Тўққиз ёшида эса оғзаки тарзда бир гектардан қанча буғдой, арпа ва картошка олиш мумкинлигини жойида айтиб берарди.

Ўн ёшга келиб, Исаак қишлоқ хўжалигини майна-возчиликка тўлиб-тошган деб ҳисоблади ва бунинг ўрнига эътиборини фасллар давомидаги қуёшнинг аниқ траекториясини ҳисоблашга қаратди. Унинг амакиси қуёшнинг аниқ траекториясига эътибор ҳам бермасди, чунки уларнинг овқати уйда қолиб кетганди. Шу сабабли у Исаакни яна калтаклади.

Мактабда ҳам унинг ишлари юришмади. Нютон кўримсиз, рангпар ва хаёлпараст бола эди. У ижти-моий фанлардан доимо оқсанади. Ўз навбатида, қуёш соати, тўртбурчак координаталар тизими ва ойнинг шарсимон шаклини тасдиқлаш каби турли хил зерикарли нарсаларга қизиқарди. Бошқа болалар крикет ёки дараҳтлар атрофида қувлашмачоқ ўйнаб турганда, Исаак кўзойнакнинг нурни қандай қабул қилишини тушунишга уриниб, чўққиларга бир неча соат давомида тикилиб ўтиради.

Исаак Нютон ёшлик йилларида ҳам рўшнолик кўрмади. Ҳар бир зарбадан сўнг унинг ҳис этувчи мияси ўзгармас ҳақиқатни ҳис қилишни ўрганди: унда қанақадир муаммо бор. Нега ота-онаси уни ташлаб кетди? Нега ўртоқлари уни масхара қиласди? Унинг ёлғизланиб қолганини қандай изоҳлаш мумкин? Ўйловчи мияси ажойиб чизмалар чизиб, ой тутилишини схемалаштириш билан банд бўлганида, унинг ҳис қилувчи мияси Линcolnширда туғилган бу болакайдар қандайдир жиiddий нуқсон борлиги ҳақида ўйлаб, ич этини ер эди.

Бир куни у дафтарига қўйидагиларни ёзди: “Мен

бир оддий йигитчаман. Кўримсиз ва нимжон. Ҳеч кимга кераксиз. На уйимга сифаман, на дўзахга. Нима қилай? Нима қилсан, яхши бўлади? Йиғлашдан бошқаси қўлимдан келмаяпти”.

Сиз шу пайттacha Нютон ҳақида ўқиганларингизни ҳаммаси ёки ҳақиқат, ёки ишонарли фантастика ҳисобланади. Аммо, келинг, бир муддат параллел оламда эканимизни тасаввур қиласиз. Ва шу параллел оламда яна бир Исаак Нютон бор ва у биз тасаввур қилган Нютонга жуда ўхшайди. У ҳам золим қариндошлари қўлида ўсиб-улгаяда. Ўзини ёлғиз ҳис қилиб яшайди. Ҳар бир дуч келган масалани ғайрат билан ҳисоблайди.

Яна тасаввур қиласиз, параллел дунёдаги Нютон ташқи, табиий дунёдаги нарсаларни ҳисоблаш ўрнига, ички, психологик дунёдаги инсон қалбидаги ҳиссиётларни ўлчай бошлади.

Бу тасаввурдаги катта сакраш эмас, чунки зўравонлик қурбонлари одатда инсон табиатини тадқиқ қилишга ишқибоз бўлишади. Сиз ва мен учун одамларни кузатиш якшанба куни хиёбонга ҳордик чиқариш учун борищдек туюлиши мумкин. Аммо зўравонликдан азият чекканлар учун бу ҳаёт-мамот масаласи бўлиши эҳтимоли бор. Уларнинг наздида зўравонлик ҳар қандай вақтда юз бериши мумкин, шу сабабли улар ўзларини ҳимоялаш мақсадида одамларни кузатишади. Овозни баландлатиш, қошни чимириш, чуқур нафас олиш – бу ишларнинг ҳаммаси уларнинг ҳиссиётларини жунбушга келтириши мумкин.

Шундай қилиб, тасаввур қиласилик, параллел дунёдаги Нютон билан бизнинг «Эмо-Нютонимиз» атрофдагиларни кузата бошлади. Махсус дафттар тутди ҳамда унга қариндошлари ва ўртоқларида кузатилган хулқ-атворлар ҳақида ёза бошлади. Тинимсиз ёзи, ҳар бир ҳаракатни, ҳар бир сўзни қофозга туширди. Юзлаб саҳифаларни одамларнинг ўзлари хаёлига келтирмаган хулқ-атворлари билан боғлиқ кузатувларига тўлдириди. Эмо-Нютон агар ўлчовлар ёрдамида ташқи

олам, қүёш, ой, юлдузларнинг шакллари ва жойлашиш ўрнини башорат қилиш ва бошқариш мумкин бўлса, уларнинг ёрдами билан ички, ҳиссий оламни ҳам башорат қилиш ва бошқариш мумкинлигига умид қилди.

Бу кузатувлар орқали эмо-Нютон биз ҳаммамиз биладиган, аммо тан олмайдиган оғир ҳақиқатни англаб етди: барча одамлар ёлғончи! Барчаси! Биз доимий ва одатий тарзда алдаймиз. Биз муҳим ва арзимас ма-салаларда одамларни лақиллатамиз. Кўрқинчлиси, бундан заррача уялмаймиз. Ўзимизни ҳам алдаймиз, бошқаларни ҳам алдаб келамиз.

Исаак одамнинг қалбидаги ёруғликни ҳеч ким кўра олмаслигини; одамлар аслида ёмон кўрадиган одамларига яхши кўришини айтишини, бир нарсага ишониб, бошқасини қилишини, виждонсизлик ва шафқатсизлик содир қилганларида ўзлари тўғри иш қилишини таъкидлапини ёзиб қолдирган. Аммо, одамларнинг фикрича, доимо улар қилган хатти-ҳаракатлар тўғри ва асосли. Нютон ҳеч кимга ишонмаслик керак деган қарорга келган. Ҳеч қачон. У кўрган азоб-уқубатларини ўзи ва ташқи дунё ўргасидаги масофанинг квадратига тескари пропорционал деб ҳисобларди. Доимо ўзини бошқа бирорвнинг орбитасидан узокроқ тутишга, бошқа бир инсон юрагининг тортишиш кучидан ажralиб чиқишга ҳаракат қиласади. Унинг ҳеч қанақа дўстлари бўлмаган. У дўстлари бўлишини хоҳламаган ҳам. У, дунё бадбаҳт ва аянчли жой, деган хulosага келган ва аянчли ҳаёти учун ягона қадрият – баҳтсизликни ёзиб бориш ва ўлчаш қобилияти, деб ҳисоблаган.

Шунча хафагарчиликлардан сўнг, Нютоннинг шуҳратпастлик қилмагани аниқ эди. У инсон юрагининг траекториялари ва уларнинг азобланиш тезлиги ҳақида, қадриятларнинг кучи ва умиднинг вазни ҳақида билишни хоҳларди. Энг муҳими, юқоридаги элементлар ўргасидаги муносабатларни тушунишни истарди.

У бу тўғрида “Нютоннинг уч ҳиссиёт қонуни” деб номлаган тўпламни ёзиб қолдирган.

Нютоннинг биринчи ҳиссиёт қонуни: Ҳар бир ҳаракат учун тенг ва тескари ҳиссий реакция мавжуд.

Тасаввур қилинг, юзингизга мушт туширдим. Ҳеч бир сабабсиз. Ҳеч қандай асоссиз. Шунчаки, зўравонлигим тутиб қолди.

Биринчи реакциянгиз қайсиdir маънода менга жавоб қайтариш бўлади. Бу балки жисмоний йўл билан содир бўлар, яъни менга мушт туширасиз. Балки бу қасос оғзаки амалга ошар – мени курақда турмайдиган сўзлар билан, бўралатиб сўкарсиз. Ёки қасосни ижтимоий усул билан олишингиз мумкин: полицияга қўнғироқ қиласиз ва масъуллар сизни урганим учун мени жазолашади.

Жавобингиз қандай бўлишидан қатъи назар, менга нисбатан нафрат танангизда жўш уради. Бу тўлиқ адодатдан – чунки сизнинг наздингизда мен ёмон инсонман. Хулоса шуки, мен сизни асоссиз хафа қилганим ва сиз бунга лойиқ бўлмаганингиз ўртамиизда адодват туйғусини келтириб чиқаради. Ўртамиизда ахлоқий бўшлиқ юзага келади: биримиз 100 фоиз ҳақ ва бошқамиз эса пасткаш бўлиб чиқамиз.

Оғриқ ахлоқий бўшлиқ келтириб чиқаради. У фақатгина инсонлар ўртасида юзага келмайди. Агар ит сизни тишласа, сизда уни жазолаш ҳисси кучли бўлади. Агар столга бармоғингизни уриб олсангиз, нима қиласиз? Столни лаънатлаб бақирасиз. Агар уйингизни сел олиб кетса нима қиласиз? Ғам-андухга ботганингиздан худога нола қиласиз, ҳаётдан аламзада инсонга айланасиз.

Буларнинг барчаси ахлоқий бўшлиқлар ҳисобланади. Сизга нисбатан қилинган ноҳақлик учун товоң тўланиши керак. Оғриқ бор жойда доимо устунлик-пастлик можароси мавжуд бўлади. Оғриқ ҳам ҳар доим кузатилаверади.

Ахлоқий бўшлиқларга дуч келганда, тенгликни тиклаш ёки руҳий мувозанатни қайтариш туйғулари бизни қамраб олаверади. Мувозанатга интилиш нима-

гадир лойиқ эканини хис қилиш билан ифодаланади. Мен сизни урганим учун, сиз ҳам менинг мушт ейишимни ёки жазоланишими хоҳлайсиз. Бу ҳиссиёт (арзирли оғриқ) сизда менга нисбатан күчли ҳиссиётлар (масалан, ғазаб) келиб чиқишига сабаб бўлади. Сизда, шунингдек табиий равища мушт ейишга лойиқ бўлмаганингиз тўғрисидаги ҳиссиётлар кузатилади ва сиз мендан ва атрофингиздаги одамлардан фақат яхши муомала кутишни хоҳлайсиз. Бу туйғулар хафалик, ўз-ўзидан афсусланиш ёки хижолат кўринишида намоён бўлади.

“Лойиқлик” туйғуси ахлоқий бўшлиқقا дуч келганимизда қабул қилган қароримиз қийматидир. Биз бир нарсани бошқасидан яхшироқ деб қарор қиласиз, бир инсонни бошқасидан кўра художўйроқ деб баҳолаймиз, бир воқеа иккинчисига қараганда кўпроқ кутилади деб ҳисоблаймиз. Қадрияларимиз туғилган жойда ахлоқий бўшлиқлар ҳам мавжуд бўлади.

Келинг, сизни урганимдан сўнг узр сўраган бўлай. Мен: “Ҳой, ўқувчи, мендан ўтди, қуюшқондан чиқиб кетдим. Бу бошқа қайтарилмайди. Айбимни ювиш учун сенга торт пишириб бераман. Ма, юз доллар, чўнтағингта солиб кўй. Ҳаммаси жойида”, десам-чи?

Бу сизни қониқтириди ҳам дейлик. Менинг узримни қабул қилдингиз ва мен пиширган торт билан 100 долларни олиб, ҳеч нима бўлмагандек уйингизга кетдингиз. Демак, ҳисоб биру бир бўлди. Ўртамиздаги ахлоқий бўшлиқ йўқолди. Мен бунинг учун пул тўладим. Сиз ҳатто шундай деб айтишингиз мумкин: ҳеч биримиз бошқалардан яхшироқ ёки ёмонроқ эмасмиз, ҳеч биримиз яхшироқ ёки ёмонроқ муомала қилинишга арзимаймиз. Биз бир хил руҳий текисликда ишлайпмиз.

Шунга ўхша什 тенглаштириш умидни қайта тиклайди. Бу сизда ёки дунёда ҳеч қандай ёмон нарса йўқ эканини англатади. Ўзингизни назорат қилиш ҳисси, юз доллар ва ширин торт билан бирга кунингизни ажойиб тарзда ўтказишингиз мумкин:

Келинг, бошқа ҳодисани тасаввур қилиб кўрамиз. Энди, сизни урмайман, балки сизга уй олиб бераман.

Тўппа-тўғри эшитдингиз, хурматли ўкувчи. Мен сиз учун ажойиб уй совға қиласман.

Бу ўртамиизда яна бир ахлоқий бўшлиқ келтириб чиқарди. Мен сизга етказган жабр-ситам учун ўчолиш ўрнига, мен сизга берган қувонч учун миннатдорчилик билдириш истаги сизни қамраб олади. Мени қучоқлашингиз, юз марталаб раҳмат айтишишингиз, эвазига қанақадир совға келтиришишингиз ёки муштуимга умрингиз охирига-ча энагалик қилишни ваъда беришишингиз мумкин.

Агар ҳақиқатан ҳам тарбияли инсон бўлсангиз (ва ўзингизни назорат қила олсангиз), ҳатто сиз учун ой сотиб олиб бериш таклифимни рад этишга уриниб кўришишингиз мумкин, бу вазиятда сиз ўртамиизда сиз ҳеч қачон олдинга ўта олмайдиган ахлоқий бўшлиқ юзага келиши мумкинлигини тушунган ҳисобланасиз. Сиз буни тан олган ҳолда, менга қуйидаги гапларни айтишишингиз мумкин: “Раҳмат, лекин ололмайман. Бу яхшилигингишни қайтариш учун менда ҳеч нарса йўқ”. Салбий бўшлиқда ҳам, ижобийсида ҳам сиз менинг олдимда қарздор эканингизни, менинг нимагадир лойик эканимни ёки қандайдир йўл билан миннатдорчилик билдиришишингиз кераклигини ҳис қиласиз. Менинг мавжудлигим билан сизда миннатдорлик ва қадрлаш туйғулари ривожланиб боради. Бунга чидай олмай ииғлаб юборишишингиз ҳам мумкин. (Оҳ, ўкувчим-а!)

Бу бизнинг ахлоқий бўшлиқларни тенглаштириш, хатти-ҳаракатларга муносиб тарзда жавоб бериш учун психологик мойиллигимиздир: ижобийга – ижобий, салбийга – салбий. Ушбу бўшлиқларни тўлдиришга бизни мажбурлайдиган куч ҳиссиётларимиздир. Шунинг учун ҳар бир ҳаракат тенг ва қарама-қарши ҳиссий реакцияни талаб қиласди. Бу Нютоннинг биринчи ҳиссиёт қонуни ҳисобланади.

Нютоннинг биринчи қонуни бизнинг бутун ҳаёт тарзимизни белгилаб беради, чунки у ҳис қилувчи мия-

миз атрофдаги дүнёни шархлаб берадиган алгоритм ҳисобланади. Агар күрган кинонгиз сизга завқ әмас, азоб берса, зерикіб қоласиз ёки ғазабланасиз. (Әхтимол, пуллингизни қайтиб олишни талаб қилиб, вазиятни тенглаштиришиңгиз ҳам мумкин.) Агар онангиз туғилған күнніңгизни унтутиб күйса, әхтимол кейінгі олти ой мобайнида уни эътиборсиз қолдириб, ҳисобни тенглаштирасиз. Ақлингиз бўлса, бу сизни хафа қилганини унга айтишингиз керак. Балки, севимли жамоангиз шармандали тарзда мағлубиятта учраса, камроқ ўйинларга боришины ёки жамоа учун камроқ жон күйдиришни хоҳлаб қоларсиз. Ўзингизда рассомлик қобиляти борлигини пайқаб қолсангиз-чи – одамлар қойил қолиши ва мамнун бўлиши сизни вақт, энергия, ҳиссиёт ва пулни аямасликка бошлайди. Агар давлатингизда сиз тоқат қила олмайдиган аҳмок раҳбар сифатида сайланса, ўз миллатингиз, ҳукуматингиз ва ҳатто бошқа фуқаролар билан алоқа узилиб қолганини ҳис қиласиз. Сизга шундай даҳшатли сиёсат учун қандайдир товон талаб қилиш ҳукуқи берилгандай туюлади. Ҳар бир тажрибада тенглашиш мавжуд, чунки тенглашишни қўзгайдиган нарса ҳиссиётдир. Ҳафагарчиллик – англанган йўқотишларни қоплаш учун ожизлик ҳиссиdir. Ғазаб – куч ва тажковуз орқали тенглаштириш истаги. Бахт – оғриқдан озод бўлиш ҳиссини туйиш бўлса, айборлик ҳеч қачон келмайдиган оғриққа лойиқ бўлиш ҳиссиdir.

Тенглашиш истаги адолат туйғусига асосланади. У асрлар давомида қоидалар ва қонунларга киритилған, жумладан, Бобил подшоси Ҳаммурапи ўз қонунларида “кўз учун кўз, тиш учун тиш” деб ёзган ёки Инжилнинг Олтин қоидасида “Сизга нима қилишса, сиз ҳам уларга шуни қилинг”, деб ёзилган. Эволюцион биологияда бу “ўзаро алтриуизм” деган ном билан машхур бўлса, ўйин назариясида бу “тит фор тат” (хизматга хизмат) стратегияси деб аталади.

Нютоннинг биринчи қонуни ахлоқий ҳиссиёт-ларимизни шакллантиради. У бизнинг адолат ҳақидаги

тасаввурларимиз асосига қурилган. У ҳар бир инсонидат маданиятининг асосидир. Ва у ҳис қилувчи мия тизимини бошқаради.

Ўйловчи мия кузатув ва мантиққа асосланниб фактга асосланган билимларни яратса, ҳис қилувчи мия оғриқли тажрибаларимизга асосланниб қадриятларимизни пайдо қиласди. Бизнинг оғриқларимизга сабаб бўладиган тажрибалар онгимизда ахлоқий бўшлиқни келтириб чиқаради ва ҳис қилувчи мия бу тажрибаларни паст ва номақбул деб билади. Оғриқни енгиллаштирадиган тажрибалар эса, қарама-қарши йўналишда ахлоқий бўшлиқни келтириб чиқаради ва ҳис қилувчи мия бу тажрибаларни устун ва керакли деб ҳисоблайди. Тасаввур қилишингиз мумкинки, ўйловчи мия мантиқий кетма-кетликка эга воқеаларни бир-бирига боғлайди (ўхшашлик, зиддият, сабаб-натижা), ҳис қилувчи мия эса иерархик боғланишни амалга оширади (яхшироқ-ёмонроқ, кўпроқ-камроқ мақбул, ахлоқий жихатдан устун ёки паст). Ўйловчи мия горизонтал равишда ўйлайди (нарсалар бир-бирига қандай боғлиқ?), ҳис қилувчи мия эса, вертикал – тиккасига ўйлайди (буларнинг қайси бири яхшироқ ёки ёмонроқ?). Ўйловчи мия нарсалар қандай эканини айтиб берса, ҳис қилувчи мия уларнинг қандай бўлиши кераклигини тавсифлайди.

Қайсиdir ҳодисага дуч келганимизда, ҳис қилувчи мия ўзига хос қиймат иерархиясини яратади. Гўёки, бизнинг онгимизда катта китоб жавони бор-у, ҳаётимиздаги энг зўр ва энг муҳим хотиралар (оила, дўстлар ва буррито⁹) жавоннинг энг юқорида қисмида ва энг номақбул хотиралар (ўлим, солиқлар, касаллик) жавоннинг энг қуий қисмида жойлашган. Ҳис қилувчи мия эса барча қарорларни “юқори токчага қанчалик яқин бўлса, шунчалик яхшироқ” тамойили бўйича қабул қиласди.

⁹ Буррито – мексикаликларнинг севиб истеъмол қиласдиган таоми.

Иккала мия ҳам қийматлар иерархиясига кириш ҳукуқига эга. Аммо ҳис қилувчи мия қайси токчага нима қўйишни белгиласа, ўйловчи мия муайян ҳодисалар бир-бири билан қандай боғланганини кўрсатади ва ушбу иерархияни қайта ташкил этиш вариантиларини таклиф қилади. Умуман олганда, бу бизнинг «ўсишимиз»ни кўрсатиб беради: биз устуворликларимизни оптималлаштиришимиз керак.

Масалан, бир пайтлар нуқул зиёфатма-зиёфат юрадиган дўстим бўларди. У зиёфатда тунни ўтказиб, эрталаб шу ердан ишга кетарди ва умуман ухламасди. У эрталаб туриш ёки жума куни кечқурун уйда қолишни зерикарли деб ҳисоблаган. Унинг қиймат иерархияси куйидагича кўринишга эга эди:

- Чиройли Диджейлар
- Сархуш қилувчи дорилар
- Иш
- Уйқу

Унинг феъл-авторини фақат ушбу иерархиядан башшорат қилиш мумкин эди. У уйқудан кўра ишлашни афзал кўрган. У ишдан кўра зиёфатга боришни, кўнгилхушлик қилишни маъқул кўрган. Мусиқа деса ўлиб қолган.

Бир куни у кўнгилли равищда мамлакатдан ташқариға чиқди. Бу дастур доирасида ёшлар бир-икки ой давомида учингчи дунё мамлакатларида етим болалар билан ишлашлари талаб этиларди. Ҳа, мана шу нарса ҳаммасини ўзгартириб юборди. Тажриба шунчалик кучли бўлдики, бу унинг қиймат иерархиясини бутунлай бузиб ташлади. Энди унинг иерархияси куйидагича эди:

- Болаларни кераксиз азоб-уқубатдан қутқариш
- Иш
- Уйқу
- Зиёфатлар.

Нимадир бўлди-ю, энди зиёфатлар унга ёқмай қолди. Нега? Чунки унга янги асосий қиймат аралашган эди: азобга гирифтор бўлган болаларга ёрдам бериш. У карьеррасини ўзгартирди, унинг хаёлини энди фақат иш банд

эттанди. Уйига фақат ухлашга келадиган бўлди. Ичишни ва дорилар қабул қилишни тўхтатди. Хотиржам ухлай бошлади – бунинг эвазига дунёни қутқариб қолиш учун тонналаб энергия ҳосил қилди.

Ҳамтовоқлари унга қараб афсусланиши, чунки улар бу ишларни ўз қаричлари билан ўлчашган эдидан. Бечора зиёфатчи қиз ухлаши ва ҳар куни эрталаб ишга бориш учун уйғониши керак эди. Бечора зиёфатчи қиз ҳар куни дорилар таъсирида юришдан қутулди.

Аммо қиймат иерархиялари битта қизик хусусиятга эга: улар ўзгарганида айтарли ҳеч нима йўқотмайсиз. Охир-оқибат, дўстим зиёфатларни унутиб, карьера қилишга қатъий қарор қилди. Шунчаки базмлар энди уни қизиқтирмай қўйганди. «Қизиқиши» қиймат иерархиясининг маҳсулидир. Қиймат пасайганда, қизиқиши йўқолади. Шунинг учун бизда йўқотиш ҳисси мавжуд эмас. Аксинча, биз орқага ўгирилиб, қандай қилиб бундай аҳмоқона, арзимас нарсага шунча вақт сарфлаганимиз, нега аҳамиятсиз муаммолар ва сабабларга шунчалик кўп куч сарфлаганимизга ҳайрон бўламиз. Бу пушаймон ёки хижолатга сабаб бўладиган азоблар яхшилик белгиси - улар ўсишни англатади. Бу бизнинг умидларимизга яқинлашаётганимизни англатади.

Нютоннинг иккинчи ҳиссиёт қонуни: Ўзимизни баҳолашимиз ҳаётдаги ҳиссиётларимизнинг йигиндисидир.

Келинг, муштлашув мисолига қайтамиз, айнан шу сафар мени ҳаракатларимнинг ҳар қандай оқибатларидан ҳимоя қиласиган сеҳрли куч майдони куршаб олганини тасаввур этамиз. Мени ура олмайсиз. Менга ҳеч нима дея олмайсиз. Бошқа кишига ҳам мен ҳақимда ҳеч нима дея олмайсиз. Мен енгилмас, ҳаммасини назорат қилувчи, курдатли ва золимман.

Нютоннинг биринчи қонунига кўра, кимдир бизнинг оғриқ ҳис этишимизга сабабчи бўлса, ўргамизда ахлоқий бўшлиқ юзага келади ва ҳис қилувчи мия

бизни адолатни тиклашга ундаидиган энг ёмон ҳистайғуларни чакиради.

Аммо тенглашиш юз бермаганда нима бўларди? Кимдир дидимизни оғритса-ю, биз ундан қасос олишга қодир бўлмасак, нима бўларди? "Ҳисобни тенглаштириш" ёки тенглик ўрнатиш учун нимадир қилишга ўзимизни ожиз деб ҳисобласак, нима бўларди? Менинг куч майдоним сизницидан қудратлироқ бўлганида нима бўларди?

Агар ахлоқий бўшлиқлар етарлича узоқ вақт давом этса, ҳаёт тарзимизга айланади. Стандарт созламага айланади. Улар қадриятлар иерархиямизга жойлашиб олади. Агар кимдир бизни урса ва биз унга жавоб қайтаришга журъат эта олмасак, охир-оқибат ҳис қилувчи мия ҳайратланарли хуносага келади:

"Биз мушт ейишга муносиб эдик".

Ахир, бунга муносиб бўлмаганимизда, муштегандан кейин ҳисобни тенглаштириб қўйишга ҳаракат қилмасмидик? Ҳисобни тенглаштира олмаганимиз ўзимизни қайсиdir маънода паст баҳолаганимиз ва ёки бизни урган инсонга баланд баҳо берганимизни англатади.

Бу ҳам умидимиз берган жавобнинг бир қисмидир. Агар тенглаштириш имконсиз бўлиб туюлса, ҳис қилувчи мия охирги имкониятини ишга солади: таслим бўлиш, мағлубиятни тан олиш, ўзига паст баҳо бериш ва қадр-қимматини ерга уриш. Кимдир бизга заарар етказса, бизнинг дастлабки реакциямиз қуидагича бўлади: "У абраҳ, мен эса ҳақман." Аммо биз тезда жавоб қайтаришга журъат қила олмасак ва бунга кўниб кетаверсак, ҳис қилувчи мия бошқача фикрни хаёлига келтиради: "Мен абраҳман, у эса ҳақ".

Доимиий ахлоқий бўшлиқларга бўйсуниш ҳис қилувчи миянинг фундаментал хусусиятидир. Ва бу, шунингдек, Нютоннинг иккинчи ҳиссиёт қонунидир: биз билан юз берадиган барча воқеага берган баҳомиз биз бошдан кечирган барча туйғуларнинг йиғиндиси ҳисобланади. Тезгина бўйсуниш ва ўзини аҳамиятсиз инсон деб тан олиш кўпинча уят ёки ўзига паст баҳо

бериш деб аталади. Уни нима деб аташимиздан қатыи назар, натижа бир хил бўлади: Ҳаёт сизга мушт тушираверади ва сиз уни тўхтатиш учун ўзингизни ожиз деб ҳис қиласиз. Натижада, ҳис қилувчи миянгиз сиз бунга арзийсиз деган холосага келади.

Албатта, худди шу тамойил қарама-қарши ахлоқий бўшлиқ учун ҳам хосдир. Агар бизга ҳеч қанақа меҳнатсиз имтиёзлар берилса (қатнашганик учун мукофот, аъло баҳолар ва 9-ўринни эгаллагани учун олтин медал), биз (янгишиб) асл ҳолатимиздан кўра анча яхшироқ эканимизга ўзимизни ишонтиришга ҳаракат қиласиз. Ўзимизга юқори баҳо бериб юборамиз, соддароқ айганда, кеккайган мақтанчоқдан фарқимиз қолмайди.

Ўзини баҳолаш ҳар доим вазиятга қараб амалга оширилади. Агар болалигингизда катта кўзойнагингиз ёки пучук бурнингизни масхара қилишган бўлса, ҳар қанча забардаст ва хушбичим инсонга айланган бўлсангиз ҳам, ҳис қилувчи миянгиз ҳалиям сизни “ботаник” деб билади. Қаттиқ диний муҳитда тарбияланган ва шахвонийликнинг ҳар қандай турини намоён ён қилгани учун қаттиқ жазоланадиган инсонларнинг ўйловчи мияси жинсий алоқани табиий ҳолат ва умуман олганда ёқимли машғулот эканини яхши тушунса ҳам, уларнинг ҳис қилувчи мияси жинсий алоқани ёмон машғулот деб ҳисоблайди. Ўзини юқори ва паст баҳолаш сиртдан қараганда умуман бошқа-бошқа тушунчадек туюлса ҳам, аслида улар бир танганинг икки томони ҳисобланади. Ўзингизни дунёдаги қолган одамлардан яхшироқ ёки ёмонроқ деб ҳис қилсангиз ҳам, иккала ҳолатдаям бир хил маъно келиб чиқади: сиз ўзингизни бошқалардан ажralиб турадиган алоҳида шахс сифатида тасаввур қиляпсиз.

Буюк бўлгани учун бошқалардан алоҳида муомала талаб қиласидиган одам жирканч бўлгани учун бошқалардан алоҳида муомала кутадиган одамдан деярли фарқ қилмайди. Иккаласи ҳам худбиндир. Иккаласи ҳам ўзини муҳим инсон деб билади. Иккаласи ҳам дунёнинг истис-

но тариқасида ўзларининг қадрият ва ҳиссиётларини бошқаларницидан устун қўйишни хоҳлайди.

Худбинлар устунылик ва пастлик орасида сайр қилиб юришади. Уларни ҳамма яхши кўради ёки ҳамма ёмон кўради. Улар учун ёки ҳаммаси ажойиб, ёки ҳаммаси расво бўлади. Уларнинг ҳаётидаги ҳар қандай воқеа ёки энг зўри, ёки энг аянчлиси бўлади. Худбинларда олтин ўрталиқ бўлмайди - чунки атрофдаги ноаниқ ва тушуниб бўлмайдиган воқеликни англаш учун у ўзининг ўзига хослигига ишонишдан воз кечиши керак. Худбинлар бардошли бўла олмайди. Улар ўзларини оламнинг маркази деб билишади ва бошқалар буни тан олишиларини талаб қилишади.

Агар диққат билан қарасангиз, бундай ўзини пастбаланд баҳолаш ҳолатларини ҳар қандай жойда топиш мумкин: оммавий қатл қиласидиганлар, диктаторлар, инжик болалар, ҳар йил рождество байрамини расво қиласидиган уришқоқ кампирлар... Гитлер биринчи жаҳон урушидан сўнг бутун дунё Германияга ёмон муносабатда бўлган, чунки унинг устуныликка эришишидан кўрқсан деб баёнот берганди. Шунингдек, яқинда Калифорниядаги ётоқхонага қуролли ҳужум уюштирган йигит ўз хатти-харакатини қизлар ундан кўра ёмонроқ йигитлар билан муносабатта киришаёттани туфайли, бўйдоқ яшашга мажбур бўлаётгани билан изоҳлаганди.

Агар ҳалол бўлсангиз, уни ўз атрофингииздан ҳам топишингиз мумкин. Бирор нарса тўғрисида қанчалик кўп хавотирга тушсангиз, шунчалик алдамчи устунылик ҳисси («Мен энг зўрман!») билан алдамчи пастлик ҳисси («Мен расвоман!») ўртасида иккиласланганча қолиб кетасиз.

Ўзига баҳо бериш ҳам иллюзия. Бу психологияк тузилма бўлиб, ҳис қилиувчи мия унга нима ёрдам беришини ва нима зарар етказишини олдиндан билиши учун ишлайди. Охир-оқибат, биз дунё ҳақида нимадир ҳис қилишимиз учун ўзимиз ҳақимизда нимадир ҳис қилишимиз керак ва бу ҳиссиётларсиз умидни топишнинг иложи бўлмайди.

Ҳаммамиизда қайсиdir миқдорда худбинлик мавжуд. Бу муқаррар жараён бўлиб, биз билган ёки бошимиздан ўтказган ҳар бир ҳодиса айнан биз билан содир бўлган ёки биз томонимиздан ўрганилган бўлади. Онгимиз табиати ҳаётимиздаги ҳамма нарса биз орқали ўтишини талаб қилади. Табиийки, бу ҳолатда ўзимизни дунёning марказида тургандек ҳис қиласмиз, сабаби биз ҳақиқатан ҳам биз билан содир бўладиган барча воқеалар марказидан жой оламиз.

Деярли ҳаммамииз ўз маҳоратимиз ва истакларимизни бошқаларницидан юқори, бошқаларнинг маҳорат ва истакларини эса ўзимизницидан паст баҳолаймиз. Барча одамлар ўзини ўртачадан юқори билим ва маҳоратта эга деб билади, ваҳоланки, кўп ҳолларда бу хато фикр ҳисобланади. Доимо ўзимизни аслимиздан кўра ҳалолроқ ва одоблироқ деб ҳисоблаймиз. Доимо ўзимиз учун фойдали бўлган нарсалар бошқалар учун ҳам фойдали деб ишонамиз. Муваффақиятсизликка учрасак, буни тасодифга йўямиз. Лекин бошқа бирор муваффақиятсизликка учраса, дарҳол у инсоннинг характеристига баҳо беришга шошиламиз.

Мўътадил худбинлик табиий ҳолат, аммо бир қанча ижтимоий-сиёсий муаммоларнинг илдизи айнан унга бориб тақалади. Бу ўнг ёки сўл қанотнинг муаммоси эмас. Бу ёш ёки кекса авлоднинг муаммоси эмас. Бу гарб ёки шарқнинг муаммоси эмас.

Бу инсониятнинг муаммоси.

Ҳар қандай ташкилот чок-чокидан сўклилиши ва коррупция ботқоғига ботиши мумкин. Ҳар қайси инсон кўпроқ ҳокимият ва камроқ чекловга эга бўлса, қўл остидаги ҳокимиятни ўзи учун мослаштиришга ҳаракат қилади. Ҳар қайси одамнинг кўзига ўзининг унча-мунча камчиликлари кўринмайди, бошқаларнинг арзимаган камчиликлари эса жуда катта бўлиб кўринади.

Ерга хуш келибсиз. Яхши ҳордиқ чиқаринг.

Ҳис қилувчи миямиз ҳақиқатни шу даражада бузиб кўрсатадики, воқеликдан йироқ бўлса ҳам, бизнинг бар-

ча муаммоларимиз ва оғриқларимиз ўзига хос ва ноёб эканига ишониб қоламиз. Худбинлик бизни ёқимсиз ҳақиқатдан ҳимоя қилувчи энг сўнги восита эканлиги сабабли ийсоният оз миқдорда худбинликка эҳтиёж се-зади. Келинг, холис бўламиз: одамлар абраҳ, ҳаёт жуда мураккаб ва уни олдиндан тажмин қилиб бўлмайди. Мабодо, адапиб қолмасак, кўпчилигимиз йўлимиз давомида унга дуч келамиз. Агар ўзимизнинг устунлигимиз (ёки пастлигимиз) ҳақида бирон-бир нотўғри тасаввурга эга бўлмасак, биз бирон-бир соҳада ҳаддан ташқари зўр эканлигимиз ҳақидағи нотўғри фикр мавжуд бўлмаса, энг яқин кўприқдан сузиб ўтган бўлардик. Озгина худбинликсиз, озгина ўзига хослигимиз тўғрисидаги ёлғон фикрсиз умидимизни йўқотиб қўйиш эҳтимоли ошади.

Аммо ички худбинлик ҳисси қимматта тушиши мумкин. Ўзингизни дунёдаги бошқа инсондан юқори ёки паст кўришингиз сизни ташқи дунёдан буткул ажратиб қўяди.

Ва бу ажралиш, охир-оқибат сизни кераксиз азобларга дучор қилиши мумкин.

Нютоннинг учинчи ҳиссиёт қонуни: Янги тажрибани синаб кўрмагунча шахсиятингиз аслича қолаверади.

Аянчли ҳикоя айтиб бермоқчиман. Йигит қизга хиёнат қилди. Қизнинг кўнгли синди. Умидсизликка тушди. Йигит қизни ташлаб кетди. Қиз йиллар давомида бундан азият чекди. Қиз ўзини омадсизликда айлади. Унинг ҳис қилувчи мияси умидни тиклаши учун ўйловчи мияси икки фикрдан бирини танлаши керак эди. У иккисидан бирига ишониши керак эди: а) ҳамма йигитлар хиёнатчи; б) ҳамма айб унинг ўзида.

Ҳа. Иккаласи ҳам яхши танлов эмасди.

Аммо у “а” вариантда тўхтади - “Ҳамма йигитлар абраҳ”. Чунки у ёлғизликка маҳкум этилганди. Унинг танлови онгли равища қабул қилинмаганини ёдда тутинг. Бу шунчаки содир бўлди..

Орадан йиллар ўтди. Қиз бошқа йигит билан танишди. Бу йигит аблар әмасди. Бу йигит жуда яхши инсон эди. У ажайиб эди. Ёқимтой эди. Қизни севарди. Чин юракдан.

Қиз иккиланиб қолди. Бу йигитнинг гаплари ростмикан? Унинг гапларига ишонса бўладими? Ахир у ҳамма йигитларни аблар деб биларди-ку? Ҳа шундай. Шундай бўлса керак. Унда буни исботлайдиган ҳиссий кўркув бор эди. Афсуски, бу боланинг аблар әмаслигини қабул қилиш қизнинг ҳиссий мияси учун оғир эди, шунинг учун қиз бу йигитнинг ҳам аблар эканига ўзини ишонтириди. Ўзининг нозик жойига яна зарба беришларидан кўрқди. У ҳар бир номақбул сўзни, ҳар бир ўринсиз ишорани, ҳар бир ножоиз тегинишни пайқарди. У ҳар қандай майдага хатоларга жуда синчковлик билан қарапди, шунинг учун тез орада унинг миясига сигнал келиб ту舍ди: “Қоч. Ўзингни асра”.

Шундай қилди ҳам. Югурди. Энг даҳшатли йўллардан югурди. У яхши йигитни бошқа аблар йигитни деб ташлаб кетди. Чунки, унинг наздида ҳамма йигитлар аблар эди-да.

Хўш, энди ҳам бир абларлик бошқа воқеаларга таъсир қилмайди деб ҳисоблайсизми? Адашасиз.

Энди йигитнинг кўнгли вайрон бўлди. Умидсизликка ту舍ди. Йиллар давомида азоблар ичида яшади ва азоб аста секин уятга айланиб борди. Бу уят йигитни оғир ахволга тушириб қўйди. Чунки ҳозир унинг ҳис қилувчи мияси иккисидан бирини танлаши керак эди: а) барча қизлар ёмон ёки б) унинг ўзи ёмон.

Қадриятларимиз шунчаки ҳиссиётларимизнинг йифиндиси әмас. Қадриятлар тарихдир.

Ҳис қилувчи мия ниманидир ҳис этса, ўйловчи мия ушбу ниманидир изоҳлайдиган ҳикоя яратишни бошлайди. Ишдан ажралишингиз шунчаки омадсизлик әмас, сиз унинг атрофида бутун бошли ҳикоя яратишингиз мумкин: Аҳмоқ хўжайинингиз шунча йиллик садоқатингизга қарамай, сизга ноҳақлик қилди.

Бу компания учун борингизни бергандингиз. Эвазига нима топдингиз?

Хикояларимиз жуда ёпишқоқ – улар онгимизга нам, төр кийим каби ўрнашиб олади. Биз уларни ўзимиз билан биргалиқда олиб юрамиз ва улар орқали ўзимиз ҳакимиизда холоса чиқарамиз. Биз бу хикояларни бошқалар билан бўлишамиз ва атрофимиздан хикоялари бизнекига мос келадиган одамларни излаймиз. Биз бунақа инсонларни дўст, ўртоқ ва яхши одам деб атаймиз. Хикоялари бизнекига қарама-қарши бўлганларни нима деб атаймиз? Албатта, ярамас деймиз.

Ўзимиз ва дунё ҳақидаги хикояларимиз асосан (а) кимнингдир ёки ниманингдир қиймати ва (б) кимдир-нимадир қийматга арзиш-арзимаслиги ҳақидадир. Барча хикоялар ушбу услубда ёзилади:

Бирор ким ёки нима билан ёмон воқеа содир бўлса, у бунга лойиқ эмасди.

Бирор ким ёки нима билан яхши воқеа содир бўлса, у бунга лойиқ эмасди.

Бирор ким ёки нима билан яхши воқеа содир бўлса, у бунга лойиқ эди.

Бирор ким ёки нима билан ёмон воқеа содир бўлса, у бунга лойиқ эди.

Бошқаларга етказиладиган ва хотирамизда сақланадиган инсон томонидан айтиладиган ҳар қайси сўз - китоблар, афсоналар, ривоятлар, хикоялар – ҳаммаси инсон ҳаётида бўлиб ўтиши мумкин бўлга воқеалар кетма-кетлигига асосланади.

Нима муҳим ва нима муҳим эмаслиги, нима арзирли ва нима арзирли эмаслиги ҳақидаги ўзимиз тўқиган хикоялар бизнинг онгимизга ўрнашиб қолади ва шаҳсиятимизни шакллантиради, улар бизнинг дунёга ва одамларга қандай мослашишимиз кераклигини аниқлаб беради. Улар шунингдек, ўзимизга бўлган муносабатни белгилайди, масалан биз яхши ҳаётга арзиймизми ёки арзимаймизми, биз севишга арзиймизми ёки йўқ, биз муваффақиятга лойиқмизми, йўқми

– улар бизнинг ўзимиз ҳақимизда билган ва тушунган барча нарсани белгилаб беради. Ушбу қадрияларга асосланган ҳикоялар тармоғи бизнинг ўзлигимиздир. Ўзингиз ҳақингизда “Мен жуда ҳам зўр капитанман, ҳа-ҳа-ҳа”, деб ўйласангиз, кимлигингизни белгилаш ва ўзингизни англаш учун яратилган ҳикоядан айтган бўласиз. Бу шахсий «мен»нинг бир қисми бўлиб, уни бошқаларга намойиш қилишингиз ва facebook саҳифангизга жойлаштиришингиз мумкин. Сиз кема капитанисиз ва уни жуда ажойиб тарзда бошқарасиз, шунинг учун сиз яхши нарсаларга арзийсиз.

Аммо бу ерда бир қулгили вазият юзага кела-ди: ушбу кичик ҳикоялар шахсиятингизнинг бир қисмига айланганда, сиз уларни ҳимоя қила бошлай-сиз ва уларга ҳиссий равища худди сизнинг ажралмас қисмингиз каби муносабатда бўласиз. Кимдир юзин-гизга мушт туширганда, тажовузкор ҳиссий реакция қайтарганингизга ўхшаб, кимдир ёнингизга келиб, сизнинг ёмон капитан эканингизни айтганида ҳам, сизда салбий ҳиссий реакция пайдо бўлади, сабаби биз худди жисмоний танани ҳимоя қилганимиздек метафи-зик танани ҳам ҳимоя қилишга мойилмиз.

Шахсиятимиз худди қор “тўп” и каби ҳаракат қилиб, қадрияларни тўтилагани сари катталашиб бораверади ва янги маъноларга эга бўлади. Сизни туғиб, вояга етказган онангиз билан яқин муносабат ўрнатасиз ва бу муносабат сизга умид баҳш этади, шунга асосланиб миянгизда ҳикоя яратасиз, бу эса шахсиятингизнинг ўзига хос хусу-сиятларидан бирига айланади - қалин соchlар, жигарранг кўзлар ёки дағал тирноқлар каби. Онангиз ҳаётингизнинг ажралмас бўлагидир. Онангиз ҳайратланарли инсон. Онангизнинг олдида бутун умр қарздорсиз. Қанақадир сафсатабозларнинг “Оскар” мукофоти ҳақида гапириб юргани бу қарзингиз олдида ҳеч нарса...

Шундан сўнг шахсиятингизнинг ушбу қисмини худди танангизнинг бир қисмидек ҳимоя қила бошлайсиз. Кимдир онангиз ҳақида номақбул сўзларни ишлатса,

куюшқондан чиқиб кетасиз ва ён-атрофдаги буюмларни синдира бошлайсиз.

Шунда бу тажриба онгингизда янги хикоя ва янги қадриятларни яратади. Жаҳлингизни чиқарадиган нарсалар борлигига ишонч ҳосил қиласиз – айниқса, онангиз масаласида. Ба бу шахсиятингизнинг ажралмас қисмiga айланади.

Ҳаёт давом этаверади.

Қийматни қанчалик узоқ вақт ушлаб тура олсақ, қор “тўп”ининг ички қисми шунчалик чуқурроқ бўлади ва бу дунёни ва ўзимизни қай тарзда англашимизга шунчалик таъсир кўрсатади. Банқдаги кредит фоизлари сингари, вақт ўтиши билан қадриятларимиз тўпланиб, ёрқинлашади ва келажагимизнинг рангбаранг бўлишини таъминлайди. Бу фақатгина мактабда нимжонлигингиз сабабли камситилганингизга ўхшайдиган воқеа эмас, қўшимчасига бу сизнинг ўnlаб йиллар давомида келажакдаги барча муносабатларингизга таъсир ўтказган ўзингизни барбод қилишингиз ва худбинлигингиздир. Булар ўnlаб йиллар давомида азобланишингизга сабаб бўлган.

Психологлар бу мавзуда тўлиқ маълумотга эга бўлишмаса ҳам, битта нарсани аниқ билишади: Болаликда олинган рухий жароҳат ҳеч қачон бизни тарк этмайди. Ёшлик давридаги “қор тўпи эфекти”, болалигимиздаги яхши ва ёмон воқеалар шахсиятимизга жуда узоқ вақт таъсир қиласиди ва ҳаётимизнинг асосий йўналишини белгилаб берадиган қадриятларни ишлаб чиқади. Болаликда бошдан кечиргандарингиз асосий қадриятларингизга айланади; агар асосий қадриятларингиз бузилиб кетган бўлса, сизни йиллар давомида таъкиб қиласидиган ва ҳаётингиздаги барча катта ва кичик воқеаларни заҳарлайдиган домино эфекти яратилади.

Болалигимизда бизда кичик ва нозик шахсият шаклланган бўлади. Бошимизданайтарли воқеалар ўтмаган бўлади. Бизга ғамхўрлик қиласидиганларга тўлиқ боғлиқ

бўламиз ва улар кўплаб хатоларга йўл қўядилар. Эътиборсизлик ёки зиён етказиш ҳеч қачон тенглашмайдиган ахлоқий бўшлиқнинг пайдо бўлишита замин яратадиган ҳаддан ташқари кучли ҳиссий реакцияга сабаб бўлиши мумкин. Агар отангиз оиласиз билан биргаликда ташлаб кетса, З ёшли ҳис қилиувчи миянгиз бошиданоқ ҳеч кимга керак бўлмагансиз деган қарорга келади. Агар онангиз янги, бой эркакни деб сизни ташлаб кетса, дунёда меҳр туйғуси йўқ, дейсиз ва, ҳеч кимга ишонмаслик керак, деган хуносага келасиз.

(Нютон нега ёлғизликтини яхши кўргани энди ҳам ажабланарли туюляптими?)

Ва энг ёмони, бу ҳикоялар билан қанчалик узоқ яшасак, улар бизда мавжудлиги ҳақида шунчалик кам биламиз. Улар фикрларимизнинг шовқинли фони, онгимизнинг ички безаги бўлади. Улар тасодифий ва тўқиб чиқарилган бўлса ҳам, нафақат табиий, балки ажralmas қисмимиздек туюлаверади.

Ҳаётимиз давомида тўплайдиган қадриятлар кристалланади ва шахсиятимизнинг юқорисида чўкинди ҳосил қилади. Қадриятларимизни ўзгартиришнинг ягона усули қадриятларимизга зид бўлган тажрибага эга бўлишдир. Янги ёки қарама-қарши тажрибалар орқали ушбу қадриятлардан халос бўлишга ҳар қандай уриниш бизни муқаррар равишда оғриқ ва нокулайликка дучор қилиши мумкин. Шу сабабли, ўзгаришнинг оғриқсиз кечишини, ўсишга хамирдан қил сугургандек, осонгина эришишни ҳеч қачон кутманг. Аввал ким бўлганингизни эсдан чиқармасдан туриб, мутлақо янги инсонга айланиш имконсиздир. Ўз қадриятларимизни йўқотиб қўйганимиз сабабли ўтмишдаги ҳикояларимизни йўқотганимизда аза турамиз, бу вазиятда ўзимизни танамизнинг қайсиdir қисмини йўқотиб қўйгандек ҳис қиласиз. Ҳа, ҳақиқатан ҳам танамизнинг бир қисмини йўқотиб қўйган ҳисобланамиз. Севганимизни, ишмизни, атрофимиздаги одамларни, эътиқодимизни ва дўстлигимизни

йўқотганда ҳам худди юқоридагидек ғам чекамиз. Уларнинг барчаси шахсиятингизнинг муҳим, фундаментал қисмлариdir. Улардан айрилганингизда, улар билан бирга улар ҳаётингизга кириб келган умид ҳам йўқолади, сиз яна ёқимсиз ҳақиқат билан ёлғиз қолиб кетасиз.

Ўзингизни даволашнинг икки хил усули бор, яъни эски, алдамчи қадриятларни янги, соғломлари билан алмаштириш. Биринчи йўл ўтмишдаги тажрибаларни қайта кўриб чиқиш ва уларнинг атрофидаги ҳикояларни қайта ёзишдан иборат бўлади. Қараб туринг, абраҳ инсон эканим учун у мени урадими ёки у абраҳ инсон бўлгани сабабли мен уни ураманми?

Ҳаёт ҳикояларини қайтадан қўриб чиқиш ҳамма нарсага янгича қараш имконини беради: биласиз, балки мен ҳеч қачон ажойиб кема капитани бўлмагандирман? Кўпинча, вакт ўтиши билан, аввал жуда муҳим саналган нарса энди муҳим бўлмай қолганини пайқаймиз. Баъзизда эса ўз қадриятларимиз ҳақида аниқроқ тасаввурга эга бўлиш учун ушбу ҳикояни кенгайтирамиз: оҳ, у мени ташлаб кетди, чунки бир абраҳ уни ташлаб кетганди ва шундан сўнг у ўзидан уяла бошлади ва яқин муносабатларга киришишдан ўзини тийди ва тўсатдан, бу воқеа энди аянчли бўлмай қолди.

Қадриятларингизни ўзгартиришнинг яна бир усули бу келажак ҳаётингиз ҳақида нималардир ёзишингиз, агар маълум қадриятларга ёки муайян шахсиятга эга бўлсангиз, ҳаёт қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги тасаввурларингизни қоғозга туширишингиздир. Ўзимиз хоҳлаган келажакни тасаввур қилиш орқали ҳис қилувчи мияга ушбу қадриятларни синааб кўришга ва якуний қарорни қабул қилишдан олдин келажакни ҳис қилишга имкон берамиз. Охир-оқибат, буни етарли даражада бажарганимиздан сўнг, ҳис қилувчи мия янги қадриятларга ўрганиб қолади ва уларга ишонишни бошлайди.

Бу турдаги “келажакни лойиҳалаштириш” бизга энг ёмон йўллар билан ўргатилади: “Тасаввур қил,

ҳайратланарли даражада бойсан ва бир нечта яхтага әгасан. Ҳаммаси амалга ошди!"

Афуски, бундай образ ҳозирги носоғлом қиймат (материализм) ўрнини боса олмайди. Сиз шунчаки ҳозирги қадриятларингиз билан ўйнашган хисобланасиз. Ҳақиқий ўзгариш - биринчи навбатда яхталарни хоҳламаган нарсани хаёлга келтиришга олиб келади.

Фойдали визуализация бир қанча нокулайликларни келтириб чиқариши мумкин. У сизга бир қанча қийинчиликларни тақдим этади ва буни тасаввур килиш жуда қийин. Агар бундай бўлмаса, ҳеч нарса ўзгармаётган бўлади.

Ҳис қилувчи мия ўтмиш, ҳозир ва келажак ўртасидаги фарқларни билмайди: бу ўйловчи миянинг устунлигидир. Ўйловчи мия ҳис қилувчи мияни тўғри ҳаёт йўлига тортиши учун фойдаланадиган стратегиялардан бири "нима бўларди?" саволлариdir: Қайиқларни ёмон кўриб, вақтингизни ногирон болаларга ёрдам беришга сарфлаганингизда нима бўларди? Ҳаётингизни одамлар сизни ёқтиришлари учун бирон бир нарсани исботлашга уриниб ўтказмасангиз нима бўларди? Агар одамлар муаммоларини сизга юкламай, ўзлари ҳал қилганиларида нима бўларди? Баъзида сиз ҳақ бўлишингиз ёки бўлмаслигингиз мумкин, аммо ўзингиз ҳақиқат деб хисоблайдиган ҳикояларингизни ҳис қилувчи мияга айтиб бериш имконига әгасиз. Ёзувчи ва собиқ дентиз флоти матроси Жоко Уиллинк ўзининг «Интизом озодликдир» китобида қуйидагича ёзади: "У ҳар куни эрталаб соат 4 яримда уйғонади, чунки дунёнинг қайсиdir ерида унинг рақобатчиси борлигини ҳис қилади. Унинг қаердалигини билмайди, лекин душмани уни ўлдириш пайида эканини тахмин қилади. Агар у душманлари келганида уйғоқ бўлса, бу унга устунлик беришини яхши тушунади". Уиллинк бу ҳикояни Ироқ ўрушида эканида ўзига атаб ёзган, сабаби у ерда ҳақиқатан ҳам уни ўлдиришни

хоҳлаган душманлар сони мингта эди. Аммо у тинч ҳаётта қайтганидан сүнг ҳам бу ҳикояни сақлаб қолди.

Холисона қарасак, Уиллинкнинг ҳикояси ахмоқликдан бошқа нарса эмас. Қанақа душман? У қаерда? Аммо мажозий, ҳиссий жиҳатдан у жуда катта кучга эга. Уиллинкнинг ҳис қилувчи мияси ҳалиям уни бошқаришда давом этмоқда ва баъзиларимиз кечаги шароб таъсирида карахт аҳволда ётганимизда, Уиллинк аллақачон уйғонган бўлади. Бу ўзини назорат қилишнинг иллюзиясига яққол мисол бўла олади.

Ушбу ҳикояларсиз – биз хоҳлаган келажак ҳақида аниқ тасаввурларсиз, биз мослашмоқчи бўлган қадрияtlарсиз, биз қадам қўймоқчи бўлган шахсиятсиз ўтмишдаги муваффақиятсизлик ортидан келган азобуқубатларимизни такрорлашга маҳкум бўламиз. Ўтмишмиз тўғрисидаги ҳикоялар шахсиятимизни белгилайди. Келажак ҳақидағи ҳикоялар умидимизни шакллантиради. Бу ҳикояларга кириб бориш ва уларда яшаш, уларни ҳаётта татбиқ этиш ҳаётимизга маъно киргизади.

Ҳиссий тортишиш кучи

Эмо-Нютон болалигидаги хонасида ёлғиз ўтиради. Ичкари қоронғу эди. Қанчадан бери уйғоқ, соат неча бўлди ва бугун қайси кун – булар билан мутлақо иши йўқ эди. Бир неча ҳафтани ёлғизлиқда ўтказди. Уйидагилар қўйиб кетган овқатта қўл урмади, эшик тагида туриб қолди.

Нютон бўш қофозни олди ва устига катта айланади. Кейин айлананинг чегаралари бўйлаб нукталарни белгилаб, нуктали чизиқлар билан ҳар бир нукта марказга тортилишини кўрсатди. Унинг остига шундай ёзиб қўйди: “Қадриятларимизда ҳам ҳиссий тортишиш кучи мавжуд, биз ўз орбитамизга бизникига мос келадиган қадриятларни жалб қиласиз ва инстинктив равища оҳанрабонинг қарама-қарши кутблари сингари бизникига зид бўлган қадриятларни ўзимиздан

итарамиз. Ушбу куч бир хил услуб атрофида бирлашган одамларнинг катта орбиталарини ҳосил қиласди. Уларнинг барчаси ўзи учун муҳим бўлган қадриятлар атрофида айланаб юради".

У биринчи айланана ёнига яна бир айланана чизиб кўйди. Икки айлананинг чегаралари деярли бир-бирига тегай-тегай дерди. Кейин у иккала айланана ўртасида тортишиш чизикларини тортди, иккала орбитанинг идеал симметриясини бузиб, тортишиш кучи уларни қарама-қарши йўналишда тортадиган жойларни кўрсатди. Ва яна ёзди:

"Йирик одамлар гурӯхлари бир-бири билан бирлашиб, ҳиссий тарихларини бир хил баҳолаганча, қабила ва уруғларни ташкил этишади. Масалан, сиз илм қадрияти бўлишингиз мумкин. Мен ҳам. Шунинг учун орамизда ҳиссий магнетизм мавжуд. Қадриятларимиз бир-биrimizни ўзига жалб қиласди, шунинг учун биз доимо бир-биrimizning орбитамизга тушамиз ва метеафизик дўстлик рақсига ўйнаймиз. Қадриятларимиз бирлашади ва мақсадлар муштараклигига эга бўламиз.

Аммо... Айтайлик, кимдир пуританизмни афзал кўрса, бошқаси англиканизмни қадрлайди. Улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, аммо турли тортишиш кучига эга бўлган қутблар аҳолисидир. Бу улардан бири бошқасининг орбитасини бузишига, қиймат иерархијалари ичida кескинликни келтириб чиқаришига, шахсиятини шубҳа остига олишига, жазолаш учун сабаб бўладиган салбий ҳиссиётлар ишлаб чиқаришига ва мақсадларни хавф остига қўйишига сабаб бўлади.

Бу ҳиссий тортишиш кучини инсониятнинг барча можаролари ва ҳаракатларининг асосий ташкилотчи-си деб эълон қиласман".

Шунда Исаак яна бир қоғозни олди ва турли ўлчамдаги бир қатор доиралар чизди. "Қадриятни қанча мустаҳкам ушлаб турсак, – деб ёзди у, – ниманидир бошқа нарсадан устун ёки пастлигини шунчалик белгилаб берамиз, тортишиш қанчалик кучли бўлса, орбита ҳам шунча-

лик қаттиқ бўлади, ташқи кучлар учун унинг йўлини ва мақсадини бузиш шунчалик қийин бўлади.

Шунинг учун бизнинг энг кучли қадриятларимиз бошқаларнинг меҳрини ёки ҳамдардлигини талаб қиласди - қанча кўп одам қайсиdir қадриятини бошқаларга улашса, шунчалик кўп одамлар йиғила бошлиайди ва шу қадрият атрофида яхлит бирлашади: олим – олим билан, руҳоний – руҳоний билан. Бир хил нарсани яхши кўрган одамлар бир бирини яхши кўради. Бир хил нарсани ёмон кўрган одамлар ҳам бир бирини яхши кўради. Турли нарсаларни яхши кўрган ёки ёмон кўрган одамлар бир-бирларини ёмон кўради. Эртами-кечми, барча инсоний тизимлар умумий қадриятларга мувофиқ бирлашиш ва ўзаро фикр алмашиш орқали мувозанатта эришадилар. Одамлар бир жойда тўпланади, шахсий ҳикоялари эскириб, сийқаси чиқиб қолганидан сўнг уларни тўлдиради ва ўзгартиради, уларнинг персонал шахсияти гурӯҳ шахсиятига айланади.

“Азизим Нютон, кўпчилик одамлар бир хил қадриятларга эга бўлмайди. Кўпчилик инсонлар бир бурда нонга қаноат қилиб, маза қилиб ухлашади. Бу борода сен ҳақсан”, дейишингиз мумкин.

Аксарият инсонларда фарқли жиҳатлардан кўра, ўхшаш томониар кўпроқ бўлади. Ҳаммамиз ҳаётда асосан битта нарсани хоҳлаймиз. Аммо кўз илғамас фарқлар ҳиссиёт томон етаклайди ва ҳиссиёт муҳимлик ҳиссини шакллантиради. Шу сабабли, фарқлар номутаносиб равишда ўхшашликларга қараганда муҳим бўлиб туюлади. Бу инсоннинг ҳақиқий фожиаси деб айтишимиз мумкин. Мана шу арзимаган фарқларни деб доимий зиддиятларга гирифтор бўламиз. Бу ҳиссий тортишиш кучи назарияси, ўхшаш қадриятларнинг уйғунлиги ва жозибаси халқлар тарихини очиб беради. Дунёнинг турли қисмларида турли хил географик омиллар мавжуд. Қайсиdir минтаقا кўпол, қаттиқ ва босқинчилардан яхши ҳимояланган бўлиши мумкин. Унинг халқи учун бетарафлик ва яккаланиш олий қадрият ҳисобланади. Бу

кейинчалик уларнинг гуруҳ шахсиятига айланади. Бошқа минтақада эса овқат ва ичкилиқ мўл, шу сабабли унинг халқи хушмуомала, меҳмондўст ва базмсевар бўлиши мумкин. Бу ҳам уларнинг шахсияти ҳисобланади. Батъзи худудларда сув тақчил бўлади ва у ердаги ҳаёт тарзи жуда оғир экани айтиласди, жуда кўплаб мамлакатларнинг чорраҳасида жойлашгани сабабли, унинг халқи ҳокимиятни, кучли ҳарбий қўмандонликни ва мутлақ монархияни қадрият деб билади. Бу ҳам уларнинг шахсиятидир. Одамлар ўз шахсиятини эътиқодлар, оқилона далиллар ва қарашлар шаклида ҳимоя қилса, жамоалар, қабилалар ва миллатлар ҳам худди шу тарзда ўзларини ҳимоя қиласидар. Маданият аста-секин халқ қўринишига келиб, кенгайиб, ўз қадрияtlари тизимининг остида тобора кўпроқ одамларни жалб қила бошлайди. Охир оқибат, бу халқлар бир-бирига қарши чиқади ва зид қадрияtlар ўзаро тўқнашади.

Кўпчилик одамлар ўзларининг шахсий қадриятынни маданий ва гуруҳ қадрияtlаридан пастга кўйишиади. Шу сабабли кўп одамлар ўзларининг энг юқори қадрияtlари – оиласи учун, яқинлари учун, миллати учун, ўз худоси учун ўлишга тайёр бўлишиади. Инсонларнинг қадрияtlари учун ўлишга тайёrlиги сабабли, маданиятнинг тўқнашуви муқаррар равишда урушга сабаб бўлади.

Уруш умиднинг даҳшатли синовидир. Урушда ўз халқларининг ресурслари ва умидларини максимал дарражада оширадиган қадрияtlарни қабул қилган мамлакат ёки халқ муқаррар равишда ғалаба қозонади. Давлат қанчалик кўп кўшни худудларни забт этса, унинг халқи ўзларини бошқа одамлар устидан хукмронлик қилишга шунчалик лойик деб ҳисоблайди ва бутун инсоният унинг қадрияtlарига амал қилиши керак деган ғоя кучаяди. Голиб қадрияtlарнинг устуворлиги кейинчалик ҳам яшаётда давом этади, тарихга муҳрланади ва келажак авлодлар учун умид манбаи бўлиб хизмат қиласди. Нихоят, ушбу қадрияtlар натижи ғериши тўхтатса,

бошқа қадриятларга, бошқа халқарга ўрин бўшатади, янги давр бошланаверади, тарих давом этаверади.

Буни инсоннинг тараққиёт формуласи деб атайман”.

Нютон ёзишдан тўхтади. У ҳиссий тортишиш кучи назариясини учта ҳиссиёт қонуни билан бир қаторга жойлаштирди ва навбатдаги кашфиётлари тўғрисида фикр юритиш учун билан оз тин олди.

Айни ўша жимжитлик, қоронгулик ҳукм сурган лаҳзада Исаак Нютон саҳифадаги айланаларга қаради ва бундан ғаши келди: унинг орбитаси йўқ эди. Психологик жароҳат ва ижтимоий муваффакиятсизлик йиллари давомида у ҳаммадан ва ҳамма нарсадан ўз ихтиёри билан воз кечганди - якка юлдуз сингари ўз траекторияси бўйлаб учиб, бошқа тизимларнинг тортишиш майдонларининг таъсири остида қолмади.

У ҳеч кимни қадрламаслигини англаб етди – ҳатто ўзини ҳам. Бу унинг ўзини ёлғиз ҳис қилишига сабаб бўлди ва унга мислсиз ғам-қайғу келтирди. Ҳеч қандай мантиқ ва ҳеч қандай ҳисоб-китоб бу дунёда ўзига умид топишга ҳаракат қилаётган ҳис этувчи мияннинг чидаб бўлмайдиган тушкунлигини енгилшга ёрдам бера олмасди.

Мен сизга шуни мамнуният билан айтмоқчиманки, Параллел оламдаги Нютон ёки эмо-Нютон қайфуси ва ёлғизлиги устидан ғалаба қозонди. У ўзи ва бошқаларни қадрлашни ўрганди. Аммо бизнинг оламдаги Нютонга ўхшаб параллел оламдаги Нютон ҳам қолган умрини ёлғиз ва баҳтсиз ҳолда ўтказди. Иккала Нютоннинг саволларга берган жавоблари 1665 йил ёзида кўплаб авлод файласуфлари ва олимларининг фикрларини қамраб олди. Аммо бир неча ой ичида, йигирма беш ёшли антисоциал жумбокни ечди ва кодни бузди. У Илмий кашфиётлар чегарасига кириб бориб, ўз топилмаларини Лондоннинг шимолидан бир неча километр узоқликдаги қишлоқда жойлашган гавжум идоранинг ҳеч кимнинг кўзи илғамайдиган бурчагига ташлади.

Бу ерда унинг кашфиётлари оламга сир бўлиб қолиб, чанг босиб ётаверди.

4-БОБ.

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ БАРЧА ОРЗУЛАР УШАЛИШИ МУМКИН?

Тасаввур қилинг: соат ярим кечаси икки ва сиз диванда ёнбошлаганча, телевизорингизга тикилиб ётибсиз. Нега? Билмайсиз. Инерциянгиз ётиб ухлаш ёки туриб бошқа машғулот билан шуғулланишдан кўра телевизор кўриб ётишни афзал кўради. Шунинг учун кўряпсиз.

Ажойиб. Тақдирингизга бефарқ бўлсангиз, мен сизни “босиб оламан”. Эртанги кун учун муҳим режалари бўлган инсон ярим кечаси соат иккода телевизор олдида ўтирумайди. Агар ички умид инқирозини бошдан кечирмаса, ҳеч ким “тураман-тураман” деб диванда соатлаб думаламайди. Ҳозир айнан шу инқироз ҳакида гапирмоқчиман.

Телевизорингизда кўриниш бердим. Энергияга тўламан. У ерда беўхшов, ёқимсиз ранглар, ёқимсиз овоз оҳангжамалари мавжуд. Мен эса табиатан бақироқман. Шунга қарамай, менинг табассумим жуда чиройли ва маъноли. Натижада, ўзимни қулай ҳис қиласман. Кўринишидан сизни, ҳа, фақат сизни кўряпман ва сухбатга тортияпман:

- Сизга барча муаммоларингизни ҳал қилишим мумкинлигини айтсан нима бўларди?
- Илтимос, ўйлаб кўринг. Сиз менинг яримта муаммойимни ҳам билмайсиз.
- Барча орзуларингизни қандай ушалтириш мумкинлигидан хабардорман десам нима бўларди?
- Ҳўш, тишим оғрияпти. Нима қилиш керак?
- Ҳа, мен сизнинг ўзингизни қандай ҳис қилаётганингизни сезиб турибман.

- Ҳеч ким менинг нимани ҳис қилаётганимни билмайди. Жавобнинг автоматик равишда берилганидан хайратланиб, ўзингизга нимадир дедингиз.

-Мен ҳам ўзимни адашиб қолгандек ҳис қилдим. Ёлғиз, танҳо, умидсиз яшашга маҳкум бўлгандек ҳис қилдим. Мен ҳам туни билан ҳеч қандай сабабсиз ухлай олмадим ва эҳтимол, нимадир нотўғри бўлиб, мен ва орзуларим орасида кўринмас девор бордек туюлди. Суз ҳам худди шуни ҳис қилаётганингиздан хабардорман. Гўё мухим нарсани йўқотганга ўхшайсиз. Аммо айнан нима эканини билмайсиз.

Ростини айтсам, буларни ҳамма бошидан кечиргани учун айтияпман. Бу нарсалар инсон ҳаётининг ҳақиқати ҳисобланади. Барчамиз муқаррар равишда бўйнимизга олган айбларни ювишга қодир эмаслигимизни ҳис қиласиз. Барчамиз, айниқса, ёшлигимизда зўравонликка дуч келамиз. Қолган ҳаётимиз давомида биз ушбу зарарни қоплашга ҳаракат қиласиз.

Ҳаёт истаганимиз каби бўлмаётган пайтларда барчамиз умидсизликка тушиб қоламиз. Аммо кўп қийин кунларни бошдан кечирган инсонлар сингари, сиз ўз ҳис-туйғуларингизга шу қадар чуқур шўнғидингизки, натижада, бу оғриқ ҳаммага таниш ва сизнинг унга қарши курашингиз алоҳида ҳодиса эмас, балки барчага хос бўлган одатий воқеа эканини унугдингиз.

Аммо қўплаб қийин кунларни бошдан кечираётганилар сингари, сиз ўзингизнинг ҳис-туйғуларингизга шу қадар чуқур кўмилиб қолганингиздан сизнинг бошингиздан кечираётганингиз ноёб эмас, балки ҳамма учун одатий ҳол эканини унугтиб қўясиз. Буни унугтиб қўйганингиз сабабли эса, мен сизга тўғридан тўғри гапираётганим сингари, ғайритабиий сехрли куч сингари, мен қалбингизга кириб оламан ва сизнинг юрагингиз нима ҳис қилаётганини ўқиб, ортга қайтаман. Шу сабабли ҳушёрроқ ва атрофингизга эътиборли бўлинг.

Чунки, менда барча муаммолар учун ечим мавжуд. Мен барча орзуларингизни ушалтира оламан". Энди

мен сиз томонга тўғридан-тўғри ишора қиласман ва бармоғим экранинг ярмини эгаллайди. "Менда барча жавоблар бор. Мен абадий баҳт ва тутанмас умринг сирини биласман. Бу..."

Амалга оширишнинг имкони йўқ бўлган, кулгили гапларни айтганим сари хаёлингизнинг бир четини бу гаплар ҳақиқат бўлиши мумкин-ку, деган фикр эгаллаб олиши мумкин. Муаммо сиз менга ишониш-ишон-маслингингизда. Менга ишонишингиз керак. Мен ҳис қилувчи мия жуда муҳтоҷ бўлган умид ва нажотни ифодалайман. Шунинг учун ўйловчи миянгиз аста-секинлик билан менинг аҳмоқона фикримга қўшилиши мумкин.

Реклама ролиги давом этар экан, мавжудлик эҳтиёжи қаердандир психологияк ҳимоянгизни ёриб ўтади ва менинг ичкари киришимни таъминлайди. Охир-оқибат, мен сизнинг азоб-уқубатларингиз ҳақида жуда ажойиб билимларни намойиш қиласман, сиз сир сақлаётган ҳақиқат учун маҳфий эшикни очаман ва юрагингиздан чуқур томир ўтаётганини ҳис этаман. Оқ тишларимни кўрсатиб, овозимни баландлатиб, сизга қўйидагиларни айтаман: "Мен ҳам бир пайтлар сизга ўхшаб расво ҳолатда эдим... Аммо йўлимни топа олдим. Юринг мен билан".

Мен йўлимда давом этавердим. Роликда. Камера объективлари олдинга ва орқага ўзгарар, тоҳ олд, тоҳ орқа ракурсдан оларди. Бирданига рўпарамдан студияда ўтирган бир гуруҳ одамлар чиқиб қолди. Улар мен айтган ҳар бир сўзга маҳлиё бўлишарди. Бир аёл йиғлаб юборди. Бир эркакнинг оғзи очилиб қолди. Сизда ҳам шунаقا бўлади. Сизнинг ҳам дардингизни суғуриб оламан. Мен сизга абадий хотиржамлик тухфа этаман. Ҳар қандай бўшлиқни тўлдира олишимни, ҳар қандай тешикни ёпиш қўлимдан келишини кўрсатиб бераман. Нархни кўтармасимдан туриб курсга ёзилинг. Баҳт пулни аяшингизга арзийдими? Умид-чи?

Халиям ўтирибсизми?

Тезда курсга ёзилинг.

Бунинг учун телефоннинг ўзи кифоя қилади. Веб сайтга кирасиз. Рақамларни ёзасиз.

Ҳақиқат, нажот ва умрбоқий баҳт. Ҳаммаси сиз учун. У сиз томон бормоқда. Тайёрмисиз?

Шахсий эътиқодни қандай шакллантириш мумкин?

Умрбоқий саодат ва абадий нажотга эришишга ёрдам бериши исботланган тизимга киринг!

(Ёки пулларингизни қайтиб олинг.)

Хуш келибсиз. Орзуларингиз ушалиши учун дастлабки қадамни ташлаганингиз билан муборакбод этаман. Ушбу курс охирида ҳаётингиздаги барча муаммоларга ечим топасиз. Фаровонлик ва эркинлик оғушида яшай бошлайсиз. Дўстларингиз ва севгандарингиз ардоғида умргузаронлик қиласиз. Ҳаммаси кафолатланган.

Бу жуда осон. Ҳамма уddaлаши мумкин. Махсус таълим ёки диплом талаб қилинмайди. Талаб қилинадиган нарсалар – интернетта уланиш ва клавиатура – шунинг ўзи етади. Шу орқали ўз шахсий эътиқодингизни шакллантиришни бошлайсиз.

Тўппа-тўғри эшитдингиз. Сиз ўз шахсий эътиқодингизни шакллантиришни бошлайсиз. Бугундан бошлаб. Сизга куттанингиздан ҳам кўпроқ эҳтиром кўрсатадиган, молиявий фойда ва ижтимоий тармоқларда лайклар тақдим этадиган минглаб содик обуначиларга эга бўласиз.

Бизнинг оддий ва содда олти қадамли дастуримизда куйидагиларни қамраб олганмиз:

Ишонч тизимлари. Эътиқодингиз диний бўлишини хоҳлайсизми ёки секуляр? Ўтмишга йўналтирилганми ёки келажакка? Мутаассиб бўлишни хоҳлайсизми ё мўътадил? Буларнинг барчаси мухим саволлар, аммо хавотир олманг. Менда жавоблар мавжуд.

Биринчи хайриҳоҳларни қаердан топиш мумкин? Авваламбор, аниқлаштириб олайлик. Ҳайриҳоҳларингиз қандай бўлишини истайсиз? Бой? Камбағал? Аёл? Эркак? Вегетариан?

Сизга баъзи сирларни ошкор қиласман.

Маросимлар, маросимлар, маросимлар! Буни еб олинг. Бу ерга ўтиринг. Ёдланг. Таъзим қилинг, тиз чўкинг ва қўлингизни қовуштиринг. Ерга бошингизни қўйинг ва ўтирилинг. Ҳаммаси шу! Диннинг энг ёқимли жиҳати сиз нимадир англатади деб билган сўзсиз бажариладиган маросимлардир. Мен сизга ўз йўналишингизда ажойиб маросимларни қандай ихтиро қилиш бўйича тўлиқ кўлланмани тақдим этаман. Олдларида бошқа танилов бўлмаганилиги сабабли, барча йигит-қизлар айнан шу ҳақда гапиришади.

Балогардон одамни қандай танлаш керак? Ҳеч бир дин ички низо қўзғатадиган умумий душманларсиз тўлиқ бўлмайди. Ҳаёт осон эмас, аммо нега бошқаларни айблаб туриб, яна ўз муаммоларингиз ҳақида бош қотирасиз? Тўғри, сиз ҳаммаси учун балогардон бўлган инсонни танлашнинг энг яхши усуllibрини кашф этасиз ва тарафдорларингизни ундан нафратланиш кераклигига ишонтирасиз. Ҳеч қайси нарса бир хил душмандан нафратланишдек инсонларни бирлаштира олмайди. Автоматларни тайёрланг!

Ва ниҳоят қандай пул топиш мумкин? Агар фойда келтирмаса, нега янги эътиқодни қабул қилишингиз керак? Менинг қўл остимда тарафдорларингиздаги мумкин бўлган ҳамма нарсани тортиб олиш бўйича бир нечта маслаҳатни топишишингиз мумкин. Пул дейсизми, машҳурликми, сиёсий ҳокимият ёки қон ичишми – мен ҳаммасини сизга ўргатаман.

Қаранг, умидга эга бўлиш учун жамиятга эҳтиёж сезамиз. Умид бўлмаса, барчамиз телбанамо инсонга айланиб, ваннадаги тузларни юта бошлаймиз.

Эътиқод жамоавий умиднинг асосидир. Биз эса уни қандай қилиб нўлдан бунёд этишни яхши биламиз.

Эътиқод – чиройли нарса. Бир хил қадриятларга эга инсонларни бир мақсад йўлида тўплаганингизда, улар ёлғизлиқда ҳеч қачон журъат этмаган ишларини бажаришга ҳаракат қилишади. Уларнинг умидлари тармоқ эффиқти кўринишида кучайиб боради, гурухнинг

бир қисми сифатида бошдан кечирган ижтимоий тасдиқлаш хисси ўйловчи мияни йўқ қилади ва ҳис қилувчи мияга тўлиқ ҳаракат эркинлигини беради.

Эътиқодлар бир-бирини ўзаро маъқуллайдиган одамлар бир-бирининг аҳамиятини ҳис қиладиган жамоаларда тўпланишига сабабчи бўлади. Бу шартлари очик айтилмаган битим ҳисобланиб, агар барчамиз қандайdir умумий мақсадлар йўлида бирлашсак, ўзимизни муҳим ҳамда қадрли ҳис этамиз ва ёқимсиз ҳақиқат биздан анча узоқлашади.

У бизни ақл бовар қилмайдиган психологик енгиллик билан таъминлайди. Буни кўриб одамларнинг томи кета бошлайди. Бу уларга катта фойда келтиради. Шахсиятнинг аҳамияти бўлмаган жамоа муҳитида инсон ўзини тўлиқ назорат қилиш кўникмасини орттиради.

Ҳис қилувчи мияга киришнинг хавфли жиҳати шундаки, кўплаб одамдан ташкил топган гурӯхлар ишни эҳтирос билан ва онгсиз равишда қилишга мойил бўлишади. Шу сабабли, улар бир тарафдан бошқаларнинг тушунишлари ва севишларини ҳис қилиб яшашса, бошқа томондан хавфли ва даҳшатли оломонга айланиб қолишади.

Шундай қилиб, ушбу кўлланма сизга ўз эътиқоднинг асосчиси бўлиш ва минглаб осон бошқариладиган тарафдорлардан фойда кўриш ҳақида батафсил маълумот тақдим этади. Қани бошладик.

Қандай қилиб шахсий эътиқодни шакллантириш мумкин?

Биринчи қадам: Умидсизларга умид тақдим этинг.

Бир одамнинг кўлим қонга беланганини биринчи марта айтганини ҳеч қачон унутмайман. Бу воқеа кечагидек ёдимда.

2005 йил. Бостоннинг шабадали ва қуёшли тонги. Мен университетда ўқийман. Ҳеч кимни безовта қилмасдан, ўз ишларим ҳақида ўйлаб, дарста кетяпман. Тўсатдан, бир гуруҳ болаларнинг 11 сентябрдаги террорчилик

хужумлари ҳақидағи «Америка бунга лойик әди» деган баннерни ушлаб турғанларини күриб қолдым.

Ҳеч қачон ўзимни ватанпарвар инсон деб хисоб-
ламаган эдим, аммо куппа-кундузи бундай баннер
ушлаб турган бу болаларнинг юзига чунонам мушт ту-
ширгим келди-и-и!..

Болалардан нима қилаёттанинни сўрадим. Улар бир нечта памфлет турган кичик стол ёнида туришганди. Улардан бирида Дик Чейни шайтоннинг шохлари билан тасвирланган ва остига «оммавий қотил» деб ёзиб қўйилганди. Яна бирида Жорж Бушнинг расмига Гитлернинг қўнғизмўйлови ёпиштириб қўйилганди. Аниқлашим бўйича ушбу талабалар Ню-Хемпшир штатида яшовчи, сўл қанот ғоялари тарафдори Линдон Ларуш томонидан бошланган Ларуш ўшилар ҳаракатининг тарафдорлари эди. Унинг шериклари АҚШнинг шимоли-шарқидаги коллеж биносида бир неча соат вақт ўтказишиди, кўринишидан ишонувчан бўлган коллеж ўкувчиларига варақа ва флаерлар тарқатишиди. Бажараёттан ишилари устидан чиқиб қолганимда, уларнинг аслида нима билан шуғулланаёттанини билиб олишим учун 10 сония керак бўлди: дин.

Түгри. Бу мафкуравий дин эди: ҳукуматга, капитализмга, қарияларга, давлат тузумига қарши бўлган дин. Улар барча давлатлардаги тизимлар коррупцияга ботиб қолгани ҳақида бонг уришди. Улар Ироқ уруши Бушнинг дўстлари кўпроқ пул хоҳлаб қолгани сабабли юзага келган, дея даъво қилишди. Улар терроризм ва оммавий отишмалар аслида мавжуд эмаслигини, бундай тадбирлар ҳукуматнинг аҳолини назоратда ушилаб туриш учун режалаштирилган ҳаракатлар эканига одамларни ишонтиришга уринишди. Агар ўнг ғоялар тарафдори бўлсангиз, хавотир олманг, йиллар ўтиб, улар Обамага ҳам Гитлернинг мўйловини ёпишириб, унга ҳам Бушга кўйилган айбларни тиркашди.

Ларуш ёшлар ҳаракати томонидан қилинган ишлар шунчаки ажойиб. Улар норози ва аламзада коллеж

талабаларини (асосан йигитлар), құрқоқ (масъулиятни бүйніга олишдан құрқадиган) ва жаҳлдор (катта бўлиб қолганидан кейин табиий равишда жаҳлдор бўлиб қолган) болаларни топар ва уларни қуидагича даъват қиласатади: “Бу сенинг айбинг эмас”.

Ха, дўстим, ўйлайсизки, ҳаммасига ота-онангиз айбдор. Аммо улар айбдор эмас. Умуман айбдор эмас. Яна айбни ўқитувчиларингиз ва коллеждаги таълим тизимиға юклаб қўясиз. Бу ҳам нотўғри. Баъзида эса, ҳаммасига давлатни, хукуматни айблайсиз. Бўлиши мумкин, лекин бу ҳаммаси эмас.

Кўряпсизми, ҳаммасига тизим айбдор. Сиз ҳар доим дуч келадиган улкан, ноаниқ тизим.

Бу Ларуш ёшлар ҳаракати тарқатаётган ғоялар эди: Агар бу тизимни қулатадиган бўлсақ, ҳаммаси яхшилик билан якун топади. Урушлар бўлмайди. Ғам-қайғу ҳам, адолатсизлик ҳам бўлмайди.

Ёдда тутинг, умидни ҳис қилиш учун порлоқ келажақка (юксак қадриятларга) ишониш зарур. Келажақда яхши ҳаёт тарзини (ўзини-ўзи назорат қилиш) қура олишимизга ўзимизни ишонтиришимиз керак. Қадриятларимизни алмашадиган ва ҳаракатларимизни қўллаб-кувватлайдиган одамларни (жамият) топишмиз керак. Ўсмирилик даври – қадрият, ўзини ўзи назорат қилиш ва жамият билан нима қилиш кераклигини билмайдиган давр. Болалар ҳаётлари давомида биринчи марта, келажақда ким бўлишни хоҳлашларини ҳал қилишлари мумкин. Доктор бўлишни хоҳлайдими? Бизнес мактабига ўқишига кирадими? Психологик курсларга ёзиладими? Танлов имкониятлари одамни шошириб қўйиши мумкин. Муқаррар умидсизлик домига тушиб қолган кўплаб ёшлар ўз қадриятларини сўроқ остида қолишга маҳкум қиласатади ва умидсизлик гирдобига ғарқ бўлади.

Шунингдек, ўсмирларда ўз-ўзини назорат қилишда ҳам муаммолар учраб туради. Ҳаётлари давомида илк маротаба, хатти-ҳаракатлари ота-оналари томонидан

тун-у күн назорат қилинмаётганини пайқашади. Бир тарафдан бу уларга эркинлик беради. Бошқа тарафдан эса, энди улар ўз қарорлари учун жавобгарликни бўйниларига олишларига тўғри келади. Эрталаб ухлаб қолиб, ишга ёки ўқишига кеч қолишса, ўқишиларида муаммо пайдо бўлса, ўзларидан бошқа ҳеч кимни айблай олмаслиги тўғрисидаги ҳақиқатни тан олишлари қийин кечади.

Охир-оқибат, ёшлар жамиятдан нимадир қидириб, унга мослашишга ҳаракат қилишади. Бу нафақат уларнинг хиссий ривожланиши учун, балки шахсиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун ҳам муҳим жараён ҳисобланади.

Линдон Ларушга ўхшаган одамлар адашган ва мақсадсиз ёшларни ўз домига тортади. Ларуш уларнинг норозиликларини асослаш учун мураккаб сиёсий тушунчалар тақдим этади. Ларуш (гўёки) дунёни ўзгартириш йўлини кўрсатган ҳолда, тарафдорларининг бошқарув ва ваколат ҳиссини туйишларига эришади. Охир-оқибат, у тарафдорларига “мослашишлири” ва ўзларини англаш имконини берадиган жамият тақдим этади. Қисқача айтганда, уларга умид беради.

- Ошириб юбормаяпсизларми? - деб сўрадим Жаҳон Савдо уйининг биносини портлатганиларни ёқлаб банинр кўтариб чиққан Ларуш ёшлар ҳаракати аъзоларидан.

- Йўқ, балки бундан ҳам кўпроқ тарғибот қилишимиз керак деб ўйлайман, - деб жавоб берди улардан бири.

- Қаранг, мен ҳам сайловда Бушга овоз бермаганман, Ироқ урушига ҳар доим қарши бўлиб келганман, аммо...

- Кимга овоз берганингнинг аҳамияти йўқ. Улардан қай бирига овоз берган бўлсанг ҳам, жамиятнинг коррупция ботқофига ботиб кетишига сабаб бўлгансан. Сенинг ҳам қўлинг қонга белангтан.

- Тушунмадим....

Шу пайтгача бировга озор бермагандим. Аммо бу йигит э йўқ, бе йўқ менинг қўлимни қонга белаб қўяпти. Бу аҳмоқ ўзини ким деб ўйлаяпти?

- Тизимнинг бир қисми сифатида сен унинг босартусарини билмай қолишига сабаб бўласан, - деб йигитча гапида давом этди. – Шу сабабли бутун дунё бўйлаб миллионлаб бегуноҳ инсонлар қирилиб кетишида ҳам сенинг қайсиdir маънода иштирокинг бор. Мана ўқи.

У менга бир варакани кўрсатди. Унга кўз ташладим ва ирғитиб юбордим:

- Турган битгани майнавозчилик!

Сұхбатимиз яна бир неча дақиқа шу йўсинда давом этди. Ҳали ҳам мен уларнинг ғояларида бирорта маъно кўрмадим. Уларнинг иши ҳиссиёт ва қадриятлар атрофига эмас, балки онг ва далиллар асосида қурилган, деган қарорга келдим. Қадриятларни онг орқали ўзгартириб бўлмайди, уларни фақат ҳаётий тажриба ўзгартира олиши мумкин.

Охири-оқибат у билан баҳслашиш жонимга текканидан сўнг кетишга қарор қилдим. Кетишга чоғланар эканман, у мени бепул семинарга ёзилишга кўндиirmoқчи бўлди:

- Кўзларингни оч, бола. Ҳақиқат шунаقا аччик бўлади!

Мен ортга ўгирилиб, қайсиdir интернет форумида ўқиб қолган Карл Саганнинг бир иқтибоси билан жавоб бердим: - Бошинг очик қолганидан, миянг қочиб кетаман деяпти.

Ўзимдан ғурурланиб кетдим. У ҳам афтидан ўзидан ғурурланди. Сабаби ҳеч кимнинг фикри ўзгармади.

Биз атрофдаги воқеа-ҳодисалар салбий бўлса, унинг таъсирига тушиб қолишига мойил бўламиз. Ҳаётимиз парчаланиб кетганда, нотуғри қадриятларни танлаб олганимизни ҳис қиласиз ва гира-ширада уларни ўзгартириш мақсадида янги қадриятлар қидириб қоламиз. Бир ғоя бугун сўнса, эртасига янгиси пайдо бўлади. Сифинувчисига бўлган ишончини йўқотган одамлар дунёнинг ўзидан янги сифинувчи излаш пайига тушади.

Оиласидан айрилган одам халқидан, миллатидан ва қадрдонларидан ўзини узокроқ тутади. Давлат ва хукуматга бўлган ишончидан айрилган одам эса унга

умид бера оладиган экстремист мафкураларга оғиб кета бошлайди.

Деярли барча асосий динларда дунёнинг энг қашшоқ ва камбағал ҳудудларига миссионерларни юбориш ань-анаиси мавжуд: қорни оч одам қорнини тўйғизишга вაльда берган ҳар қандай инсонга ишониб кетаверади. Янги мафкурангизни ўз ҳаётидан мамнун бўлмаган одамларга - камбағаллар, кўчада қолганлар, хўрланганлар ва эътиборсиз қолиб кетганлар, асосийси, кун бўйи Фейсбуқда ўтирадиганларга даъват қилиб бошлишингиз мумкин.

Жим Жонс ўз тарафдорларининг асосий қисмини уйсизлар ва чегараланган миллий озчиликни христиан динига қўшилишга даъват этган ҳолда топган. Нималар деяпман? Кўпчилик лидерлар ҳам худди шу ишни қилган. Будда ҳам...

Бугун умидсизлик гирдобига ботганларни жалб этиш ҳар қачонгидан ҳам осонлашиб қолган. Бунинг учун ижтимоий тармоқларда аккаунтингиз бўлиши кифоя: Сиз уларга таъсир қиласидан нималардир ёзасиз ва қолганини алгоритмнинг ўзи бажаради. Қанча таъсирли ва қанча кучли ёза олсангиз, шунча эътибор қозонасиз ва умидсизликка тушган тарафдорларингиз шам атрофида ўралашиб юрган парвонага ўхшаб ошиб бораверади. Бу иш асло қийин эмас.

Аммо ўзингиздан ўзингиз интернетга кириб, нималардир ёза олмайсиз. Бунинг учун сизга изчил концепция зарур бўлади. Тасаввурга эга бўлишингиз керак. Чунки одамларнинг жаҳдини чиқариш ва ҳафсаласини пир қилиш жуда осон – ОАВнинг бизнес модели айнан шунга асосланади. Аммо умидга эга бўлиш учун одам қандайдир катта ҳаракатнинг бир қисми эканини ҳис қилиши, тарих китобларидаги ғолиблар рўйхатига тушиш ҳақида ўйлаши керак.

Бунинг учун сиз уларга ишонч беришингиз керак.

Шахсий эътиқодни қандай шакллантириш мумкин?

Иккинчи қадам: Ўзингизда ишонч пайдо қилинг.

Ҳаммамиз нимагадир ишониб яшашимиз керак.

Ишонч бўлмаса, умид ҳам бўлмайди. Динга эътиқод қилмайдиганлар ишонч сўзини рад этишади, аммо ишончсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Илм-фан ва мантиқ ўтмишдаги тажрибаларга таянади. Умид эса келажакдагиларга. Келажакда нимадир қайта содир бўлишига бўлган ишончга ҳар доим суюнишимиз керак. Келажакда пул топа олишингизга ишониб, ипотека кредити оласиз. Банк ҳам кредитни ундира олишига ишонган ҳолда, охириги кўйлагингизни ечиб олгмагунча тинчмайди. Болаларингиз таълими уларнинг келажаги учун муҳим бўлишига, уларни ҳеч нимага эҳтиёж сезмайдиган ва баҳтли инсон бўлиб етишиши учун таъсир кўрсатишига ишонган ҳолда, уларни дарс қилишга даъват этасиз. Сизда баҳтнинг мавжудлигига ва унга эришишингизга қаттиқ ишонасиз. Бу ҳаёт узоқ умр кўришга арзишига ишонганингиз сабабли хавфсиз ва соғлом яшашга ҳаракат қиласиз. Сизда севги, иш ва бошқа муқаддас туйғуларнинг аҳамиятли эканига кучли ишонч мавжуд.

Шу сабабли, қайсиdir маънода, атеист, деган тушунчанинг ўзи йўқ: Атеист нима дегани? Айтмоқчиманки, биз ҳаммамиз нимадир биз учун муҳим эканига ишонишимиз керак. Гарчи ўтакеттан нигилист бўлсангиз ҳам, бирор нарса бошқа нарсалардан кўра муҳимроқ эканига ишонасиз.

Хуллас, ҳар қадамда ишонч бор.

Шу ўринда ўринли савол тутгилади: нимага ишониш керак? Ишонишимиз учун нималар қилишимиз керак?

Ҳис қилувчи миямиз қай бир нарсани устувор қадрият сифатида қабул қилмасин, қадрияtlар иерархиясининг энг тепа қисми бошқа барча қадрияtlарни кўриб чиқадиган объективга айланади. Келинг, ушбу устувор қадрияtlарни “Муқаддас қадрияtlар” деб атаемиз. Баъзи инсонларнинг муқаддас қадрияти – пул. Бундай одамлар ҳамма нарсани (оила, севги, обрў, сиёsat) пул билан ўлчашади. Бунақа одамларнинг ўzlари ҳам оиласига фақат кўп пул топгандагина ке-

рак бўлади. Фақат кўп пул топгандагина оиласидагилар уни ҳурмат қиласди. Барча низо, умидсизлик, ҳасад ва ташвиш – ҳаммаси пулни деб келиб чиқади.

Яна бошқа одамларнинг муқаддас қадрияти – севги. Улар барча қадриятларга севги орқали нитоҳ ташлайди. Улар ҳар қанақа зиддиятга қарши бўлишади. Бошқаларни уриштириб қўядиган ёки юзқўрмас бўлиб кетишига сабаб бўладиган ҳодисалардан нафратланишади.

Шубҳасиз кўпчилик одамлар пайғамбарларга айнан уларнинг муқаддас қадриятлари сабаб эргашибган. Шундан сўнг кўрган-кечирғанларининг барчасини диний раҳнамоларининг таълимоти нуқтаи назаридан талқин қила бошлашган.

Баъзи инсонларнинг муқаддас қадрияти бу уларнинг ўзлари, бошқача айтганда, ҳузур-ҳаловат ва имкониятлари. Бу турган-биттани худбинлиқдир. Бундай одамлар ўз ишончларини устун ва арзирли жиҳатлари устига қурадилар.

Баъзи тоифадаги инсонларнинг муқаддас қадриятлари эса ўзига ўхшаган инсондир. Бундай инсонлар, одатда, “руҳан қарам” деб аталади. Бу тоифадаги одам барча умидини кучли ихлос қўйган инсондан олади ва ўзини ҳам, хоҳиш-истакларини ҳам шу инсон учун қурбон қилишга тайёр бўлади. Хулқ-автори, қарорлари, эътиқодини айнан ўша ўзи муқаддас деб билган инсон хоҳлагандек шакллантиради. Одатда, бу турдаги муносабатлар яхшиликка олиб келмайди – худбинлиқ томон етаклайди. Чунки, худбиннинг муқаддас қадрияти унинг ўзи бўлганидек, руҳан қарам одамнинг муқаддас қадрияти худбинни ҳимоя қилиш ва сақлаш бўлади.

Ҳар бир эътиқод муқаддас қадриятларга бўлган кучли ишонч билан бошланади. Унинг нима экани аҳамиятга эга эмас. Муқаддас мушуклар, солиқларнинг тушишига ишониш, болаларни уйда ёлғиз қолдирмаслик – буларнинг барчаси ишончга таянган қадриятлар бўлиб, келажакда энг яхши воқеликни келтириб чиқаради ва натижада жуда кўп умид беради.

ди. Шунда биз ҳаётимизни ва бу қадрият атрофидаги барча қадриятларни тартибга соламиз. Ушбу ишончни қўллаб-қувватлайдиган ғояларни ва, энг муҳими, уни баҳам кўрадиган жамиятларни қидира бошлаймиз.

Илмий дунёқарашга эга бўлган ўқувчиларнинг баъзилари қўлларини кўтарганча бу нарсалар илмий далиллар деб номланишини айтишади ва уларнинг мавжудлигини исботлаш учун баъзиларини намойиш қилишпади. Баъзи нарсаларнинг ҳақиқат эканини билиш учун бизда ишонч бўлиши шарт эмас.

Ҳақсиз. Аммо фактлар тўғрисида бир ҳақиқат бор: факт ҳеч нарсани ўзgartира олмайди. Далиллар ўйловчи мияга тегишли, ваҳоланки, қадриятлар ҳис қилувчи мия томонидан ишлаб чиқарилади. Қадриятларни тасдиқлашингиз шарт эмас. Улар таърифига кўра субъектив ва ўзбошимча бўлади. Юзингиз қўкариб кетгунча фактлар устида тортишишингиз мумкин, аммо бунинг мутлақо аҳамияти йўқ – одамлар бошидан ўтказган воқеаларнинг аҳамиятини қадриятлари орқали талқин қилишади.

Агар метеорит шаҳарга урилиб, ярим аҳолисини ҳалок қилса, диндор одам бу воқеа шаҳар гуноҳкорларга тўлиб тошгани сабабли юз берганини айтади. Атеист эса бу воқеа Худо бор бўлса, қандай қилиб марҳаматли ва қудратли зот бундай даҳшатли воқеага йўл қўйиши мумкин, дея савол беради. Гедонист бу ҳаётдан завқланишнинг яна бир сабаби эканини таъкидлайди, ҳар сонияда ўлим топишимиз мумкинлигини айтиб фикрини асослайди. Капиталист метеороиддан ҳимоя қиласидиган технологияларга инвестиция киритиш ҳақида ўйлай бошлайди.

Далиллар муқаддас қадриятлар фойдасига ишлайди, тескариси эмас. Ушбу қоиддада ягона истисно бўлиши мумкин – фактлар сизнинг муқаддас қадриятингизга айланганида. Далилларга сифиниш атрофида қурилган эътиқод, одатда, «фан» деб номланади ва фан - биз инсоният сифатида қилган энг кат-

та кашфиётимиз деб эътироф этилади. Фан ва унинг ажойиботлари ҳақида кейинги бобда гаплашамиз.

Ҳозирча барча қадриятлар ишонч устида қурилишини муҳокама қилатурайлик. Хуллас, барча умид (ва барча эътиқодлар) ишонч асосида, гарчи уни бир хилда таъсдиқлашнинг имкони бўлмаса ҳам, бирор нарсани муҳим, қадрли ва тўғри бўлиши мумкинилиги-га ишоч асосида юзага келади.

Буни яхшироқ тушуниб олишингиз учун уч хил эътиқодга таъриф келтираман, уларнинг ҳар бири алоҳида муқаддас қадриятларга асосланган:

Диний эътиқодлар. Диний эътиқодларнинг умид манбаи - ғайритабиий ғоялар ва жисмоний ва моддий воқеликдан ташқарида мавжуд бўлган нарсаларга ишонищdir. Бу эътиқоддагилар порлоқ келажакни бу дунёдаги ҳаётдан ташқарида қўришади. Христианлик, ислом, яхудийлик, анимизм ва юонон мифологияси диний эътиқодларга яққол мисол бўла олади.

Мафкуравий эътиқодлар. Бу хилдаги эътиқодлар умидни табиий дунёдан олади. Улар нажот ва тараққиёт кетидан қувадилар, биз яшаб турган дунёга бўлган ишончга асосланган эътиқодни ривожлантирадилар. Мафкуравий эътиқодларга мисол сифатида капитализм, коммунизм, экология, инвайронментализм, фашизм ва либертаријаларни келтириш мумкин.

Шахслараро эътиқодлар. Ушбу эътиқодларнинг умид манбаи – бошқа инсонлардир. Шахслараро эътиқодларга романтик севги, болалар, спортчилар, сиёсий етакчилар ва машхурларга ихлос қўйиш киради.

Диний эътиқодлар таваккалга асосланган, шу билан бирга, катта мукофот ваъда қиласди. Улар мислсиз маҳорат ва харизма талаб қиласди. Диний эътиқоддагилар ўз диналигига содик бўлишлари ва пайти келса молиявий ёрдам бериб туришлари керак бўлади. (Ватикани кўрганмисиз? Майли, ҳеч нима демадим!) Агар барча амалларини яхши бажарсангиз, ўлимдан кейинги абадий фароғат ваъда қиласди.

Мафкуравий эътиқодларни ишлаб чиқиш жуда кўп вақт ва мөхнат талаб қиласди, шунга қарамай, улар жуда кенг тарқалган. Аммо улар кенг тарқалгани сабабли одамларнинг умидлари учун очиқ-ошкора рақобат олиб борищади. Улар, одатда, маданий “тенденция”лар деб аталади. Уларнинг жуда кўп қисми бир неча йилга етмасдан йўқ бўлиб кетади. Энг яхшиларигина асрлар давомида яшаб қолади.

Шахслараро эътиқодлар диний эътиқодлар орасида “Осон” режимида фаолият олиб боради. Инсонлар кўплиги боис, шахслараро эътиқодлар ҳам жуда кўп. Ҳар биримиз ҳаётимизнинг қайсиdir қисмида, ўзимизни ва ихтиёrimизни бошқа инсонларга топшириб қўяшимиз. Кўпинча, шахслараро эътиқодларга ўспирин, лақма ошиқ кўринишида дуч келамиз, у инсонларнинг эътиқоди шаклланишидан олдин ўз домига тортиб олиш пайида бўлади.

Келинг, эндиги мавзууни диний эътиқодлардан бошлиймиз. Сабаби улар инсоният тарихида энг юқори поғоналарга эга ва кўпчилик инсонлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этади.

Диний эътиқодлар.

Илк инсоний маданиятларнинг бутпараст ва анималистик маросимларидан тортиб, антик худоларга, бугунги кунда ҳам мавжуд бўлган устувор монотеистик динларга қадар, инсоният тарихининг аксарият қисмида ғайритабиий кучларга бўлган ишонч ҳукмронлик қилган ва энг муҳими, деярли барча динларда бу ҳаётдаги чин эътиқод ва яхши амаллар ўлимдан кейинги ҳаётда роҳат-фароғат ва мукофот олиб келишига ишонилади.

Инсоният тарихининг аксарият қисмида барчаси мутлақо издан чиқсан ва дунё аҳолисининг 99 фоизи ўз моддий ҳаётлари яхшиланишига умид қилмагани сабабли ўлимдан кейинги ҳаёт билан боғлиқ бўлган эътиқодлар ривожланган. Агар бугун ҳаёtingиз яхши бўлмаса, шунчаки бутун бошли қитъа аҳолисининг

учдан бир қисмини ер юзидаң супуриб кетиши мумкин бўлган эпидемиялар ёки ўн минглаб болаларни қулликка маҳкум қилган урушлар ҳақида ўйланг. Эски даврда эса ҳаммаси ҳозиргидан бешбаттар бўлган, шу сабабли одамларни мувозанатда тутишнинг ягона йўли уларни ўлимдан кейинги роҳат-фароғат умидига ишонтириш бўлган. Эски мактаб динлари жамиятнинг асосий қисмларини бирлаштира олган, чунки улар бу дунёдаги азобларда бир ҳикмат борлиги, Худо ҳаммасини кўриб тургани, бу албатта мукофотланиши тўғрисида одамларга кафолат берган.

Диний эътиқодлар энг бардошли эътиқодлар сира-сига киради. Улар минглаб йиллар бўлмаса ҳам, юзлаб йиллар давомида сақланиб қолади. Агар бирорта диний эътиқод кимнингдир муқаддас қадриятига айланса, у одамнинг эътиқодини ўзгартиришнинг деярли имкони бўлмайди.

Диний эътиқодларнинг яна бир қудратли тарафи умидни ўлим билан боғлай олишидадир, бунинг жуда кўп фойдали тарафи бор – кўпчилик одамлар эътиқод учун ўлишга тайёр бўлади. Диний эътиқодлар билан рақобатлашиш жуда қийин.

Мафкуравий эътиқодлар.

Мафкуравий эътиқодлар кўпчилик одамлар томонидан қабул қилинган муайян ҳаракатлар айни биз яшаб турган ҳаётда яхши натижаларга олиб келишига бўлган ишонч тармоғини қуриш орқали умид ишлаб чиқаради. Мафкуралар одатда “-изм” қўшимчаси билан якунланади: капитализм, социализм, фашизм, синизм, скептизм ва ҳ.к. Диний эътиқодлардан фарқли ўлароқ, мафкураларни маълум маънода асослаб бериш мумкин. Сиз марказий банк давлатнинг молиятизимини барқарор ҳолга көлтира олишини, демократия жамиятниadolat томон етаклашини, таълим инсонлардаги жоҳилияят ҳисларини йўқ қилишини ёки буларнинг тескарисини назарий жиҳатдан тадқиқ

қилиб кўришингиз мумкин. Аммо кўтчилик мафкуралар маълум миқдорда ишончга таянади. Бунга икки сабаб келтириш мумкин. Биринчидан, баҳолаш ва текшириш жуда қийин бўлган нарсалар мавжуд. Иккинчидан, кўплаб мафкуралар бутун жамият бир хил нарсага ишониши кераклигига асосланади.

Масалан, пул жуда қадрли эканини илмий жиҳатдан исботлай олмайсиз. Аммо бунга ишонасиз. Шунингдек, миллий фуқаролик ҳақиқий эканини ва баъзи миллатларнинг мавжудлигини ҳам исботлай олмайсиз. Буларнинг барчаси биз ишончга таянган фикрлар саналади. Далиллар ва мафкуралар ўргасидаги муаммо шундаки, одамлар бирон-бир далилни дастак қилиб, уни ҳамма жойда тарқатишга мойил бўлади ва бир нечта оддий гояларини мамлакатнинг барча аҳолисига ёки ҳатто бутун бошли сайёрага мослаштиришга ҳаракат қилишади.

Бу инсон худбиналигининг яққол намоён бўлиши – ўзини мухим деб билиш ва ҳис қилувчи миянинг завқланиш заруратидир. Шунинг учун, мафкуралар текшириш ва исботлашга дучор қилинганида ҳам, бизда уларни тўла тасдиқлаш учун етарли қўникма мавжуд эмас. Инсоният шунчалик улкан ва мураккаб жонзотки, бизнинг миямиз буни сиғдира олмайди. Ранг-баранглик жуда кўп. Шу сабабли, ўйловчи миянинг осон йўлни танлашдан ва дуч келган мафкурани қабул қилишдан бошқа иложи қолмайди. Инсонлар саводсиз бўлгани учун эмас, жоҳил бўлгани учун ирқчилик ва сексизм каби ёмон мафкуралар таъсирига тушиб қолишади. Афсуски, бу мафкуралар ўз тарафдорларига қайсиdir миқдорда умид тақдим этгани сабабли одамлар бу мафкураларга – ёмон бўлса ҳам – ёпишиб олишади. Мафкуравий эътиқодларга киришиб кетиш қийинчиллик туғдиради, аммо улар диний эътиқодларга қараганда анча кенг тарқалган. Бунинг учун сиздан талаб қилинадигани – нима учун ҳамма издан чиққани тўғрисида асосли тушунтиришларни ўйлаб топиш ва одамларга умид бе-

радиган тарзда фикрларингизни ифода қилиш. Бўлди. Мана сизга мафкуравий эътиқод. Агар йигирма йилдан ортиқроқ яшаган бўлсангиз, шунга ўхшаш ҳолатларни ҳозиргача бир неча бор гувоҳи бўлганингиз аниқ. Биргина мен ҳаётим давомида ЛГБТ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳужайра тадқиқотларини ўрганиш ва наркотикдан фойдаланишни қонун билан таъқиқлаш ҳаракатларига кўшилганман.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳеч бир киши анъанавий, миллий ва популистик мафкуралар дунёning кўплаб мамлакатларида сиёсий ҳокимиятни қўлга киритаётганига шубҳа қилмайди. Ушбу мафкуралар XX аср охиридаги неолибералистик, глобалистистик, феминистик ва экологик мафкуралар амалга оширган ишларнинг кўпини йўққа чиқаришга интилмоқда.

Шахслараро эътиқодлар.

Ҳар якшанба бўш, яшил майдонни томоша қилиш учун миллионлаб одамлар тўпланишади. Майдон оқ чизиқлар билан бўялган. Миллионлаб одамлар ушбу чизиқлар муҳим маънони англатишига ишонишади. Сўнгра, ўнлаб бакувват эркаклар (аёллар) майдонга тушиб келишиб, турли нуқталарда саф тортишади ва бир парча юмалоқ чармни у ёқдан-бу ёққа отиб (ёки тепиб) вақт ўтказишади. Ушбу бир парча чарм қайси вақтда ва қайси тарафга кетаётганига қараб, бир гуруҳ инсонлар хурсанд бўлади ва қолган қисми аламзада ҳолатга келади.

Спорт ҳам эътиқоднинг бир туридир. Унинг барча турлари инсонларга умид баҳш этиш учун яратилган ихтиёрий қиймат тизимлари ҳисобланади. Тўпни бу тарафга отасан ва қаҳрамонга айланасан. Тўпни у тарафга тепасан ва ютқазасан. Спорт баъзиларни илоҳийлаштиради, баъзиларни эса лаънатлайди. Тед Уилямс бейзбол тарихидаги энг зўр ўйинчи бўлиб, шу сабабли баъзиларнинг фикрига кўра, у Америка-нинг қаҳрамони, буюк сиймо ва кўплар учун намуна

хисобланади. Қолган спортчилар эса қисқа вақт ичида порлаганлари, истеъоддларини йўқотганлари ва мухлислирига хиёнат қилгани учун лаънатланади.

Бироқ спортдан ташқари шахслараро эътиқодларнинг янада ёрқинроқ намунаси мавжуд: сиёsat. Дунёга назар солсак, шунга ўхшаш қадриятлар тўпламига дуч келиб, оз сонли одамларга ҳокимият ва етакчилик фазилатлари берилишининг гувоҳи бўламиз. Футбол майдонидаги чизиқларга ўхшаб, сиёсий тизимлар ҳам инсон томонидан ўйлаб топилган, ҳокимият фақат аҳоли унга ишонгани учунгина мавжуддир. Мамлакатда демократия ҳукм сурадими ёки диктатура, натижада бир хил бўлади: Жамоатчилик онгига бир гурӯҳ раҳбарлар илохийлаштирилади ёки уларга лаънат тамғаси босилади.

Шахслараро эътиқодлар бошқа бир инсон баҳт ва најкот олиб келганида, бошқа бир инсон (ёки шахслар гурӯҳи) бошқалардан устунроқ бўлганда бизга умид бера олади. Шахслараро эътиқодлар баъзида ғайритабиий кучларга ишонч ва мафкуралар билан алоқага киришади ва натижада шаҳидлар, жафокашлар, қаҳрамонлар ва авлиёларни юзага қалқиб чиқади. Кўпчилигимизнинг шахслараро эътиқодимиз етакчилиримиз атрофида ривожланади. Биз бошимиздан кечираётган барча воқеа-ҳодисаларга бефарқ эмасдек туюладиган харизматик президент ёки бошқа машҳур шахс кўз олдимизда муқаддас қадрият даражасига яқинлашиши мумкин. Шундан сўнг барча қараашларимизни Мұхтарам йўлбошчимиз яхши ёки ёмон деб билишларига қараб филтрлаймиз.

Фандом, умуман олганда, эътиқоднинг кичик бир туридир. Уил Смит, Кети Перри ёки Илон Маскнинг мухлислири уларнинг ҳар бир айтган сўзларига амал қилишади, айтган ҳар бир иқтибосини деворга осиб қўйишади ва уни қайсиadir микдорда авлиё ёки доимо ҳақ деб билишади. Ушбу шахсларга ихлос қўйиш инсонларга порлоқ келажак учун умид беради - ҳатто бу янги фильм, кўшиқ ёки ихтиро каби майдада нарса-

ларда ўз ифодасини топса ҳам. Энг муҳим шахслараро эътиқодлар бу бизнинг оила ва муҳаббат билан боғлиқ муносабатларимиздир. Ушбу муносабатларни ўз ичига олган ишонч ва ҳиссиётлар табиий эволюция натижаси бўлса ҳам, уларнинг барчаси ишончга асослангандир. Ҳар бир оила мустақил ибодатхона бўлиб, ҳётигининг мазмуни деб ҳисоблаган ва айнан шу ерда умид ва најжот топа олишига ишонган инсонлар жамоасидир.

Романтик севги ҳам, албатта, руҳият билан боғлиқ тажриба бўла олади. Биз севган одамимизни кўрганимизда, ўзимизни йўқотиб қўяёзамиз ва севгининг космик даражада аҳамиятли экани ҳақида ҳикоялар тўкиб ташлаймиз. Яхши ёки ёмон томони, замонавий цивилизация бизни кичик шахслараро эътиқодлар ва қабилавий муносабатлардан халос қилиб, унинг ўрнига улкан миллий ва халқаро мафкуравий эътиқодлар юзага келишига сабаб бўлди. Бу мен ва сиз учун, менинг янги эътиқод шакллантирувчи шогирдим учун яхши янгилик, чунки ўз тарафдорларимизни ҳиссий туйғулар билан ром қилишимиз учун жуда кўп шахсий алоқаларни бузишимизга ҳожат қолмайди.

Кўриб турганимиздек, эътиқод тўлиқ ҳиссий боғлиқликка асосланган. Ва ушбу боғлиқликни амалда кўллашнинг энг яхши усули одамларнинг танқидий фикрлашини чеклаб қўйишидир.

Қандай қилиб шахсий эътиқод яратиш мумкин?
Учинчи қадам: Барча танқид ёки ортиқча саволларни олдиндан яроқсиз деб топинг.

Энди асосий ишонч тамойиллари борлиги сабабли янги туғилган эътиқодингизни муқаррар танқидлардан ҳимоя қилиш учун йўл топишингиз керак. Ҳйила – ўз-ўзини қўллаб-қувватлайдиган “биз уларга қаршимиз” деган дихотомияни яратишга мослашишдир, яъни “биз”нинг “улар”га нисбатан қаршилигининг шундай шакллантирилганини, “биз”ни танқид қиласидиган ёки саволга тутадиган ҳар қандай одам дарҳол “улар” бўлиб қолади.

Эшитилиши қийин бўлиши мумкин, аммо бу аслида жуда осон. Яхшироқ тушунишингиз учун мисоллар келтираман:

- Агар урушни қўллаб-қувватламасангиз, террорчиларни қўллаб-қувватлайсиз.
- Худо илм-фанни ўзига бўлган ишончни синаб кўриш учун яратган. Шунинг учун Инжилга зид кела-диган ҳар қандай тушунча худога бўлган ишончнинг синовидир.
- Феминизмни танқид қиласидиган инсон – сексист.
- Капитализмни танқид қиласидиган инсон – капиталист.
- Президентни танқид қиласидиган инсон – хоин.
- Коби Браянтни Майл Жордандан яхшироқ деб ўйлаган киши баскетболни тушунмайди. Шу сабабли бу одамнинг баскетбол тўғрисидаги фикрлари сафса-тадан ўзга нарса эмас.

Ушбу сохта дихотомияларнинг мақсади тарафдорларингиз сиз яратган эътиқодни шубҳа остига олишларидан олдин ҳар қандай қарама-қарши мулоҳаза ва мунозараларни тиз чўктиришдир. Ушбу сохта дихотомиялар ўз тарафдорларига умумий душманларини намойиш қилишдан манфаатдор бўлишади.

Умумий душманларнинг бўлиши жуда муҳим. Биз ҳаммамиз тўла хотиржамлик ва ҳамжиҳатлик ҳукм сурган дунёда яшашни афзал кўрамиз, деб ўйлашни яхши кўрамиз, лекин, ростини айтсам, бундай дунё бир неча дақиқадан ортиқ давом этмайди. Умумий душманлар эътиқодимизда бирлик шаклланишига катта хисса қўшишади. Бошимиздан ўтган азоб-уқубатлар учун сабабчи қилиб кўрсатиш ва умидимизни тиклаш учун ҳам, бунга лойиқми ёки йўқдигидан қатъи назар, бир қанча айборлар керак бўлади. “Биз уларга қаршимиз” дихотомияси бундай ҳаётий душманни олишнинг ажойиб усули саналади.

Охир-оқибат, тарафдорларингизга жуда оддий вазият картинасини кўрсатишга қодир бўлишингиз керак. Буни тушунадиганлар ҳам, тушунмайдиганлар ҳам бор. Тушу-

надиганлар дунёни күтқаришга киришади. Тушунмай-диганлар эса уни вайрон қилишга өзгеланды. Мұхокама тугади. "У" нима бўлишидан қатъи назар, сиз баҳш этишга уринган ишонч билан бевосита боғлиқ - лидерлар, либертарианизм, глютенсиз парҳез, рўза тутиш, гипербарик босим камераларида ухлаш ва мевали музқаймоқ. Бундан ташқари, тарафдорларингизга ишонч билдиримаганлар ёмон эканини айтиш кифоя әмас. Уларни лаънатлашингиз керак: Улар яхши ва муқаддас бўлган ҳамма нарсанинг душманидир. Улар ҳаммасини расво қилишади. Улар ёвуз одамлар.

Сўнгра тарафдорларингизни эътиқодингизга ишонмаёттаниларни тўхтатиш учун барча воситаларни кўллаш кераклигига ишонтиришингиз лозим. Одамлар қиймат иерархиясининг ёки юкорисидан, ёки қуий қисмидан жой олади, эътиқодимизда ўргада туриш деган тушунчага ўрин йўқ.

Қанча кўп қўрқув бўлса, шунча яхши. Зарур ҳолларда озроқ ёлғон ҳам ишилатиш мумкин. Эсингизда бўлсин, одамлар ўз хаёлларида салб юришларида қатнашаёттанини, ўзларини адолат, ҳақиқат ва нажотнинг муқаддас жангчилари деб ҳис қилишни жуда хоҳлашади. Шунинг учун, уларнинг қулогига нима хуш ёқса, шуни гапираверинг. Уларга ҳақиқат улар томонда эканини уқтира олинг - шунда эътиқодингиз тарафдорлари оқиб кела бошлайди.

Бу вазиятда фитна назариялари жуда катта фойда беради: Вакциналар аутизмга сабаб бўлади - тиббиёт ва доришунослик саноати оиласаларни пароканда қилиш эвазига бойияпти. Мутахассислар эмбрионнинг ривожланиш ҳолати тўғрисида бошқача фикрда - улар ёмонлик билан христиан оиласаларни йўқ қилиш мақсадида юборилган жангчилар. Иқлим ўзгариши ҳақиқидаги гаплар турган-биттани сафсата. Бу сафсата Хитой хукумати томонидан АҚШ иқтисодиётини пасайтириш ва дунёга ҳукмронлик қилиш учун тўқиб чиқарилган.

Шахсий эътиқодни қандай шакллантириш мумкин? Тўртингчи қадам: ибодат қурбонлиги – буни ҳар ким қила олади!

Техасда ёшлик даврларимни ўтказганимда мен учун иккита муқаддас қадрият мавжуд эди: Исо Масих ва футбол. Гарчи яхши футбол ўйнай олмасам ҳам, бу спорт туридан завқланишни ўрганганимда, эътиқод мен учун аҳамиятини йўқота бошлади. Эътиқод аввалига бор эди, кейинчалик йўқолди, яна пайдо бўлди, яна йўқолди. Мени йўлимдан адаштиирманг. Мен Масихнинг кўплаб ахлоқий таълимотини қўллаб-қувватлайман: яхши инсон бўлиш, шунингдек, қўшнилар ва ҳамкаслар билан яхши муносабат ўрнатиш. Ёшлиар гурухида ҳаммаси ажойиб эди. Черковда ҳар якшанба тонгида хонанинг қайсицир бурчагида бепул печенелар ёпиштириб қўйиларди, бу эса болаларни хурсанд қилмай қўйиласди.

Аммо, очигини айтганда, мен христиан бўлишни ёқтирамасдим, бунинг сабаби қуидагича эди: ота-онам мени лама кийишга мажбур қилишарди. Тўғри, мен оиласи эътиқодини шубҳа остига олганман ва 12 ёшимда атеизм томон қадам ташлаганман.

Мен отамни бу борада саволга тутганим кечагидек ёдимда: “Агар Худо ҳамма нарсани олдиндан билса ва нима бўлишидан қатъи назар мени севса, нима учун якшанба куни киядиган нарсамга аҳамият қаратади?” Отам менга бақирди.

“Аммо, дада, агар худо гуноҳларимиздан қатъи назар, бизни кечирса, нега хотиржам тарзда ёлғон гапириб, алдаб, ўғирлаб юравермаймиз?” Бу сафар қичқирди.

“Аммо, дада ...”

Черков ҳеч қачон мени тўлқинлантирмас эди. Балоғат ёшига етгунимгача “Нине инч Наилс” футболкаларини якшанба мактабига яширин равища олиб келардим. Орадан икки йил ўттач, ҳаётимда биринчи марта Нищенинг китобига дуч келдим. Ҳаммаси бошқача эди. Ортта қайта бошладим. Дарс пайтида мактаб ҳовлисида айланиб, сигарета тутатишни бошладим. Ҳаммаси тугаган эди. Мен кичик дўзахи бўлдим-қолдим. Ошкора саволлар ва шубҳаланишлар охир-оқибат шу қадар ёмонлашдики, якшанба мактаби ўқитувчиси бир куни эрта-

лаб мени четта тортиб, келишув таклиф қилди: у менга ўз фанидан аъло баҳолар қўяди ва ота-онамга мени роса мақтайди. Фақат битта шарт билан: бошқа болалар олдидা Инжилнинг мантикий номувофиқлиги тўғрисида савол беришни тўхтатаман. Рози бўлдим.

Эҳтимол, бу сизни ажаблантирмаслиги мумкин, аммо менинг руҳиятсиз, гайритабиий нарсаларга ишончим йўқ. Тартибсизлик ва ноаниқлик завқимни оширади. Бу, афсуски, мени ёқимсиз ҳақиқат билан курашишга маҳкум қилди. Аммо бунга кўниқдим.

Каттароқ бўлганим сари, буларнинг ҳаммаси пайғамбарни кийинтириш учун эканини англадим. Ўша пайтда нима деб ўйлаган бўлсан ҳам, бу ота-онам мени қийноққа солиши ҳақида эмас эди. Ҳурмат ҳақида гап кетяпти. Ота-онамга бўлган эмас, жамиятга, динга бўлган ҳурмат. Якшанба кунги кийиниши – бу бошқа ибодатчиларга куйидагича хабар берарди: “У ердаги ҳамма нарса жиддий”. Бу биз ёки улар қарама-қаршилигининг навлатдаги қисми. Сиз “биз”ники эканингиз тўғрисида сигнал келади ва шунга қараб муомала оласиз.

Бу ерда барча черков кийимлари бор... Ҳаётдаги энг муҳим воқеалар қандайдир мантия кийган шахс билан бирга бўлишини пайқадингизми? Тўйлар, бити-рув оқшомлари, дафн маросимлари, суд жараёнлари, очик юрак операциялари, чўқинтириш маросимлари ва ҳа, ҳатто черков ваъзлари...

Мен коллежни битирганимда биринчи марта бу нарсани пайқаганман. Маросим бошланишидан олдин кечаси уч соатгина ухлаганим учун караҳт ҳолда ўтирадим. Атрофга қарадим ва аҳмоқлик деб ўйладим. Черковга борганимдан бери ҳалигача бунчалик кўп одамнинг бир хил мантия кийганини кўрган эмасдим. Ҳаёлларими ни тўплаб олганимдан сўнг даҳшатта тушдим: наҳотки улардан бири мен?! Статус ва аҳамиятни англатувчи мантия маросимнинг бир қисми. Қадриятларимизни аниқлаштириб олиш учун ҳам маросимлар бизга керак. Бирор нарсани қадрлаш билан нимагадир эри-

ша олмайсиз. Унинг ичида яшаш керак. Уни бошидан ўтказиш керак. Одамларга яшаш ва қадриятларни англашга ёрдам беришнинг усули жуда оддий: уларни бир хил тарзда кийинтириш ва улкан матнни айтишга мажбур қилиш – қисқача айтганда, уларга маросимларни тақдим қилиш. Маросимлар – қадриятларимизнинг аниқ ва яққол ифодасидир. Шу сабабли ҳамма эзгулликка ундовчи динларда маросимлар мавжуд.

Хиссиёт – ҳаракат, деган гапимни эсланг. Шу сабабли, хис қилувчи миянинг қиймат иерархиясини ўзгартириш (ёки кучайтириш) учун одамларга тақоролаб бўладиган, аммо мутлақо ноёб ва ўзига хос ҳаракатларни тақдим этишингиз керак. Яъни маросимлар.

Маросимлар узоқ вақт давомида тақороланиши учун ишлаб чиқилган бўлиб, бу уларнинг аҳамиятини янада оширади – охир-оқибат, беш юз йил аввал одамлар қилган амалларни бажариш зериктириб қўяди. Маросимлар рамзий маънога эга. Қадрият сифатида, улар қайсиdir ҳикоя ёки тарихни ўзида акс эттириши мумкин. Черковларда мантия кийган йигитлар нонни шаробрга (ёки узум шарбатига) ботириб, уни Масиҳнинг танасини акс эттириш учун бир гурӯҳ одамларга тарқатишади. Бу рамзий маъно Исо Масиҳ биз нажот топишимииз учун ўзини қурбон қилганини англатади.

Мамлакатлар ташкил топган кунига ёки урушда ғолиб бўлган (ютқазган) кунига атаб маросимлар ўйлаб топишади. Парадларда юрамиз, байроқларни ҳилпиратамиз, мушакбозлик қиласиз, биргаликда барчаси муҳим ва қийматли нарсани англатишини хис қиласиз. Эр-хотинлар ўзларининг кичик маросимлари ва одатларини, ўзаро ҳазилларини фақатгина ўзаро муносабатларнинг қадр-қимматини ошириш, шахслараро эътиқодни мустаҳкамлаш мақсадида ташкил қилишади. Маросимлар бизни ўтмиш билан боғлаб турувчи кўприкдир. У, шунингдек, қадриятларимиз билан ҳам боғлайди. Кимлигимизни эслатиб туради.

Маросимлар одатда баъзи қурбонликларни талаб

этади. Қадимги замонларда рұхонийлар ва бошлиқлар одамларни қурбонгоҳда ўлдиришиб, баъзан уларнинг ҳаракатсиз юракларини танадан сұғуриб олишган. Қолган одамлар эса бақиришар, ноғора чалишар ва ҳар хил қилиқлар қилишар эди. Ушбу қурбонликлар яхши ҳосил олиш ёки бошқа натижаларга әришиш йўлида қилинган. Аммо қурбонлик маросимининг асл сабаби бундан ҳам чуқурроқ эди.

Одамлар ҳақиқатан ҳам гуноҳ қилишдан кўрқишиган. Айтайлик, ичида юз доллар тули бўлган ҳамённи топиб олдингиз, лекин ҳамёнда шахсни тасдиқловчи бирорта ҳужжат мавжуд эмас. Атрофда ҳеч ким йўқ ва, демак, сизда эгасини топиш имконияти ҳам йўқ, шунинг учун уни жойида қолдирдингиз. Нютоннинг Биринчи ҳиссиёт қонунида айтилишича, ҳар бир ҳаракат тенг ва қарама-қарши ҳиссий реакцияни юзага келтиради. Бу ҳолатда, гарчи лойик бўлмасангиз ҳам, сиз билан яхши ҳодиса юз беради. Жавоб реакцияси – гуноҳкорлик ҳисси.

Масалага янада чуқурроқ кирамиз: сиз мавжудсиз. Аммо мавжуд бўлишга арзишингиз учун ҳеч нарса қилмагансиз. Нега мавжуд бўлганингизни ҳам билмайсиз, шунчаки борсиз, холос. Бу дунёга келдингиз. Аммо қаердан келдингиз ва нима учун – бундан хабарингиз йўқ. Агар буни худо түхфа қилди, деб ишонсангиз, унинг олдида қарздорсиз. Агар худога ишонмасангиз ҳам, ҳар ҳолда, шу ҳаётда яшаяпсиз. Унга арзишингиз учун нима қилдингиз? Умрни бехуда сарфламаслик учун қандай яшаш керак? Бу инсон ҳолати ҳақидаги машҳур, аммо жавоб бериб бўлмайдиган савол. У нима учун онгта хос айбдорлик ҳисси деярли ҳар қандай диний эътиқоднинг асосини ташкил этишини тушунтириб беради.

Қадимги диний эътиқодларда пайдо бўлган қурбонликлар ўз тарафдорларига муносиб ҳаёт кечираётганлик қарзини тўлаш ҳиссини уйғотиш учун қилинган. Аввалига одамлар ҳақиқатан ҳам қурбон бўлишиди - ҳаёт учун ҳаёт берилиди - лекин кейинчалик одамлар онги

ривожланиб бутун инсониятни қутқариш учун рамзий қурбонликни таклиф қилишди. Шундай қилиб, ҳар куни қурбонгоҳда қонни тозалашга ҳожат қолмади.

Кўпгина диний амаллар гуноҳларни енгиллатиш учун чиқарилган. Ҳаттоки бу ҳар қандай ибодатнинг мазмуни деб ҳам айта олишимиз мумкин: ҳар бир ибодат айдан қутулиш саҳнасиdir. “Мен зўрман” деб туриб ибодат қилинмайди. Ҳеч қачон. Ибодат миннатдорчилик журналига ўхшайди: “Эй худо, баъзи қийинчилкларга дуч келсам ҳам, мени яратганинга шукр. Мен ўйлаган ва қилган барча ёмон амаллар учун кечиришингни сўрайман”. Айбордлик ҳисси - ҳеч бўлмаганда бир муддатта.

Мафкуравий эътиқодларда гуноҳ масаласи диний эътиқодларга қараганда бошқачароқ ҳал қилинади. Давлатлар инсоннинг экстремал айбордлик ҳиссини ўз фойдаларига йўналтирадилар: “Мамлакатимиз сизга мислиз имкониятлар тақдим қилди, шунинг учун тезда мундирни кийинг ва ватанини ҳимоя қилишга ҷоғалинг”.

Ўнг қанотдагилар одатда қурбонликни мамлакат ва ўз оиласини ҳимоя қилиш билан оқлашга ҳаракат қилишади. Чапдагилар буни ўз манфаатларидан бутун жамият фаровонлиги учун воз кечиш сифатида кўрадилар.

Ва ниҳоят, шахслараро эътиқодларда ўзини қурбонлик қилиш романтика ва садоқат билан боғланади. (Никоҳ ҳақида ўйланг: Айтмоқчиманки, қурбонгоҳ олдида туриб, ўз ҳаётингизни бошқа кишига тортиқ қилишга ваъда берасиз.) Севилишга лойик эканимиз устида доимо тортишиб келганмиз. Ота-онангиз ажойиб инсонлар бўлса ҳам, сиз гоҳида “Нега айнан мен? Бунга арзиш учун нима қилдим?” дея ҳайратта тушишингиз мумкин. Шахслараро динларда ҳам одамлар ўзларининг севилишга лойик эканликларини ҳис қилишлари учун мўлжалланган турли хил маросимлар ва қурбонликлар мавжуд. Узуклар, совгалар, юбилейлilar – буларнинг барчаси катта бирликка бирлашадиган майда-чуйдалардир. Хуш келибсиз, азизим.

Қандай қилиб шахсий эътиқодни шакллан-

тириш мумкин? Бешинчи қадам: Жаннат ваъда қилинг ва дўзахга элтинг.

Агар ўз эътиқодингизни яратишнинг дастлабки босқичларини пухта ўзлаштирган бўлсангиз, унда ана энди жиддий сұхбатлашиш пайти келди.

Эътиқод бўлишининг гўзаллиги шундаки, ўз тарафдорларингизга нажот, маърифат, дунё тинчлиги, мукаммал баҳт ёки бошқа нарсалар тўғрисида қанча кўп ваъда берсангиз, уларнинг сиз ваъда қилган нарсаларга эришиши шунчалик қийинлашади. Сиз ваъда қилган нарсаларга эришмаса, улар ўзларини айблайдилар ва гуноҳкор сезадилар. Улар ўзларини айблаб, гуноҳкор сезсалар, сиз уларга нима дейлишингиздан қатъи назар сўзсиз бажаришади.

Кимлардир буни психологик зўравонлик деб атashi мумкин. Аммо бундай атамалар билан хурсандчилигимизни бузишларига йўл қўймаймиз.

Турли хил пирамидалар худди шу схема асосида ишлайди; бир нечта ўзингиз хоҳламаган ёки эҳтиёж сезмаган маҳсулотларни сотиб олиш учун фирибгарга пулингизни тутқазасиз, кейинги уч ой давомида эса яна бошқа одамларни худди шу схема учун сизнинг орқангиздан пул тикишга кўндириш мақсадида елиб-югурасиз ва улар ҳам ҳеч ким хоҳламаган ва ҳеч кимга керак бўлмаган маҳсулотни сотиб олишади ва кейинчалик сотишга уринишади.

Бундан ҳеч нарса ютмайсиз.

Сўнгра, яққол кўриниб турган ҳақиқатни тан олишнинг ўрнига (бутун бошли тизим баъзи фирибгарлар томонидан бошқа фирибгарларни алдаш устига қурилган бўлиб, бу тизимнинг асоси ёлғон, ёлғон ва яна ёлғондан иборат), ўзингизни айбдор санайсиз - чунки пирамида тепасида турган йигит “Феррари”да юради-да! Сиз ҳам “Феррари” хоҳлаб қоласиз. Демак, ҳамма муаммо сизда, тўғрими?

Бахтингизга, “Феррари”си бор йигит сизга хушмуомалик билан ҳеч кимга керак бўлмаган маҳсулотларни кейинчалик бошқа бирорга сотишга борини берадиган одамларга сотиш бўйича семинар ўтказишга рози бўлди.

Семинардаги асосий вақт онгингизга таъсир ўтказадиган мусиқа тинглаш, видеороликлар кўриш ва шиорлар эшлишига (“Ғолиб бўлишни хоҳдаганлар таслим бўйишмайди”, “Омадсизлар эса буни фойда келтирмайди деб ҳисоблашади” каби) сарфланади. Семинардан тўла илҳомланиб уйга қайтасиз, аммо ҳалигача бирор нарсани, айниқса, ҳеч кимга керак бўлмаган нарсани сотишни билмайсиз. Ўзингиз сотиб олган пулга асосланган эътиқоддан ўпкалашнинг ўрнига, барча айбни ўзингизга юклайсиз. Сиз муқаддас деб билган қадриялар қанчалик асоссиз бўлишидан қатъи назар, уларни ҳаётта тадбиқ қила олмаганингиздан ўкинасиз.

Ушбу даҳшатли умидсизликни турли соҳаларда учратиш мумкин. Фитнес ва парҳез режалари, сиёсий фоллик, шахсий юксалиш бўйича семинарлар, молиявий режалаشتариш, таътилда бувингизни кига ташриф буюриш – ҳаммаси бир тамойилга асосланган: қанчалик кўп бажарсангиз, ваъда қилинган қоникиш даражасига эришиш учун янада кўпроқ бажаришнинг кераклиги айтилади. Аммо бу қоникиш ҳеч қачон келмайди.

Келинг, бир неча дақиқага воқеликдан узоклашамиз. Сизга шумхабарни биринчи бўлиб айтиб беришга ижозат беринг: инсон азоб-уқубатлари кўнгилочар масканларда болға билан ҳайвонларни урадиган ўйинга ўхшайди. Сиз ҳам ҳар сафар оғриққа зарба берсангиз, бошқа бири қалқиб чиқади. Қанчалик тез урсангиз, шунчалик тез қайтади.

Оғриқ яхшиланиши мумкин, шакли ўзгариши мумкин, ҳар сафар камроқ ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Аммо у ҳар доим бўлади. Чунки у бизнинг бир қисмимиздир;

Оғриқ бу – бизмиз.

Ўз эътиқодига даъват қиласиган кўплаб одамлар сиздаги оғриқни бир зарбада мутлақо йўқотишини ваъда қилиб, катта пул топишмоқда. Аммо, ҳақиқат шундаки, сиз ҳеч қачон оғриқдан халос бўлмайсиз. Қанчалик тез урсангиз, улар шунчалик тез қайтади. Мана шу эътиқодга жалб қилувчилар узоқ вақт давомида фаолият юрити-

шяпти: ўйин тизимининг ютқазиш устида курилгани ва инсон табиати оғриқ ишилаб чиқаришини тан олишнинг ўрнига, улар бизнинг ўйинни юта олмаганинда айблашади. Ундан ҳам ёмони улар баъзи нотаниш “улар”ни ёмонлашади: Агар биз улардан “кутула олганимизда”, азобланишдан тўхтар эдик. Бу айни ҳақиқат. Аммо бу ҳам иш бермайди. Бу оғриқни бир авлоддан бошқасига ўтказади ва уни кучайтириб боради.

Жиддий айтганда, муаммоларингизни кимдир келиб ҳал қилиб бера олганида, улар келгуси сешанба куни ўз ишларини тўхтатиши (ёки келаси ҳафта офисдан чиқиб кетишлари) мумкин. Етакчилар доимо тарафдорлари нимадандир норози бўлишларини хоҳлашади, бу уларни етакчи сифатида ушлаб турадиган куч деб ҳисобланади. Агар ҳаммаси мукаммал ва ажойиб бўлса, кимгадир эргашишнинг ҳожати қолмайди. Ҳеч қачон сиз тинч ва хотиржам бўйолмайсиз. Ҳеч қайси мамлакатда тўла адолат ва хавфсизлик ўрнатилмайди. Ҳеч қайси сиёсий фалсафа инсонларнинг барча муаммоларини ҳал қилиб бермайди. Ҳақиқий тенгликка ҳеч қачон эришиб бўлмайди – ҳар доим сизга халақит берадиган одамлар исталганча топилади. Ҳақиқий эркинлик умуман мавжуд эмас, чунки барқарорликка эришиш учун эркинлигимизнинг бир қисмини қурбон қилишимиз талаб этилади. Сиз севадиган ёки сизни севадиганлар орасидан ҳеч ким мавжудлигиниз учун ичингиздан кечаётган айбдорлик ҳиссингизни тортиб олмайди. Хуллас, ҳаёт яхши эмас. У ерадаги ҳамма нарсанинг расвоси чиққан. Шундай бўлиб келган ва доимо шундай бўлади. Уни тўғрилаб бўлмайди, фақатгина вақтинчалик чоралар, кичик яхшиланишлар, бошқаларга қараганда озрок яхшироқ бўлиш орқали инсон ўзини юпатади. Ҳақиқат ортидан қувишни бас қилиб, ҳаммасини борича қабул қилиш вақти келди.

Бу бизнинг шармандали дунёмиз. Биз унинг ичидаги шармандали одамлармиз.

Қандай қилиб шахсий эътиқодни шакллантириш мумкин? Олтингчи қадам. Фойда учун ҳар нарсага тайёр бўлинг.

Демак, охирига етиб келдик. Энди сизнинг ўз эътиқодингиз бор ва ундан фойда олишни бошлиш вақти етиб келди. Тарафдорларингиздан аллақачон сизга пул оқиб келаётган ва ҳар бир фикрингизни ўзига сингдираётган бўлса, барча истакларингизни амалга ошириш вақти келган бўлади!

Кўнглингизни хушлайдиганлар кўп бўлишини истайсизми? Шунчаки, даъват қилинг. Ўз шиорингизни яратинг ва тарафдорларингизга: “Олти босқичли маърифат”га эришиш учун кўнглимни олишингиз керак деб айтинг.

Инсон қадами етмайдиган жойда яшашни истайсизми? Шунчаки, тарафдорларингизга улар учун қаср қуриб беришингизни, бунинг учун эса анча узоқдан ер кераклигини айтинг. Айтганча, бунинг учун пул тўлашлари кераклигини айтиш ҳам эсингиздан чиқмасин.

Ҳокимият ёки обрў-этиборга эришишни хоҳлайсизми? Тарафдорларингизга сиз учун овоз беришларини, янада осонроғи, ҳокимиятни энг зўрлар эгаллашиб кераклигини айтинг. Агар ҳаммасини тўғри бажарсангиз, улар сиз учун жонларини фидо қилишга ҳам тайёр бўлишади.

Инсонга чексиз имкониятлар берилган.

Энди ёлғизлик бўлмайди. Муносабатлар билан боғлиқ молиявий муаммолар ҳам. Энг ёввойи орзуларингизни ҳам амалга оширишингиз мумкин.Faқат бунга эришиш учун минглаб одамларнинг орзу-умидларини яксон қилишингизга тўғри келади.

Ха, дўстим, бунинг учун қаттиқ тер тўқдингиз. Демак, энди ҳар қандай нохуш ижтимоий ташвишларсиз ёки ахлоқий масалалар ва инсон характеристи билан боғлиқ мунозарали фикрларсиз фойда олишга арзийсиз. Дарҳақиқат, бу ўз эътиқодингиз мавжудлигининг афзалликларидан бири: нима ахлоқий жиҳатдан

тўғри ёки нотўғри эканини ўзингиз ҳал қиласиз. Нима тўғрилигини ўзингиз ҳал этасиз. Ниманиadolатли деб топиш ҳам сизнинг ихтиёргизда.

Эҳтимол, бутунлай бошқа эътиқодга киришиш сизни ҷалғитиши мумкин. Сизни хафа қилишни хоҳламайман, аммо сиз аллақачон шу эътиқод ичидаисиз. Буни қабул қиласизми ёки йўқ, қайсиdir гурӯхнинг ишонч ва қадриятларини қабул қилгансиз, уларнинг маросимларида иштирок этасиз ва курбонликлар келтирган ҳолда, «биз» ва «улар» ўртасида чизик тортасиз ва ўзингизни «улар»дан онгли равища узоқ тутасиз. Ҳаммамиз шундай қиласиз. Диний эътиқодлар ва уларнинг асрлар давомида шаклланиб келган хулқ-автор қоидалари ҳаётимизнинг бир қисмидири. Уларга мослашмасликнинг иложи йўқ. Агар ўзингизни диндан тўла узоқда турман деб ҳисобласангиз, мантиқ ва онта таянаман деб ўйлайсиз. Хато қилаёттанингизни айтишдан афсусдаман: сиз ҳаммамиз қатори оддий одамсан. Агар ўзингизни ўқимишли ва зиёли одамман деб ҳисобласангиз, қаттиқ адашасиз – шунчаки бир аҳмоқсиз!

Ҳаммамиз ҳаётда нимагадир ишонишимиз керак. Қаердан бўлса ҳам, қадрият топишимиз керак. Бу бизнинг психологик ҳаётийлигимиз учун муҳим аҳамият касб этади. Умид топишимиз учун ҳам. Агар сизда порлоқ келажак ҳақида тасаввур мавжуд бўлса ҳам, унга ёлгиз ҳолда етиш жуда мушкул. Бирор-бир орзуни амалга ошириш учун ҳам руҳий, ҳам ташкилий жиҳатдан қўллаб-куватловчи гурӯхга эҳтиёж сезилади. Қисқасини айтганда армия керак. Ҳазиллашмаяпман.

Диндаги хикоялар орқали ифодаланган ва минглаб ёки миллионлаб одамларга улашилган қиймат иерархијаси фан назариясида илгари сурилган инсон тизимларини жалб қиласиди, ташкиллаштиради ва ҳаракатта келтиради. Динлар дунёдаги ресурслар учун рақобатлашади ва қадриятлар иерархијаси инсон меҳнати ва капиталидан энг самарали фойдаланадиган динлар устунликка эришади. Дин илгари сурган ғоялар қандай бўлишишди

қатын назар, күп одамлар устунликка эришган диннинг қиймат иерархиясини қабул қилмоқдалар, чунки бу динлар аҳоли учун энг яхши қадриятларни намоён этади. Ҳукмрон динлар кейинчалик барқарорлашади ва маданият учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Аммо бу ҳам муаммолардан ҳоли эмас. Бирор-бир дин муваффақиятта эришиб, ўз нуқтаи назарини ҳамма жойда ёйиб, инсон ҳис-туйғулари ва хатти-ҳаракатларининг улкан қатламини назорат қилиб бораэр экан, қадриятлари ҳам ўзгариб боради. Диннинг муқаддас қадриятларига асос бўлган тамойиллар вақт ўтиши билан ўз аҳамиятини йўқотаверади. Унинг муқаддас қадриятлари аста-секин ўзгаради ва диннинг ҳимояси учун дастакка айланади: эришилган нарсани йўқотмаслик зарур.

Мана шу лаҳзадан емирилиш бошланади. Динни, ҳаракатни, инқилобни белгилаб берган асл қадриятлар мақомни сақлаб қолиш учун бир четга суриб қўйилса, бу ташкиллаштиришдаги худбинлиқдан ўзга нарса эмас. Шу орқали сиз Исо Масихдан салб юришларига, Марксизмдан гулагта, тўйдан ажрашиш суди томонга оғиб кетамиз. Диннинг асл қадриятлари емирилиши эътиқод қилувчилар ҳафсаласини пир қиласди, бунинг натижасида асл диннинг ўрнини босадиган янги, ревакцион динлар пайдо бўлади. Ва бутун бошли жараён қайтадан бошланади.

Бу ҳолатда ғалаба мағлубиятта қараганда хавфлироқ. Биринчидан, қанча кўп нарсага эришсангиз, шунча кўп нарса йўқотасиз. Иккинчидан, қанча кўп нарса йўқотсангиз, умиднинг тикланиши шунча қийинлашиб бораверади. Аммо, янада мухимроғи, умидни бошдан кечирганимиз сабабли, уни йўқотиб қўямыз. Порлоқ келажак ҳақидаги гўзал тасаввурларимиз унчалик мукаммал эмаслигининг, орзуларимиз ва интилишларимизни кутилмаган камчиликлар ва қурбонликлар билан йўқ қилишаёттанининг гувоҳи бўламиз.

Чунки орзуни ўлдиришнинг ягона усули уни сўндиришдир.

5-БОБ.

УМИД – ЙЎҚ

Ўн тўққизинч асрнинг охирида Швейцариядаги Алп тоғларидаги илиқ ва завқли ёз кунларидан бирида ўзини фикр ва рух ўртасидаги динамит деб атаган герметик файласуф рамзий равишда тоғдан тушиб келди ва ўз ҳисобидан китоб нашр эттирди. Ушбу китоб унинг инсониятга берган тухфаси бўлиб, унда файласуфнинг замонавий дунё бўсағасида жасорат билан айтилган, вафотидан кейин ҳам узоқ муддат тилларда достон бўлган машхур сўзлари жамулжам бўлган эди.

Бу китобда у баралла: “Эътиқод ўлган” деб айтилган эди. Асарнинг барча қисмлари шу руҳда ёзилган. Унда айтилишича, ушбу ўлим акс-садолари янги, хавфли даврни бошлаб беради ва уни ҳаммамиз бошдан кечирамиз.

Файласуф бу гапларни огоҳлантириш сифатида гапирди. Худди гувоҳи бўлгандек гапирди. Ҳаммамизнинг номимиздан гапирди.

Аммо китоб 40 нусхадан ортиқ сотилмади.

Мета фон Салис тонг сахарда уйғонди ва файласуф учун чой дамлаш мақсадида сув қайнатди. Унинг оғриқ берадиган бўғимларига қўйиш учун муз олиб келди. Ошқозонга малҳам бўладиган шўрва пишириш мақсадида кечаги кечки овқатдан қолган суюкларни тўплади. Файласуфнинг чойшабларини юваб берди. Тезда унинг сочи ва мўйловини олиб қўйиши кераклиги эсига тушди, аммо у устара олишни унугтан эди.

Бу Метанинг Фридрих Ницшега бўлган учинчи ийлиги ғамхўрлиги эди ва эҳтимол, охиргиси ҳам. У файласуфни акасидек кўтарди. (Ўзаро дўстлари бир мар-

та уларнинг оила қуришлари кераклигини таклиф қилганида, иккиси ҳам баланд овозда кулиб юборишган... ва сўнг бу гапни қайта айтмаслигини қатъий уқтиришган.) Аммо Мета раҳм-шафқатнинг чегарасига яқинлашган эди.

У Ницше билан тушликдаги зиёфатда кўришиди. Файласуфнинг пианино чалаёттганини ва қадрдон дўсти, композитор Ричард Вагнер билан ҳазиллашиб, ўтмишдаги воқеаларни эслаб, чақчақлашиб ўтирганини ўз кўзи билан кўрди. Асарларидан фарқли ўлароқ, Ницше анча одобли ва мулойим инсон ҳисобланарди. Ҳар бир гапни эътибор билан тингларди. У шеърият шайдоси бўлиб, ўнлаб шеърларни ёддан билиши билан мақтана оларди. Сўз ўйинларига, ашула айтишга киришиб кетса, соатлаб қолиб кетарди.

Шубҳасиз, у буюк одам эди. Кучли зеҳни билан бутун бошли аудиторияни ўзига ром қила оларди. Кейинчалик дунёга машҳур бўлган афоризмлар сел каби қуиилиб келаверарди. “Ўзинг ҳақингда кўп гапиришинг сир сақлашнинг энг яхши усулидир” – шу бир оғиз гапи бутун аудиториянинг мум тишлаб қолишига сабаб бўларди.

Мета уни кўрганда тили калимага келмасди, бунга сабаб аёлнинг ҳиссиётлари эмас, балки Ницшенинг онгини ўзиникидан бир неча баробар илгарилаб кетгани ва унга етиб олиш учун бир мунча вақт борлигини билгани эди.

Аммо Мета сиз ўйлаганчалик билимсиз эмасди. Даврининг илғор аёлларидан ҳисобланарди. Мета Швейцарияда докторлик даражасини қўлга киритган биринчи аёл сифатида тарихда қолган. Шунингдек, у дунёдаги энг етакчи феминист ёзувчиларидан бири ва феминизм фидойиси эди. У тўртта тилда бемалол гаплаша олар, ўша давр учун ёт ғоя ҳисобланган аёллар хукуқлари масаласида бутун Европа бўйлаб мақолалар чоп этган эди. Дунё кўрган, ақлли ва иродали аёл эди.

Мета Ницшега дуч келганида, ниҳоят, аёлларнинг озодлик ғоясини жаҳон минбарларига баралла олиб чиқадиган инсонни топганига ишонч ҳосил қилди.

Мета шахснинг ҳуқуқларини кенгайтириш, унинг дахлсизлиги учун курашиш тарафдори бўлган, қобилият ҳамма нарсадан муҳимроқ, ҳар бир инсон ўз имкониятларини намоён қилишга ҳаракат қилиши керак деб ҳисоблайдиган инсонни учратган эди. Метанинг фикрига кўра, Ницше аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги ғояларни жонлантириш ва асрлар давомида мавжуд бўлган мажбурий ҳолатдан уларни қутқаришга ёрдам берадиган концептуал асосларни яратган эди.

Фақат бир муаммо бор эди: Ницше феминист эмасди. Аслида, у аёллар озодлиги ғояларини бемаъни деб ҳисобларди.

Бу Метани тўхтатиб қолмади. Ницше ақлли одам экани сабабли уни кўндириш қийин бўлмаслигига ишонарди. У шунчаки ўзининг нотўғри нуқтаи назарини тан олиш ва ундан халос бўлиш керак эди. У Ницшеникига мунтазам равишда ташриф буюра бошлади ва кўп ўтмай улар яқин дўстларга ва фикр алмашувчи шерикларга айланишди. Улар ёзни биргаликда Швейцарияда ўtkазишди, қишида Франция ва Италияда бўлишди, Венецияни бирга айланишди ва Германия орқали яна Швейцарияга қайтишди.

Ииллар ўтиб, Мета Ницшенинг ўткир нигоҳлари ва шоп мўйлови ортида жуда кўп қарама-қаршиликлар яширинганини пайқай бошлади. Ницше жуда нимжон ва заиф бўлса ҳам, ҳокимиёт ҳақида тўхтовсиз ёзаверган. Дўстлари ва қариндошлари (асосан, аёллар) томонидан доимий ёрдам ва қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезиз турган бўлса ҳам, радикал жавобгарлик ва ўз-ўзига суюниш кераклиги тўғрисидаги ғояларни илгари сурган. Унинг асарларини салбий баҳолаган ёки ўқишдан бош тортган танқидчилар ва олимларни лаънатлаган, лекин омма олдида омадсизликка учрагани унинг даҳосини намоён қилиб бергани билан мақтанган. Бир

гал айтганидек: «Менинг вақтим ҳали келгани йўқ, баъзи шахслар ўлимидан кейин туғилишади».

Нишшеда ўзи қоралаган барча хусусиятлар намоён эди: ожизлик, қарамлик, кучли, мустақил аёлларга мафтун бўлиш ва уларга боғланиб қолиш. Бироқ асарларида у шахсий куч ва ўзига суянишни улуғлаган ҳамда аёлларга паст назар билан қарашни оддий ҳол деб айтган. Фикримча, унинг умр бўйи аёллар томонидан ғамхўрлик қилинишига муҳтожлиги вазиятга холис баҳо бериш қобилиятига путур етказган кўринади. Бу нарса лидерсифат инсон тасаввуридаги яққол кўриниб турган қора доғга ўхшаб қолганди.

Агар «ҳаётида энг кўп азоб-уқубатларни бошдан ке-чирганилар» учун шон-шараф зали мавжуд бўлганида, Ницшени биринчилардан бу залга кириши учун овоз берардим. У болалигидаёқ сурункали касалликлардан азоб чеккан: шифокорлар унинг бўйнига ва қулоқларига зулук қўйишган. Зулуклар бир неча соат осилиб турган. У умр бўйи кучли бош оғриғи юзага келтирадиган неврологик касалликни мерос қилиб олган эди (айни дард умрининг охирида телба бўлиб қолишига сабаб бўлди). У, шунингдек, ёруғлик нурига жуда таъсирchan бўлиб, қалин кўк рангли кўзойнаксиз кўчада юра олмасди ва 30 ёшга етар-етмай деярли кўр бўлиб қолди.

Нишше ёшлигида қуролли кучлар сафида хизмат қилиб, бир муддат Франция-Пруссия урушида қатнашган. Бу урушда уни ўлар ҳолга олиб келган дифтерия ва дизентерия касалликларини юқтириб олган. Уни овқат ҳазм қилиш тизимини ишдан чиқарадиган кислотали клизма билан даволашган. Умрининг қолган қисмини у ошқозон оғриғига қарши курашиб ўтказди. Кучли овқатлар ейиш баҳтидан мосуво бўлган ва ўз ҳаётига умуман бефарқ инсонга айланиб қолган. Отлик қисмларда олган жароҳати туфайли танасининг баъзи қисмлари эгилувчан аҳволга келиб, оғир кунларда умуман ҳаракат қилишига тўсқинлик қилиб қўйган. У тик

туриш учун тез-тез ёрдамга муҳтоҷ бўлар, оғриқ туфайли қўзларини очолмай, бир неча ой тўшақда михланиб ётар эди. Ўз эсдаликларида кейинчалик “машъум йил” деб атаган 1880-йилда 365 кундан 260 кунини тўшақда ўтказган. У умрининг кўп қисмини қишида француз қирғоқларида, ёзда эса Швейцария Алплари орасида ўтказган, чунки унинг суяклари ва бўтимлари оғримаслиги учун мўътадил ҳарорат талаб қилинган.

Мета тез орада бу одамни ром қилган биринчи ақдли аёл эмаслигини билиб қолди. Бир неча ҳафта ёки ой давомида унга қараш мақсадида келган аёлларнинг кети узилмасди. Метага ўхшаб, бу аёллар ҳам ўз даврининг илғорларидан эди: профессорлар, бадавлат ер эгалари, ишбилармонлар. Улар ўқимишли, бир неча тил билувчи ва тўла мустакил шахс ҳисобланишарди.

Улар дастлабки феминистлар, бу ҳаракатнинг ilk асосчилари эдилар.

Улар ҳам Ницше ғояларида озодликка даъват кўришган эди. Ницше одамларни қийнаётган ижтимоий тузилмалар ҳақида ёзган, феминистлар эса ўша давридаги ижтимоий тузилмалар аёлларни қулликда ушлаб турари деб таъкидлашган. У заифлик ва ўртамиёналийка даъват қилгани учун черковни қоралаган, феминистлар эса черковни аёлларни турмушга чиқишига ва эркакларга бўйсунишга мажбурлагани учун танқид қилган. У инсоният тарихини одамларнинг табиатга паст назар билан қараб, унинг устидан ҳукмронлик қилишга урингани каби эмас, балки инсониятнинг табиатга нисбатан нодонлиги тобора кучайиб бораётгани каби талқин қилишга журъят этди. У шахс ўзини намоён қилиши ва эркинлик ва онгнинг янада юқори даражаларига эришиши керак дея таъкидлаган. Юқоридаги аёллар эса феминизмни бу олий озодликка навбатдаги қадам сифатида қўришган.

Ницше уларнинг барига умид бера олган ва улар ҳам ўз навбатида кундан кунга ахволи ёмонлашиб сўлиб бораётган файласуфга ғамхўрлик қилиб, унинг навбат-

даги китоби, навбатдаги эссеси, навбатдаги мунозараси жамиятда ўзгариш ясашидан умид қилишар эди.

Аммо бутун ҳаёти давомида дунё унинг меҳнатига эътибор қаратмади.

Сўнгра у эътиқоднинг ўлганини эълон қилди ва олдин университет профессорлигидан, кейин эса, жамиятдан қувилди. У ишсиз ва уйсиз қолди. Ҳеч ким у билан ишлашни хоҳламасди, на бирорта ношир, на бирорта дўсти. У кун кечириш учун онаси ва синглисидан қарз олиб, асарини нашр этиш учун пул тўплади. Ўзига ишонгандек ишонган дўстлари мададига таянди. Аммо шунда ҳам унинг китоблари жуда кам нусхада сотиларди.

Шунча воқеага қарамай, бу аёллар уни ташлаб кетишмади. Улар файласуфни ювиб-тарашар, овқатлантиришар, сайр қилдиришарди. Улар қариб, куч-қувватдан қолган одамда тарихни ўзгартира оладиган нарса борлигига ишонишиди ва кутишиди.

Ницше талқинидаги дунёning қисқача тарихи бундай:

Айтайлик, ресурслари чекланган маълум бир ер майдонига бир гурух одамларни олиб келиб, улардан йўқ жойдан тараққиёт барпо этишларини сўрадингиз. Натижка қўйидагича:

Баъзи одамлар бошқаларга нисбатан қобилиятлироқ бўлади. Баъзилари ақллироқ. Баъзилари эса бақувватроқ. Орасидан харизматиклари ҳам учраб туради. Хушмуомала ва бошқалар билан тез чиқишиб кетадиганларни ҳам топиш мумкин. Энг муҳими, улар орасида меҳнаткаш ва яхши фикрлар бера оладиганлар албатта чиқади.

Табиий афзалликларга эга одамлар бошқаларга қараганда кўпроқ ресурс тўплашади. Уларда кўпроқ ресурс бўлгани сабабли, жамиятда бошқалардан устунроқ мақомга эга бўлишади. Улар бу кучдан кўпроқ ресурс ва афзалликларни тўплаш учун фойдаланишлари мумкин. Хуллас, бойлар доимо бойиб бораверади. Ушбу режим бир неча авлодлар оша давом этади ва сизда кам сонли элитадаги одамларни юқорига қўйиш ва кўпчиликни ташкил этадиган оддий халқ вакилла-

рини паст кўриш иерархияси шаклланади. Қишлоқ хўжалиги инсон ҳаётига кириб келганидан бери барча инсоният жамиятлари бундай табакалинишни бошидан кечирган ва ҳар бир жамият афзаликларга эга элита ва noctor одамлар тоифаси ўртадасидаги келишувни таъминлаши керак.

Ницше элитани жамиятнинг «хўжайинлари» деб атади, чунки улар бойлик, ишлаб чиқариш ва сиёсий ҳокимият устидан деярли тўлиқ назоратни ўз қўлига олишган эди. Миллионлаб ишчи синфини эса жамиятнинг “қуллар”и деб номлади, сабаби, у бутун ҳаётини арзимаган пул топиб ўтказадиган ишчи билан қул ўртасида уччалик катта фарқ қўрмаган.

Энг қизиқ жойи энди келади. Ницше жамият эгалари ўзларини имтиёзларга лойик деб ҳисоблашларини таъкидлаган. Яъни улар ўзларининг элита мақомини асослаш учун ривоятлардан моҳирона фойдаланишади. Шундан кейин ҳам нега улар тақдирланмасликлари керак? Уларнинг тепада тургани ўзи ижобий ҳодиса. Улар бунга арзийдилар. Улар энг ақлли, энг бақувват, энг истеъододли одамлар ҳисобланишади. Шу жумладан, ҳамма нарсага лойик эдилар.

Ницше бундай энг лойик одамлар энг юқоридан ўрин олган эътиқод тизимини “элита ахлоқи” деб номлаган. Элита ахлоқи – инсон лойик бўлган нарсага эришиши кераклиги илгари суринган эътиқод. Бу “қонун – кучлилар учун” эътиқоди бўлиб, агар қаттиқ меҳнат ёки кучли ақл орқасидан нимагадир эришган бўлсангиз, бунга арзийсиз. Ҳеч ким уни сиздан тортиб ололмайди – ҳатто тортиб олишга уриниб ҳам кўролмайди. Сиз энг зўрисиз ва устуналигинизни намойиш этганингиз сабабли мукофотга лойиқсиз.

Ўз навбатида Ницше жамиятнинг “қуллари” ҳам ўз ахлоқ кодексини яратишини таъкидлаб ўтган. Жамият эгалари ўз кучларига ишонғанликлари учун ўзларини ҳақ ва арзирли деб ҳисобласалар, жамият қуллари ўз ожизликлари сабабли ҳақ ва арзирли деб

хисоблашади. Қуллик ахлоқи ким кўп оғир кунларни бошидан кечирса, жабр-ситам кўрса ва оғир шароитларда яшаса, энг яхшисига арзийди, деб ҳисоблайди. Энг камбағал ва энг омадсиз одамларга ғамхўрлик ва хурмат жуда зарур деб билади.

Элита ахлоқи куч ва хукмронликнинг хусусиятларига ишонса, қуллик ахлоқи қурбонлик ва бўйсунишининг хусусиятларига ишонади. Элита ахлоқи иерархия заруратига таянса, қуллик ахлоқи тенглик заруратига кўпроқ таянади. Элита ахлоқининг вакиллари асосан сиёсий позициянинг ўнг қанотида турса, қуллик ахлоқидагилар чап қанот ғояларига ишонишади.

Биз ушбу икки ахлоқнинг чатишмасидан ташкил топганмиз. Мактабда юрганингизни тасаввур қилинг. Бор кучингизни ишга солдингиз ва синфдаги энг баланд натижани қайд этдингиз. Шу сабабли мукофотландингиз. Сиз ушбу мукофотни қуидагича асослаб берасиз: авваламбор, қаттиқ ишладингиз ва унга ўз кучингиз билан эришдингиз. Яхши ўқувчи бўлганингиз учун “яхши” инсонга айландингиз. Бу элита ахлоқидир.

Энди бирорта синфдошингизни тасаввур қилинг. Улар оиласида 18 фарзанд ва ҳаммасини ёлғиз онаси катта қиляпти. Синфдошингиз ўқишидан ташқари зўр бериб ишлайди ва ука-сингилларининг қорнини тўйғизаман деб ўқишига вақти бўлмайди. У сиз осонги на ўтган имтиҳондан йиқилди. Буadolatданми? Йўқ. Эҳтимол, мактаб маъмурияти унинг вазиятини ҳисобга олган ҳолда қанақадир истиснога йўл қўйиши керак деб ҳисоблайсиз – эҳтимол. Ўқиши вақтини унинг имконига қараб белгилаш, имтиҳонни қайта топширишга ёки сал кечроқ топширишга рухсат бериши керакдир, балки. У ўз қурбонлиги ва ожизлиги сабаб “яхши” инсон деб эътироф этиляпти. Мана шу нарса қуллик ахлоқидир.

Нютон берган таърифга кўра, элита ахлоқи - ўзимиз ва атрофимиздаги дунё ўртасида ахлоқий тафовутни юзага келтириш истагидир. Қуллик ахлоқи эса одамлар ўртасида тенглик ўрнатиб, ахлоқий тафовутни ка-

майтириш ва жабр-ситамни камайтириш истаги. Иккаласи ҳам ҳис қилувчи мияни бошқарувчи тизимнинг асосий таркибий қисми саналади. Иккаласи ҳам кучли ҳиссиётларни келтириб чиқаради. Иккаласи ҳам бизга умид бахш этади.

Ницшенинг айтишича, антик дунё маданиятлари (Юнон, Рим, Миср, Ҳинд) элита ахлоқининг маданиятлари ҳисобланади. Улар миллионлаб қуллар эвазига яратилган куч ва маҳоратни кўз-кўз қилиш устида курилган. Улар жангари цивилизация эдилар - улар жасорат, шон-шараф ва қонли қирғинни қўкка кўтаришарди. Ницше, шунингдек, яхудий ва христианларнинг хайрия, раҳм-шафқат ва ҳамдардлиги ҳам қуллар ахлоқинининг ҳукмронлигини қўллаб-қувватлаганини таъкидлади ва бу ҳукмронлик ғарб цивилизацияси ўзининг олтин даврига етгунича давом этди. Ницше наздида ушбу икки қиймат иерархияси доимий танглик ва қаршиликлар орасида яшарди. Унинг айтишича, бу икки ахлоқ бутун дунё тарихидаги барча ижтимоий-сиёсий зиддиятларнинг илдизи ҳисобланади.

Ва у зиддият янада оғирлашиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирган.

Ҳар бир дин - бу воқеликни одамларга доимий умид бахш этадиган тарзда тушунтиришга ҳаракат қиласидиган ишончга асосланган ҳаракат. Ўз тарафдорларини ҳаракатга келтирадиган, мувофиқлаштирадиган ва илҳомлантирадиган динлар бошқаларга қараганда яхшироқ бўлгани сабабли ракибларини енгиб, бутун дунё бўйлаб тарқалади.

Антик дунёда, элита ахлоқи устида қурилган бутпараст динлар бутун дунё бўйлаб кезиб юрган, ўз қўл остидаги ҳудуд ва аҳолини кенгайтириб борган императорларнинг мавжудлигини асослаб берган. Икки минг йил ўтганидан сўнг қуллик ахлоқи динлари пайдо бўлди ва уларнинг ўрнини боса бошлади. Бу янги динлар монотеистик дин ҳисобланиб, бир миллат ирқ ёки этник груп билан чекланиб қолмаган. Улар ўз

ғояларини ҳаммага тарғиб қиласади, чунки уларнинг асосий ғояси тенглик эди: барча инсонлар гуноҳсиз бўлиб туғилиб, кейинчалик бузилади ёки гуноҳкор бўлиб туғилиб, сўнгра топинади. Ҳар қанақасига ҳам, натижа бир хил: миллати, ирқи ва эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир киши Ягона Ҳакиқий эътиқодга иймон келтириши керак бўлади.

Кейинчалик, 17-асрда Европада янги эътиқод дунёга келди, бу эътиқод инсоният тарихи давомидаги барча кучлардан ҳам кўра қудратлиларни юзага келтирди.

Кўпгина динлар далилларнинг етишмаслиги билан боғлиқ мураккаб муаммоларга дуч келади. Сиз одамларга эътиқод, руҳлар ва фаришталар ҳақида ажойиб ҳикоялар айтиб беришингиз мумкин, аммо бутун шаҳар ёниб кетса ва болангиз балиқ ови пайтида кўлини синдириб олса, нима бўлади?

Бутун тарих давомида ҳокимият вакиллари ўз динларини асословчи далилларнинг йўқлигини яшириш учун фаол ҳаракат олиб боришган ва ёки ўзларининг ишончга асосланган қадриятларини шубҳа остига олганларни жазолаш учун кўп куч сарфлашган. Шу сабабли Ницше кўп атеистлар сингари, диний эътиқодларни ёқтиирмас эди.

Исаак Нютон даврида олимлар деб ном олган табиий файласуфлар энг ишончли эътиқодлар деганда энг кўп қўллаб-куватловчи далилга эга бўлган эътиқодларни тушунишган. Далиллар муқаддас қадриятга айланди ва далиллар билан асосланмаган ҳар қандай эътиқод биз яшаётган воқеиликка мос келиши керак эди. Бу эса янги эътиқодни юзага келтирди: илм-фан.

Илм-фан, шубҳасиз, энг самарали эътиқод ҳисобланиб бормоқда. Чунки у ўзини-ўзи ривожлантириш ва яхши томонга ўзгартиришга қодир. У исталган кишига бағрини очади. У ягона китоб ёки ишончга боғланиб қолмаган. У доимий равишда ўзгариб, ривожланиб борадиган далилларга асосланган эътиқодлар тўплами бўлиб, янги маълумотлар таъсири остида мутацияга учрашга, ўсишга ва ўзгаришга мойил бўлади.

Илм-фан инқилоби дунёни ҳар қачонгидан ҳам күпроқ ўзгартириди. У сайёрани тубдан ўзгартириди, миллиардлаб инсонларни касаллик ва қашшоқликдан халос қилди ва ҳаётнинг барча жабҳалари яхшиланишига ўз ҳиссасини қўщди. Муболагасиз айтиш мумкини, илм-фан, эҳтимол, инсоният ўзи учун қилган энг яхши қашфиётдир. (Рахмат, Францис Бекон. Раҳмат, Исаак Нютон. Сизлар ҳақиқий қаҳрамонсизлар.) Илм-фан инсоният тарихи давомидаги тибибиёт ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидан тортиб таълим ва тижорат соҳаларигача бўлган энг катта ихтиrolар ва ютуқларга бевосита алоқадор. Илм-фан инсонни янада ажойиб нарса билан таништириди: юксалиш тушунчаси. Инсоният тарихининг кўпчилик қисмида одамлар “юксалиш” ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Ўзгаришлар шу қадар секинлик билан содир бўлдики, ҳар ким қандай иқтисодий ахволда туғилган бўлса, шу ҳолатда умрини ўтказарди. Икки минг йил олдин ўртacha ҳаёт кечирадиган одам ҳаёти давомида, бугунги кунда биз олти ойда эришадиган иқтисодий ўсишни бошдан кечирган. Одамлар ўз ҳаётларига кўнишиб, яшашда давом этишар, ҳеч қандай ўзгариш бўлмас эди - янги ишланмалар, ихтиrolар ёки технологиялар кузатилмасди. Одамлар бир хил ерда, бир хил одамлар орасида, минг йиллар давомида урфда бўлган воситалар билан бутун ҳаётларини ўтказишарди ва ҳеч нарса яхшиланмас эди. Аслида, ўлатлар, очарчилик, урушлар ва катта армияларга эга бўлган ҳукмдорлар ҳамма нарсанинг ёмонлашувига бош сабабчи эдилар. У давр ҳаётини “секин, оғир, баҳтсиз” каби сифатлар билан таърифласак бўлади.

Ҳаётларида ҳеч қандай ўзгариш сезмаган ёки яхши ҳаётдан умидини узган инсонлар бор умидларини ўлимдан кейинги яхшироқ ҳаётта беришган эди. Диңий эътиқодлар гуллаб яшнади ва қундалик ҳаёт устидан назорат ўрнатди. Ҳаммаси черков атрофида айланарди. Рұхонийлар ва дин пешволари ижтимо-

ий ҳаётнинг, шу билан бирга, умиднинг ҳакамлари ҳисобланишарди. Эътиқод нимани хоҳлашини фақат улар айтишар эди. Уларнинг айтиши бўйича, эътиқод одамлардан фақат ваъдаларига ва нариги дунёда на- жот топишга ишонишни хоҳларди. Шунинг учун дин пешволари жамият учун муҳим бўлган барча мавзу- ларга аралаша оларди.¹⁰

Илм-фан юксалиши билан ҳаммаси остин-устин бўлиб кетди.

Микроскоплар, китоб босиш дастгоҳлари, ички ёниш двигателлари, пахта териш машиналари ва тер- мометрлар ва, ниҳоят, даъвосиз касалликлар учун иш- лаб чиқарилган дорилар шулар жумласидандир. Бир- данига ҳаёт яхшиланиб кетди. Қувонарлиси, ҳаётнинг ёрқин тарафларини кўра олиш имконияти пайдо бўлди. Одамлар яхшироқ асбоб-ускуналардан фойда- лана бошлади, кўпроқ ва сифатлироқ овқатланиш им- кониятига эга бўлди, саломатлиги анча яхшиланди ва кўпроқ пул жамғара бошлади. Энди улар ўн йил ол- дин ортга боқиб туриб, “Вой! Бир пайтлар биз шундай яшаганимизга ишонмайман!” деб айтишар эди.

Ортга назар ташлаш, тараққиётни кўра олиш ва ўзгаришларни яхшироқ ҳис қилиш одамларнинг кела- жакка бўлган муносабатини ўзгартирди.

Одамлар ўзларига бўлган муносабатни ҳам ўзгартиришди. Бутун умрга. Энди ҳаётни яхшилаш учун ўлимни кутиб ўтириш шарт эмас эди. Ҳаётни ай- нан одамлар яшайдиган дунёда яхшилай олиш имко- ни яратилди. Бу жуда кўп ажойиб нарсаларни англа- тарди: Бир тарафдан, озодлик: ўзингиз учун қандай ри- вожланиш йўлини танлаш ихтиёрингиз бор. Яна бир тарафдан, масъулият: тақдирингиз кўлингизда экан,

¹⁰ Муаллиф кўп ўриниларда дин билан илм-фанни қарама-қарши кўйган. Аммо унинг гапларини Ислом динига тегишли деб бил- маймиз. Чунки Ислом дини ҳамиша илм-маърифат, адолат, тенг- лик, эзгулик каби умумбашарий фазилатларни қўллаб-куватлаб келишини яхши биламиз. – Муҳаррир.

унинг учун жавобгарликни ўз зиммангизга олишингиз талаб қилинарди. Ба албатта, тенглик: яъни агар катта патриарх ким нимага лойиқлигини ҳал қилмаса, демак, ҳеч ким ҳеч нарсага лойиқ эмас ёки ҳамма нарсага лойиқдир.

Бу илгари ҳеч қачон тилга олинмаган тушунчалар эди. Ўз ҳаётларида кучли ўсиш ва кўплаб ўзгаришларга эга бўлган одамлар энди ўзларига умид бериш учун кейинги ҳаёт ҳақидаги диний эътиқодларга ишонқирамай қарашни бошлиди. Бунинг ўрнига ўз давларининг мафкуравий эътиқодларини ихтиро қилиб, уларга таяна бошлидилар.

Бу ҳаммасини ўзгартирди. Черков доктриналари юмшади. Одамлар якшанба кунини уйда ўтказадиган бўлишди. Монархлар ҳокимииятни қўл остидагиларга топширишга мажбур бўлди. Файласуфлар тўғридан-тўғри эътиқодга шубҳа билан қарашни бошлиди ва бунинг учун тўсатдан тириклайнин ёниб кетишмади. Бу даврни инсон онги ва тараққиётининг олтин асли деб айтишимиз мумкин. Ажабланарлиси шундаки, ўша асрда бошланган тараққиёт фақат ва фақат тезлашиб борди ва ҳозирги кунгача давом этмоқда. Илм-фан инқилоби диний эътиқодларнинг устунлигини йўқ қилиб, мафкуравий эътиқодларнинг устунлигига йўл очди. Бу Нишшени ҳаловатини ўғирлади. Мафкуравий эътиқодлар юзага келтирадиган барча тараққиёт, бойликлар ва аниқ фойдани қўлга киритиш учун диний эътиқодларда талаб қилинмаган ишларни бажариш керак: Бепарволик.

Гайритабиий кучларга ишонган одам дунё ташвишларини унутиб қўяди. Бутун шаҳар ёниб кетиши мумкин. Онангиз миллион доллар ишлаб топиб, сўнг уни йўқотиб юбориши мумкин. Уруш ва пандемияларнинг келиб-кетишини кузатишингиз мумкин. Аммо бу ҳодисаларнинг ҳеч бири сизнинг диний эътиқодингизга тўғридан-тўғри зид келмайди, чунки гайритабиий кучлар ҳақиқатни таҳлил қилиш имкониятига эга эмаслар. Атеистлар буни хато деб билишса ҳам, бу ўзига хос хусусият

бўлиши мумкин. Мафкуравий эътиқодларнинг бундай мустаҳкамлиги шундан далолат берадики, ғояларнинг тарқалиши янги муҳлислар олиб келади ва психологик барқарорлигингиз бир текисда қолади. Худо сиз билан экан, умид ҳам сиз билан ёнма-ён бўлади.

Аммо мафкуралар билан бундай бўлмайди. Агар умрингизнинг ўн йили давомида бирон-бир ҳукумат ислоҳотини кўллаб-қувватлаган бўлсангиз ва бу ислоҳот ўн минглаб одамларнинг ўлимига олиб келса, сиз айбдор ҳисобланасиз. Сизни йиллар давомида кўллаб-қувватлаб турган охирги умид нишонаси парчаланади. Шахсиятингиз йўқ қилинади. Қоронгуликка хуш келибсан, менинг эски дўстим.

Мафкуралар доимо ўзига чорлагани, ўзгаргани ва исботлангани ва кейинчалик инкор этилгани сабабли, умидни кўллаб-қувватлайдиган психологик барқарорликни таклиф қилмайди. Ишонч тизимларимиз ва қадриялар иерархияларининг мафкуравий пойдевори силкинганди, у бизни ёқимсиз ҳақиқат томон бошлиди.

Ницше буни ҳаммадан олдин тушунган. У технологик тараққиёт сабаб дунёга ёйиладиган мавжуд носозликлар ҳақида ҳаммани огоҳлантирган. Аслида, бу унинг «Эътиқод ўлган» деб қилган даъвосининг мантиқий давоми эди.

“Эътиқод ўлган” даъвоси бутун талқин қилинганидек даҳшатли атеистик даҳрийлик эмасди. Йўқ. Бу йиғи, огоҳлантириш ва ёрдам сўраб ёлвориш эди. Ўз мавжудлигимизнинг маъноси ва аҳамиятини ким белгилайди? Дунёда нима яхши ва нима тўғри эканини-чи? Қандай қилиб бундай юкни кўтаришимиз мумкин?

Мавжудликнинг тартибсиз ва англаб етиш имконсизлигини тушуниб етган Ницше космик аҳамиятимизни тушунтиришга имкон берадиган бундай психологик манбаларимиз йўқ, деган холосага келди. У уйғониш даврида пайдо бўлган мафкуравий эътиқодларда (демократия, национализм, коммунизм, социализм, колонализм ва бошқалар) фақаттина инсониятнинг муқаррар

инқизорзини кечиктиришга бўлган уринишларни кўрди. У ҳаммасини ёмон кўради. Демократияни майнавозчилик, национализмни аҳмоқлик, коммунизмни даҳшатли, колонализмни ҳақоратли тузум деб ҳисобларди.

Буддизмга қарама-қарши эътиқоддаги Ницше ҳар қандай дунёвий боғлиқлик - жинс, ирқ, этник келиб чиқиши, миллат ёки тарих - сароб, фақатгина ишонч билан боғлаб қўйилган конструкция эканига ва бизларни ёқимсиз ҳақиқат тубидан кўтариб, нозик бир ип устида ушлаб туриш учун яратилганига ишонган. Ва энг муҳими, у ушбу конструкцияларнинг барчаси бирбирига зид келади ва ҳар доим зўравонликни босишдан кўра қўзғалишига сабаб бўлади деб ишонган. Ницше элита ва қуллик ахлоқига асосланган мафкуралар ўртасидаги зиддиятларни башорат қилганди. Бу мажаролар бутун инсоният тарихида содир бўлган барча ҳодисалардан ҳам кўра дунёни янада кўпроқ вайронагарчиликка олиб келади деб ҳисоблар эди. Ницше, шунингдек, бу вайронагарчиликлар миллий чегаралар ёки турли этник групкалар доирасида чекланмаслигиги ни башорат қилган эди. Барча чегараларни бузилиши, бу вайронагарчиликлар барча мамлакатлар ва бутун инсониятни қамраб олиши мумкин эди. Чунки бу келишмовчиликлар, бу урушлар эътиқод йўлида қилинмасди. Эътиқодлар йўлида қилинарди.

Пандора кутиси

Юнон афсоналарига кўра дунё пайдо бўлганида фақатгина эркаклар мавжуд бўлган. Ҳамма эркаклар ичкиликка берилиб, тайинли иш билан шугулланмаган. Катта ва доимий равищда ўтказиладиган зиёфатларни юнонлар “жаннат” деб аташган. Аммо мендан кимдир бу ҳақида сўраса, буни турган битган дўзах деб атаган бўлардим.

Пандора пайдо бўлди, у билан биргаликда рақобат, қовушиш, болалар ва жанжаллар ҳам ер юзига кириб келди. Шунингдек, яна бир кути ҳам пайдо бўлди. Тилла суви юргутирилган, чиройли ва бежирим нақш

урилган гўзал қути. Пандора қутини эркакларга бериши, лекин у ҳеч қачон очилмаслиги керак эди.

Ҳаммаси аён бўлди: одамлар гирт аҳмоқ экан. Кимдир Пандора қутисини очди (ажабланарлиси, барча эркаклар бир овоздан бунга аёлларни айблашди) ва шу билан барча ёмонликлар дунёга тарқалди: ўлим, касаллик, нафрат, ҳасад ва Твиттер. Базмлар ниҳоясига етди. Одамларда бир-бирини ўлдириш даражасига борди. Энди одамларда бир-бирини ўлдириш учун сабаблар пайдо бўла бошлади. Бу сабаб аёллар ва аёлларни ўзига тортувчи бойлик эди. Шундай қилиб, инсоният тарихи деб номланган аҳмоқона тортишув юзага келди.

Урушлар бошланди. Қиролликлар пайдо бўлди, ўзаро адоват авж олди. Қуллик тушунчаси кириб келди. Императорларнинг ўзаро уруши ортидан юз минглаб одамлар қирилиб кетди. Бутун бошли шаҳарлар аввал пайдо бўлди ва кейинчалик улардан фақат вайроналар мерос бўлиб қолди. Шу билан бирга, аёлларга мулк сифатида қарааш авж олди: эркаклар уларни зотдор эчкилар ёки шунга ўхшаш нарсаларга айирбошларди.

Умуман олганда, одамлар одамлар каби ҳаракат қила бошладилар.

Барчаси расво бўлгандек туюларди.

Аммо Пандора қутисининг энг қуий қисмида нимадир ярақлаб, нур сочиб турарди.

Умид ҳали ҳамон мавжуд эди.

Пандора қутиси тўғрисидаги афсонанинг жуда кўп версияси мавжуд – улардан энг кенг тарқалганига кўра, эътиқодлар туфайли дунёда ҳар хил муаммолар юзага келиб, бизни жазолайди, аммо шу билан бирга, барча баҳтсизликларга қарши бизни ягона ҳимоя воситаси билан таъминлайди: умид. Сиз буни инсонлар ўртасидаги абадий курашдаги «йин ва янг» деб тасаввур қилишингиз мумкин: азалдан ҳаммаси расво бўлиб келган, аммо янада расволашиб бориши билан умидимизни дунёning расволашишига қарши туриш ва уни енгиб ўтиш учун сафарбар қилишимиз керак.

Шу боис Витолд Пилецкий каби қаҳрамонлар бизни доим олдинга бошлайди: уларнинг ёвузликка қарши туриш учун етарли даражада умидни ривожлантириш қобилияти барчамиз ёвузликка қарши туришга қодир эканимизни ёдимизга солади. Касаллик тарқалади, бироз вақтдан сўнг даъвоси ҳам топилади, умид юкумли бўлгани сабабли. Умид дунёни қутқаради.

Аммо Пандора қутиси ҳақидаги ривоятнинг яна бир машҳур версиясига ҳам эътибор қаратишимиш зарур: Агар умид ёвузликка қарши восита бўлмаса-чи? Агар умид ёмонликнинг яна бир қўриниши бўлса-чи? Агар умид қутида қолган бўлса-чи?

Сабаби, умид фақатгина Пилецкийни илҳомлантирган. У, шунингдек, коммунизм инқилобини, миллатчилар қирғинини ҳам илҳомлантирган. Гитлер эволюциядан устун бўлган инсоният авлодини вужудга келтириш мақсадида яхудийларни қириб ташлашни умид қилган. Советлар бутун дунё бўйлаб инқилоб оловини ёқиб, бутун сайёрани коммунизм байроби остида бирлаштириб, дунёда ҳақиқий тенглик ўрнатишга умид қилишган. Ростини айтсан, сўнгти юз йил ичida Ғарб ва капиталистик жамиятлар томонидан қилинган ваҳшийликларнинг аксарияти умид устига қурилган: глобал иқтисодий эркинлик ва бойликка бўлган умид.

Жарроҳнинг тифи сингари, умид инсон ҳаётини сақлаб қолиши, шунингдек, унга якун ясами мумкин. Умид бизни юқорига кўтариши ва, шу билан бирга, ер билан битта қилиши мумкин. Соғлом ва носоғлом ўзига ишонч шакллари ёки соғлом ва носоғлом севги турлари мавжуд бўлганидек, соғлом ва носоғлом умид турлари ҳам бор. Улар орасидаги фарқ ҳар доим ҳам кўзга ташланавермайди.

Шу пайтгача умид психологик фаровонлигимизнинг асоси эканини ва биз

- а) келажакдан нимадир кутишимиз;
- б) нимагадир эришиш учун ўз тақдиримиз устидан етарлича кучга эга эканимизга ишонишимиз;

в) унга эришишга ёрдам берадиган жамоани топишимиз кераклигини таъкидлаб келганман.

Агар ушбу рўйхатдаги бирортаси ёки ҳар учаласи узоқ вақт давомида мавжуд бўлмаса, умидни йўқотамиз ва аста-секин ёқимсиз ҳақиқат тубига ғарқ бўламиз.

Тажриба хиссиётларни келтириб чиқаради. Хиссиётлар эса қадриятлар юзага келишига сабаб бўлади. Қадриятлар эса маъноли ҳикояларини ишлаб чиқаради. Ва шунга ўхшаш маъноли ривоятларга эга бўлган одамлар эътиқодларни вужудга келтириш йўлида бирлашадилар. Эътиқод қанчалик самарали (ёки таъсири) бўлса, издошлиарининг меҳнаткаш ва интизомли бўлишига туртки беради. Эътиқод қилувчилар қанча меҳнаткаш ва интизомли бўлишса, эътиқоднинг бошқа одамларга ёйилиш эҳтимоли ошади ва улар ўз ўзини назорат қилиш ва умидни ҳис қилиш баҳтига мусассар бўлишади. Ушбу динлар ўсиб боради, кенгаяди ва пировардида диний гуруҳларга қарама-қарши гуруҳларни аниқлайди, маросимлар ва таъқиқлар яратади, қарама-қарши бўлган қадриятларга эга бўлган гуруҳлар ўртасида зиддиятларни келтириб чиқаради. Ушбу зиддиятлар мавжуд бўлиши керак, чунки улар гуруҳлардаги одамларга ўз қадриятларининг маъноси ва мақсади борлигини ҳис қилишни кўллаб-куватлайди.

Бу умидни сақлаб турадиган зиддиятлар ҳисобланади.

Келинг, ҳаммасининг оёгини осмондан қилиб ташлаймиз: ҳаммаси расво бўлганида умид талаб қилинмайди, балки умид ҳаммаси расво бўлишини талаб қиласди. Бутун ҳаётимиз учун маъно берадиган умид нафрат ва бўлиниш пайдо бўлган жойда бошланади. Бизга энг кўп қувонч келтирадиган умид энг катта хавф-хатарларни ҳам келтириб чиқаради. Одамларни бирлаштирадиган умид кўпинча уларни бир-биридан узоқлаштиради.

Умид шунинг учун вайронкор бўлиши мумкин. У бизда мавжуд бўлган нарсадан воз кечишимизни талаб қиласди.

Чунки умид бизда нимадир жойида бўлмаслигини хоҳлайди. Умид ўзимизнинг қайсиdir қисмимиздан ва/ёки дунёning қайсиdir қисмидан воз кечишимиз-

ни талаб қиласы. Унинг учун биз нимагадир қарши бўлишимиз керак.

Олдимизда инсонлар ҳолатининг мисли кўрилмаган даражадаги даҳшатли тасвири пайдо бўлади. Охир оқибат, психологик тузилмамиз мавжуд иккита йўлни таклиф қиласи: ё чексиз тўқнашув ёки нигилизм - қабилалар тизими ёки яккаланиш, диний урушлар ёки ёқимсиз ҳақиқат. Ницше илм-фан инқилоби натижасида юзага келган мафкураларнинг ҳеч бири узок давом этмайди деб ҳисоблар эди. У бу мафкуралар навбати билан бир-бирини йўқ қиласи ва/ёки ичидан зил кетади деб ҳисоблаган. Ницшенинг таъкидлашича, йиллар ўтиб, мафкураларда инқироз пайдо бўла бошлайди. Элита ахлоқи ич-ичидан сўкилади. Қуллик ахлоқи ёмон оқибатларга олиб келади. Биз ўзимизни ҳалокатга дучор қиласиз. Одамларнинг камчиликлари шундан иборатки, биз яратган барча нарсалар ишончсиз ва қисқа умрга маҳкум бўлиши керак.

Бунинг ўрнига Ницше умиддан, қадриятлардан узокроқ туриб оламга назар ташлашимиз кераклигига ишонди. Биз яхшилик ва ёмонлиқдан йироқ тарзда фикр билдиришимиз керак. Файлесуфнинг фикрига кўра, келажак ахлоқи *amor fati*, яъни «ўз тақдирини севиш» деб номланган нарсадан бошланиши керак: “Менинг буюклигимнинг формуласи - *amor fati*: ҳар бир киши ўзгача бўлишни, одингта юришни, орқада қолишни, абадий яшашни хоҳламаслиги. Нафақат эҳтиёжни ҳис қилиш, балки уни яширмаслик – барча идеал нарсалар зарурат олдида ёлғон бўлади – аммо уни севиш керак”.

Ницше учун *amor fati* ҳаётни ва барча ҳаётий тажрибаларни сўзсиз қабул қилишни англатади: кўтарилишлар ва тушишлар, маънили ва маънисизликлар... У ўз оғригини севиш, ғам-қайғуни кулиб қаршилаш деганидир. У кўпроқ истакларга интилиш орқали эмас, балки ҳақиқатни хоҳлаш орқали истак ва ҳақиқат ўртасидаги ажralишни ёпиш дегани.

Бу аслида ҳеч нарсадан умид қилмаслик керак дегани-

дир. Ёки умид мутлақ бўш бўлгани сабабли фақат мавжуд нарсага умид қилиш деганидир. Онгингиз идрок этиши мумкин бўлган ҳар қандай тушунча нуқсонли ва чекланған бўлиб, ушбу тушунчаларга сўзсиз бўйсунсангиз, ўзингизга зарар етказишингиз ҳеч гап эмас. Кўпроқ баҳт умид қилманг. Камроқ ғам-қайғу умид қилманг. Характерингизнинг яхшиланишига умид қилманг. Нуқсонларингизни камайтиришга умид қилманг.

Балки: ҳар лаҳзада мавжуд бўлган чексиз имконият ва чексиз босимдан умид қилинг. Озодлик билан бирга келадиган ғам-қайғудан умид қилинг. Баҳт ортидан келган оғриқдан умид қилинг. Жоҳиллик ортидан келган донишмандликдан умид қилинг. Мазлумлик ортидан келган кучдан умид қилинг.

Ва кейин умидни ҳисобга олмасдан ҳаракат қилинг.

Бизнинг вазифамиз, бурчимиз – умидсиз ҳаракат қилиш, энг яхши бўлишга умид қилмаслик. Энг яхши бўлиш. Ҳозир ва ҳар доим. Ҳар доим. Ҳар доим.

Ҳаммаси расво. Бу расволикнинг сабаби ҳам, оқибати ҳам умиддир.

Буни қабул қилиш жуда қийин, чунки ширин умид шарбатидан ўзимизни айро тутиш пиёнистага ароқ бермаслик билан баробардир. Умид бўлмаса, тубсизлик қаърига қулаб тушамиз ва қоронгулик бизни ютиб юборади. Ёқимсиз ҳақиқат бизни даҳшатга сола бошлиайди ва фикримизни бу ҳақиқатдан чалфитиш учун ўзимиз ва атрофимиздаги дунё ҳақидаги ҳикоялар, қадриялар, ривоятлар, афсоналар ва ҳикояларни тўқиб чиқараверамиз. Аммо сиз-у бизни озод қила оладиган ягона нарса ушбу ҳақиқатдир: Сиз, мен ва бошқа ҳамма қачондир бу дунёни тарқ этишимизни ва ҳеч қачон космик аҳамиятга эга нимадир қила олмаслигимизни яхши тушунамиз. Баъзилар бу ҳақиқат уларни барча масъулиятдан озод қилишидан қўрқиб, кокаинни чуқур тортиб, йўлнинг ўртасида рақс тушишади. Аслида, бу ҳақиқат одамларни масъулият учун озод қилгани сабабли ҳам қўрқинчли туюлади.

Бу ўзимизни ва бир-биirimизни севмаслигимиз учун, ўзимизга ва сайёрамизга хурмат кўрсатмаслик учун, ҳаётимизнинг ҳар бир дақиқасини қайта-қайта бошдан кечираётгандай яшамаслик учун ҳеч қандай сабаб йўқлигини англатади.

Китобнинг иккинчи ярми умидсиз ҳаёт қандай бўлиши мумкинлигини тушунишга бўлган уринишдан иборат. Сизга айтадиган биринчи нарсам: “бў нарса ўйлаганингиздек ёмон бўлмайди”, деган таскиндири. Аслида, бу ўз муқобилидан яхшироқ бўлишига ишонаман.

Шунингдек, бу китобнинг иккинчи қисми замонавий дунёга ва ундан жамики расво нарсаларга бўлган холис қарашлардан ташкил топган. Бу бирон бир нарсани тузатиш учун эмас, балки ҳамма нарсани борича севишини ўрганиш учун берилган баҳодир.

Биз шунчаки диний можаролар доирасидан чиқиб кетишимиз керак. Шунчаки мафкуравий қобиқлардан кутулишимиз керак. Ҳис қилувчи мияга ҳис қилиш имкониятини беришимиз, лекин уни маъно ва қадрият ҳақидаги ҳикоялардан маҳрум қилишимиз керак. Дунёга яхшилик ва ёмонлик тушунчасидан ташқарида туриб назар солишимиз керак. Ўзимизда борини севишини ўрганишимиз керак.

Amor fati

Мета Швейцариянинг Силс-Мария қишлоғида ўзинининг сўнгти кунини ўтказар экан, кўпроқ вақт уйдан ташқарида бўлишни режалаштирди.

Фридрих қишлоқдан ярим километр нарида жойлашган Силватлана кўлининг шарқий соҳилида сайд қилишни хуш кўради. Йилнинг айнан шу даврида жуда порлок ва шаффоф бўлиб кўринадиган кўл уфқда оппоқ бўлиб кўринадиган тоф тизмаларига туташиб кетганди. Тўрт йил олдин айни шу пайтда Ницце ва Мета ўртасида дўстлик ришталари пайдо бўлганди. Шу сабабли Мета охирги кунини файласуф билан ўтказишга, у билан ўтган дамларни эслашга қарор қилди.

Нонуштадан кўп ўтмай улар жўнаб кетишли. Күёш

сахий нурларини ердан аяmas, ҳаво ҳам танага ипақдек ёқарди. Мета олдинда юрар, ҳассасига таянган Ницше эсаунгаэргашарэди. Иккидўстүтлоқни, бириюм подани ва қанд лавлаги етиштирилган кичик фермани ортда қолдиришиди. Фридрих Метага у кетганидан сўнг сигирлар унинг энг яқин ҳамроҳи бўлишини айтиб ҳазил ҳам қилди. Йўл-йўлакай улар кулиб, қўшиқ айтиб, ёнғоқ териб кетавердилар.

Тушга яқин тилоғоч дараҳти тагида озроқ нафас ростлаш учун тўхташди. Айни шу вақтдан бошлаб Мета хавотирланишни бошлади. Иккиси ҳам ҳаяжонга тўлиб, бир-биридан нари тисарилди. Метанинг кутганидан ҳам кўпроғи содир бўлди. Айни шу вақтда Фридрихнинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан чарчагани маълум бўлди.

Қайтиш йўли иккиси учун ҳам азобли бўлди. Ницше сезиларли даражада оёғини судраб борар, Метанинг эртага эрталаб кетиши иккисининг ҳам қалбини хира ой нури каби қамраб олди, ҳар иккисининг кўнглига чироқ ёқса, ёришмасди.

Файласуф маъюс ва хорғин кўринарди. Йўлма-йўл жуда кўп тўхташди. Ницше алжирашни бошлади.

Мета ўйга толди. У файласуфни бу аҳволда ташлаб кетишини истамас, аммо бошқа иложи ҳам йўқ эди.

Улар қишлоққа етиб боришганда, қоронғи тушиб қолганди. Күёш ботиб бўлган, ҳаво ҳам анча оғирлашиб қолганди. Фридрих йигирма қадамча орқада келар, Мета эса уни ўйга қайтаришнинг ягона йўли уни кутиб турмасдан йўлида давом этиш эканини яхши биларди.

Улар келиш чоғида йўлида учраган қанд лавлаги фермаси, айнан ўша яйлов ва подани, файласуфнинг янги ҳамроҳлари олдидан ўтишди.

“Нима бу?! - Фридрих охири бақириб юборди. - Эътиқод қаерда, сендан сўраяпман?”

Мета ниманинг гувоҳи бўлишини олдиндан ҳис қилиб, орқасига ўгирилди: Ницше ҳассасини ҳавода силкитиб, атрофида тинчгина ўтлаб юрган сигирларга қараб бақиради.

“Мен сенга айтяпман, – деди файласуф оғир нафас олганча. Ҳассасини күтариб, ён-атрофдаги тоғларга ишопра қилди: – Биз уни йўқотдик. Мен ва сен! Биз унинг қотилларимиз! Аммо биз бунга қандай журъат этдик?”

Сигирлар эса бамайлихотир ўтлашарди. Улардан бири думи билан пашшани ҳайдади.

“Биз дengiz сувини ичишга қодирмилик? Уфқдаги рангларни ўчириш учун бирор кўлимизга ўчиргич бериб кўйганмиди? Ерни күёш нуридан ажратса олдикми? Барча соҳаларда муваффақиятсизликка учрамаяпмизми? Чексиз йўқлик сари юриб, йўлдан адашмаяпмизми?”

“Фридрих, аҳмоқликни бас қилинг”, деди Мета Ницшенинг енгидан ушлаб ўзига тортганча. Аммо у аёлнинг кўлларидан сирғалиб чиқиб кетди. Унинг нигоҳида жиннилик зоҳир эди.

“Эътиқод қаерда? У йўқолди. Ҳа, йўқолди. Биз уни йўқотдик”, дея қичқирди.

“Бу майнавозчиликни зудлик билан бас қилинг, Фридрих, юринг уйга кетайлик...”

“Ўзимизга қандай тасалли берамиз, эй қотилларнинг қотиллари? Дунёдаги жамики мавжудотлар ичida энг муқаддаси ва энг қудратлиси бизнинг пичогимиз остида қонга беланди. Бу қонни биздан ким ювиб ташлайди?”

Мета бош чайқади. Ҳаммаси фойдасиз эди. Бўлди. Ҳаммаси тутади. У кетишга чоғланди.

“Қайси сув бизни поклай олади? Бизни қутқариши мумкин бўлган қайси маросим, қайси муқаддас урфодатларни ихтиро қилишимиз керак? Бу ишнинг буюклиги бизга оғирлик қилмайдими? Сукунат. Фақатгина олислан пичирлаш эшитилди”.

“Инсон - бу маҳлук ва супермен ўртасида, тубсиз жарлик бўйлаб боғланган арқон. Инсоннинг буюклиги шундаки, у мақсад эмас, мақсадга элтувчи кўприк бўла олиши мумкин: инсоннинг энг севимли жиҳати у бирор соҳага ҳаддан ошиқ кириб кетишидир”.

Бу гаплар Метани лол қолдирди. У дарҳол ортига бурилди ва Ницшенинг кўзларига кўзи тушди. Ҳудди шу

лаҳзада бир неча йил олдин Ницшега яқинлашишига сабаб бўлган жиҳатни топа олди. Бу бир пайтлар уни ақлдан озар даражада ўзига жалб қилган «буюк» феминизм ва аёлларнинг озодлиги (унинг мафкуравий эътиқоди) ғояси эди. Аммо, шу билан бирга, Ницше учун бу бошқа бир конструкция, бошқа бир манманлик, бошқа бир инсоният фожиаси, бошқа бир ўлик эътиқод эканини англаб етди.

Мета тўхтаб қолмади ва бир қанча эсда қоларли ишларни амалга оширди. Германия ва Австрияда, аёллар ҳукуқларини ҳимоя қилиш бўйича митинглар уюштириди ва охир-оқибат бунга эришди. У бутун дунё бўйлаб минглаб аёлларни ўз муқаддас қадриятларини ҳимоя қилишга, ўз озодликлари учун курашишга илҳомлантира олди. У жимжитлик билан, ҳеч қаерга жар солмасдан дунёни ўзгартириди. У Ницше ва бошқа кўплаб буюк инсонларга қарагандা кўпроқ инсонларнинг озодлик ва ҳурлика эришишига сабабчи бўлди, аммо буларнинг ҳаммасини соя остида, ҳеч кимга билдирамасдан қилишни маъқул кўрди. Дарҳақиқат, бунгига кунда у Фридрих Ницше билан дўст бўлиб, аёллар озодлиги йўлида курашган тарихий қаҳрамон сифатида эмас, балки юз йиллик мафкуравий ҳалокатни тўғри башорат қилган файласуф ҳақидаги пъесанинг орқа саҳнасидаги қаҳрамони сифатида машҳур. Яширин ришталар сингари деярли кўзга ташланмаган ва тезда унугилган, аммо айнан у қилган ишлари туфайли тарих мувозанатлашиб қолган.

Шунга қарамай, у давом этган. У ҳамма мақсадига эришишини яхши биларди. У олдинда давом этиши ва тубсиз жарликни енгигб ўтишга ҳаракат қилиши зарур эди - ўзи учун эмас, бошқалар учун яшashi керак эди.

“Мета”, деди Ницше бироздан сўнг.

“Ҳа?”

“Мен қандай яшашни билмайдиганларни севаман. Чунки улар кўприқдан ўтишади”.

II БҮЛИМ. ХАММАСИ РАСВО

6-БОБ. ИНСОНИЯТ ФОРМУЛАСИ

Файласуф Эммануэл Кантни дунёдаги энг зерикарли одам ёки самарадорлик борасида барча хакерларнинг орзуси деб атасимиз мумкин. Қирқ йил давомида у ҳар куни эрталаб соат бешда уйғонган ва уч соат давомида тинмай нималардир ёзган. Шундан сүнг ҳар куни роппа-роса 4 соат давомида университетда маъруза ўқиган ва маърузадан сүнг ҳар куни фақат битта ошхонада тушлик қилган. Тушлик қилиб бўлганидан сүнг, ҳар куни айнан битта истироҳат боғида, бир хил йўналиш бўйлаб сайр қилган ва бир пайтда уйга қайттан. Бу ишни оз эмас кўп эмас, 40 йил такрорлаган. Ҳар куни.

Кант ўтакетган перфекционист эди. У ўз одатларига шу қадар содик эдики, қўшнилари у квартирадан чиқиб кетаётганида соатларини тўғирлашлари мумкинлигини айтиб ҳазил қилишарди. Кундалик сайр учун роппа-роса кундузги соат 15:30 да жўнаб кетар, кечқурун дўсти билан бирга овқатланиб бўлиб, озроқ ишлаганидан кейин ҳар куни кечқурун ўнга бориб ухлашга ётар эди.

Даҳшатли даражадаги чарчоққа қарамай, Кант энг муҳим ва буюк мутафаккирлардан бири сифатида тарихдан жой эгаллади. Пруссия пойтахти Конийигсбергдаги бир хонали квартирасида бутун умрини ўтказган файласуф дунёнинг аксарият қироллари, президентлари, бош вазирлари, генералларидан кўра кўпроқ нарсани ўзгартира олди.

Шахс эркинлиги ҳимояси таъминланган демокра-

тик жамиятда яшайдиган бўлсангиз, бунинг учун маълум миқдорда Кантга раҳмат айтиб қўйишингиз керак. У биринчилардан бўлиб барча одамлар ўз қадр-қимматига эга бўлиб, ҳурмат қилиниши кераклиги тўғрисида гапирган. У дунё миқёсида тинчликни кафолатлай оладиган (охир-оқибат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг шаклланишига илҳом берадиган ғоя) глобал бошқарув кенгашини илгари сурган биринчи одам эди. Унинг макон ва замонни қандай англашимиз кераклиги тўғрисидаги тушунчалари кейинчалик Эйнштейннинг нисбийлик назарияси яралишида муҳим аҳамият касб этди. У биринчи бўлиб ҳайвонлар хуқуқини илгари сурган шахс сифатида тарихда қолди. Эстетика ва гўзаллик фалсафасини қайта кашф этди. Рационализм ва эмпиризм ўртасидаги икки юз йиллик фалсафий мунозараларни бир неча юз саҳифадан ошиқ фикрлари билан ҳал қилди. Бу ҳам етмаганидек, Аристотел давридан бери Ғарб фалсафасининг асоси бўлиб келган ғояларни остин-устин қилиб, ахлоқ фалсафасини бошдан-оёқ қайтадан ислоҳ қилган.

Кантнинг мияси ақл билан тўлиб-тошганди. Агар ўйловчи мияда мускуллар бўлганида, Кантнинг мияси олимпиада чемпионига айланган бўларди.

Ҳаёт тарзи сингари Кантнинг дунёга нисбатан нуқтаи назари ҳам қатъий ва муросасиз эди. У дунё тўғри ва ногутри икки қутбга ажralганига, ҳар қандай инсоний ҳис-туйғулар ёки ҳис қилувчи мия ҳукмларидан ташқарида бўлган ва улардан мустақил равишда истайдиган қадриятлар тизими мавжудлигига қаттиқ ишонган. Ҳудди шу тизимга асосланиб умргузаронлик қилган. Қироллар унинг ишларини цензура қилишга уринган, руҳонийлар уни қоралаган, олимлар бўлса, унга ҳасад қилишган. Аммо ҳеч ким уни тўхтата олмаган.

Кантга мутлақо фарқи йўқ бўлган. Сўзларни қофозга ўраб айтдим, аммо умумий маъноси ўзгармаган. У мен билган мутафаккирлар орасида умид ва ёлғон инсоний қадриятлардан воз кечган, ёқимсиз ҳақиқатга дуч келган

ва унинг даҳшатли оқибатларини қабул қилишдан бош тортган, тубсизлик сари мантиқ ва тиник онг билан борган, фақат миясидаги ғиж-ғиж донолик билан қуролланиб, эътиқодлар олдида турган ва уларни шубҳа остига қўйган... ва улар устидан ғалаба қозонган... ягона мутафаккир эди. Аммо Кантнинг Ҳирақлникидек жасоратини қадрлаш учун аввало психологияк ривожланиш, ўсиб-улғайиш ва етуклик ҳақида гапиришимиз керак бўлади.

Ўсиб-улғайиш

Тўрт ёшлигимда онамнинг огоҳлантиришларига қарамасдан, қўлимни қизиб турган газ плитасига қўярдим. Ўша куни жуда муҳим сабоқни ўзлаштирганман: иссик нарсаларнинг ҳаммаси заарли. Улар куйдиради. Ва ҳар доим улардан қочишга ҳаракат қила бошлайсиз.

Шу билан бирга, яна бир муҳим нарсани ўзим учун кашф қилганман: музқаймоқ совутгичнинг музхонасида сақланади ва бир оз оёқ учida турсам, бемалол унга етиб бора оламан. Бир куни онам бошқа хонадалигида (бечора онагинам) музқаймоқни олдим-да полга ўтириб, иккала қўлим билан очкўзларча унинг ҳаммасини пақкос туширдим.

Ҳақиқий лаззат оғушини ҳис қилишингача ҳали ўн йил вақт бўлса ҳам, қилган ишимидан роса лаззатлангандим. Агар менинг тўрт яшарлик миямдан жаннатни шу музқаймоқ кутисида тасаввур қилган бўларди. Музқаймоқ эриб бориши билан аста-секин юзимдан қўйлагимга оқиб туша бошлади. Буларнинг бари жуда секин содир бўлди. Ширин ва мазали таъм дарёсида чўмила бошладим. Музқаймоқни завқ билан баданимга ва полга сура бошладим: “Эй илоҳий шакарли сут, сириңгни менга айт, чунки мен бугун буюклик ҳақида билиб оламан”.

Кейин онам кириб қолди ва дўзах ҳам у билан бир-

га пайдо бўлди. Дўзахнинг талабларидан бири дарҳол ювиниб чиқиши эди.

Айни шу куни иккита сабоқ чиқардим. Биринчиси, музқаймоқни ўғирлаш, кейин уни танангиз ва полга суреб чиқиши онангизнинг ғазабини қўзитади. Иккинчиси, ғазаби чиққан онангиз сизга қаттиқ таңбех беради ва жазолайди. Ўша куни худди қўлимни газ плитасига қўйган кунимдек нима қилмаслик кераклигини ўрганиб олдим.

Аммо учинчи, супер сабоқ ҳам бор эдик, унинг қачон ва қаерда содир бўлганини пайқамай қоламиз. У қолган икки сабоққа нисбатан анча кўпроқ аҳамият касб этади: Музқаймоқ ейиш қўлни куйдириб олишдан кўра анча яхши.

Бу сабоқ қийматни баҳолаш мавжудлиги сабабли ҳам муҳим эди. Музқаймоқ иссиқ плитадан кўра яхшироқ. Мен қўлимдаги куйиш изларидан кўра юзим музқаймоқ билан бежалганини афзал кўраман. Бу имтиёзларнинг, унинг кетидан устуворликнинг кашф этилиши эди. Менинг ҳис қилувчи миям бу дунёда битта нарса бошқа нарсадан афзалроқ деган қарорга келди, бу менинг бошланғич қиймат иерархиям эди.

Бир дўстим бола тарбиясини қуидагича таърифлаган эди: “Йигирма йил давомида унинг орқасидан юришингиз ва у тасодифан ўзини ўлдирмаслигига ишонч ҳосил қилишингиз керак - боланинг ўз жонига қасд қилишининг минг бир усули мавжудлигини билсангиз, ҳайратга тушасиз”.

Ёш болалар доимо ўзларини ўлдиришнинг янги усулларини излайдилар, чунки уларнинг психикасининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи янги нарсаларни синаб кўришдир. Ҳаётимизнинг илк босқичларида ҳаммамиз оддий бир сабаб билан атрофимиздаги оламини ўрганишга интиламиз: ҳис қилувчи миямиз бизга завқлантирадиган ва зааралайдиган, ёқимли ва ёқимсиз, нимага эришиш ва нимадан қочиши кераклиги ҳақида маълумот тўплайди. Ўз қадриятларимизнинг иерархи-

ясини қурамиз, унда энг юқори поғоналарни әгаллашга қарор қиласыз ва келажақда унга умид қиласыз.

Охир-оқибат тадқиқ қилиш босқичи ўзини ўзи адo қилади. Дунёда биз қашф қилишимиз керак бўлган нарсалар тугаб қолгани сабабли эмас. Тескариси, яъни катта бўлганимиз сари, дунёда ўрганиш учун жуда кўп нарса борлигини англаб етганимиз сабабли тадқиқ қилиш босқичи ниҳоясига етади. Дунёдаги ҳамма нарсани ушлаб, таътиб кўра олмайсиз. Барча одамлар билан кўриша олмайсиз. Ҳамма воқеа-ҳодисаларни кўра олмайсиз. Эҳтимолий тажриба жуда катта миқёсда бўлиб, мавжудлигимизнинг буюклиги бизни енгиб, қўрқитиб қўяди.


Шу сабабли иккита миямиз ҳамма нарсани ўзида синаб кўриш ўрнига, бу чексиз дунё мураккабликлари ни бошқаришга ёрдам берадиган қоидаларни ишлаб чиқиши бошлайди. Ҳаётнинг кўп сабоқларини отаонамиз ва ўқитувчиларимиздан ўрганганимиз билан, барибир кўпчилигини ўзимиз белгилаймиз. Масалан, оловнинг иссиқлигини етарли даражада англаб етганимиздан сўнг фақаттина печнинг иссиқлиги эмас, балки барча оловли ва иссиқ нарсалар хавфли экани миямизда қоида сифатида шаклланади. Онангизнинг қаттиқ кўли бир-икки марта бўйнингизни “силаб” ўттанидан сўнг, музлаттичдан музқаймоқ ўғирлаш ёмон иш эканини англаб етасиз.

Натижада, онгимизда батзи умумий қоидалар шаклана бошлайди: ўзингизга зарар етказмаслигимиз учун хавфли нарсалардан эҳтиёт бўлмоғингиз даркор; ота-онангизга ростини айтинг, шунда улар сизга янада яхшироқ муомала қила бошлайди; ўзингизда борини яқинларингиз билан бўлишинг, шунда улар ҳам бўлишишади.

Ушбу янги қадриятлар нисбатан мавҳум бўлгани сабабли бироз мураккаб бўлиб туюлиши мумкин. “Адолат”га қўл силкишингиз, “эҳтиёткорлик”нинг расмини чизиб беришингизнинг иложи йўқ. 4 ёшли бола музқаймоқни ажойибот деб билган, шу сабабли мен музқаймоқ хоҳлаганман. Катта бўлганимдан сўнг ҳам, музқаймоққа нисбатан фикрим ўзгармади, аммо

ота-онамнинг жаҳлини чиқариб, жазоланишни истамаганим сабабли музқаймоқ ўғирлашни бас қилдим. Ўспирин ёш боланинг хаёлига келмайдиган “агар ... бўлса, ... бўлади” қоидаси бўйича, ҳамма нарсанинг сабаб ва оқибатларини ўйлаб қарор чиқаради.

Натижада ўспирин ўз хоҳиш-истакларини қондириш ва оғриқдан қочиш кўплаб муаммолар келтиришини билиб олади. Ҳар бир хатти-ҳаракатнинг ўз оқибати бўлади. Сиз хоҳиш-истакларингизни атрофингиздаги одамларнинг хоҳиш-истаклари билан ҳисоблашишга ўргатишингиз зарур. Жамият ва хўкумат ишлаб чиқсан ўйин қоидаларига биноан ўйнасангиз, ишларингиз беш бўлади ва хотиржам яшайсиз.



6.1-расм: Бола фақат ўз кўнгилхушлиги ҳақида қайгуради, ўспирин эса ўз мақсадларига эришиши учун қоидалар ва тамойиллардан фойдаланишига мойил бўлади.

Мана инсоннинг етукликка эришиш жараёни: кенгроқ миқёсдаги қарорларни қабул қилишни яхшилаш учун юқори даражадаги ва мавҳумроқ қадриятларни ишлаб чиқиш. Ҳудди шу тарзда дунёга мослашасиз ва қилишнинг имкони йўқдек туолган тажрибаларни муваффақиятли якунлайсиз. Бу бола ҳаётидаги энг асосий билиш босқичи бўлиб, унинг соғлом ва баҳтили ўсиб униши учун асос вазифасини ўтайди.

Ёш болалар кичик золимга ўхшайди. Улар шу лаҳзада ўзларига оғриқ ва лаззат келтирадиган нарсалардан

ташқари, барча нарсани билиб олиш учун қаттиқ курашишади. Уларда раҳм-шафқат туйғуси бўлмайди. Улар учун атрофида нима содир бўлаёттани умуман мухим эмас. Фақат битта нарсани билишади – музқаймоқ. Ёш боланинг шахсияти жуда тор ва нозик бўлади. Улар фақатгина лаззат берадиган ва оғриқни йўқотадиган нарсаларнигина ўз шахсиятларига сиёдира олишади. Сюзи шоколадни ёқтиради. Кучукдан кўрқади. Деворни бўяшни ёқтиради. Тез-тез укасига ҳасад қилиб туради. Бу Сюзан шахсиятининг тўлиқ таркиби, сабаби ҳали унинг ўйловчи мияси тегишли ҳикояларни ишлаб чиқиш учун етарлича воқеаларга гувоҳ бўлмаган. Фақатгина лаззат нима-ю оғриқ нималигини фарқлай оладиган ёшга етганида ўзи учун баъзи мазмунли ҳикояларни ишлаб чиқиши ва шахсиятини шаклантириши мумкин.

Лаззатланиш ва азоб-уқубатлар ҳақидаги тушунчалар ўсмирлик даврида ҳам сақланиб қолади. Аммо энди улар қадриятлар асосини ташкил этмайди. Катта ёшдаги болалар ўз ҳис-туйғуларини жамият қонун қоидалари, урф-одатлари билан таққослашади, шундан кейинги на режалар тузиб, қарорлар қабул қилишади. Бу шахсиятларининг кучли ва барқарор бўлиши учун хизмат қиласи. Кичик ёшдаги бола сингари, ўспирин ҳам нима ёқимли-ю нима оғрикли эканини боши деворга урила-урила ўрганади, шунингдек, ўспириналарнинг турли ижтимоий қоидалар ва ролларни синаб кўришга мойиллиги уларнинг кўп нарсани ўрганиб олишига сабаб бўлади. Мен буни кийсам, ярашадими? Шунга ўхшаш гапирсам, атрофимдагиларга ёқаманми? Бу мусиқанинг шайдоси бўлсам, машхур бўламанми?

Албатта, буларнинг ҳаммаси яхшиликка, аммо ўспириналарнинг бу ёндашуви ҳам бир нечта камчиликлардан холи эмас. Ҳаммаси келишилган савдо битимиға ўхшайди. Ўсмирлар ҳаётта чёксиз битимлар сериясига қарагандек қарашади: Пул топишим учун хўжайиним айтганини қилишим керак. Онам менга бақирмаслиги учун унга қўнгироқ қиласман. Келажа-

гимни барбод қилмаслик учун уйга вазифаларимни бажараман. Зиддиятлардан сақланиш учун ёлғон гапираман ва яхши күринишга ҳаракат қиласман.

Хеч нарса ўз-ўзидан содир бўлмайди. Ҳаммаси одатда салбий оқибатлар келиб чиқишидан қўрқув юз беради. Дунёдаги ҳамма нарса ижобий якун сари етаклайдиган восита ҳисобланади.

Ўспирин қадриятларидағи муаммо шундаки, уларга фақат ўзингиздан келиб чиқиб ёндашасиз. Ичингизда эс-хушини йигиб олган, ақлли ва мулоҳазали бола ҳали ҳам яшаб турган бўлади. Ҳаммаси ҳалигача қувончни кўпайтириш ва оғриқни камайтириш атрофида айланади, ўспирин шунчаки анча билимга эга бўлиб, бир неча қадам олдиндан туриб мулоҳаза юритади.

Охир-оқибат, ўспиринлик қадриятлари сизни боши берк қўчага олиб боради. Уларга таяниб бутун умрингизни ўтказа олмайсиз, мабодо, шундай қилмоқчи бўлсангиз ҳам, ўз ҳаётингизда яшамаётган ҳисобланасиз. Ўз ҳаётингизни бошқа одамларнинг хоҳиш-истаклари тўпламига айлантирасиз.

Ҳис-ҳаяжон жиҳатдан соғлом бўлиш учун бу чексиз битимларни тўхтатишингиз, атрофингиздаги барча одамларни ёқимли мақсадларингизга эришиш воситаси сифатида кўришишингиз ва янада юқори ва янада мавхум тамойилларни тушуниб етишингиз керак.

Вояга етиш

“Қандай вояга етиш мумкин?” деган сўровни googlerга юборсангиз, кўпчилик натижаларда ишга кириш интэрвьюларига тайёрланишингиз, молиявий ҳолатингизни назорат қилишишингиз, ўз хонангизни тартибга келтиришишингиз ва бир қанча шўхликлардан воз кечишишингиз кераклиги ҳақида гап боради. Буларнинг ҳаммаси жуда ажойиб ишлар бўлиб, ҳақиқатан ҳам, бу айнан ёшлар учун хос бўлган ишлардир. Аммо юқоридаги кўнилмаларга эга бўлиш сизни катта одамга айлантириб кўймайди деб айта оламан. Улар шунчаки сизни шунчак-

ки бола бўлишдан сақлаб туради, холос. Катта бўлиш билан бола бўлмаслик ўртасида катта фарқ бор.

Бунинг сабаби шундаки, ёшлар асосан қоидалар ва битимларга риоя қилганликлари сабабли бундай ишларни қила олишади. Улар қайсиидир бир юзаки мақсадга эришиш учун шунчаки восита вазифасини бажаради. Яхшироқ ишга кириш учун ишга кириш интервьюсига тайёрланасиз. Ўйингизга келган ҳар бир киши сиз ҳақингиздаги хулосани айнан унинг ҳолатига қараб чиқаргани сабабли, уйингизни тоза тутишга ўрганасиз. Бир куни арқон кўтариб молхонага кириб кетмаслигингиз учун, молиявий ҳолатингизни доимо назоратда ушлаб туришга ҳаракат қиласиз. Қоидаларга ва ижтимоий тартибга мослашиш атрофимиздагилар билан самарали ишлашимизга имкон беради.

Охир-оқибат, ҳаётимиз учун энг керакли бўлган нарсаларни битим тузиш йўли билан кўлга кирита олмаслигимизни тушуниб етамиз. Ота-онангиз билан ўртангиздаги меҳр-оқибатни, дўстларингизнинг қўллаб-қувватлашини ёки раҳбарингизнинг хурмат-эътиборини сотиб олиб бўлмайди. Одамлар билан севги ёки хурмат борасида келишувга эришиб бўлмайди. Бу барча қадриятларни ўлдиради. Агар кимнидир сизни севиши учун мажбуласангиз, у ҳеч қачон сизни сева олмайди. Агар кимнидир сизни хурмат қилишга ундасангиз, у ҳеч қачон сизни хурмат қилмайди. Агар кимнидир ишонтириш учун жонингизни берсангиз, у сизга умуман ишонмайди.

Дунёдаги энг муқаддас ва муҳим нарсалар, ҳеч қачон сотилмайди. Уларни сотиб олишга ёки мажбуран қўлга киритишга уриниш яхши оқибатларга олиб келмайди. Баҳт билан савдолашиб бўлмайди – бу иложсиз. Аммо мотивация ва шахсий ривожланиш бўйича маслаҳат керак бўлган кўпчилик одамлар бунга уриниб кўришади. Баҳтли бўлишларига тўсқинлик қиласидиган қоидалар бор эканини ўйламасдан туриб, “Менга риоя этишим керак бўлган ўйин қоидаларини кўрсатинг ва мен ўйнашни бошлайман” дейишади.

Ҳаёти давомида қоидаларга риоя қилиб яшаган инсонлар моддий жиҳатдан жуда кўп нарсаларга эришса ҳам, маънавий дунёсидаги ожизлик ва ёлғизлик сақланиб қолади. Бунинг натижасида уларнинг пул билан ўлчанадиган қадриятлари сохталик устида курилган муносабатларни яратади.


Вояга етиш деганда мавхум тамойиллар ҳақ ва тўғри эканини англаб етиш тушунилади. Ростгўйлик сизга зарар етказса ҳам, бошқаларни “чақиб олса” ҳам, энг тўғри иш экани маълум. Ўспирин дунёда боланинг лаззати ва оғриғидан кўпроқ нарса борлигини тушуниб етса, вояга етган шахс дунёда ўспириннинг тан олиниш, тасдиқланиш ва мамнун бўлиш учун битимлар тузишидан кўпроқ нарса борлигини тушуниб етади. Вояга етиш тўғри ишларни тўғри бўлгани учунгина бажариш қобилиятини ривожлантириш деганидир.

Ўспириналар ҳалолликни қадрлашини бот-бот таъкидлайди, бунга сабаб эса агар шундай деса, яхши таасурот қолдиришини ўрганиб олгани бўлади. Жиддий сухбатларга дуч келганида қип-қизил ёлғон гапиришдан, ҳақиқатни бўрттиришдан тап тортмайди, натижада, пассив-тажовузкор инсонга айланади. Ёши катталар ҳалоллик лаззат ёки азоб-уқубатдан кўра муҳимроқ эканини билгани сабабли ҳалол бўлишга интилишади. Ҳалоллик ўзингиз хоҳлаган нарсани кўлга киритиш ёки мақсадга эришишдан кўра муҳимроқдир. Ҳалоллик жуда қадрли ва керакли тушунчадир. Ҳалоллик бирорта яхши натижанинг воситаси эмас, айнан натижанинг ўзиdir.

Ўспирин сизга севишини айтиши мумкин, аммо у севгани эвазига сиздан нимадир олишга интилади. Унинг наздида севги ҳиссиётлар алмашинуви бўлиб, эвазига нимадир таклиф қилишингизни кутади. Вояга етган киши эвазига ҳеч нарса кутмасдан севади, чунки айнан шундай севги ҳақиқий эканлигини яхши тушунади. Вояга етган киши сизга эвазига ҳеч нарса кутмасдан совға бера олади, чунки бундай қилмасдан туриб совға бериш мантиқсизлик ҳисобланади.

Вояга етишнинг асосий қадриятлари шартсиз, яъни

уларга бошқа воситалар билан эришиб бўлмайди. Уларнинг айнан ўзи восита ва натижа ҳисобланади.



6.2-расм: Вояга етган шахс ўз тамойиллари учун кўнгилхушлиқдан қочишига тайёр бўлади.

Будунёда жуда кўп ахлоқсиз болалар бор. Ўспиринлар ҳам. Вояга етганлар ҳам. Демак, маълум маънода етуклик ёшга боғлиқ эмас. Инсоннинг интилишлари кўпроқ аҳамиятта эга. Бола, ўспирин ва вояга етган шахс ўртасидаги фарқ уларнинг неча ёшга киргани ёки нима қилганида эмас, балки нима учун қилганидадир. Бола қўзига яхши кўрингани учун музқаймоқни ўғирлади, оқибати эса, уни қизиқтиргмади. Ўспирин бу ишни қилмайди, чунки у бу келажақда ёмон оқибатларга олиб келишини жуда яхши билади. Аммо унинг барча қарорлари келажак билан савдолашганча қабул қилинган бўлади: келажақдаги азоб-уқубатларнинг олдини олиш мақсадида ҳозирги лаззатдан воз кечади.

Фақат катталаргина ўғирилик ёмон деган оддий сабаб билан ўғирамайдилар. Ўғирилик қиласа ва жавобгарликка чап берса ҳам, виждан азоби уларни ҳеч қачон тарқ этмайди.

Нега катта бўлмаймиз?

Жуда кичик пайтимиизда лаззат/азоб қадриятларига (музқаймоқ яхши, қизиб турган плита ёмон) эрк беришни ўрганган йўлимииз қадриятларнинг изидан қувиш ва улар бизни қандай енгишини кўришдир. Азоб-уқубатларни бошимизга солганидан сўнтина уларни қайта кўриб чиқишини бошлаймиз. Музқаймоқни ўғирладик, онамизнинг жаҳли чиқди ва бизни жазолади. “Музқаймоқ яхши” деганимиз биз ўйлаганчалик оддий сўз эмас экан – ўйлаб кўриш керак бўлган бир нечта омиллар бор экан. Музқаймоқни яхши кўраман. Онами ни ҳам. Аммо музқаймоқ ўғирлаш онамни хафа қилди. Нима қиласай? Охир-оқибат, бола ҳаётда муроса ва келишувларни амалга ошириш кераклигини тушуниб етди.

Шу нарсалар ота-онани кичик ёшли болани тарбиялашга мажбур қилади: улар боланинг завқли, оғриқли хатти-ҳаракатларини тўғри йўналтириши керак. Болалар музқаймоқ ўғирласа жазолашади, ресторанда шовқин солмай ўтиришса, мукофотлашади. Сиз болаларингизга ҳаёт уларнинг эҳтирослари ва хоҳишлиридан кўра анча мураккаб эканини тушунишларида ёрдам берасиз. Бу борада эътиборсизликка йўл қўйган ота-оналар ўз фарандларини ақл бовар қилмас даражада чеклашади – эртами-кечми бола дунё унинг инжиқликларини кўтармаслигини англаб етади. Вояга етганда буни англаб етиш болалиқда англаб етишдан кўра анча оғриқлироқ бўлади. Бола буни вақтида англаб етмагани учун тенгдошларидан ёки бутун бошли жамиятдан ажralиб қолиши мумкин. Ҳеч ким худбин тўнка билан дўст бўлишни хоҳламайди. Ҳеч ким бошқаларнинг ҳис-туйғуларини ҳисобга олмайдиган ва жамият қонун-қоидаларини ҳурмат қилмайдиганлар билан бирга ишлашни хоҳламайди. Ҳеч қайси жамият музлаткичдан музқаймоқ ўғирлаб юрганларни қабул қилмайди. Уқувсиз бола катта бўлганида одамлар орасида кулгига қолади ва хулқ атвори учун жазоланади, бу эса янада кўпроқ азоб-уқубатларга олиб келади.

Ота-оналар ўз болаларини синдириб қўйишининг яна бир сабаби бу ҳақорат қилишидир. Ёшлигидан ҳақорат эшитиб катта бўладиган бола азоб-укубат ва лаззатла-ниш қадриятларидан ташқарига чиқиб кета олмайди, чунки унинг жазоланиши мантиқий эмас, кўпроқ мавхум қадриятларни мустаҳкамламайди. Кутилган муваффакиятсизликлар ўрнига, тасодифий ва шафқатсиз воқеаларни бошидан ўтказади. Музқаймоқ ўғирлаш баъзида жуда ҳам шафқатсиз жазоланади. Баъзида эса эътиборсиз қолдирилади. Шу сабабли ҳеч қанақа хулоса, ҳеч қанақа сабоқ чиқарилмайди. Ҳеч қанақа олий қадриятлар пайдо бўлмайди. Ривожланиш содир бўлмайди. Бола ўз хулқ-авторини назорат қилишни ўрганмайди, аммо доимий азоб-укубатларни енгиш учун найранглар ишлаб чиқишни ўрганади. Шу сабабли ҳақорат эшитиб катта бўлган ва эркалатиб юборилган болалар улғайганида бир хил муаммога дуч келишади: уларда қадриятлар тизими ривожланмайди.

Бола ўспиринлик босқичига ўтганида фақат бир нарса талаб қиласи – ишонч. Бола ўз хатти-ҳаракатлари кутилган натижани беришига ишониши керак. Ўғирлик ҳар доим ёмон оқибатларга олиб келади. Қизиб турган плитага қўл теккизиш ҳам. Бу оқибатларга ишониши болага ўз қоидалари ва принципларини ишлаб чиқишига ёрдам беради. Бола ўсиб улғайганида ва жамиятнинг бир қисмига айланганида ҳам худди шундай бўлади. Ишончли институтларсиз ёки етакчиларсиз жамият қоидалар ва ролларни ишлаб чиқа олмайди. Агар ишонч бўлмаса, қарор қабул қилиш учун керакли тамойиллар бўлмайди, натижада ҳамма нарса болаларча худбинликка айланиб қолади.

Одамлар ўсмирлик давридаги қадриятларга ўхшаш сабабларга кўра улар болалик қадриятларига ёпишиб қолишади: шикастланиш ва/ёки эътиборсизлик. Кўркув қурбонлари бунга яққол мисолдир. Болалиқдан кўрқитиб катта қилинганлар ҳеч қимга ёқмаслигини ёки ҳеч ким уни хурмат қилмаслигини ҳис қилиб яшайди, ҳар қандай хушмуомалаликка самимий сухбатлар

ва олдиндан ўйлаб қилинган ҳаракатлар орқали эришиш мумкин, деб хулоса чиқаради. Шу тарзда кийинишингиз керак. Шу тарзда гапиришингиз керак. Шу тарзда ўзингизни тутишингиз керак.

Баъзи одамлар савдо-сотик ишларига уста бўлишади. Улар кўзимизга жуда ёқимли ва мафтункор бўлиб кўринади. Кўпчилик одамлар ундан нима кутаётганингизни жуда яхши хис қилиб, дарҳол керакли ролни ўйнай бошлишаади. Бундай манипуляция камдан-кам ҳолларда панд беради, шу орқали дунёни бошқарягтман, деб ўйлашади. Ҳаёт мактабнинг катта спорт залига ўхшайди – кимдир сизни безовта қилмаслиги учун тезда кийиниши хонасининг эшитгини ичидан қулфлаб олишингиз керак бўлади.

Ўспириналарга савдолашиб ҳеч қачон тугалланмайдиган югуриш йўлакчаси эканини, ҳаётдаги ҳақиқий қадрият ва мальнога эга бўлган нарсаларга ҳеч қанақа шартларсиз, битимларсиз эришилишини исботлаш керак. Бунинг учун ота-оналар ва ўқитувчилар ўспириналарнинг савдолашибига ён бермаслиги керак. Уларга ниманидир ўргатишнинг энг яхши йўли – намуна бўлиш. Уларга шартларсиз яшашни ўргатишнинг энг яхши йўли – шартларсиз яшаш. Ишонишни ўргатишнинг энг яхши йўли – ишониш. Хурмат қилишни ўргатишнинг энг яхши усули хурмат қилиш, севишни ўргатишнинг энг яхши йўли севишдир. Ўспириналарни севишга, ишонишга, хурмат қилишга мажбурлай олмайсиз – бу уларни шартлашибга ўргатиб қўяди. Шунчаки бу қадриятларни уларга беринг – натижада ўспиринданги шартлашиб ва савдолашиб йўқолади ва улар шартсизлик қадриятлари нима эканини тушуна бошлиайди. Демак, улар катта ҳаётта тайёр!

Агар ота-оналар ва ўқитувчилар ўз вазифасини бажара олмасалар, ўспирилик давридаги қадриятлар даражасига ёпишиб қолган хисобланишади. Улар ҳам дунёни тижорий кўз билан кўришади. Маишат учун севги билан, таъсир ўтказиш учун содиқлик билан, итоаткорлик учун хурмат билан шартлашибади. Аслида, улар болалари билан ўзаро таъсир ўтказиш, севги ва хурмат каби қадриятлар устида шартлашибади. Улар буни

оддий қабул қилишади, болалар ҳам буни оддий ҳол деб билиб катта бўлишади. Ота-она ва бола ўргасидаги саёз ва жирканч манфаатли муносабатлар бола жамиятга қўшилиб, бошқалар билан муносабат ўрнатганида ҳам қайтарилади, чунки у ҳам келажакда ота-она ёки ўқитувчи бўлади ва ўз ўспиринилк қадриятларини болага сингдиради, яна бир ёш авлоднинг миясини аҳмоқона гоялар билан тўлдиришда давом этади.

Бола улғайгани сари “инсонлар ўртасидаги барча муносабатлар манфаатлар устида қурилади”, “ўзаро яқинлик фойда ёки манфаат юзасидан икки инсоннинг қалбаки муносабатидан ўзга нарса эмас”, “ҳар бир киши худбинлик қурбонидир”, деган фикрлар сингиб-ўрнашиб боради. Муаммолари айнан дунёга тижорий майдон деб ёндошгани сабаб юзага келаёттанини тан олгиси келмайди, уларга савдолашишларининг узок вақт олаёттанини сабаб қилиб кўрсатади.

Эвазига ҳеч нарса олмаслигини билган ҳолда ўзини тутиш жуда қийин. Бу вазиятда сизда кўнгли йўқлигини анлаган ҳолда севища давом этасиз. Сизни хафа қилиши ёки ранжитишини билган ҳолда кимгadir ишонасиз. Шу сабабли ҳам ҳеч қанақа шартсиз нимадир қилиш учун кучли ишонч талаб этилади – гарчи кўпроқ азоб-уқубат келтирса ҳам, гарчи сиз ёки бошқа кишига умуман фойда келтирмаса ҳам, тўғри иш қилаёттанингизга бўлган Ишонч.

Баркамол ҳолда вояга етиш учун ишончнинг юқорилиги фақатгина азоб-уқубатларга бардош беришни эмас, умиддан юз ўгириш, яхшироқ, ёқимлироқ ва қувноクロқ хоҳишлардан воз кечишини талаб этади. Ўйловчи миянгиз адашаёттанингизни бу ақл бовар қилмайдиган иш эканини аста шипшигади. Аммо ҳеч қачон фикрингиздан қайтмаслигингиз керак. Ҳис қилувчи миянгиз эса шафқатсиз ҳалолликнинг азоб-уқубати, кимнидир севиши ортидан келган заифлик, камтарлиқдан сабаб бўлган кўркув каби нарсаларни пайсалга солади ва ваҳима қўзғатади. Аммо шунда ҳам ҳеч қачон фикрингиздан қайтмаслигингиз керак.

	Болалык	Үспириинлик	Етүклик
Кадрияттар	Лаззатланыш/азоб	Қоидалар ва аҳамият	Фазилатлар :
Муносабаттарни... деб хисоблаш	Хокимият учун кураш	Интирик	Заифлик
Үз кадр-киммати	Худбинник: “Мен энг зүриман” ва “Мен энг расвоман” орасидаги тез-тез үзгарышлар	Қарамник: ташки томондан бошқариши	Мустакиллик: Үзини ўзи бошқариши
Мотивация	Үз-ўзини мактап	Үз-ўзини кабул килиш	<i>Amor fati</i>
Сиёсат	Экстремист/ нариц	Прагматик/идеологик	Прагматик/нондеологик
Үсиси үчун унга ... керак	Ишончли муассасалар ва ишончли одамлар	Натижаларни йўқотиш учун жасорат ва шартсиз харакатларга бўлган ишонч	Муттасил үз-ўзини англаш

Вояга етган инсонларнинг хулқ-атвори ҳавас қиласа арзийдиган ва диққатга сазовор бўлади. Уларни қаҳрамон деб аташ мумкин. Улар бизга бегона эмас: қўл остидагиларнинг хатоси учун панд еган раҳбарлар, фарзанди баҳти учун ўз баҳтини қурбон қилган она-лар, гарчи дилини оғритса ҳам, дўстига ичи ачиган-дан ҳақиқатни айтадиган дўстлар – ана шулар дунёни ушлаб турган одамлар. Улар бўлмаганида аллақачон қиёмат бўлган бўларди.

Хоҳ Исо Масихнинг чексиз марҳамати бўлсин, хоҳ Муҳаммад алайҳиссаломнинг мукаммал адолати, дунёдаги барча буюк динлар инсонларни шартсиз қадриятларга ундашлари тасодиф эмас. Дунёдаги барча динлар ўзининг энг соф шаклида фақат битта мақсадга интиладилар: умумбашарий инсоният инстинктига суяниб, бизни етуклик сари бошлиш.

Ёки камида асл нияти шунаقا бўлган бўлади.

Афсуски, динлар ўсиб, кенгайиб боргани сари, бир туруҳ одамлар диндан ўз манфаати йўлида фойдалана-диган кимсалар учун никобга айланади. Ҳар қандай инсон омили аралашган дин қайсиdir маънода ахлоқий заифликка дуч келади. Ва унинг таълимотлари қанчалик гўзал ва олижаноб бўлмасин, жамоат институтига айла-нади ва вақт ўтиши билан ҳар қандай жамоат институги йўқлик қаърига сингиб кетиши мумкин.

Дунё тараққиёти имкониятларидан илҳомланган маърифат файласуфлари маънавиятни диндан олиб ташлашга мағкуравий эътиқод билан шуғулланишга қарор қилдилар. Улар фазилат ғоясини масхара қилиб, бунинг ўрнига аниқ ўлчов ва мақсадларга эъти-бор қаратиши: кўпроқ баҳтга эришиш ва камроқ азоб кўриш; одамларга шахсий эркинлик ва озодликлар бе-риш; ҳамдардлик, раҳм-шафқат, тенглик улашиш.

Ушбу мағкуравий эътиқодлар ўзидан олдинги диний эътиқодлар сингари инсониятнинг барча институтлари каби муаммоларга йўлиқди. Баҳт билан савдолашишга ҳаракат қилсангиз, баҳт сизни тарк

этади. Озодликни ўзингизга бўйсундиришга ҳаракат қилсангиз, уни рад этган бўласиз. Тенглик ўрнатишга уринсангиз, уни йўқотасиз.

Ушбу мафкуравий эътиқодларнинг ҳеч бири яқинлашиб келаётганасосий масалага – ўзаро шартлашувга қарши чиқмаган. Улар муқаддас қадриятларингизни белгилаб олганингизда, маълум миқдорда унга эришиш учун у билан шартлашишдан узоқлашишингиз кераклиги тўғрисидаги ҳақиқатни тан олмади ёки эътиборсиз қолдирди. Мавхум принципга, сўнмайдиган истакка дучор бўлсангиз, ўз эътиқодингиз мақсадларига эришиш учун муқаррар равища ўз инсоний қадр-қимматингиздан воз кечишингизга ёки бошқаларнинг инсоний қадр-қимматини менсимаслигингизга тўғри келади. Сизни азоб-уқубатлардан сақлаши кутилган нарса яна сизни азоб-уқубатга гирифтор қилади. Умидни йўқ қилиш жараёни яна янгиланади.

Шу ўринда Кант пайдо бўлади.

Ҳаётнинг бирламчи қоидаси

Кант ёшлик даврларида ўйинчоқни болға билан уриш ўйинининг моҳиятини тушуниб етди – бу ўйин ёқимсиз ҳақиқат олдида умидни сақлаб туради. Бу шафқатсиз ўйиндан хабардор бўлган кишилар сингари умидсизликка тушиб қолди. Аммо у ўйинни қабул қилишдан бош тортди. Борликда ажralmas қиймат йўқлигини инкор этди. Ҳаётимизга маъно берадиган хикояларни доимо ўйлаб топишни танқид қилди. Умидсиз қадриятлар нимага ўхшашини аниқлаш мақсадида ўзининг ақлга тўла ўйловчи миясидан фойдаланишни бошлади.

Кант ҳаммасини оддий кузатиш билан бошлади. Бутун коинотда биз айтишимиз мумкин бўлган энг ноёб ва энг муҳим бир нарса бор: онг. Кантта кўра, инсонни коинотдаги бошқа жонзотлардан фарқланувчи ягона жиҳати бу унинг фикрлаш қобилиятидир – инсон атрофидаги дунёни эгаллаб, унинг асосида фикр юритади ва

дунёни яхшилашга ҳаракат қиласи. Бу Кант учун жуда мухим эди. У буни мўъжиза ҳисобларди. Борлиқнинг чексиз хилма-хиллиги туфайли уни хоҳиш-истагимизга қараб йўналтира оламиз. Коинот ичида фақат инсонга ихтирочилик ва яратувчилик қобилияти берилган.Faқат биз ўз тақдиримизни ўзимиз белгилай оламиз. Faқат биз ўз-ўзимизни англай оламиз. Faқат биз коинотдаги ўзини-ўзи бошқара оладиган заррачалармиз.

Шу сабабли, Кант коинотдаги энг олий қадрият - бу ўз-ўзини англаш қобилияти деган хуносага келган. Борлиқда ҳақиқий маъноси бу маъно шакллантириш қобилиятидир. Дунёдаги ягона мухимлик бу мухимликнинг ўзидир.

Ҳаётдан маъно излаш, аҳамиятни тасаввур қилиш, мақсад қўйиш қобилияти маълум оламимиздаги ўзини тарғиб қила оладиган, ўз ақл-заковатини ёядиган ва бутун коинот бўйлаб тарқаладиган ягона кучdir. Кант оламда ақл-идрок бўлмаса, борлиқ маъносиз, аҳамиятсиз, мақсадсиз бир маконга айланиб қолишига ишонган. Ақл-идрок ва ундан фойдаланиш эркинлиги бўлмаса, бир уюм тошдан фарқимиз қолмайди. Тошлар ўзгармайди Улар қадриятлар, тизимлар ва ташкилотлар нима эканини тушунмайди. Улар ўзгаришга учрамайди, яхшиланмайди, нимадир яратмайди. Faқат жойида туради.

Аммо онг борлиқни қайта қура олади ва ушбу қайта куриш геометрик юксалишга эришиши мумкин. Онг муаммони, маълум миқдордаги мураккаблик тизими ни қабул қилишга қодир бўлиб, катта мураккабликлар туғдиради. Инсоният минг йил ичида горлар ичида таёқларни бурашдан миллиардлаб одамларнинг онгини боғлайдиган рақамли оламларни лойихалашгача бўлган жараённи бошидан кечирди. Яна минг йил ичида биз бемалол юлдузларда бўлишимиз, сайёра-ларни ва макон-замон тушунчасини ўзгартиришимиз мумкин бўлади. Ҳар бир алоҳида ҳаракат катта-катта схемаларда аҳамиятсиздек туюлиши мумкин, аммо

ақл-идрокни сақлаш ва тарғиб қилиш ҳар нарсадан ҳам мұхимроқдир.

Кант, әнг асосий ахлоқий бурч - бу ўзимизда ҳам, бошқаларда ҳам онғни сақлаш ва ривожлантириш, деган фикрида событ турган. У ушбу онг бириңчи ўринга қүйилған тамойилни “Инсоният формуласи” деб атаган. Бу формула бизга күп нарсаны... жуда күп нарсаны тушунтириб беради. Формула бизга асосий ахлоқий сезгиларимизни тушунтиради. Фазилатнинг классик концепциясими тушунтиради. Умидга таянмасдан туриб ҳам, ҳаётда қандай яшаш кераклигини тушунтиради. Хуллас, инсоният формуласи бизни жирканч одам бўлмасликка ундейди.

Агар юқоридагилар етарли бўлмаса, инсоният формуласи ҳаммасини битта гап билан тушунтириб беради: “Ўзингиздан ёки бошқалардан мақсадга эришиш воситаси сифатида фойдаланманг”.

Бор гап шу. Инсоният формуласи одамларни ўсмирилик савдолашувидан вояга етиш фазилатлари тарафга тортадиган ягона тамойилдир.

Умид билан боғлиқ муаммо шундаки, у бутунлай тижорий тушунча - бу инсоннинг ҳозирги хатти-харакатлари билан хаёлидаги ёқимли келажакнинг ўзаро алмашинувидир: буни емасанг, жаннатга тушсан. Одам ўлдирма, акс ҳолда, муаммога йўлиқасан. Қаттиқ ишла ва пул жамғар, бу сенга баҳт беради.

Ушбу тижорий умид дунёсидан ташқарида туриш учун, ҳар бир киши шартлашишдан узоқлашиши керак. Бир кишини севсангиз эвазига ҳеч нарса кутмасдан севинг, акс ҳолда, бу ҳақиқий севги бўлмайди. Бирор кишини ҳурмат қиласангиз, эвазига ҳеч нима кутманг. Акс ҳолда, уни ҳурмат қилмаган бўласиз. Ҳақиқатни гапирганингиз эвазига олтин медал ёки исмингизни олтин ҳарфлар билан ёзилишини кутманг, акс ҳолда, сиз ҳақиқаттўй хисобланмайсиз.

Кант бу шартсиз хатти-харакатларни битта оддий тамойил асосида умумлаштириди: инсонга восита сифатида эмас, балки мақсад сифатида муносабатда бўлинг.

Аммо буни кундалик ҳаётда қандай ифодалаш керак? Мана, оддий мисол:

Тасаввур қилинг, қорним жуда оч ва буритто ейишни хоҳляяпман. Машинамга ўтираман, “Чипотле” кафесига бораман, доимо оладиганим икки ҳисса гўштлик буриттога буюртма бераман. Бу вазиятда буриттони ейишга муваффақ бўлганим менинг “азалий” мақсадим. Бунга эришиш учун ҳаммасини бажараман: машинага минаман, ҳайдайман, бензин сотиб оламан. Буларнинг барчаси буритто сотиб олиш учун восита ҳисобланади, ҳаммасидан азалий мақсадимга эришиш йўлида фойдаланган бўламан.

Воситалардан шартли мақсадларга эришиш йўлида фойдаланилади. Улар эвазига ўзимиз хоҳлаган нарсага эришамиз. Мен машинага ўтиришни хоҳламаслигим, бензин учун пул тўлашни истамаслигим мумкин, аммо мен буритто хоҳлайман. Шу сабабли азалий мақсадимга эришиш учун бу ишларни бажаришим керак.

Мақсад ўзимиз учун қилишимиз керак бўлган нарсадир. У қарорларимиз ва хатти-ҳаракатларимизнинг ҳал қилувчи омилидир. Агар мен хотиним хоҳлагани ва унинг хурсанд бўлиши учун буритто ейишни хоҳласам, буритто энди менинг мақсадим ҳисобланмайди, балки янада яхшироқ мақсадга эришишнинг воситаси бўлади: хотинимни баҳти қилиш. Ёки хотинимни хурсанд қилиш учун тунда унинг кўнглини овласам, хотинимнинг хурсанд-чилиги унинг кўнглини овлаш воситаси ҳисобланади.

Эҳтимол, сўнгти мисол сизни ғашингизга тегди ва мени қанақадир бир жирканч одам деб ўйлай бошлидингиз. Аммо Кант айнан шу ҳақда гапирган. Унинг инсоният формуласи инсонга (ёки онга) қандайдир мақсадга эришиш воситаси сифатида қарааш барча нотўғри хатти-ҳаракатларнинг асоси эканини таъкидлайди. Шу сабабли, буриттога хотинимни хурсанд қилиш воситаси сифатида қараашда ҳеч қандай ёмон нарса йўқ. Рафиқангизни хурсанд қилиш ҳар доим олқишлиданадиган иш. Аммо рафиқамни хурсанд

қилишга уни ётоқقا тортишнинг воситаси сифатида қарасам, Кант айтганидек, бу жуда ёмон иш.

Худди шундай, ёлғон гапириш ҳам яхши иш эмас, чунки бунда мақсадга эришиш йўлида бошқа инсоннинг онгли хатти-ҳаракатларини чалкаштириб юборган бўласиз. Сиз бу инсондан ўз мақсадингизга эришиш воситаси сифатида қараган бўласиз. Худди шундай фирибгарлик ҳам ахлоқсизлик саналади. Бу йўлда ўз мақсадингизга эришиш йўлида бошқа одамнинг орзуистакларини чилпарчин қилган бўласиз. Сиз билан бир хил имтиҳон топшираётган ёки бир хил қоидалар бўйича ўйнаётган ҳар бир кишига мақсадингизга эришиш воситаси сифатида ёндашган бўласиз. Зўравонлик ҳам худди шундай: сиёсий ёки шахсий мақсадларингизга эришиш йўлида бошқа инсонлардан фойдаланган бўласиз. Бу ёмон, ҳурматли ўқувчим, жуда ҳам ёмон.

Кантнинг инсоният формуласи фақатгина нотўғри ахлоқий туйғуларимизни тасвирлабгина қолмай, вояга этиш фазилатлари, ўзи учун фойдали бўлган хатти-ҳаракатларни ҳам тушунтириб беради. Ҳалоллик одамларни восита деб ҳисобламайдиган энг яхши алоқа шаклидир. Жасорат ҳам яхши хислат, чунки ҳаракат қилишда иккиланиб, ўзингизни ёки бошқа одамлардан қўрқувни енгиш воситаси сифатида фойдаланиб қўйишингиз мумкин. Камтарлик ҳам яхши хислат, чунки кўр-кўронга ишончни йўқотиб қўйиб, бошқаларга ўз мақсадингиз йўлидаги восита сифатида муносабатда бўлишингиз мумкин.

Агар инсон хулқ-авторининг ягона қоидаси бўлганида, бу инсоният формуласи дейиларди. Янада қизиқарлиси, бошқа ахлоқий тизимлар ёки қоидаларга кўра, инсоният формуласи ҳеч қачон умид устида курилмайди. Дунёни зўрлаб ўзига бўйсундирадиган ҳеч қанақа буюк тизим мавжуд эмас.

Инсоният формуласи фақат тамойилдир. У қанақадир хомхаёл келажакни ваъда қилмайди. Ўёмон ўтмишни деб йифи-сиги қилиб ўтирумайди. Ҳеч ким

бировдан яхшироқ ёки ёмонроқ бўлмайди. Фақат битта нарса муҳим: онг ҳурмат қилиниши ва ҳимояләнган бўлиши керак. Тамом.

Чунки Кант келажак ҳақида қарор қилиш ва уни белгилаш ишига киришганингизда умиднинг вайронкорлик имкониятлари намоён бўлишини яхши билган. Шунда сиз одамларни ҳурмат қилишдан кўра уларни ўзгартириш, ўзингиздаги эмас, балки бошқалардаги ёвузликни йўқотишга кўпроқ қайғуришни бошлайсиз.

Кант бунинг ўрнига дунёни яхшилашнинг энг яхши усули авваламбор ўзимизни такомиллаштириш, деган қарорга келди. Ўсиб-улғайиб, обрўта эришиш орқали. Ҳар доим ўзимизга бошқаларга восита эмас, мақсад сифатида қараб, оддий қарорлар чиқариш орқали. Ҳалол бўлинг. Ўзингизни йўлдан адаштируманг. Ўзингизга зарар етказманг. Ўз мажбуриятингизни бошқаларга юкламанг. Қўрқувга ён берманг. Ҳеч кимдан яширмай, қўрқмасдан севинг. Қабилавий эҳтирослар ёки умидбахш алдамчиликларга берилманг...

Хўш, энди манфаат учун ҳаракат қиласизми ёки манфаатсизми? Одамларга мақсад сифатида муомала қиласизми ёки восита сифатида? Вояга етганилик фазилати кетидан қувасизми ёки болаларча худбинлик билан яшайсизми?

Умид ҳеч қачон тенгликни ёқтирумайди. Яхшироқ ҳаётдан умид қилманг. Балки яхшироқ ҳаётда яшанг.

Кант ўзимизни ва бошқаларни ҳурмат қилишимиз ўртасида узилмас ришта борлигини яхши тушунган. Психикамиз бошқалар билан муносабат ўрнатишимиз учун шаблон вазифасини ўтайди, ўзимизни такомилга етказмагунимизгача, бошқаларни мукаммал ҳолга келтиришдан умид қилмасак ҳам бўлади. Агар ҳурсандчилик ва қониқишига тўла ҳаёт томон интиладиган бўлсак, ўзимизни ушбу ёқимли мақсадга эришиш воситаси сифатида кўрамиз. Шу сабабли, ўз-ўзини такомиллаштириш бу улкан бахтга эришиш эмас, аксинча, кўпроқ ўз-ўзини ҳурмат қилишни ривожлантириш

хисобланади. Ўзимизга қийматсиз ва аблар инсон эканнимизни айтиш худди бошқаларга шу гапни айтишдек ёмон оқибатларга олиб келади. Ўзимизни алдашимиз. бошқаларни алдашимиз сингари яхши амал хисобланмайди. Ўзимизга зиён этказиш, бошқаларга зарар этказиш билан баробар. Ўзини севиш ёки ўзини парваришилаш сиз ўрганадиган ёки машқ қиласидиган нарсалар эмас. Агар сизда бу ҳаётда бошқа ҳеч нарса қолмаса ҳам, бу қобилияларнинг сизда бўлиши ахлоқий бурчингиздир.

Инсоният формуласида занжир реакцияси мавжуд: ўзингизга нисбатан ҳалол бўлиш қобилиятингиз бошқаларга нисбатан ҳалол бўлишингизга ёрдам беради, бошқаларга нисбатан ҳалоллигинги уларга ўзларига нисбатан янада ҳалол бўлишларига ёрдам беради, бу уларнинг ўсиши ва камолотга эришишига ёрдам беради. Ўзингизни бошқа бир мақсад учун восита сифатида кўрмаслик қобилияти, ўз навбатида, бошқаларга охиригача яхши муносабатда бўлишга имкон беради. Шундай қилиб, ўзингизга бўлган муносабатингизни ўзгартиришингиз бошқаларга бўлган муносабатларни ўзгартиришингиз учун ижобий таъсир кўрсатади, бу эса уларга ўзларига бўлган муносабатларни ўзгартиришга имкон беради ва ҳоказо.

Дунёни шундай ўзгартириш керак - қанақадир мафкуравий ёки диний эътиқодга ўтиш ёки келажак ҳақидаги амалга ошиши даргумон бўлган орзуладорқали эмас, балки ҳар бир инсоннинг камолоти ва қадр-қимматига ҳозир, бугун, айни пайтда эришиш орқали. Урф-одат ва тажриба асосида қурилган турли эътиқодлар ва турли қадрият тизимлари абадий яшайверади. Қаердан пайдо бўлганимиз ва қаерга боришимиз ҳақида ҳар доим турли фикрлар пайдо бўлаверади. Аммо Кант қадр-қиймат ва хурмат ҳақидаги ҳар қайси масала умуминсоний бўлиб қолиши керак, деб хисоблаган.

Замонавий етуклик инқози

Замонавий демократия ўртача инсон худбин ва хаёлпараст бўлиши ва ўзимизни ўзимиздан ҳимоя қилишнинг ягона йўли ҳеч ким ёки бир гуруҳ аҳолининг қолган қисмини бутунлай тортиб ололмайдиган ўзаро боғлиқ бўлган тизимларни яратиш деган тахминилар устига қурилган.

Сиёsat бу битимга асосланган ва худбин бир ўйин бўлиб, демократия ҳозирча энг шаффоф бўлган ягона тизим эканлиги сабабли ҳам энг яхши бошқарув тизими бўлиб турибди. Ҳокимият бузук фикрли ва гўдакларча ўйлайдиган одамларни ўзига жалб қиласди. Ҳокимият ўз табиатига кўра, етакчиларни савдолашишга ўргатади. Шунинг учун бу муаммони ҳал қилишнинг ягона усули - етуклик қадриятлари тизимнинг ҳокимият таркибига киришидир.

Сўз, матбуот эркинлиги, хавфсизлик кафолати ва одил судлов ҳукуқи – буларнинг барчаси инсоният формуласининг ижтимоий институтларга синѓиб кетиши бўлиб, уларни ўзгартириш ёки хавф остига кўйиш жуда қийин.

Демократик тизимга хавф солишнинг ягона йўли бор: бирор бир гурух тизим қадриятлари тизимнинг ўзидан кўра муҳимроқ деган қарорга келса ва бу демократик тизимни бошқа тизим билан, масалан, унчалик муқаддас бўлмаган бирорта дин ағдаришга ҳаракат қиласа, сиёсий экстремизм авж олади.

Сиёсий экстремистлар гапга кирмайдиган бўлиши ва улар билан келишишнинг иложи йўқлиги сабабли, ҳали ҳам катта бўлмаган деб хисобланади. Уларнинг болалар боғасидаги тирранчалардан деярли фарқи йўқ. Экстремистлар дунёда фақат ўзлари хоҳлаган ишлар бўлишини хоҳлашади ва ўзларидан ташқари ҳар қандай манфаат ёки қадриятларни тан олишни мутлақо исташмайди. Улар музокара ўтказишни рад этишади. Улар худбинларча хоҳиш-истакларидан

юқори турған фазилат ва тамойилларни рад этишади. Шундок әкан, улардан бошқаларнинг умидларини ба жарышни кутишдан маъно қолмайди. Улар муттасил авторйттар бўлиб қолишади, чунки болаларга ўхшаб ҳамма нарсага қодир бўлган ота-оналари кун келиб ҳаммасининг “адабини бериши”га ишонишади...

Сўл қанотдаги экстремистлар ҳам худди шу йийинни ўйнашади, фақатгина тил ўзгаради. Сўл экстремистлар доимо тенглик ҳамма учун бўлишини хоҳлашини ва ҳеч ким азоб чекиши, зарар кўриши ёки камситилишини хоҳламаслигини айтиб келишган. Улар ҳеч қачон ҳеч ким ахлоқий бўшлиқларга дуч келиб қолишини хоҳлашмайди. Улар ахлоқий бўшлиқларни бартараф қилиш учун бошқаларни азоб-уқубатга гирифтор қилишга тайёр бўлишади.

Ўнг экстремизм ҳам, сўл экстремизм ҳам, сўнгги бир неча ўн йилликлар ичида бутун дунё бўйлаб тарқалди. Кўплаб ақлли одамлар бунга ўзларининг мураккаб тушунтиришларини таклиф қилишди. Ва, эҳтимол, бунинг чиндан ҳам мураккаб ва бир-бирини тўлдирадиган сабаблари бор.

Менга яна битта нарсани қўшиб қўйишга имкон беринг: маданиятимиздаги етуклиқ даражаси пасаймоқда.

Бой ва ривожланган дунёда биз моддий танглик билан эмас, балки характер инқирози, фазилатлар инқирози, воситалар ва мақсадлар инқирози билан яшаемиз. 21-асрдаги фундаментал сиёсий қутблар энди фақатгина ўнг ёки чапга эмас, балки ташки таъсиirlарга бериувчи гўдак қадриятларга эга бўлган ўнг тараф ва ўспирин/вояга етганиларнинг муроса қадриятларига эга бўлган ўнг ва чап тарафга бўлинади. Коммунизм ва капитализм, озодлик ва тенглик, етуклиқ ва ғўрлик, восита ва мақсад қарама-қаршиликлари энди кун тартибида эмас.

7-БОБ.

АЗОБ-УҚУБАТ ДОИМИЙЛИГИ

Тадқиқот қатнашчилари нималарни дир бирин-кетин даҳлиз бўйлаб кичкина хонага олиб киришарди. Унинг ичида хира экран ва иккита тутмадан бошқа ҳеч нарса бўлмаган оч-жигарранг компьютер консоли бор эди.

Унинг йўриқномаси жуда осон эди: ўтиринг, экранга кўз ташланг, агар кўк нуқтаси ёниб-ўчса, “кўк” тутмасини босинг. Агар сиёхранг нуқтаси ёниб-ўчса “кўк эмас” тутмасини босинг.

Жуда осон туюлади, а?

Бунақа нуқталар сон мингта. Тўғри ўқидингиз, сон мингта. Бир мавзу тугагач, тадқиқотчилар бошқасини олиб келади ва жараён такрорланади. Оқ жигарранг консол, хира экран, минглаб нуқталар. Кейингиси! Бу бир нечта университетларда юзлаб мавзуларда давом этади.

Психологлар қийноқларнинг янги шакли устида ишлаши мумкинми? Инсон зерикишининг чегарасини баҳолай оладими? Йўқ. Аслида, тадқиқот миқёси фақат ўзининг қуруқлиги, пучлиги билан ажralиб турди. Бу сейсмик тадқиқот ҳисобланиб, бугунги кунда дунёда нималар содир бўлаётгани ҳақида яқинда ўтказилган бошқа илмий тадқиқотлардагига нисбатан кўпроқ нарса тушунтиради. Психологлар «бир хил турдаги ҳодисаларнинг тарқалиши таъсисири остида онгнинг ўзгариши» деб номланган нарсани ўрганишди. Аммо бу даҳшатли ном саналгани туфайли, уларнинг кашфиётини “Кўк нуқта эфекти” деб атайман.

Тартиб қуйидагича эди: Нуқталарнинг аксарият

қисми кўк рангда эди. Баъзилари сиёхранг рангда. Баъзилари эса кўк ва сиёхранг ўртасидаги рангда.

Тадқиқотчилар шуни аниқлашдики, улар асосан кўк нуқталарни кўрсатишганда, барча одамлар қайси нуқта кўк, қайсиси кўк эмаслигини аниқлашда қийналишмаган. Аммо, кўк нуқталар сонини чеклаб, ўрнига сиёхранг нуқталарни кўрсатишни бошлашлари биланоқ, одамлар кўк ва пушти рангни фарқлашда анча қийналишган. Кўриниб турганидек, уларнинг кўзи рангларни бузиб кўрсатди ва сони қанча бўлишидан қатъи назар, маълум миқдордаги кўк нуқталарни излашни давом эттириди.

Ажойиб иш, шундай эмасми? Одамлар доимо нимадандир хато топишади. Бундан ташқари, нуқталарга бир неча соат давомида тикилиб турсангиз, кўзларингизнинг асаби чарчаб, ҳеч нарса кўра олмай қолиши мумкин.

Аммо масала кўк нуқта эмас эди, бу шунчаки одамлар тасаввурларини тахминларига қандай қилиб мослаштираётганини ўлчашнинг бир усули эди. Кўк нуқта тўғрисидаги маълумотлар барча лаборантларни комага олиб келиш учун етарли бўлганда, олимлар яна муҳим саволларга ўтдилар.

Масалан, кейинги навбатда, тадқиқотчилар одамларга маълум даражада таҳдидли, дўстона ёки бетараф бўлган суратларни кўрсатдилар. Аммо тадқиқот давом этгани сари, бу суратларнинг сифати ҳам кўк нуқталарга ўхшаб пасайиб бораверди. «Таҳдид солувчи» фотосуратлар қанча кам бўлса, кўпчилик одамлар дўстона ва бетараф суратларни адаштириб юборишиди. Инсон мияси кўриши керак бўлган кўк нуқтанинг муайян сони бўлгандай, у тажовузкор деб белгиланиши керак бўлган юз ифодаларининг сонининг ҳам маълум миқдори бор.

Сўнгра тадқиқотчилар янада олға юришди, жин урсин, нима учун? Ҳеч ким бўлмаган жойда хавф кўриш яхши эмас, аммо ахлоқий ҳукм ҳақида нима дейиш

мумкин? Дунёда ёвузлиқдан кўра ёвузроқ нарсалар борлигига ишониш ҳақида нима дейиш мумкин?

Бу сафар тадқиқотчилар одамлардан иш таклифларини ўқишини сўрадилар. Уларнинг бальзилари ахлоқсиз ва қайсиdir маънода жирканч, бальзилари мутлақо заарсиз ва умуман олганда яхши, бальзилари эса ўртача ҳолатда эди.

Тадқиқотчилар яна бир бор ахлоқий ва ахлоқсиз таклифларни аралаш кўрсатиб, тадқиқот иштирокчиларига ахлоқсиз таклифларга эътибор бермаслик кераклигини айтишди. Ахлоқсиз тақлифлар сони, аввалги тажрибаларда бўлгани каби, аста-секин камайди. Шу ондан бошлаб кўк нуқта эффиқти бошланади. Одамлар ахлоқий тақлифларни ахлоқсиз деб талқин қила бошладилар. Ахлоқий чегаранинг ёрқин томонида тобора кўпроқ тақлифлар мавжудлигини пайқаш ўрнига, одамларнинг онги ушбу чегарани силжита бошлади, натижада ахлоқсиз тараф ҳам анча “гуллабяшнади”. Аслида, бу одамлар, ўзлари ҳам сезмаган ҳолда, ахлоқсиз нарсаларни аниқладилар.

Тадқиқотчилар таъкидлаганидек, бу йўлдан адashiш жуда ачинарли оқибатларга олиб келади. Қонунқоидалар устидан назорат олиб борадиган ҳукумат қўмиталари ҳукуқбузарликлар ҳақида маълумотга эга бўлишганида, ҳукуқбузарликлар бўлмаса ҳам, ҳамма жойдан хавф кутишади. Ташкилотлар ичидағи ахлоқсиз одатларни текшириш учун мўлжалланган мақсадли гурухлар бузук нияти одамларни нотўғри иш қилаётганилиги учун айблаш ҳукуқидан маҳрум бўлганида, жиноятчилар бўлмаса ҳам улар ҳақида тасаввур қилишдан тўхташмайди.

Кўк нуқта эффиқтида қанчалик кўп таҳдид изласак, атроф-мухитимиз хавфсиз ёки қулай бўлса ҳам, уни кўриш имконияти шўнчалик кўп бўлади. Бу ҳодиса ҳозирги дунёда рўй бермоқда.

Илгари зўравонлик қурбони деганда жисмоний зарар кўрганларни тасаввур қиласдик. Бутунги кунда эса

кўпчилик одамлар ёқтирган сўзларни ёки ўзлари ёқтирган одамларнинг борлигини тасвирилаш учун ҳам зўравонлик сўзини ишлатишни бошладилар. Жароҳат деганда жабрдийда ҳаракатланишни давом эттира олмаслигини тушунардик. Ҳозирга келиб, ўзаро мулоқотдаги ёқимсиз жараёнлар ёки бир нечта ҳақоратли сўзлар «жароҳат» деб ҳисобланади ва “хавфсиз макон” бўлмаса, ҳеч ким ундан қутула олмайди. Геноцид деганда муайян бир этник ёки диний гурӯҳнинг оммавий қатла қилинишини тушунардик. Ҳозирда эса, “оқ геноцид” сўзи Испаниядаги маҳаллий ресторандардан бирининг менюсидан жой олган.

Буларнинг барчаси кўк нуқта эффиқти. Ишлар яхшиланган сари, аслида йўқ бўлган таҳдидларни сезамиз ва тушкунликка тушамиз. Ва бу тараққиёт парадоксининг юраги ҳисобланади.

Социологиянинг асосчиси ва ижтимоий фанларнинг илк кашфиётчиси бўлган Эмил Дюркгейм китобларидан бирида тафаккур тажрибасини ўтказган: Жиноятлар бўлмаганида, нима бўларди? Ҳамма бир-бирини хурмат қиласидиган, зўравонликларсиз ва ҳамма тенг бўлган жамият пайдо бўлса, нима бўларди? Ҳеч ким алдамаса ёки бир-бирига жароҳат етказмаса, нима бўларди? Коррупция мавжуд бўлмаса-чи? Нима бўларди? Зиддиятларга якун ясалармиди? Тушкунлик ғойиб бўлармиди? Ҳамма одамлар дала ўртасига мойчечакларни тўплаб, Ҳанделнинг “Масих”идаги “Аллилуи” қўшигини куйлашармиди?

Дюркгейм мутлақо тескариси содир бўлишини айтган. У жамиятимиз қанчалик қулай ва ахлоқли бўлиб борса, майда-чуйда нарсалар миямизда катталашиб бораверишини таъкидлаган. Агар одамлар бир-бирини ўлдиришдан тўхтаса, бундан хурсанд бўлишимиз керак эмас. Эҳтимол, унчалик жиддий бўлмаган муаммолар туфайли биз ҳам шундай аҳволга тушиб қолган бўлар эдик.

Ривожланиш психологияси узоқ вактдан бери шу

ҳақида гапириб келади: одамларни муаммолардан ёки кулфатлардан ҳимоя қилиш уларни бахтли ёки хавфсиз қилиб қўймайди; биз уларни янада ҳимоясиз қилиб қўймиз. Вояга ютгунича, жуда кўп қийинчиликлар ваadolatsizliklarга гирифтор бўлган ёш йигитча катта бўлиб, ҳаётида озгина қийинчиликка дуч келганида, чидаши қийин бўлади ва болаларча характери билан омма эътиборига тушади.

Шундай қилиб, бизнинг муаммоларимизга бўлган ҳиссий реакцияларимиз муаммоларнинг катта-кичиклигига қараб белгиланмаслигини аниқлаймиз. Аксинча, онгимиз муаммоларни биз кутаётган стресс даражасига мослаштириш учун (ёки минималлаштириш) енгиллаштиради. Моддий ривожланиш ва хавфсизлик бизни хотиржам қилмайди ёки келажакка кўпроқ умид бағищламайди. Аксинча, қийинчилик ва бахтсизликларни бартараф этиш орқали одамлар кўпроқ курашаётгани аён бўлмоқда. Одамлар худбин ва тантик бўлиб боришмоқда. Уларда ўспириилик давридаги ривожланиш ва етуклика интилиш этишмайди. Ҳар қандай фазилатдан йироқ бўлишади. Майда тепаликларда туриб тоғларни кўришади. Дунё тўкилган сутнинг чексиз ирмоғи каби бир-бирларига қараб қичқиришади.

Азоб-уқубат тезлигидаги саёҳат

Яқинда интернетда Алберт Эйнштейндан ажойиб иқтибосга кўзим тушди: “Инсон хаёлларидағи эмас, мавжуд нарсани излаши керак”. Жуда ажойиб фикр. Унинг ҳамма тадқиқотларига илҳом берадиган кичик расм бор эди. Иқтибоснинг ўзи жуда ажойиб эшитилиди, ундан чиқаётгандек туюларди ва лентани пастга силжитишимдан олдин, бир неча дақиқа давомида мени ўзига ром қилиб турди.

Фақат бир муаммо бор эди. Аслида, Эйнштейн бунаقا демаган.

Бироз вақт ўтиб Эйнштейннинг яна бир “машхур”

иқтибосига навбат келди: "Хар бир киши даҳо бўла олади. Аммо агар балиқни дараҳтга чиқиши қобилиятига қараб баҳоласангиз, у ўзини бутун умр аҳмоқ деб ҳисоблайди".

Бу гап ҳам Эйнштейнга тегишли эмас.

"Технология қачондир инсонлар ўртасида оммалашадиган кун келишидан кўрқаман. Ўшанда дунёда фақатгина аҳмоқлар авлоди яшайди".

Бу гап ҳам уники эмас.

Эйнштейн, шубҳасиз, интернетда энг кўп жабр кўрган тарихий шахс. У маданиятимизнинг "ақлли дўсти"га ўхшайди, овозимиз баландроқ чиқиши учун шунчаки унинг номидан гапириб қўямиз. Унинг ғамгин юзи дунёдаги барча соҳага оид иқтибосларни безайди: эътиқоддан тортиб, руҳий ҳасталикларгача. Уларнинг ҳеч қайсисининг илм-фан билан алоқаси йўқ. Бечора олим қабрида тик турган бўлса, не ажаб?

Одамлар уни шунчалик шарманда қилиб ташлашганки, у ўзига хос афсонавий қаҳрамонга айланниб бўлган. Масалан, Эйнштейн мактабда жуда ёмон ўқиган, деган фикр хато. У ёшлигидан бошлаб математика ва илм фанни жуда яхши тушунган, 12 ёшидаги ёзги таътил мобайнида мустақил равишда алгебра ва Евклид геометриясини ўрганган, 13 ёшида Эммануэл Кантнинг "Соф онгнинг танқиди" асарини ўқиб тутатган. Тенгдошлари энди мустақил ҳаётга қадам қўйишни бошлаётган пайтда у докторлик даражасини олган. Бундан кўриниб турибдики, мактабдаги ишлари чакки бўлмаган. Ҳар ҳолда шундай дейишимизга асос бор.

Эйнштейннинг дастлабки ниятлари унчалик катта бўлмаган, у шунчаки ўқитувчи бўлишни истарди. Аммо немис муҳожири бўлгани сабабли Швейцариядаги бирорта маҳаллий университетга жойлаша олмади. Охир-оқибат, отасининг дўсти ёрдами билан, патент марказига ишга киришга муваффақ бўлди. Аммо бу ерда айтарли иш қилмаган Эйнштейн

кун бўйи хонада ўтириб, келажакда бутун дунёни ўзгартириб юборадиган физик назариялар ҳақида бош қотиришига яхши шароит яратиб олганди. 1905 йилда у нисбийлик назариясини яратди, бу унга дунё даражасида машҳурлик берди. У патент марказини тарк этди. Президентлар ва давлат раҳбарлари у билан дўстлашишга интила бошлишди. Қисқаси ҳаммаси ажойиб эди.

Бутун умри давомида Эйнштейн физикада бир нечта инқилоб қилишда давом этди. Нацистлардан қочиб юрди, АҚШни ядро қуролининг зарурати (хавфи)дан огоҳлантириди, ўзининг тилини чиқариб турган расми билан машҳур бўлди.

Бугунги кунда эса у ҳеч қачон айтмаган афоризмлари ва иқтибослари билан жуда машҳурдир. Нютон давридан бери физика ҳамма нарсани макон ва замон нуқтаи назаридан ўлчаш мумкин деган ғояга асосланганди. Тасаввур қилинг, ёнимда ахлат қутиси турибди. Унинг коинотда ўз ўрни бор. Агар мен уни кўтарсам ва хонадан зарб билан отиб юборсам, вақт ўтиши билан унинг фазода жойлашувини назарий жиҳатдан ўлчаб, тезлиги, траекторияси, инерцияси ва деворда қанча ҳажмда из қолдиришини аниқлашимиз мумкин бўлади. Бошқа параметрлар ҳам ахлат қутисининг макон ва замон бўйлаб ҳаракатланишини ўлчаш орқали аниқланади.

Макон ва замон универсал доимийликлар саналади. Улар ҳеч қачон ўзгармайди. Ҳамма нарса улар орқали ўлчанади. Тўғри эшитиляптими? Албаттга!

Сўнгра Эйнштейн бир қарорга келди ва деди: “Одатий нарсалардан воз кеч; сен ҳеч нарсани билмайсан, Жон Сноу”. Ба дунёни ўзгартириди. Шу орқали Эйнштейн макон ва замон доимий ўзгармас эмаслигини исботлади. Аслида, макон ва замон ҳақидаги тасаввурларимиз вазиятга қараб ўзгариши мумкинлиги аён бўлди. Масалан, маълум бир вақт ким учундир 10 сония бўлиб туюлса, ким учундир 5 сония. Кимдир учун

кўпчилик одамлар ёқтиргмаган сўзларни ёки ўзлари ёқтиргмаган одамларнинг борлигини тасвирилаш учун ҳам зўравонлик сўзини ишлатишни бошладилар. Жароҳат деганда жабрдийда ҳаракатланишни давом эттира олмаслигини тушунардик. Ҳозирга келиб, ўзаро мулоқотдаги ёқимсиз жараёнлар ёки бир нечта ҳақоратли сўзлар «жароҳат» деб ҳисобланади ва “хавфсиз макон” бўймаса, ҳеч ким ундан кутула олмайди. Геноцид деганда муайян бир этник ёки диний гурухнинг оммавий қатл қилинишини тушунардик. Ҳозирда эса, “оқ геноцид” сўзи Испаниядаги маҳаллий ресторандардан бирининг менюсидан жой олган.

Буларнинг барчаси кўк нуқта эффиқти. Ишлар яхшиланган сари, аслида йўқ бўлган таҳдидларни сезамиз ва тушкунликка тушамиз. Ва бу тараққиёт парадоксининг юраги ҳисобланади.

Социологиянинг асосчиси ва ижтимоий фанларнинг илк қашфиётчиси бўлган Эмил Дюркгейм китобларидан бирида тафаккур тажрибасини ўтказган: Жиноятлар бўлмаганида, нима бўларди? Ҳамма бир-бирини хурмат қиласиган, зўравонликларсиз ва ҳамма тенг бўлган жамият пайдо бўлса, нима бўларди? Ҳеч ким алдамаса ёки бир-бирига жароҳат етказмаса, нима бўларди? Коррупция мавжуд бўлмаса-чи? Нима бўларди? Зиддиятларга якун ясалармиди? Тушкунлик ғойиб бўлармиди? Ҳамма одамлар дала ўртасига мойчечакларни тўплаб, Ҳанделнинг “Масиҳ”идаги “Аллилуи” қўшиғини куилашармиди?

Дюркгейм мутлақо тескариси содир бўлишини айтган. У жамиятимиз қанчалик қулай ва ахлоқли бўлиб борса, майда-чуйда нарсалар миямизда катталашиб бораверишини таъкидлаган. Агар одамлар бир-бирини ўлдиришдан тўхтаса, бундан хурсанд бўлишимиз керак эмас. Эҳтимол, унчалик жиддий бўлмаган муаммолар туфайли биз ҳам шундай аҳволга тушиб қолган бўлар эдик.

Ривожланиш психологияси узоқ вақтдан бери шу

ҳақида гапириб келади: одамларни муаммолардан ёки кулфатлардан ҳимоя қилиш уларни баҳтли ёки хавфсиз қилиб қўймайди; биз уларни янада ҳимоясиз қилиб қўямиз. Вояга ютунича, жуда кўп қийинчиликлар ва адолатсизликларга гирифтор бўлган ёш йигитчага катта бўлиб, ҳаётида озгина қийинчиликка дуч келганида, чидаши қийин бўлади ва болаларча характери билан омма эътиборига тушади.

Шундай қилиб, бизнинг муаммоларимизга бўлган хиссий реакцияларимиз муаммоларнинг катта-кичикилгига қараб белгиланмаслигини аниқлаймиз. Аксинча, онгимиз муаммоларни биз кутаёттан стресс даражасига мослаштириш учун (ёки минималлаштириш) енгиллаштиради. Моддий ривожланиш ва хавфсизлик бизни хотиржам қилмайди ёки келажакка кўпроқ умид бағишламайди. Аксинча, қийинчилик ва баҳтсизликларни бартараф этиш орқали одамлар кўпроқ курашаёттани аён бўлмоқда. Одамлар худбин ва тантик бўлиб боришмоқда. Уларда ўспирийлик давридаги ривожланиш ва етукликка интилиш этишмайди. Ҳар қандай фазилатдан йироқ бўлишади. Майда тепаликларда туриб тоғларни кўришади. Дунё тўкилган сутнинг чексиз ирмоғи каби бир-бирларига қараб қичқиришади.

Азоб-уқубат тезлигидаги саёҳат

Яқинда интернетда Алберт Эйнштейндан ажойиб иқтибосга кўзим тушди: “Инсон хаёлларидағи эмас, мавжуд нарсанни излаши керак”. Жуда ажойиб фикр. Унинг ҳамма тадқиқотларига илҳом берадиган кичик расм бор эди. Иқтибоснинг ўзи жуда ажойиб эшитилди, ундан чиқаётгандек туюларди ва лентани пастга силжитишимдан олдин, бир неча дақиқа давомида мени ўзига ром қилиб турди.

Фақат бир муаммо бор эди. Аслида, Эйнштейн бунақа демаган.

Бироз вақт ўтиб Эйнштейннинг яна бир “машхур”

иқтибосига навбат келди: “Ҳар бир киши даҳо бўла олади. Аммо агар балиқни дарахтга чиқиши қобилиятига қараб баҳоласангиз, у ўзини бутун умр аҳмоқ деб ҳисоблайди”.

Бу гап ҳам Эйнштейнга тегишли эмас.

“Технология қачондир инсонлар ўртасида оммалашадиган кун келишидан қўрқаман. Ўшанда дунёда фақаттина аҳмоқлар авлоди яшайди”.

Бу гап ҳам уники эмас.

Эйнштейн, шубҳасиз, интернетда энг кўп жабр кўрган тарихий шахс. У маданиятимизнинг “ақлли дўсти”га ўхшайди, овозимиз баландроқ чиқиши учун шунчаки унинг номидан гапириб қўямиз. Унинг ғамгин юзи дунёдаги барча соҳага оид иқтибосларни безайди: эътиқоддан тортиб, руҳий ҳасталикларгача. Уларнинг ҳеч қайсисининг илм-фан билан алоқаси йўқ. Бечора олим қабрида тик турган бўлса, не ажаб?

Одамлар уни шунчалик шарманда қилиб ташлашганки, у ўзига хос афсонавий қаҳрамонга айланаб бўлган. Масалан, Эйнштейн мактабда жуда ёмон ўқиган, деган фикр хато. У ёшлигидан бошлаб математика ва илм фанни жуда яхши тушунган, 12 ёшидаги ёзги таътил мобайнида мустақил равишда алгебра ва Евклид геометриясини ўрганган, 13 ёшида Эммануэл Кантнинг “Соф онгнинг танқиди” асарини ўқиб тутатган. Тенгдошлари энди мустақил ҳаётга қадам қўйишни бошлаётган пайтда у докторлик даражасини олган. Бундан кўриниб турибдики, мактабдаги ишлари чакки бўлмаган. Ҳар ҳолда шундай дейишимизга асос бор.

Эйнштейннинг дастлабки ниятлари унчалик катта бўлмаган, у шунчаки ўқитувчи бўлишни истарди. Аммо немис муҳожири бўлгани сабабли Швейцариядаги бирорта маҳаллий университетга жойлаша олмади. Охир-оқибат, отасининг дўсти ёрдами билан, патент марказига ишга киришга муваффақ бўлди. Аммо бу ерда айтарли иш қилмаган Эйнштейн

кун бўйи хонада ўтириб, келажакда бутун дунёни ўзгартириб юборадиган физик назариялар ҳақида бош қотиришига яхши шароит яратиб олганди. 1905 йилда у нисбийлик назариясини яратди, бу унга дунё даражасида машҳурлик берди. У патент марказини тарк этди. Президентлар ва давлат раҳбарлари у билан дўстлашишга интила бошлишди. Қисқаси ҳаммаси ажойиб эди.

Бутун умри давомида Эйнштейн физикада бир нечта инқилоб қилишда давом этди. Нацистлардан қочиб юрди, АҚШни ядро қуролининг зарурати (хавфи)дан огоҳлантириди, ўзининг тилини чиқариб турган расми билан машҳур бўлди.

Бугунги кунда эса у ҳеч қачон айтмаган афоризмлари ва иқтибослари билан жуда машҳурдир. Нютон давридан бери физика ҳамма нарсани макон ва замон нуқтай назаридан ўлчаш мумкин деган ғояга асосланганди. Тасаввур қилинг, ёнимда ахлат қутиси турибди. Унинг коинотда ўз ўрни бор. Агар мен уни кўтарсам ва хонадан зарб билан отиб юборсам, вақт ўтиши билан унинг фазода жойлашувини назарий жиҳатдан ўлчаб, тезлиги, траекторияси, инерцияси ва деворда қанча ҳажмда из қолдиришини аниқлашимиз мумкин бўлади. Бошқа параметрлар ҳам ахлат қутисининг макон ва замон бўйлаб ҳаракатланишини ўлчаш орқали аниқланади.

Макон ва замон универсал доимийликлар саналади. Улар ҳеч қачон ўзгармайди. Ҳамма нарса улар орқали ўлчанади. Тўғри эшитиляптими? Албаттага!

Сўнгра Эйнштейн бир қарорга келди ва деди: “Одатий нарсалардан воз кеч; сен ҳеч нарсани билмайсан, Жон Сноу”. Ва дунёни ўзгартириди. Шу орқали Эйнштейн макон ва замон доимий ўзгармас эмаслигини исботлади. Аслида, макон ва замон ҳақидаги тасаввурларимиз вазиятга қараб ўзгариши мумкинлиги аён бўлди. Масалан, маълум бир вақт ким учундир 10 сония бўлиб туюлса, ким учундир 5 сония. Кимдир учун

бир метр бўлиб туюлган масофа, кимдир учун бир неча сантиметрдек туюлади.

ЛСДга ўтириб қолган одамлар учун бу хулоса табиий бўлиши мумкин. Аммо ўша пайтдаги физика дунёси учун бу яққол аҳмоқлик бўлиб туюлди.

Эйнштейн макон ва замон кузатувчининг фикрига қараб ўзгариши мумкинлигини, яъни нисбийлигини намойиш этди. Ёруғлик тезлиги ўзгармас доимий бўлиб, у орқали кўп нарса ҳисобланади. Биз ҳаммамиз доимо ҳаракатдамиз ва ёруғлик тезлигига қанчалик яқинлашсак, вақт шунчалик секинлашади ва коинот ҳам кичраяди.

Келинг, сизнинг жуда ўхшаш эгизагингиз бор, деб тасаввур қилайлик. Эгизак бўлганингиз сабабли, ёшларингиз ҳам тенг. Шеригингиз сайёralараро кичик саёҳат қилишга қарор қилди ва иккалангиз ҳам алоҳида космик кема бўйлаб саёҳатга чиқдингиз. Сизнинг кемангиз секундига 50 километр тезликда ҳаракатланади, аммо эгизагингизнинг кемаси ёруғлик тезлигига – секундига 299 км тезиликда учади. Иккалангиз ҳам бир мунча вақт космосда саёҳат қилишга, бир нечта ажойиботларни қидириб топишга ва йигирма йил ўтгандан кейин яна учрашишга келишиб оласиз:

Уйга етиб келганингизда, жуда ҳайратланарли нарса содир бўлди. Сиз йигирма ёшга қариган бўлсангиз, эгизагингиз деярли ўзгармаган бўлади. У йигирма йил “йўқолиб кетган” бўлса ҳам, аслида, у кемада атиги бир йил ўтказган бўлади.

Бу нима деган гап?

Эйнштейн айтганидек, “Дўстим, бу бидъат” (аммо Эйнштейн бунақа демаган).

Эйнштейннинг мисоли ҳар қандай ўзгармас доимийлик ҳақидаги тасаввуримиз қанчалик нотўғри экани ва бу хатолар бизнинг дунёга бўлган қарашимиизга қандай таъсир қилиши мумкинлигини кўрсатиб беради. Макон ва замон ўзгармас, доимий, деб тасаввур қиласиз, чунки бу бизнинг дунёни қандай англаши-

мизни кўрсатиб беради. Аммо улар аслида ўзгармас ва доимий эмас, балки кимлар учундир ўзгарувчи, жумбоқли, ноаниқ доимийдир. Ҳаммаси ўзгариб кетди.

Мен бу бош оғриғига олиб келадиган нисбийлик тушунчасини тўла маъқуллайман, чунки шунга ўхшаш нарса психологиямизда ҳам давом этишига ишонаман: Тажрибамизга кўра ўзгармас доимий деб хисоблаганларимиз аслида мутлақо унақа эмас. Биз ҳақиқат деб ўйлаган нарсаларнинг кўпчилиги тушунчамизга қараб нисбийдир.

Психологлар ҳеч қачон баҳт устида тадқиқотлар олиб бормаган. Психология деярли бутун тарихи давомида фан сифатида ҳаётнинг ижобий ва яхши жиҳатларни ўрганмаган, балки инсон ҳаётидаги барча бемаъниликлар, руҳий касалликлар ва эмоционал бузилишларни келтириб чиқарадиган омиллар, одамларга энг ёмон азоб-уқубатларга қарши курашда ёрдам бериш усуllibарини қидирган.

1980 йилдан бошлиб бир нечта жасур олимлар қуйидагилар ҳақида бош қотира бошлиашди: “Бир сония тўхтаб туринг, менинг ишим ташвиши наиш. Нега биз инсонларни баҳтли қилиш тўғрисида ўйламаяпмиз? Келинг, бу ишни бошлаймиз”. Ҳамма жой тантанага тўлиб кетди, чунки тез орада “баҳт” китоблари китоб жавонларини босиб кетди, ҳаётдан зериккан, тушкунликка тушган ўрта синф вакилларига миллионлаб нусхада сотила бошланди.

Психологлар баҳт устида тадқиқот ўтказишни бошлаганларида қиласидиган илк ишларидан бири бу оддий сўров ўтказиш эди. Бир нечта катта гуруҳлардаги одамларни оларди ва уларга қоғоз тарқатарди – эслаб қолинг, бу 80- ва 90-йилларда бўлиб ўтаётган воқеалар эди. Қоғоз сигнал беришни бошлиши биланоқ, ҳар бири тўхташи ва қуйидаги 2 саволга жавоб бериши талаб этиларди:

1. Айни пайтда ўзингизни қанчалик баҳтли ҳис этасиз? 10 баллик шкалада жавоб беринг.
2. Ҳаётингизда айни пайтда нима содир бўлмоқда?

Тадқиқотчилар турли соҳаларда фаолият олиб бора-диган юзлаб одамлардан минглаб натижаларни тўплади ва қашф эттаниари ажабланарли ва жуда зерикарли эди: жуда кўпчилик одам ўз баҳтини «7» баҳога лойик кўрган. Универмагдан сут сотиб олиш? Етти. Ўғлининг бейсбол ўйинида қатнашиш? Етти. Мижоз билан манфаатли шартнома тўғрисида хўжайинга хабар бериш? Етти.

Янада даҳшатлироқ нарсалар ҳам содир бўлган—Онам саратон касалига йўлиқди. Уй учун ипотека тўловини тўлашта улгурмадим, кенжамиз боулинг ўйини давомидаги баҳтсиз ҳодиса оқибатида қўлидан айрилди - баҳтнинг даражаси қисқа вақт ичида икки ёки бешга тушган бўлса ҳам, бир мунча вақт ўтгач яна еттига қайтди.

Бу ўта ижобий воқеаларга ҳам тегишли эди. Ишдан дадил мукофот пули олиш, таътилни кўнгилдагидек ўтказиш, никоҳлар – ушбу воқеалардан сўнг натижалар қисқа вақт давомида тепага кўтарилиб, сўнг кутилганидек 7 га қайтади.

Бу нарса тадқиқотчиларни ҳайратлантириди. Ҳеч ким тўлақонли баҳтли эмас, аммо шу билан бирга ҳеч ким мутлақ баҳтсиз ҳам эмас. Кўринишидан, одамлар, шароитидан қатъи назар, доимий равища «мўътадил, аммо тўла қониқарли бўлмаган» баҳтиёрилик ҳолатида яшайдилар. Бошқача айтганда, ҳаммаси жуда яхши, аммо янада яхшироқ бўлиши мумкин эди.

Афтидан, биз бутун ҳаётимиз давомида бундай «еттинчи даражадаги баҳт» атрофида айланамиз. Биз доимо тўхталиб ўтадиган бу доимийлик миямизни озгинатозалайди ва биз яна вә яна унинг ҳийла-найрангига ишониб қоламиз.

Ушбу ҳийла миямизга қараб: “Биласан, менда ҳозир бироз кўпроқ бўлганида, охир-оқибат ўнга етиб бораман ва у ерда муқим ўрнашиб қоламан”, дейди.

Кўпчилигимиз ҳаётимизнинг кўп қисмини шу тарзда яшаб ўтамиш ва доимо орзу қилинган ўн баҳо кетидан қувамиш.

Баҳтли бўлишим учун ишимни ўзгартиришим ке-

рак, дейсиз ва янги ишга ўтасиз. Бир неча ойдан сүнг “қанийди, янги уйим бўлганида эди, ўзимни баҳтили хис этардим”, деган фикр хаёлингизни эгаллаб олади ва янги уй сотиб оласиз. Орадан яна вақт ўтиб, энди таътилни соҳилда ўтказиш орзуингизга айланади ва буни амалга оширасиз. Соҳилда тобланиб ётар экансиз, ўйлай бошлайсиз: “Тўла баҳтга эришиш учун менга яна нима керак?” Лаънати, мохито! Мохито қўйиш шунчалар қийинми? Шу сабаб, ўз мохитоингизни деб тушкунликка тушасиз, фақатгина ўша мохито сизга 10 баҳо олиб келишига ишонасиз. Биринчисини ичасиз, сўнг иккинчисини, учинчисини... Бу нима оқибатларга олиб келишини яхши биласиз: қаттиқ бошоғриқ билан уйғонасиз ва ўзингизнинг баҳт даражангизни З га баҳолайсиз.

Эйнштейн маслаҳатини ёдга оламиз: “Ҳеч қачон коктейлларга шакар аралаштирунган. Мабодо, ростдан ҳам аралаштиришни хоҳласангиз, сизга газланган сув тавсия қиласан. Агар пулингиз ошиб-тошиб кетган бўлса, шампан виноси сотиб олган маъкулроқ”.

Ҳар биримиз ўзимизни сўзсиз ҳаётимизнинг ўзгармас доимииси деб биламиз – ўзимизни ўзгармас деб ўйлаймиз, аммо тажрибамиз об-ҳаво каби ўзгаради. Баъзи кунларда қуёш чараклайди, баъзи кунларда эса осмонни булат қоплайди. Осмон ўзгарса ҳам, биз ўзгармаймиз.

Аммо бу тўғри эмас, аслида, бутунлай тескариси. Азоб-уқубат ўзгармас, доимийдир. Одам хис-туйғулари ва таҳминларини ўз азобининг муайян миқдорига мос келадиган тарзда ўзгартиради. Бошқача айтганда, осмон қанчалик мусаффо бўлмасин, миямиз хафа бўлиш учун етарли булатларни тасаввур қила олади. Оғриқнинг доимийлиги “гедонистик югуриш йўлакчаси” сифатида машҳур бўлган ҳодисага олиб келади. Ўнни орзу қилиб, югурасиз, югурасиз, югурасиз. Ҳар қанча юурманг, барабирип еттига бориб тўхтайсиз. Азоб ҳар доим ҳозир-у ноизир. Фақатгина идрок сизни ўзгартира олади. Ҳаётингиз

яхшиланиши биланоқ, кутганларингиз ўзгаради ва яна ҳаётдан норози бўла бошлисиз.

Аммо азоб қарама-қарши йўналишда ҳам ишлайди. Биринчи марта татуировка қилдирган даврларимни яхши эслайман. Дастребки дақиқаларида жуда ҳам кучли оғриқ бўлган. Мен бу 8 соатлик қийиноққа қандай розилик бериб қолганимни тасаввуримга сиғдира олмасдим. Аммо, учинчи соатга бориб, анча бўшащдим, татуировка устаси эса ишлашда давом этаверди.

Ҳеч нарса ўзгармади: ўша игна, ўша кўл, ўша уста. Аммо онгим ўзгарди: оғриқ одатий ҳолга айланди ва ўзимнинг севимли еттинчи поғонамга қайтган эдим.

Бу кўк нуқта эфектининг бошқачароқ талқини эди. Бу Дуркгейм орзу қилган “мукаммал” жамият эди. Бу Эйнштейн нисбийлик назариясининг психологик кўриниши эди. Бу умрида жисмоний зўравонликини бошидан кечирмаган, аммо онгини йўқотган кишининг китобдан дуч келган ноқулай сўзларни юлиб олиб, “зўравонлик” деб даъво қилиши эди. Бу “ҳақсизликлар ҳақида фильмлар кўпайиб кетгани сабабли жамият эгаллаб олинмоқда ва таназзулга юз тутмоқда” деган ортиқча бўрттириш эди.

Кўк нуқта эфекти ҳамма жойда бор. У барча ҳиссиёт ва мулоҳазаларимизга таъсир кўрсатади. Атрофимиздаги ҳамма нарса енгил норозилигимизга мослашади. Бу эса бизни баҳтга эришишимизга тўсқинлик қиласди.

Қадим замонларда, ҳаёт жуда оғир бўлган. Очлик, ўлатлар ва тошқинлар одатий ҳол эди. Ахолининг жуда кўп қисми қул қилинган ёки туганмас урушларга жалб этилган, қолган қисми ҳам бекор турмаган, золим ҳукмдордан олқиши олиш мақсадида тунда бирбирининг бўғзига пичоқ тортган. Қотилликни исталган ерда учратиш мумкин бўлган. Одамлар узоқ яшамаган, нари борса, ўттизга кирган. Инсон ҳаётининг аксарият қисми шу тарзда ўтган: ифлослик ва очлик.

Илм-фан ҳаётимизга кириб келгунгача азоб-уқубат

кутилган меҳмон каби эди. Антик давр файласуфлари баҳтни фазилат санашмаган. Аксинча, улар ўзидан кечишини яхши амал деб ҳисоблашган, чунки ҳаётдан завқланиш ёқимли, шу билан бирга хавфли бўлган. Тўғри маънода гапирадиган бўлсак, қайсиdir довдирнинг озроқ сусткашликка йўл қўйиши билан икки дақиқадан кейин қишлоқнинг ярми ёниб кул бўлади. Эйнштейн "айтмаганидек", "Ичаётганингизда машъала атрофида ўтируманг, акс ҳолда, кулгига қоласиз".

Илм-фан ва технология ривожланиши биланоқ баҳт тушунчаси "мода"га кирди. Инсоният ҳаётни яхшилаш воситасини ўйлаб топганидан кейин "Яна нимани ўзгартириш керак?" саволи урфга кирди. Ўша даврдаги бир қанча файласуфлар инсониятнинг асосий мақсади баҳтни тарғиб қилиб, азоб-уқубатни камайтириш деган қарорга келишиди.

Бир қарашда бу жуда ажойиб ва олижаноб иш эди. Ким ҳам бироз бўлса-да азоб-уқубатлардан кутулишни хоҳламаса? Қайси нодон буни ёмон ғоя дея олади?

Ҳа, ўша нодон менман. Бу яхши ғоя эмас.

Сиз барибир азобдан кутула олмайсиз, сабаби оғриқ инсон ҳолатининг ўзгармас доимиисицир. Шунинг учун ундан кутулишга ҳаракат қилиш, ундан ўзини ҳимоялаш бизга фақат зарар етказади. Азоб-уқубатни енгиллатишга бўлган ҳар қайси ҳаракат ундан халос бўлишнинг ўрнига, унга қарши туриш қобилиятини кучайтиради, холос. Ҳар бир бурчақда даҳшатли арвоҳлар кўзимизга кўрина бошлайди, ҳар бир ҳукумат кўзимизга золим ва шафқатсиз бўлиб кўринаверади, ҳамма нарсадан ёмонлик ва нафрат кутаверамиз.

Қанчалик тараққиёт сезилмасин, қанчалик тинч, баҳтли ва қулай ҳаёт тарзига эга бўлмайлик, кўк нуқта эфекти бизни маълум миқдордаги азоб ва норозилик томон тортаверади. Лотореядан миллионлаб доллар пул ютган одамлар бутун умр баҳтни ҳис қилиб яшайди, дея олмаймиз. Улар одатий нарсаларни ҳис қилишади. Баҳтсиз ҳодиса туфайли фалажланиб

қолган одамлар бутун умр баҳтсиз бўлиб яшамайдилар. Улар ҳам одатий нарсаларни ҳис қилишади.

Азоб-уқубат бор экан, ҳаёт мавжуд. Ижобий ҳиссиётлар вақтинча азоб-уқубатдан халос қиласди, салбийлари эса уни вақтинча кучайтиради. Азобдан тўла кутулишга уринсангиз, барча ҳиссиётларни ўлдириб кўясиз. Бу худди жимгина, ҳеч кимга сездирмасдан ҳаётдан умидини узишга ўхшайди.

Эйнштейн бу ҳақида жуда топиб гапирган:

“Оқим тўсиқларга дуч келмагунича сокин оққани каби, инсон ва ҳайвонлар хоҳииш-истакка мувофиқ қилинадиган ҳаракатларни пайқамайди ва англаб етмайди. Агар инсон ниманидир пайқаса, хоҳииш-истак барбод бўлади ва кутимлаган зарбага дуч келади. Аксинча, хоҳиишларимизга қарши чиқадиган, уни ранжитадиган, газаблантирадиган, қисқача айтганда, ёқимли ва оғриқли бўлган нарсалар бизга осонликча таъсир кўрсатади. Бутун бошли танамиз саломатлиги ҳақида эмас, балки пойабзалимиз қисганида юзага келадиган оғриқ ҳақида ўйлаганимиз каби, муваффақиятга эришиш йўли ҳақида эмас, балки аҳамиятсиз майдадчуда муаммолар ёки бизни муттасил хафа қиласдиган нарсалар ҳақида ўйлаймиз”.

Ҳа, бу фикрлар ҳам Эйнштейнники эмас. Булар Эйнштейн каби немис бўлган ва кулгили соч турмаги эгаси Шопенгауэрники. Аммо гап шундаки, азоб-уқубатлардан қочиб қутулиб бўлмайди, чунки ҳаётнинг турган-битгани ўзи азоб-уқубатдир.

Шундай қилиб, умид бир вақтнинг ўзида ҳам ўз-ўзини йўқотади, ҳам ўз-ўзини абадийлаштиради: истаганимизни кўлга киритсак ҳам, ўзимиз хоҳлаганимиздек хотиржамлик ва фаровонликка эришсак ҳам, онгимиз барқарор баҳтсизлик ҳиссини бир маромда сақлаб туриш учун мослаштиради, шу сабаб янги умид, янги эътиқод, янги зиддиятларни шакллантириш учун кураш олиб боради. Фазабланган юзларда ҳеч қанақа ғазаб кўрмаймиз. Ноахлоқий иш таклифларида ҳеч қанақа ахлоқсизлик кўзга ташланмайди. Ҳаво қанчалик күёшли

бўлмасин, осмон ҳар қанча мусаффо бўлмасин, бир парча бўлса ҳам, булат сузаб юради.

Шу сабабли, баҳтга интилиш нафақат муваффақиятсизлик билан якун топади, балки бу имконсиздир. Бу худди орқангизга қадалган таёқнинг учига боғлаб қўйилган сабзини тутишга интилишга ўхшайди. Қанча олдинга юрсангиз, яна шунча олдинга боришга мажбур бўласиз. Сабзи якуний мақсадингизга айланганида, ўзингизни шу мақсадга эришиш восита-сига айлантирасиз. Баҳтни таъқиб қилганингизда эса, унга эришиш имконияти пасайиб бораверади.

Баҳтга интилиш маданиятимиздаги азалдан белгилаб қўйилган зарарли қадриятдир. У одамни муваффақият сари етакламайди, балки йўлдан адаштиради. Яхши яшаш азоб-уқубатдан асраб қолмайди; бу шунчаки тўғри сабабларга кўра азобланишни англатади. Агар шунчаки мавжуд бўлганимиз сабаб азобланишга гирифтор бўлсак, яхшироқ азоб чекиши йўлларини ўрганиш зарар қилмайди.

Ҳаётдаги ягона танлов

1954 йилда 75 йиллик истибодод ва 20 йиллик урушлардан сўнг Вьетнам ҳалқи Францияни мамлакатдан қувиб чиқаришга муваффақ бўлди. Бу, шубҳасиз, қувончли воқеага айланиши керак эди. Муаммо шунда эдики, хатарли совуқ уруш, яъни либерал гарб капиталист кучлари ва шарқий коммунист блоки ўртасидаги ҳалқаро диний уруш давом этаётган эди. Французларга хужум уюштирган йигит Хо ши Миннинг коммунист экани ошкор бўлгач, З-жаҳон уруши бошланиб кетиши эҳтимоли ошди.

Катта уруш келиб чиқишидан қўрқувга тушган бир нечта давлат раҳбарлари Швейцарияда думалоқ стол атрофида ўтириб, ядрорий қирғинларсиз Вьетнамни иккига бўлишга келишиб олишиди. Ҳеч кимга ҳеч нарса қилмаган давлат иккига бўлинишга лойиқ эдими, деб

мени саволга тутманг. Ҳамма бир овоздан Шимолий Вьетнамни коммунизмда яшашига, Жанубий Вьетнамни капиталист бўлишига келишиб олди. Шу билан ҳамма мурод-мақсадига етди.

(Балки унақа эмасдир.)

Бир нечта муаммолар келиб чиқа бошлади. Ғарб кучлари муқобил сайловлар ўтказилгунгача Нго Дин Зем исмли шахсни ҳокимииятга олиб келишди. Бошида, Зем ҳаммага ёққандек таассурот уйғотди. Католик динига содик, француз тилини яхши биладиган бу одам бир неча йил Италияда яшаган ва бир неча тилда эркин гаплаша олган. У билан учрашган АҚШ вице-президенти Линдон Жонсон уни "Осиёнинг Уинстон Черчилли" деб атади. У аслида бошқалардан фарқ қиласди.

Зем, шунингдек, харизматик ва шуҳратпаст эди. У нафақат ғарб етакчиларида, балки Вьетнамнинг собиқ императорида ҳам таассурот қолдирди. Зем жануби-шарқий Осиёга охир-оқибат демократия ўрнатадиган шахс сифатида тарихда қолишига ҳаммани ишонтириди.

Сезиб турганингиздек, бу амалга ошмади. Ҳокимият тепасига келганига 1 йил бўлмай туриб, Шимолий Вьетнамдаги ўз сиёсий партиясидан бошқа барча партияларни таъқиб остига олди. Мамлакатда референдум ўтказиш пайти келганида барча сайлов участкаларини назорат қилишни акасига топширди. Сиз бунга ишонмассиз, аммо Зем сайловда ғалаба қозонди. 98,2 фоиз овоз билан!

Эҳтимол, Земни дунёдаги энг жирканч одам деб ўйлаётгандирсиз. Жанубий Вьетнам етакчиси Хо Ши Мин ҳам жуда жирканч шахс эди. Коллежда ўқиганимда шу хулосага келганман: геосиёсий назариянинг биринчи қоидаси шундан иборатки, агар сиз иккита жирканч билан ёнма-ён яшасангиз, миллионлаб одамлар қурбон бўлади.

Бу худди Вьетнам фуқаролик урушини бошидан кечиргандаги ҳолатга ўхшайди.

Сизга Зем ҳақида жуда ҳайратланарли бир нарсани

айтиб беришни хоҳлардим, аммо шундан сўнг у сизнинг тасаввурингиздаги энг золим кимсага айланиб қолади. У бутун бошли бошқарувни оила аъзоларига ва коррупционер дўстларига топшириб қўйди. У ва оиласи тўкин-сочинликда, айшини суриб юрганида, қишлоқлардаги юз минглаб одамлар қашшоқлик ва очарчилик сабаб ўлимга дучор бўлишарди. Земнинг ўз ишига нолойиқ ва лаёқатсиз бўлгани сабабли, АҚШ Вьетнамнинг ҳалокатини олдини олиш мақсадида аралашишга мажбур бўлди, бу эса биз Вьетнам уруши деб биладиган воқеанинг бошланиб кетишига сабаб бўлди.

Зем қанчалик жирканч бўлишига қарамай, Ғарб кучлари унинг орқасида турища давом этди. Ахир, у либерал капитализм эътиқодига сўзсиз бўйсунувчи ва Коммунизм босқинига қарши жиҳдий курашувчи ғарбликларнинг ўз одами эди-да. Зем уларнинг эмас, ўз эътиқодига содиқлигини англаб етиш учун ғарбликларга жуда кўп йил ва сон-саноқсиз ўлимлар керак бўлди.

Кўпгина золимлар сингари, Земнинг энг севимли машғулотларидан бири ўзини хурмат қилмайдиган одамларни таъқиб қилиш ва ўлдириш эди. Католик мутаассиби бўлгани ҳолда, Буддистларни ёмон кўрарди. Муаммо шунда эдики, ўша пайти Вьетнамдаги 80 фоиз ахоли буддистлардан ташкил топганди, шу сабаб бу аҳоли томонидан яхши кутиб олинмаган. Зем буддистларга оид байроқ ва баннерларни таъқиқлади. Буддизм байрамлари ўтказилишини тўхтатиб қўйди. Буддизм динига эътиқод қилувчиларни ҳукумат ишларидан четлаштириди. Мамлакат бўйлаб юзлаб пагодаларни вайронга ҳолга келтириб, будда роҳибларини қашшоқликда яшашга мажбур қилди.

Будда роҳиблари тинч намойишлар ташкил қилишди, аммо уларнинг оғзи тезда ёпилди. Сўнгра норозиликлар янада кучайди, шу сабабли Зем қонунга зид равишда норозиликларни таъқиқлади. Полиция намойишчиларга тарқалишни буюрди, аммо роҳиблар буни рад этгач, полиция уларни қирғин

қила бошлади. Тинч намойишлардан бирида, ҳаттоки, қуролсиз рохиблар устига гранаталар ёғдирилди.

Гарб мұхбирлари бу диний ғалаён давом этаёттанини билишса ҳам, биринчи навбатда, Шимолий Вьетнам билан уруш бошланишидан чүчирдилар, шу сабаб бу воқеага үнчалик аҳамият қаратмадилар. Муаммо күламидан жуда кам одам ҳабардор бўлиб, деярли ҳеч ким тўқнашувлар ҳақида ёзишни хаёлига ҳам келтирмасди.

1963 йилнинг 10 июнида журналистлар кейинги куни Саигондаги президент саройи яқинидаги ғавжум кўчалардан бирида “муҳим” воқеа содир бўлиши ҳақида сирли ҳабар олишди. Аммо улар бунга етарлича эътибор қаратишмади ва кўпчилиги воқеа жойига бормасликка қарор қилишди. Келаси куни бир нечта журналист, атиги иккита сураткаш кўрсатилган жойда кўриниш берди. Улардан бири камерасини унутиб қолдирганди. Иккинчиси эса Пулитзер мукофотини қўлга киритди. Ўша куни диний эркинлик руҳидаги баннерлар осилган фируза рангли машинада бир қанча роҳиб ва рохибалар олға юришарди. Роҳиблар маъруза қилишди. Одамлар тўхтаб, намойишларни томоша қилишди ва ишларига йўл олишди. Тифиз кунда кўча одамлар билан тўлиб тошганди. Буддистларнинг норозилиги одатий ҳолга айланиб қолди.

Жараён Камбоджа элчихонаси ёнидаги чорраҳада ўзининг авж палласига етди ва шаҳардаги транспорт қатновини тўсиб кўйди. Бир гурух рохиблар фируза рангли машина атрофида ярим доира ҳосил қилиб, жимгина вазиятни кузатишарди. З нафар роҳиб машинадан тушибди. Улардан бири чорраҳага, кўчанинг ўртасига ёстиқ кўйди. Тҳит Куанг Дик исмли қария роҳиб эса ёстиқ ёнига юриб борди, унга бош кўйди, кўзларини юмди ва ором олишни бошлади.

Учинчи роҳиб эса машина юқхонасини очди, ундан 5 галлонлик канистерда бензин олди, уни Куанг Дик ётган жойга олиб борди ва унинг бошидан оёғигача бензин қуя бошлади. Одамлар оғизларини беркитишди.

Баъзилари бензин ҳидидан кўзларини пирпиратиб, юзларини кафтлари билан яширишди. Гавжум шаҳар чорраҳасида оғир сукунат чўқди. Ўткинчилар юришни тўхтатди. Полиция нима қилаётганини унуди. Ҳавода ҳам оғирлик пайдо бўлди. Муҳим ҳодиса содир бўлиш арафасида эди. Ҳамма кута бошлиди.

Бензин билан намланган кийимда ўтирган Куанг Дингнинг юзидан маъно уқиш амримаҳол эди. У қисқа ибодат матнини ўқиди, секин гугуртга кўл узатди, уни ёқди, ётган жойидан қимиirlамасдан, кўзини очмасдан гугуртни ерга ташлади ва ўзини ёқиб юборди.

Атрофини аланга эгаллади. Олов унинг вужудини қамраб олди. Устидаги халати тупроққа сингиб кетди. Териси қорайиб куйиб кул бўлди. Ҳавонинг хушбўй ифори куйган гўшт, бензин ва тутун билан алмасди. Оломон орасида фарёд ва қичқириқлар янгради. Кўпчилик ерга ўтириб қолди, айрим одамлар ўзини йўқотиб қўйди. Баъзилари эса, ҳайратланиб, нима содир бўлаётганини англолмай ҳалак эди.

Аммо Куанг Динг ҳали ҳам ҳаракатсиз эди.

“Нью-Йорк Таймс” мухбири Девид Ҳалберстам кейинчалик вазиятни шундай тасвиirlаб берганди: “Кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмасдим. Бирор нима ёзишга ва кимнидир сўроққа тушишга қўлим бормасди. Фикрларим чалкашиб кетди. Аланга ичida ёниб-куйса ҳам, бирорта аъзоси қимир этмади, бирорта сас чиқармади, унинг ташқи қиёфаси атрофида йиғлаётган одамлардан тубдан фарқ қиласди”.

Куанг Дингнинг ўзини-ўзи ёндириши воқеаси жуда тез тарқалди ва сайёрадаги минглаб одамларнинг ғазабини қўзитди. Воқеадан саросимага тушган Зем ўша кечадаёқ радио орқали ҳалқка мурожаат йўллади. У буддавийлик дини етакчилари билан музокаралар ўтказишига ва вазиятни тинч йўл билан ҳал этишига вайда берди.

Аммо энди кеч эди. Земнинг обрўси энди қайта тикланмасди. Тўғри, нима ёки қандай ўзгарганини тасвиirlаб бериш қийин эди, аммо, энг муҳими,

об-ҳаво ўзгариб, кўчалар анча жонланиб қолди. Гургуртнинг асфалтга урилиши ва сураткашнинг шу кадрни эътиборсиз қолдирмагани Земнинг кўринмас қудратини зайдишастирди, буни ҳамма қўриб-билиб турарди, жумладан, Земнинг ўзи ҳам.

Кўп ўтмай, минглаб одамлар унинг ҳокимиятига қарши норозиликларини ифодалаб, кўчага чиқишиди. Унинг ҳарбий қўмондонлари буйруқларини бажармай қўйди. Маслаҳатчилари қарорларига эътиroz билдира бошлиди. Ниҳоят, АҚШ уни бошқа қўллаб-кувватламаслигини билдириди. Президент Кеннеди тез орада Зем ишонган генералларнинг уни йўқ қилиш борасидаги қарорини қўллаб-кувватлади. Ёнаётган роҳиб сурати тўғонни бузиб ташлаб, сел келишига сабаб бўлди. Бир неча ойдан сўнг Зем ва унинг оиласи қатл этилди.

Куанг Дингнинг ўлими сурати воқеа-ҳодисаларнинг шов-шув бўлиб кетишидан олдинги тўлқин эди. Сурат инсоннинг Роршах синовига айланди: ҳар бир киши унда ўз қадриятларини ва курашларини акс эттиради. Россия ва Хитой коммунистлари Farb капиталистларига қарши ўз тарафдорларини йиғиш мақсадида бу суратни чоп этишиди. Шарқда содир этилган ваҳшийликларга қарши открытикалар бутун Европа бўйлаб сотилди. АҚШдаги урушга қаршилар гуруҳи мамлакатнинг урушга қўшилишига норозилик сифатида суратни чоп этди. Консервативлар ушбу расмдан АҚШнинг урушга қўшилиш зарурати учун далил сифатида фойдаланишиди. Ҳаттоқи, президент Кеннеди ҳам "тарихдаги ҳеч бир сурат бу каби бутун дунёни ларзага келтирмаган"ини тан олишига мажбур бўлди.

Куанг Дингнинг ўзини-ўзи ёқиб юбориши фотосурати одамларда ғоят муҳим ва умумбашарий бўлган бир нарсани кўзгатди. У дин ва сиёsatдан мутлақо ҳоли эди. Ушбу фотосуратда инсон ҳаётининг янада муҳим таркибий қисми мавжуд эди: ақлга сифмайдиган оғриқларга дош бериш қобилияти. Мен ҳатто тушлик қиладиган столимда ҳам қимирламасдан ўтира олмай-

ман. Аммо бу одам танаси кулга айланса ҳам, умуман қимирламади. Сесканмади. Қичқирмади. Кулмади. Ёрдамга чакирмади. Ҳаттоки, ортида қолаётган дунёга сўнгги нигоҳини ташлаш учун кўзини очмади.

Мутлақо ақл бовар қилмайдиган қатъият ҳақида гапириб ўтирмасак ҳам, унинг хатти-ҳаракатларида по-клик мужассам эди. Бу руҳнинг тана устидан мутлақ ғалабаси эди.

2011 йилда Насим Толиб исмли одам “анти-мўртлик” концепцияси ҳақида ёзган. Толиб баъзи тизимлар ташқи кучлар босими туфайли кучсизланганидек, бошқалари ташқи кучлардан қувват олиши ҳақида баҳс юритган.

Ваза мўрт: уни синдириш жуда осон. Классик банк тизими жуда мўрт: иқтисодиёт ва сиёsatдаги кутилмаган ўзгаришлар унинг мувозанатдан чиқиб кетишига олиб келади. Эҳтимол, қайнонангиз билан муносабатлар ҳам жуда мўрт бўлиши мумкин: ҳар бир айтган сўзингиз унинг ҳамиятига тегиб, қуюшқондан чиқиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Мўрт тизимлар гўзал ва нозик гулларга ёки ўсмир ҳис-туйғуларига ўхшайди: уларни доимо асрраб-авайлаш керак.

Ўшанда сизда мустаҳкам тизимлар пайдо бўлади. Мустаҳкам тизимлар ўзгаришларга тезда мослашади. Ваза мўрт бўлиб, ерга ташлашингиз билан синиб кетса, темир бочка жуда мустаҳкам бўлади. Уни ҳафта давомида бир неча маротаба ерга уришингиз мумкин, аммо унга ҳеч қанақа шикаст етмайди. Аввалги ҳолида тураверади.

Жамият сифатида биз кўп вақтимиз ва пулимишли нозик тизимларни ушлаб олиб, уларни янада мустаҳкамлашга сарфлаймиз. Бизнес мустаҳкамлиги учун яхши адвокат ёллаймиз. Молия тизими мустаҳкамланиши учун ҳукумат қарорлар қабул қиласиди. Жамиятимизни янада мустаҳкамланиши учун светофорлар ва мулк ҳукуқи каби қонун-қоидалар ўрнағатамиз.

Аммо, Толиб айтганидек, учинчи – “анти-мўрт” тизим ҳам мавжуд. Мўрт тизим инқирозга юз тутса,

мустаҳкам тизим ўзгаришларга дош берса, анти-мўрт тизим босим ва ташқи кучлардан қувватланади.

Стартаплар анти-мўрт тизимга яққол мисол бўла олади: улар тезда муваффақиятсизликка учраш ва муваффақиятсизликлардан сабоқ олиш йўлларини қидиради. Гиёхванд моддалар сотувчилари ҳам анти-мўрт тизимга киради: дунёни қанчалик залолат эгалласа, “осмонда учиш”ни хоҳлаганлар шунчалик кўпаяди. Соғлом севги муносабатлари ҳам “анти-мўрт”ликка мисол бўла олади: бахтсизлик ва оғриқ муносабатларни заифлаштириш ўрнига, мустаҳкамлайди. Уруш қатнашчилари ҳам урушдаги тартибсизликлар аскарлар ўртасидаги муносабатларни совуқлаштириш ўрнига, уларни янада жипслаштирганини кўп эслашади.

Инсон танаси қандай фойдаланишига қараб ўзгариб бораверади. Агар олға интилиб, азоб-уқубатта тик қараб юрсангиз, танангиз “анти-мўрт” бўлади ва қанча кўп азоб ва стресс ортганингиз сари, бақувватлашиб бораверади. Жисмоний машқлар ва жисмоний меҳнат орқали танангизнинг зўриқиши мушакларнинг жипсланишига сабаб бўлади, қон айланишини яхшилади ва сизга чиндан ҳам хушрўй қадди-қомат ато этади. Аммо стресс ва оғриқдан қочиб (кун бўйи Нефтих киноларини томоша қилиб ётаверсангиз), мушакларингиз кучсизланади, суюкларингиз мўртлашади ва заифлик ботқогига ботиб бораверасиз.

Инсон онти ҳам худди шу тамойил асосида ишлайди. У ҳам қандай фойдаланишингизга қараб мўрт ва анти-мўрт бўлиши мумкин. Хаос ва тартибсизликка дуч келганимизда, онгимиз барча нарсани тушунишга ҳаракат қиласи, тамойилларни аниқлади ва ақлий моделларни яратади, келажақдаги воқеаларни башорат қиласи ва ўтмишга назар солади. Бунинг номи “ўрганиш” дейилади ва бизни яхши томонга ўзгартиради. У бизга муваффақиятсизлик ва тартибсизликдан қувват олишимизга имкон яратади.

Аммо оғриқдан, стресс, тартибсизлик, фожиа ва без-

овталиқдан қочар эканмиз, мұртлашиб бораверамиз. Сабримиз тугаб адо бўлади, ҳаётимиз қисқариб, дунёнинг биз бардош бера оладиган кичкина қисми билан чекланади.

Чунки азоб ўзгармас доимиликдир. Ҳаётимиз қанчалик яхши ва ёмон давом этмасин, у доимо биз билан бирга. Охир-оқибат у бошқариладиган ҳолга келади. Фақат бир масала сўроқ остида: уни қабул қиласизми? Азобни қабул қиласизми ёки ундан қочасизми? Мўртликни танлайсизми ёки антимўртликними?

Нима қилсангиз ҳам, ким бўлсангиз ҳам, нима тўғрисида қайғурсангиз ҳам, ҳаммаси ушбу танловни акс эттиради: муносабатларингиз, жамиятта киришиб кетишингиз, ҳаётий тажрибангиз кенглиги, ўзингизга бўлган ишончингиз ва жасоратингизнинг катталиги, хурмат қилиш, ишониш, кечириш, қадрлаш, тинглаш, ўрганиш ва раҳм-шафқат қилиш қобилияtingиз.

Агар ҳаётингиздаги ушбу нарсалардан бири мўрт бўлса, бу азобдан қочиши йўлини танлашингизга сабаб бўлади. Сиз оддий кўнгилхушлик, курсандчиллик ва ўз-ўзидан қониқиши каби болалик қадриятларини танлаган ҳисобланасиз.

Жамият сифатида, азобга қарши тура олиш тушунчалиси жуда камайиб бормоқда. Бу бизга ҳеч қанақа баҳт келтирмайди. Катта миқдордаги ҳиссий заифликни келтириб чиқариб, барчасини расво ҳолга келтиради.

Яна Тхит Куанг Дингта қайтсак. Унинг оловда ўзини ушлаб туриши ва хўжайинга ўхшаб ўтириши менда катта таассурот қолдирган. Кўтчилик замонавий ғарбликлар медитацияни дам олиш техникаси деб билади. Йога кийимларини киясиз ва тинч, сокин хонада 10 дақиқа давомида кўзингизни юмиб ўтирасиз. Телефонингиздан дунёдаги энг яхши одам эканингиз, сиз билан ҳаммаси яхши эканлиги, ҳаммаси тубдан ўзгарайтгани, юрагингизга қулоқ солишингиз кераклиги ҳақидаги маърузалар жаранглаб туради.

Аммо буддистларнинг ҳақиқий медитацияси яна-да жўшқин бўлиб, замонавий иловалардан тубдан

фарқ қиласы. Ҳақиқий медитация жим ўтиришни ва ўзингизни холис таҳлил қилишни талаб этади. Ҳар бир фикр, ҳар бир мулоҳаза, ҳар бир мойиллик, ҳар дақиқадаги безовталиқ, хиссиётларнинг портлаши, субъектив эътиқодларнинг ҳар бир акс-садоси идеал тарзда ушланади, тан олинади ва яна бўшлиққа қайтарилади. Энг ёмони, бунинг охири йўқ. Одамлар доимий яхши медитация қила олмаслигидан нолишади. Яхши бўлиш деган тушунчанинг ўзи йўқ. Ҳамма гап шундა. Сиз ундан ўзингизга керагини олишингиз керак. Керагини қабул қилинг. Керагига қучоқ очинг. Керагини севинг.

Бирор киши узоқ вақт давомида медитация қилганда, ҳар хил ярамас нарсалар пайдо бўлади: ғалати хаёлот, ўн йиллик армонлар, ғалати жинслий хоҳишилар, чидаб бўлмас зерикиш, ёлғизлик туйғусидан эзилиш. Уларни кузатиш, тан олиш ва қўйиб юбориш керак. Бу ҳам вақтичлик.

Медитация, моҳиятига кўра “антимўртлик”нинг машгулотидир: онтингизни чексиз хафагарчилик ва азоб-уқубатларни кўришга ва уларга хотиржамлик билан бокишишга, «мен»ни эса бу тубсизликка тушишига йўл қўймасликка ўргатасиз. Шусабаб ҳамма оддий кўринадиган нарса одатда жуда ёмон бўлади. Ахир, сиз шунчаки ёстиққа ўтирасиз ва кўзингизни юмасиз. Бунинг нимаси қийин? Тўғри позицияни эгаллаш ва ҳаракат қилмаслик учун иродани жамлаш шунчалик қийинми? Бу жуда осон бўлса ҳам, кўпчилик буни бажаришдан кўрқади.

Кўпчилик одамлар медитациядан ёш болалар уйга вазифани бажаришдан кўрқанидек кўрқишиади. Бунга сабаб улар медитация аслида нима эканлигини билишидадир: медитация – азоб-уқубат билан ёнма-ён келиш, мия ва юракнинг ич-ичига назар солиш ундаги даҳшат ва роҳатни кўздан кечиришдир.

Одатда 1 соатлик медитация менга етиб ортади. Бу борада ўрннаган рекордим 2 кун қимириламасдан туриш бўлган. Охир-оқибат, миям мени ташқарига чиқишига ва кўнгилхушлик қилишга ун dagan. Узоқ ва узлуксиз давом этган мулоҳаза менга қуйидаги тажрибани тухфа этди:

ўз ақлини бошқариш ҳисси шунчаки хом хаёл эканини англаб етиш ва даҳшатли зерикиш аралашмаси – шунчаки иллюзия. Ёқимсиз ҳиссиётлар ва хотираларни хаёлдан чиқариб ташланг (эҳтимол, болаликдаги олинган жароҳат) ва ёқимли ҳиссиётларга эга бўлинг.

Энди 60 йил давомида эртадан кечгача шу иш билан шуғулланишни тасаввур қилинг. Ичингиздаги чироқнинг ёруғ ва тинимсиз нур сочишини ўйланг. Азоб остонасин, антимўртлигингизни хаёл қилинг.

Тҳит Куанг Дингнинг дикқатга сазовор томони сиёсий норозилиги туфайли ўзини оловга топширганида эмас. Балки бу ишни ҳаракатсиз, хотиржам, тинч ҳолатда амалга оширганидир.

Будда азоб-уқубатни икки ўқ билан яраланган ҳолатта ўхшатади. Биринч ўқ жисмоний азоб – тананинг пўлат ўқ томонидан тешимиши, танани емирадиган куч. Иккинчи ўқ – руҳий азоб, миямизда ўрнашиб қолган воқеа-ҳодисаларнинг маъноси ва ҳиссиётлари, содир бўлган воқеага лойиқмизми ёки йўқ, деб миямизни банд этадиган ҳикоялар. Кўп ҳолларда, руҳий азоб жисмоний азобдан кўра ёмонроқ бўлади. Кўп ҳолларда, у узоқ вақт давом этади.

Медитация амалиётларидан хulosса қилган Будда фақаттина биринчи ўқ билан тайёргарлик кўрсак, ҳар қандай ақлий ва руҳий азобларга бардош бериш қобилиятимизни йўқотамиз, деган фикри илгари сурган.

Етарли даражадаги эътибор, етарли антимўртлик, ҳақоратларнинг тегиб кетиши, танамизни тешиб ўтган жисм, танамиз бўйлаб сепилган бензин юзимиздаги чивиннинг беўхшов гўнғиллашидан бўлак ноқулайлик келтириб чиқармайди.

Азоб-уқубат муқаррар бўлса, уни бошдан кечириш танловга асосланган бўлади.

Бошимиздан кечирадиган воқеа-ҳодисалар ва уларни талқин қилиш бир-биридан фарқ қиласи.

Ҳис қилувчи миянинг ҳис қилиши билан ўйловчи миянинг ўйлаши ўртасида катта бўшлиқ бор. Бу

бўшлиқ ичидагиз ҳар қанақа қийинчиликка қарши туриш учун куч топа оласиз.

Болаларда азобга қарши бардошлилик хусусияти жуда паст бўлади, чунки боланинг бутун бошли этикаси азобуқубатдан қочиш атрофида қурилади. Бола учун азобуқубатдан қочищдаги муваффақиятсизлик ҳаётдан маъно ва мақсад топишдаги муваффақиятсизлик билан тенг.

Шу сабабли ўртача миқдордаги азоб ҳам болани нигилизмга мойил қиласди.

Ўспириналарда азобнинг энг юқори даражаси мавжуд бўлади, чунки улар азоб деганда нимагадир эришиш учун тўланадиган товонни тушунишади. Келажакдаги фойда учун азобга дош бериш тушунчалик қийинчилик ва муваффақиятсизликлар пайтида ўспириналарга умид баҳш этади: Мактабда яхши ўқисам, келажакдаги иш фаолиятим учун пойдевор қўйган бўламан. Бесўнақай холамга сабр қиласам, оилам билан таътилни мароқли ўтказаман. Ҳар куни тонг саҳардан туриб бадантарбия қиласам, ташки кўринишими га ҳамманинг ҳаваси келади.

Ўспирин ўзи кутган фойдага эришмаганида, азоб миқдори кутилганидан ошиб кетганида муаммо юзага келади. Бу ўспиринни ёш болага ўхшатиб қўяди, унинг умидлари чиппакка чиқади: Ўзимни шунча қурбон қилиб, топганим шу бўлдими? Шумиadolat? Бу ўспиринни нигилизм тубига чорлайди ва ёқимсиз ҳақиқат билан юзма-юз қиласди.

Вояга етганларда ҳам азобнинг энг юқори даражаси мавжуд бўлади. Чунки вояга етган шахс ҳаёт маъноли бўлиши учун азоб-уқубат зарурлигини, ҳеч нарса назорат қилинмаслиги ва савдолашиб бўлмаслигини, оқибатлардан қатъи назар кўлингиздан келган энг яхши ишни қилишингиз кераклигини яхши тушунади.

Психологик ўсиш деганда нигилизмдан қочиш, ҳаёт сизга нима тухфа этса, ҳазм қилиб юбориш мақсадида мураккаб ва мавҳум қадрияtlар иерархиясини шакллантириш жараёнидир.

Болалик қадрияtlари мўрт бўлади. Бола қўлидан

музқаймоқни олиб кўйсангиз, экзистентал инқироз юзага чиқади – юрагингизни эзадиган даражада йиғлашни бошлайди. Ўспирин қадриятлари эса азобни ҳисобга олгани учун мустаҳкамроқ, шу билан бирга кутилмаган фожиали ҳодисаларга ҳам мойил бўлади. Ўспиринлик қадриятлари ҳаддан ошиқ азоб кучайтганда ёки узоқ вақт давомида бузилиши мумкин.

Вояга етганилик қадриятлари эса антимўрт бўлади. Улар кутилмаган воқеалардан қувват олади. Муносабатлар ёмонлашиб бораверса, ҳалоллик даражаси шунчалик ошиб бораверади. Дунё кўрқинчли бўлиб боргани сари, унга қарши туриш учун жасоратни тўплаш осонлашиб бораверади.

Буларнинг барчаси умидсиз бўлишнинг фазилатлари, ҳақиқатан вояга етган кишининг қадриятлари ҳисобланади. Улар онгимиз билан юрагимизнинг икки юлдузиdir. Ер юзида ҳар қандай нотинчлик, тартибсизлик юз бермасин, улар ҳаммасидан юқорида туради, уларга тегиб бўлмайди, улар доимо ёрқин нур сочишади, қоронғу кечаларда бизга йўл кўрсатади.

Азоб – қадрият

Кўпчилик олимлар ва техника ишқибозлари кун келиб ўлимнинг давоси топилишига ишонишади. Генларимиз ўзгартирилади ва оптималлаштирилади. Саломатлигимизга хавф туғдирадиган ҳолатларни аниқлайдиган ва бартараф қиласиган наноботларни яратамиз. Биотехнология танамизни абадий ҳолатта келтириш ва абадий яшшимизга имкон беради.

Бу фантастика ҳисобланса ҳам, байзи одамлар умри давомида бунга гувоҳ бўлишига сўзсиз ишонишади.

Ўлим хавфидан ҳалос бўлиш, биологик заифликни йўқ қилиш, барча азоб-уқубатлардан ҳалос бўлиш гояси бир қарашда жуда қулоқقا ёқимли эшитилади. Аммо, ўйлайманки, буларнинг барчаси психологик ҳалокатга олиб келади.

Агар ўлимдан ҳалос бўлсак, барча чекловлардан ҳалосбўламиз. Чекловлардан ҳалосбўлсак, қадрияларни аниқлаб олиш қобилиятидан маҳрум бўламиз. Ҳамма нарса сизга бир вақтнинг ўзида ҳам яхши, ҳам ёмон бўлиб туюлади. Бир вақтнинг ўзида сизнинг вақт ва эътиборингизга арзийдиган ва арзимайдиган бўлади. Чунки, сизда абадий вақт ва эътибор мавжуд бўладида. Битта телевизион шоуни юз йил давомида томоша қиласерасиз ва бу умуман аҳамият касб этмайди.

Муносабатларнинг ёмонлашиши ва дарз кетишига йўл қўйиб беришингиз мумкин, чунки, дунёда ҳамма абадий яшайди, шундай экан, не ғамингиз бор? Ҳар бир нотўғри хатти-ҳаракатингизни, ҳар қандай аҳмоқона инжиқлигингизни ушбу гап билан оқлай оласиз: “Бемалол, барибир бу мени ўлдира олмайди”.

Ўлим психологик жиҳатдан жуда керакли нарса, у ҳаётда яшаш учун инсонни руҳлантиради. Инсонда йўқотадиган нарса бўлади. Бир нарсани йўқотиб қўйиш ҳисси пайдо бўлмагунча, унинг қийматини аниқлаш имкони мавжуд бўлмайди. Нима учун курашиш кераклиги ва нимадан воз кечиш кераклиги англай олмайсиз.

Азоб қадрияларимизнинг валюта курсидир. Азоб ортидан келган йўқотишларсиз қадрияларни белгилаб олишнинг имкони бўлмайди.

Азоб барча ҳиссиётларнинг асосидир. Салбий ҳиссиётлар азоб-уқубатни бошдан кечирганда пайдо бўлади. Ижобийлари эса азоблар енгиллашганида. Азоблардан қочиб, ўзимизни мўрт одамга айлантириб қўйганимизда, ҳиссий реакцияларимиз воқеанинг аҳамиятига мутлақо номутаносиб бўлади. Буюртма берган гамбургеримизда гўштдан кўра кўпроқ салат барги мавжуд бўлса, заҳримизни сочамиз. Ютубда ҳақлигимиз ҳақида видео томоша қилгандан сўнг, ҳаволаниб кетамиз. Экранни юқоридан пастга силжитганимиздек, юрагимизни тепадан пастга ўйнатамиз, ҳаёт ҳам бемақсад фиддиракчага айланиб қолади.

Қанчалик анти-мўрт бўлганимиз сари, ҳис-

түйғуларимиз ёқимли бўлиб, ўзимизни назорат қилиш кўрсаткичларимиз ошиб, қадриятларимиз муҳимлашиб бораверади. Антимўртлик ривожланиш ва етуклик сўзлари билан маънодош ҳисобланади. Ҳаёт бу доимий азоб-уқубатлар оқими бўлиб, ривожланиш оқимдан чиқиб кетиш йўлини топганда эмас, балки унга шўнғиб, унинг тўлқинлари узра муваффақиятли сузишни амалга оширгандагина содир бўлади.

Бахт кетидан қувиш эса, ривожланишдан, етуклидан ва фазилатлардан воз кечиш деганидир. Бунда сиз шунчаки ўзингизни ва онгингизни қандайдир ҳиссий жиҳатдан юқори мақсадга эришиш воситаси сифатида кўрасиз.

Бу ўзингизни яхши ҳис қилишингиз учун онгингизни курбон қилиш деганидир. Бу қуайликка эришиш учун қадр-қийматингизни йўқотиш деганидир.

Антик давр файласуфлари буни яхши билган. Платон, Аристотел ва Стоиклар бахт ҳақида эмас, балки азобни енгиб ўтиш ва тегишли қурбонликларни амалга ошириш характеристи ҳақида гапирган – ўша даврдаги ҳаёт тахминан шунақа эди: узоқ ва азобли қурбонлик. Жасурлик, ҳалоллик ва камтарлик каби қадимий фазилатлар анти-мўртликнинг амалиётдаги кўринишларидир: улар тартибсизлик ва қийинчиликлар туфайли шаклланади.

Илм-фан ва технология асри ва ҳеч қачон тўхтамайдиган иқтисодий ўсиш юз берган уйғониш давригача мутафаккирлар Томас Жефферсон “Бахтга интилиш” деб ном берган ғояга ҳаммани ишонтиришган. Уйғониш даври мутафаккирлари илм-фан ва бойлик қашшоқлик, очлик ва касалликларни енгиллаштиргани сабабли азоб енгиллашувини ғалаба сифатида қабул қилишган. Кўпчилик эл ардоғидаги инсонлар ва зиёлилар бугунги кунда ҳам бу хатони такрорлашмоқда: улар иқтисодий ўсиш бизни нафақат жисмоний азоблардан, руҳий азоблардан ҳам холос этади деб ўйлашади. Баъзи ўриналарда уйғониш даври файласуфлари тўғри фикр билдирганлар. Масалан, баъзи азоблар

бошқаларидан кўра яхшироқдир. 20 ёнда ўлиб кетгандан кўра, 90 ёнда вафот этган афзалроқ. Касал бўлгандан кўра соғлом бўлган маъқулроқ. Бирорга хизмат қилгандан кўра, озод бўлиш ва ўз мақсадларингиз кетидан қувиш афзалроқ. Шундай қилиб, “бойлик” азоб-уқубатларингиз қанчалик оғир-енгиллиги билан ўлчанади.

Биз антик давр файласуфларини унутиб қўйган кўри-намиз: дунёда қанча бойлик кўпаймасин, одамлар қанча бойимасин, ҳаёт қанчалик осонлашмасин, ҳаётимиз маъноси феъл-авторимизнинг сифати билан, азоб-уқубатларга бўлган муносабатларимиз билан белгиланади.

Бахт кетидан қувиш бизни нигилизм ва бепарво-лик томонга бошлайди. У бизни қайтадан болаларча инжиқликка, тўхтовсиз ва туганмас хоҳишларга, ҳеч қачон тўлмайдиган тешикка, ҳеч қачон қондирилмайдиган чанқоқликка гирифтор қиласди. У барча ёмон ва зарарли одатларнинг, ўз-ўзига ачиниш ва ўз-ўзини хароб қилишнинг илдизидир.

Азоб кетидан қувар эканмиз, қандай азобланишни ўзимиз танлаш имкониятига эга бўламиз. Бу танлов азоб-уқубатларимизга мазмун баҳш этади ва шунинг учун ҳам ҳаётимиз ҳам маъноли бўлади.

Азоб ҳаётнинг ўзгармас доимииси бўлгани сабабли, азоб орқали ривожланишга эришиш имконияти ҳам чексиздир. Биздан талаб қилинадигани, биз уни зериктираслигимиз, ундан юз ўтираслигимиздир. Биз унга чиппа ёпишиб, ундан маъно-мазмун излаб топишимиш керак.

Азоб барча қадриятларнинг асосидир. Азобдан халос бўлиш – дунёдаги барча аҳамиятли нарсалардан халос бўлиш деганидир. Азоб-уқубатлар бизнинг ахлоқий бўшлиқларимизни очиб беради, улар эса пайти келиб бизнинг энг керакли қадриятларимиз ва эътиқодларимизга айланади.

Азоблардан халос бўлишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйсан, ҳаётимиздаги ҳар қандай мақсадни хис қилиш қобилиятидан маҳрум бўламиз.

8-БОБ.

ҲИССИЁТЛАР ИҚТИСОДИЁТИ

ХХ асрнинг 20-йилларида аёллар чекишмас эди. Одамлар битта-яримта аёлнинг чекаётганини кўриб қолишиса, унга маломат тошлирини ёғдиришарди. Чекиши таъкиқланган эди. Олий таълим олиш ёки конгрессга сайланиш каби, чекиши ҳам фақат эрка-кларга мумкин эди. “Хоним, ўзингизни заарлаб оли-шингиз мумкин. Ундан кўра чиройли соchlарингизни ёққанингиз маъқулроқ эмасми?”

Бу тамаки саноати учун катта йўқотиш эди. Бир тасаввур қилиб кўринг, қанақадир одобсизлик ва ибосизликни деб, 50 фоиз аҳоли сигарет чекмаса. Бунақаси кетмасди. Америка тамаки компанияси президенти Жорж Вашингтон Ҳилл ўша пайтда бунга қуйидагича муносабатда бўлган эди: “бу бизнинг олд ҳовлимиздаги олтин кони”. Бу саноат аёлларга сигарет сотишга бир неча маротаба уриниб кўрди, аммо бу ҳеч қанақа натижка бермади. Бунга қарши маданий тоқатсизлик жуда чуқур илдиз отган эди.

Нихоят, 1928 йилда Америка тамаки компанияси ёввойи ғояларга эга ва ёввойи маркетинг кампаниялари билан машҳур бўлган Эдуард Бернайсни ишга ёллади. Унинг маркетинг тактикаси ҳақида ўша пайтда ҳеч ким хабардор эмасди.

XIX асрнинг бошларидан бери маҳсулот тарғиботи унинг моддий, реал фойдали жиҳатларини оддий ва содда шаклда тасвирилаш билан чекланган. Ўша пайтларда фактлар ва маълумотларга қараб маҳсулотлар сотиб олинади, деган фикрга ҳамма ишонган. Агар кимгадир пишлок керак бўлиб қолса, нега айнан сизнинг пишлогингиз бошқалардан ажralиб туриши

Агар ўлимдан халос бўлсақ, барча чекловлардан халосбўламиз. Чекловлардан ҳалосбўлсақ, қадриятларни аниқлаб олиш қобилиятидан маҳрум бўламиз. Ҳамма нарса сизга бир вақтнинг ўзида ҳам яхши, ҳам ёмон бўлиб туюлади. Бир вақтнинг ўзида сизнинг вақт ва эътиборингизга арзийдиган ва арзимайдиган бўлади. Чунки, сизда абадий вақт ва эътибор мавжуд бўладида. Битта телевизион шоуни юз йил давомида томоша қиласкерасиз ва бу умуман аҳамият касб этмайди.

Муносабатларнинг ёмонлашиши ва дарз кетишига йўл қўйиб беришингиз мумкин, чунки, дунёда ҳамма абадий яшайди, шундай экан, не ғамингиз бор? Ҳар бир нотўғри хатти-ҳарақатингизни, ҳар қандай аҳмоқона инжиқлигингизни ушбу гап билан оқлай оласиз: “Бемалол, барибир бу мени ўлдира олмайди”.

Ўлим психологияк жиҳатдан жуда керакли нарса, у ҳаётда яшаш учун инсонни руҳлантиради. Инсонда йўқотадиган нарса бўлади. Бир нарсанни йўқотиб қўйиш ҳисси пайдо бўлмагунча, унинг қийматини аниқлаш имкони мавжуд бўлмайди. Нима учун курашиш кераклиги ва нимадан воз кечиш кераклиги англай олмайсиз.

Азоб қадриятларимизнинг валюта курсидир. Азоб ортидан келган йўқотишларсиз қадриятларни белгилаб олишнинг имкони бўлмайди.

Азоб барча ҳиссиётларнинг асосидир. Салбий ҳиссиётлар азоб-уқубатни бошдан кечирганда пайдо бўлади. Ижобийлари эса азоблар енгиллашганида. Азоблардан қочиб, ўзимизни мўрт одамга айлантириб қўйганимизда, ҳиссий реакцияларимиз воқеанинг аҳамиятига мутлақо номутаносиб бўлади. Буюртма берган гамбургеримизда гўштдан қўра кўпроқ салат барги мавжуд бўлса, заҳримизни сочамиз. Ютубда ҳақлигимиз ҳақида видео томоша қилгандан сўнг, ҳаволаниб кетамиз. Экранни юқоридан пастга силжитганимиздек, юрагимизни тепадан пастга ўйнатамиз, ҳаёт ҳам бемақсад ғилдиракчага айланиб қолади.

Қанчалик анти-мўрт бўлганимиз сари, ҳис-

туйғуларимиз ёқимли бўлиб, ўзимизни назорат қилиш кўрсаткичларимиз ошиб, қадриятларимиз муҳимлашиб бораверади. Антимўртлик ривожланиш ва етуклиқ сўzlари билан маънодош ҳисобланади. Ҳёт бу доимий азоб-уқубатлар оқими бўлиб, ривожланиш оқимдан чиқиб кетиш йўлини топганда эмас, балки унга шўнғиб, унинг тўлқинлари узра муваффақиятли сузишни амалга оширгандагина содир бўлади.

Бахт кетидан қувиш эса, ривожланишдан, етуклиқдан ва фазилатлардан воз кечиш деганидир. Бунда сиз шунчаки ўзингизни ва онгингизни қандайдир ҳиссий жиҳатдан юқори мақсадга эришиш воситаси сифатида кўрасиз.

Бу ўзингизни яхши ҳис қилишингиз учун онгингизни қурбон қилиш деганидир. Бу қулайликка эришиш учун қадр-қийматингизни йўқотиш деганидир.

Антик давр файласуфлари буни яхши билган. Платон, Аристотел ва Стоиклар бахт ҳақида эмас, балки азобни енгиб ўтиш ва тегишли қурбонликларни амалга ошириш характери ҳақида гапирган – ўша даврдаги ҳаёт тахминан шунаقا эди: узоқ ва азобли қурбонлик. Жасурлик, ҳалоллик ва камтарлик каби қадимий фазилатлар анти-мўртликнинг амалиётдаги кўринишларидир: улар тартибсизлик ва қийинчиликлар туфайли шаклланади.

Илм-фан ва технология асри ва ҳеч қачон тўхтамайдиганиқтисодий ўсиш юзберган уйғониш давригача мутафаккирлар Томас Жефферсон “Бахтга интилиш” деб ном берган ғояга ҳаммани ишонтиришган. Уйғониш даври мутафаккирлари илм-фан ва бойлик қашшоқлик, очлик ва касалликларни енгиллаштиргани сабабли азоб енгиллашувини ғалаба сифатида қабул қилишган. Кўпчилик эл ардоғидаги инсонлар ва зиёлилар бугунги кунда ҳам бу хатони такрорлашмоқда: улар иқтисодий ўсиш бизни нафақат жисмоний азоблардан, руҳий азоблардан ҳам халос этади деб ўйлашади. Баъзи ўринларда уйғониш даври файласуфлари тўғри фикр билдирганлар. Масалан, баъзи азоблар

ҳақидаги фактларни харидорга айтиб беришингиз зарур бўлган (тоза француз эчки сути, 12 кун давомида пиширилиб, совитилган). Одамлар ўзлари учун оқилона харид қарорларини қабул қила оладиган онгли мавжудот сифатида кўрилган. Бу классик тахминга мисол бўла олади: ҳаммасида ўйловчи мия жавобгар.

Биттагина Бернайс бошқача фикрлар эди. У одамлар одатда оқилона қарор қабул қила олишига ишонмасди. У тескарисига фикрларди. У одамларни хиссиётта берилиувчан ва эҳтиросларга таяниб қарор қабул қилишини яхши билар ва буни яшира оларди. У кўпчилик қарорлар ҳис қилувчи мия томонидан қабул қилинишига йшонган, аммо ҳеч ким буни тушунишни истамаган.

Тамаки саноати ҳар бир аёлни сигарет сотиб олишга ва чекишга мантиқий далиллар билан кўндиришга ҳаракат қилган бўлса, Бернайс масалага хиссий ва маданий нуқтаи назардан ёндашди. Агар аёлларнинг чекишини чин дилдан хоҳласангиз, унинг ўйларига эмас, қадриятларига мурожаат қилиш кераклигини илгари сурди. У аёллар шахсиятига мурожаат қилиши керак эди.

Буни амалга оширишни мақсад қилган Бернайс бир тўда аёлларни ёллаб, уларни Нью-Йорқдаги пасха якшанба парадига олиб борди. Бугунги кундаги парадларни диванда уйкусираб, телевизор каналларини алмаштириб томоша қиласиз. Ўша даврларда эса, парадлар жуда катта ижтимоий воқейлик сифатида кўриларди.

Бернайс режалаштирганидек, белгиланган вактда барча аёллар тўхташар ва сигаретларини ёқиб олишарди. У шунингдек сигарет чекаётган гўзал аёлларни тасвирга туширадиган бир нечта сураткашларни ёллаб, кейинчалик бу расмларни барча мамлакат миқёсидаги газеталарга тарқатди ва мухбирларга “бу аёллар фақатгина сигаретларини эмас, балки “озодлик машъаласини” ёқишиди, шу орқали ўз озодликларини ва эркин фикрли аёл эканликларини намойиш этишиди” дей интервю берди.

Албатта, буларнинг бари сохта баландпарвоз гаплар эди, аммо Бернайс буни сиёсий норозилик сифатида

саҳналаштириди. У бу ҳодиса бутун мамлакатдаги аёлларнинг ҳиссиётларини жунбушга келтиришини яхши биларди. Феминистлар 9 йилгина олдин аёлларга овоз бериш ҳуқуқини олиб беришганди. Аёллар энди уйдан ташқарида ишлашар ва мамлакат иқтисодий ҳаётига тобора чуқур кириб боришарди. Сочларини калталаш ва ирқчиликка қарши кийимларни кийиб, ўзларини намойиш этишарди. Аёлларнинг бу авлоди ўзларини эркаклардан тўла мустакил деб билган ягона авлод дея ҳисоблашади. Баъзи бирлари буни янада жиддий қабул қилди. Бернайс шунчаки ўзининг “чекиш тенглика асосланиши” ҳақидаги гоясини аёллар озодлик ҳаракатига киритмоқчи эди, шундан сўнг савдоларнинг 2 баробар ошишини ва бойиб кетишини мақсад қилганди.

Бу амалга ошди. Аёллар чека бошлилди ва ўпка сараторонида ҳам гендер тенглиги вужудга келди.

Бернайс бундай маданий инқилобларни 20-, 30-, 40-йилларда ҳам давом эттириди. У маркетинг соҳасида катта ўзгаришларни амалга ошириди ва жамоатчилик билан алоқалар тизимини ихтиро қилди. Маҳсулотингизни тарғиб қилиш учун офатижон машхурларга пул тўлайсизми? Бу Бернайснинг ғояси. Компанияни реклама қилиш учун у ҳақида сохта мақолалар ёзиш услуби ҳақида биласизми? Буни ҳам у ўйлаб топган. Мижозлар эътиборини жалб қилиш ва мижоз онгиди носоғлом фикр шакллантириш воситаси сифатида провокацион оммавий тадбирларни ўtkазиш дейсизми? У ҳам Бернайсдан қолган ғоя. Бугунги кунда биз дуч келадиган маркетинг ва реклама усуllibарининг деярли барчасини Бернайс ўйлаб топган.

Бернайс ҳақида яна бир гап юради: У Фрейднинг жияни эди.

Фрейд онгни автоуловга олиб борувчи ҳис қилувчи мия экани тўғрисида баҳс юритган биринчи замонавий мутафаккир сифатида машхур бўлган. У уят ва ўз-ўзидан шубҳа қилиш одамларни нотўғри қарорлар чиқаришга, ҳаддан ташқари ошириб юбо-

ришга ёки ўзи етишмаётган нарсани қоплашларига ишонган. Фрейд ҳар биримизнинг онгимиизда шахсиятимиз ҳақидаги воқеа-ҳодисаларни бирлаштирувчи ҳикоялар мавжудлигини, биз бу ҳикояларга ҳиссий жиҳатдан боғлиқлигимизни ва уни сақлаб қолиш учун ҳаракат қилишимизни таъкидлайди. Фрейд куннинг охирида эҳтиросли, худбин ва ҳиссиётларга бериувчан ҳайвонга айланишимизни айтган.

Фрейд умрининг кўп қисмини ёлғиз ўтказган. У иҳота қилинган, билимга, чуқур фалсафага эга европалик мутафаккир эди. Аммо Бернайс америкалик. У амалиётни ёқтиради. Унинг ичида нималардир қайнаб чиқарди. У фалсафага умуман қизиқмасди. У бой бўлишни истарди. Бернайс Фрейднинг ғояларини маркетингта татбиқ қилиб, амалиётга жорий этди. У Фрейд орқали ўзидан олдин умуман англаб етилмаган бир нарсани яхши тушуниб олди: агар одамларнинг ишончига кирсангиз, сиз таклиф қилган ҳар қанақа аҳмоқона нарсани ҳам сотиб олаверишади.

Юк машиналари эркаклар учун куч ва ишончлиликни таъминлаш воситаси сифатида сотилади. Пардоз воситалари эса аёллар кўпроқ севилиши ва эътиборни жалб этиши учун тарғиб қилинади. Пиво эса дам олиш ва зиёфатларнинг дикқат-марказида бўлиш воситаси сифатида таклиф этилади.

Буларнинг барчаси маркетинг асослари ҳисобланади. Ва бугунги кунда бунга одатий ҳодиса сифатида ёндашилади. Маркетингни ўрганаётганда билиш керак бўлган устувор жиҳатлардан бири бу мижозларнинг «оғриқли нуқталарини» топиш ва... айнан шу нуқтага мулоҳимлик билан зарба беришдир. Одамларнинг уят ва ишончсизлик тарафларига игна санчинг, сўнг улар томонга ўгирилиб, маҳсулот уятни йўқ қилиши ва ишончсизликни бартараф этишини уқтиринг. Бошқача айтганда, маркетинг – инсоннинг ахлоқий бўшлиғини аниқлаб, сўнг уни тўлдириш усулини таклиф қилишдир.

Бир тарафдан, бу иқтисодий хилма-хиллик ва дунё-

даги бор бойликтининг ҳозирги ҳолатга келишида катта ёрдам берган. Бошқа тарафдан эса, одамларнинг етишмовчилик ҳисларини қўзғашга мўлжалланган маркетинг хабарлари ҳар куни ҳар бир кишига минглаб реклама хабарлари қўринишида тарқалганида, психологияк таъсир ўтказмасдан қолмайди. Бу албатта, яхши оқибатларга олиб келмайди.

Дунёни ҳис-туйғулар бошқаради

Дунё фақат бир нарса устида айланади: ҳис-туйғулар. Айнан шу сабаб одамлар пулларини кўнгилларини шод қиласидиган нарсаларга сарфлашди. Пул бор жойда ҳокимият бўлади. Шундай қилиб, бутун дунёдаги одамларнинг ҳис-туйғуларига қанчалик таъсир қила олсангиз, дунёдаги жамики пул ва мутлақ ҳокимият кўлингизда бўлади.

Пулнинг ўзи ахлоқий бўшлиқларни ёпиш учун зарур бўлган алмашинув шаклидир. Пул маҳсус, универсал мини-эътиқоддир, чунки биз у орқали ҳаётимизни анча яхшилашимиз мумкин. Пул ўзаро келишиб олаёттанимизда қадрияларимизни универсал ҳолга келтиришимизга имкон беради. Сиз денгиз чиганоқлари ва молюскаларини яхши кўрасиз. Мен эса қасамхўр душманларимнинг қони билан ерни сугоришни хуш кўраман. Жангда менга ёрдамлашинг, шунда уйга келганимизда кўнглингиз тусаганича чиганоқ ва молюска ҳадя этаман. Келишдикми?

Шундай қилиб, иқтисодиёт пайдо бўлади. Йўқ, ҳақиқатан ҳам, улар бир гуруҳ ғазабланган қироллар ва императорлар ўзлари қасд қилган душманларини ўлдирмоқчи бўлганлари сабабли бошланди уруш, аммо улар ўз армияларига бунинг эвазига нимадир беришлари лозим эди, шу сабабли, аскарлар учун уйга қайтганиларида ишлатиш шарти билан қарз сифатида (ёки ахлоқий бўшлиқ) пул сарф қила бошладилар.

Табиийки, ўшандан бери кўп нарса ўзгармади. Ўша пайтда дунёни бошқарган ҳиссиётлар ҳозир ҳам бошқармоқда. Ўзгарган ягона нарса бу бир-биримизга

нисбатан нафратимиздир. Технологик тараққиёт ҳис құлувчи иқтисодиёттинг намоён бўлишидир. Масалан, олдин ҳеч ким гапирадиган вафли ўйлаб топишга ҳаракат ҳам қылмаган. Нега? Чунки бу жуда ғалати ва аҳмоқона иш, унинг тўйимсиз эканини айтмасак ҳам бўлади. Бунинг ўрнига технологиялар устида тадқикотлар олиб борилади ва ихтиро қилинади, ҳа, топдингиз, одамлар ўзларини яхши ҳис қилиши учун (ёки ўзларини ёмон ҳис кильмаслиги учун). Шарикли ручка, янада қулай ўриндиқ иситтичлари, ошхона сантехника таъминоти учун яхшироқ мосламалар – ҳаммаси машаққатни енгиллаштирадиган ёки бутунлай йўқ қиласидиган нарсалар устида қурилган. Бу нарсалар инсонларнинг ўзини яхши ҳис қилишларига ёрдам беради. Одамлар ўзларини хотиржам сезади. Пул сарфлашади. Натижада, портлаш содир бўлади, бўтам.

Бозорда қиймат яратишнинг 2 хил йўли мавжуд:

1. Инновациялар (машаққатни камайтириш).

Қиймат яратишнинг биринчи усули - битта машаққатни чираб бўладиган исталган енгилроқ машаққат билан алмаштириш. Бунинг энг ёрқин намуналари тиббий ва фармацевтик инновациялар ҳисобланади. Полиомиелитта қарши вакциналар умр бўйи заифлаштирадиган азоб-машаққат ва ҳаракатсизликни бир неча сониялик итна муолажаси билан алмаштириди. Юрак жарроҳликлари эса... ўлимни операциядан бир-икки ҳафта ўтгач тузалиб кетиш билан алмаштириди.

2. Чалғитиши (оғриқдан ҳалос бўлиш.)

Бозорда қиймат яратишнинг иккинчи усули – одамларга азоб-машаққатлардан кутилишга ёрдам беришdir. Холбуки, машаққатнинг енгиллашуви уларга янада ёқимлироқ машаққат тухфа этади. Чалғиши деганда дам олиш кунидаги соҳил саёҳати, дўстлар билан тун бўйи кўчада санғиши, жуда қизиқ кинони томоша қилиш тушунилади. Ушбу кўнгилхушликларнинг бирортасида ҳам ёмон нарса йўқ, ҳаммамиз ҳам вақти-вақти билан уларга муҳтоҷ бўламиз. Муаммо улар ҳаётимизни бошқаришга киришган ва хоҳиши-иродамизни кул қилиб олган пайт-

ларидан бошланади. Күтпелб күнгилочар нарсалар ми-ядаги маълум механизмларни қўзғатади ва уларни ўзига қарам қилиб қўяди. Қанчалик азобдан қутулишга ҳаракат қилсангиз, азоб шунчалик кучайиб бораверади ва сизни бу ҳақида кўпроқ гапиришга ундейди. Баъзи вакъларда азобнинг кўлами шу даражада катта бўладики, ундан қочиб-қутулишга мажбурсиз. Ўзингизни назорат қилишдан тўхтайсиз – ҳис қилувчи миянгиз ўйловчи миянгизни сандиққа қамаб қўяди ва навбатдаги зарбани қабул қилмагунгача уни бўшатиб юбормайди. Пастга қараб спирал ҳосил бўлади.

Илм-фан инқилоби бошланганида иқтисодий тараққиёт инновацияларга асосланган эди. Ўша пайтдаги аҳолининг аксарият қисми қашшоқликда умр кечирган: ҳамма касал, оч, совуқ қотган ва яшашдан чарчаган эди. Жуда камчилик ўқишни биларди. Жуда кам одам соғлом тишилари билан мақтана оларди. Ҳаётда қизиқ нарсанинг ўзи йўқ эди. Охирги юз йилликлардаги машиналар, шаҳарлар, меҳнат тақсимоти, замонавий медицина, гигиена, вакиллик ҳукумати кабиларнинг ҳаётимизга кириб келиши қашшоқлик ва оғир ҳаёт тарзини анча енгиллаштириди. Вакцина ва дори-дармониар миллиардлаб одамлар ҳаётини сақлаб қолди. Машиналар одамларни ортиқча иш юкламалари ва очликдан қутқарди. Инсон азобларини енгиллаштирган технологик инновацияларни, шубҳасиз, ижобий ўзгариш дея оламиз.

Аммо катта миқдордаги одамлар соғлом ва бой бўлиб кетса, нима содир бўлади? Бу вазиятда иқтисодий тараққиёт инновациядан чалғитиш, кўзбўямачиликка ўзгаради, одамлар азобни енгиллаштириш ўрнига уни йўқотишга ҳаракат қила бошлайди. Бунинг сабабларидан бири – ҳақиқий инновация таваккал ва қийинчиликни бўйинга олишни талаб қиласди ва ҳар доим ҳам керакли натижга келтиравермайди. Тарихдаги жуда кўп муҳим инновацияларнинг эгалари қаровсиз ва қашшоқ ҳолда умр кечиришган. Агар кимдир янги компания очмоқчи ва таваккалга қўл урмоқчи бўлса, чалғитувчи йўллардан

бориши унинг учун хавфсизроқ ҳисобланади. Натижанима бўлади? Технологик «инновация»лар вақтимизни сарфлашнинг янги, янада самарали (ва зерикарли) усулларини излаш билан шуғулланувчи маданият деган тушунча одамлар онгидаги шаклланиб қолди. Венчур-капиталист Питер Тил айтганидек “Учар машиналарда юриши хоҳдаймиз, аммо ўрнига твиттер қабул қилиб оламиз”.

Иқтисодиёт чалғитиш принципи ўтиши билан, маданият ҳам ўзгаришни бошлайди. Қашшоқ мамлакатлар дори-дармон, телефон ва бошқа инновацион технологияларни ривожлантириб, жорий этар экан, аҳоли бошидан кечираётган машаққатлар енгиллашиб, енгилроғига алмашиши билан, фаровонлик кўрсаткичи барқарорлашиб бораверади. Аммо биринчи дунё мамлакатлари даражасига етганидан сўнг фаровонлик даражаси бир жойда тўхтаб қолади ёки пастга тушиб кетади. Шу билан бирга, руҳий хасталиклар, депрессия ва ташвиш кучайиб боради.

Бунинг сабаби шундаки, жамиятни очиш ва унга замонавий инновацияларни жорий этиш одамларни янада мустаҳкам ва антимўрт ҳолатга келтиради. Улар қийинчилкларга дош беришни, самаралироқ ишлашни, яхшироқ мулоқот қилишни ва жамоавий бирдамликни ўрганиб олишади.

Аммо инновациялар ўрнашиб, ҳамманинг шахсий уяли алоқа телефони олишга ва МакДоналдс да Ҳаппий Меал танновул қилишга курби етадиган даражага чиққанида, буюк замонавий чалғитиш бозорга кириб келади. Чалғитувчи воситалар ўзини намоён қилиши билан, психологик мўртлик юзага чиқади ва барчаси издан чиқиб кетади. Реклама асри Бернайс одамларнинг онгиз ҳис-туйғулари ва истаклари орқали маҳсолотга қизиқиши уйғотиш мумкинлигини англаган 20-асрнинг ilk даврларида бошлаган. Бернайс пенциллин ёки юрак жарроҳликлари ҳақида қайғурмади. У сигарет, олди-қочди журналлар ва гўзаллик воситалири каби одамларга унчалик керак бўлмаган нарсалар

билин овора эди. Ундан олдин ҳеч ким одамларни кераксиз нарсаларга беҳуда пул сарфлашга қандай мажбур қилиш кераклигини ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаган.

Маркетингнинг ихтиро қилиниши одамларнинг баҳт кетидан қувиш йўлидаги замонавий олтин васвасасини келтириб чиқарди. Оммавий маданият пайдо бўлди, машҳурлар ва спортчилар керагидан ортиқ машҳурликка эришди. Биринчи марта, дабдабали ва ҳашаматли буюмлар ўрта синф учун ишлаб чиқарилиб, тарғиб қилинди. Одамларга қурайлик яратадиган технологиялар ишлаб чиқариш соҳасида катта портлаш бўлди: микротўлқинли печда иситиладиган тайёр тушлик, фаст-фуд, Ла-З-Бойс қурай мебели, тагига олмайдиган това ва бошқалар.

Ҳаёт шу қадар осон, тезкор, қурай ва қийинчилкларсиз масканга айланниб қолдики, қанақадир юз йил ичида одамлар бир пайтлари 2 ойда бажарган ишларини телефон орқали икки дақиқада бажариб қўядиган даражага етишди.

Реклама асиридаги ҳаёт илгариғидан мураккаброқ бўлса ҳам, бутунги кунгига нисбатан анча содда эди. Катта ва шовқинли ўрта синф ягона маданият доирасида жипслашган эди. Ҳаммамиз бир хил телеканалларни кўрадик, бир хил мусиқа тинглардик, бир хил овқат тановул қиласардик, бир хил диванда дам олардик ва бир хил газета, журнallарни мутолаа қиласардик. Ушбу даврда бизга хавфсизлик ҳиссини тухфа этадиган маълум бир изчилилк, маълум бир хиллик мавжуд эди. Биз бир вақтнинг ўзида ҳам эркин, ҳам бир эътиқодга таянадиган инсонларга айлангандик. Бу жуда қурай эди. Ядро қуроли портлашининг доимий хавфи остида яшаганимизга қарамай, бу даврни мукаммал қилишга интилардик. Ихтимоий ҳамжиҳатлик ҳисси йўқлиги сабабли ҳам бутунги кунда кўп одамлар эски давларни кўмсашади деб ўйлайман.

Сўнгра ҳаётимизга интернет кириб келди.

Албатта, интернет инсоният тарихидаги энг яхши ихтиrolардан биридир. Ким нима дейишидан қатъи назар, у ҳаётимизни тубдан ўзгартирди. Албатта, яхши томонга. Ҳамма муаммо ўзимизда...

Интернетни яратищдан мақсад эзгу бўлган: Силикон водийси ва бошқа ҳар қаердаги ихтирочилар ва технологик мутахассислар рақамли технологиядан катта умидлар қилишган. Улар одамлар ва маълумотлар ўртасида узвий алоқани таъминлаш мақсадида ўнлаб йиллар давомида бош қотиришган. Интернет одамларни эркинлаштиради, цензура ва иерархиялардан халос қиласди ва барчага бир хил маълумотта эга бўлиш ва ўз фикрини эркин баён этиш учун бир хил имконият ва шароит тақдим этади деб ўйлашган. Улар агар ҳамманинг ўз овози бўлса ва ўз фикрларини жуда осон оммага тақдим этиш имконияти пайдо бўлса, ҳаёт янада яхшироқ, эркинроқ масканга айланади деб ишонишган.

1990-2000 йиллар давомида утопик оптимизм анча ривожланди. Ишлаб чиқувчилар битта бармоқ изи орқали олам-олам донишмандликка эга бўладиган юксак билимга эга одамлар дунёни босиб кетади деб тахмин қилишди. Улар буни миллатлар, элатлар ва ҳаёт тарзларидағи улкан ҳамдардлик ва бир-бирини тушуниш имконияти сифатида кўришди. Улар бутун сайёра тинчлик ва фаровонлик йўлида бир ёқадан бош чиқариб, бир тан-у бир жон бўлишини орзу қилишди.

Аммо улар битта нарсани унутишган эди.

Одамлар диний ва шахсий орзу-умидларга жуда чукур киришиб кетганини унутишган эди.

Ахборот орқали дунёни бошқариб бўлмаслигини унутишган эди.

Одамлар ҳақиқатлар ёки фактларга қараб қарор қабул қилишмайди. Улар маълумотларга қараб пулларини сарфлашмайди. Қанақадир устувор фалсафий ҳақиқат сабаб ўзаро алоқага киришишмайди.

Дунёни ҳис-туйғулар бошқаради.

Агар ўртача савиядаги одамга инсоният донишмандлигининг туганмас захирасини топшириб қўйсангиз, онгининг туб-тубидаги эътиқодларига зид бўлган маълумотларни қидириб ўтирумайди. Тўғри, аммо аччик ҳақиқатларни тан олгиси келмайди.

Бунинг ўрнига кўпчилигимиз ҳақиқатдан йироқ, аммо ёқимли нарсаларни излаш билан банд бўламиз.

Сизда янгилик ирқчилик тушунчалари борми? Яхши, сичқончанинг чап тутмасини икки марта босиш орқали бу фикрдан уялмаслик кераклиги ҳақида кўплаб ишончлидек туюладиган далилларга дуч келасиз. Рафиқангиз сизни ташлаб кетди ва шундан сўнг барча аёллар худбин ва ёвуз деган тушунча хаёлингизга келдими? Бундай нотўғри қарашларни исботлаш учун googleда мураккаб вазифаларни бажариш шарт эмас. Болаларингизни ўлдириш учун мактабма-мактаб юришадими? Ишончим комилки, интернетда бу фикрни “исботлайдиган” фитна назариялари тиқилиб ётибди.

Салбий ҳис туйғуларимиз ва нохолис ёндашувларимизни эркин ифодалашга қарши қурашиш ўрнига, стартап ва компаниялар бунга пул тика бошлишди. Шундай қилиб, ҳаётимиздаги энг катта инновация бизни энг кўп чалғитувчи воситага айланди. Натижада, интернет бизга мутлақо кераксиз нарсаларни бераётгани маълум бўлди. Лекин у одамлар хоҳлаган нарсани беряпти. Агар ушбу китобдан инсон психологиясига оид нимадир ўрганган бўлсангиз, у кўринганидан кўра анча хавфли эканини аллақачон пайқагансиз.

Сохта озодлик #Fake Freedom

Супер муваффакиятли бизнесменлар учун ҳозир жуда ғалати давр деб ўйлайман. Бир тарафдан бугун бизнес юритиш ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ. Дунёда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ресурс мавжуд, фойда олиш барча даврлардаги рекордларни бузмоқда, маҳсулдорлик ва ўсиш яхши натижаларга олиб келмоқда. Аммо, шу билан бирга, даромадлар тенгизлиги кенгайиб бормоқда, сиёсий қутблашув барча оиласларнинг жанжал билан якунланишига сабаб бўлмоқда ва коррупция эпидемияси бутун дунёга тарқалаётгандек туюммоқда.

Шундай қилиб, бизнес ҳозирда жадал ривожла-

наёттан бўлса ҳам, баъзида ҳеч қандай сабабсиз жуда ғалати ҳимояланиш воситаси пайдо бўлмоқда. Бу ҳимоя воситасини ким ишлаб чиққанидан қатъи назар, бир хил кўринишда бўлишини пайқадим: “Биз одамларга ўзлари хоҳлаган нарсаларини беряпмиз”.

Нефть компаниялари бўладими, ёлгон реклама берувчиларми ёки шахсий маълумотларингизни ўғирлайдиган facebookми, ҳар қандай компания, бирор каттароқ шов-шувга аралашиши биланоқ, одамларга керакли нарсаларни бераётганини пеш қиласеради: юклаб олишдаги тезкорлик, янада қулай ҳаво айланishi, ёқилғи тежамкорлиги, арzonроқ соч олувчи ускуна – буларнинг қай бири нотўғри?

Ҳаммаси ҳақиқат. Технология одамларга истаган нарсаларига ҳар қачонгидан ҳам тезроқ ва самаралироқ эришишига имкон беради. Ахлоқий нуқсонлари учун қудратли шахсларни маломат қиласар эканмиз, улар бозор талабидан келиб чиқиб иш юритишаётганини унугтиб кўямиз. Улар бизнинг эҳтиёжларимизни қондиришмоқда. Ёвузлик маскани деб ҳисобланган facebook, БПёки бошқа гигант корпорациялардан воз кечсак ҳам, уларнинг ўрнига бошқалари пайдо бўлаверади.

Демак, муаммо сигарет тутатиб, қанча пул топаётганини ҳисоблаб, мағурурлик ила қаҳқаҳа отиб, мушугини силаб ўтирган очкўз амалдорларда эмас.

Эҳтимол, бизнинг ҳам аҳмоқона хоҳишиларимиз бордир?

Масалан, уйлимдаги катта идишда кўплаб мармеладлар бўлишини хоҳлайман. Ёки бўлмаса, ҳеч қачон қайтариб бера олмаслигимга амин бўлсан ҳам, кредитта 8 миллион долларлик ҳовлини сотиб олмоқчиман. Ҳар ҳафта дам олиш кунларида янги оролга учиб бориб, у ерда Вагю стейклари еб ўтириш ҳам доимий орзуларимдан.

Орзуларим ростданам аҳмоқона. Шу сабабли ҳам, ҳис қилувчи миям хоҳишиларим устидан ҳукмронлик ўрнатган. У даҳшатли шимпанзе каби бир стакан текилани ямламасдан ичиб юборади ва стакан ичига шаҳвоний ҳисларини тўкиб-солади.

Шу сабаб мен “одамларга ўзлари истаган нарсани бериш” ахлоқий тарафлама жуда паст иш деб ҳисоблайман. “Одамларга ўзлари истаган нарсани бериш” фақаттина уларга сунъий буйрак ёки машинанинг түсатдан ёниб кетиши олдини олиш каби инновациялар берадёттанингиздаги на самара келтиради. Бунака одамларга хоҳлаганини беришингиз мақбулиш. Аммо фикр-ухаёли кўнгилхушликдан иборат бўлган одамга хоҳлаганини берсангиз, жуда қалтис ўйин ўйнаган бўласиз. Биринчидан, кўпчилик жуда даҳшатли ишларни амалга оширишни хоҳлади. Иккинчидан, кўпчилик ўзлари аслида истамаган нарсаларга ишониб кетиши мумкин. (Бернаис стратегиясини эсланг.) Учинчидан, инсонларни кўнгилхушлик эвазига азобдан қутулишга чорлаш уларни нозиклаштириб, мўртлаштириб ташлайди. Тўртингчидан, сизнинг Скайнэт рекламангиз қаерга борсам мени таъқиб қилишини ва маълумот қидиришим учун миямни эговлашини асло истамайман. Тингланг, мен бир мартағина хотиним билан Перуга саёҳат ҳақида гаплашган бўлсам, бу келаси олти ҳафта давомида телефонимни Мачу-Пичу расмлари билан тўлдириб ташлаш керак дегани эмас. Жиддий равишда айтаман, менинг шахсий сұхбатларимни тинглаб, мен ҳақимдаги маълумотларни ҳаммага ва исталган одамга катта пул эвазига сотишни бас қилинглар!

Хўш, мен нима ҳақида гапиряпман?

Ҳайратланарлиси, Бернаис буларнинг ҳаммасини содир бўлишини кўра олганди. Ёлғон рекламалар, махфийликка таҳдид, онгсиз истеъмол туфайли кўп сонли аҳолини итоаткор оломонга айлантириш – ийгитча шунчаки даҳо эди. Фақаттинга у бундан тўла қониқарди, шу сабаб уни ёвуз даҳо эди десак бўлади.

Унинг сиёсий қарашлари жуда кўрқинчли эди. У мен “Парҳезли фашизм” деб атайдиган эътиқодга содик эди: худди шундай золим ва авторитар ҳукумат, аммо кераксиз геноцид калорияларисиз. Бернаис оммани кўрқинчли ҳисоблаб, у доимо бақувват марказлашган давлат томонидан бошқарилиши керак деган фикрда

бўлган. У, шунингдек, қонхўр тоталитар режимлар мұкаммал эмаслигини тан олган. У яраттан маркетинг илми ҳукуматларга ўз фуқароларини ўнг, чап, марказга ажратмасдан ва уларни қийноққа солмасдан бошқариш ва тинч ушлаб туриш йўлларини таклиф қилган.

(Йигитча, эҳтимол, сиёсий партиялар учун ҳам муҳим концепсия яратиб кетгандир.)

Бернайс кўпчиликка эркинлик беришни бир тарафдан имконсиз, иккинчи тарафдан хавфли деб ҳисоблаган. Амакиси Фрейднинг ёзғанларидан яхши хабардор бўлган йигитча жамият учун ҳис қилиувчи милярнинг ўзини намойиш этишидан бўлак ёмонроқ нарса йўқлигини яхши биларди. Жамиятлар буйруқ, иерархия ва авторитар тизимларга муҳтож эди, озодлик эса улар учун мутлақо бегона тушунча эди. У маркетингни одамларга эркинлик тухфа этадиган ақл бовар қилмас восита сифатида кўрди, масалан, у ёрдамида одамлар дидларига қараб ўzlарига ёқсан тиш пастасини сотиб олиш имкониятини қўлга киритишар эди.

Яхшиямки, Farb ҳукуматлари (аксарияти) реклама компаниялари орқали ўз ҳалқини тўғридан-тўғри манипуляция қилишга чуқур шўнгигб кетишимаган. Бунинг ўрнига улар тескарисини қилишган. Корпоратив дунё одамларга хоҳлаган нарсаларини беришда шунчалик яхши эдикӣ, улар босқичма-босқич кўпроқ сиёсий куч-кувватта эришиб бораверардилар. Қоидалар бузилди. Бюрократик назоратбарҳам топди. Хавфсизлик йўқолди. Пул сиёсатда ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ воситага айланди. Хўш, буларнинг барчаси нега содир бўлди? Бугунга келиб сиз буни билишингиз керак: улар шунчаки одамларга ўzlари хоҳлаган нарсаларини беришди.

Аммо, жин урсин, сал реалистик фикрласак, “Одамларга ўzlари истаган нарсаларини бериш соҳта озодликдан (#Fake Freedom) ўзга нарса эмас, чунки кўпчилигимиз чалғитувчи воситаларни кўпроқ хоҳлаймиз. Ҳамма жойни кўнгилхушлик босиб кетганида, қанақадир оқибатлар бўлиши тайин.

Биринчидан, биз тобора заифлашиб боряпмиз. Дунё эса тобора камайиб бораётган қадриятларимизга мослашиб бораверади. Биз қурайлик ва күнгилхушлик билан ўралашиб қолғанмиз. Бу күнгилхушлиқдан айрилиб қолиш биз учун бутун дунё бойлигини йўқотиш ва коинот даражасидагиadolatsizlik бўлиб туюляпти. Концептуал дунёмизнинг йўқолишини озодлик эмас, балки қарамлик деб ҳисоблайман.

Иккинчидан, унчалик аҳамият касб этмайдиган хатти-ҳаракатларга мойил бўлиб боряпмиз: бўлар-бўлмасга телефон, электрон почта, инстаграмни текшириш; ўзимизга ёқмаган нефтикс сериалларини тугатиш; ўзимиз ўқимаган узун матнларни бошқаларга улашиш; ўзимиз ёқтирамайдиган базм ва зиёфатлар учун таклифларга розилик бериш; ўзимиз хоҳлаганимиз учун эмас, балки бошқаларга ҳикоя қилиб бериш учун саёҳатларга чиқиш. Кўп нарсаларни бошдан кечиришга қаратилган компулсив хатти-ҳаракатлар озодлик эмас, балки қарамлиkdir.

Учинчидан, шахсиятни аниқлаш, сабр қилиш ва салбий ҳиссиётларни излашнинг ўзи бир чекловдир. Ҳаётингизда ғам-қайғу бўлмасдан, кунингизни жононлар қучоғида ўтказганингиздагина ўзингизни баҳтили ҳис қилиб, ҳаётингиздан қониқсангиз, нима бўлади? Бу вазиятда сиз эркин ҳисобланмайсиз. Сиз буткул қарамсиз. Ўзингизнинг эҳтиросларингизга қулсиз, бетоқатлигингиз томонидан асир олингансиз, ҳиссий заифлигингиз томонидан майибга айлантирилгансиз, деб бемалол айтишимиз мумкин. Келиш-келмаслиги номаълум бўлган қанақадир ташки қурайлик ва тасдиқлаш манбаларига эҳтиёж сезасиз.

Тўргинчидан, қийин танлов юзага келади: Бизга қанча танлов берилса (яъни кўпроқ озодлик берилса), қайси танловни танлашимиздан қатъи назар, камроқ қониқиши ҳиссига эга бўламиз. Агар Жейн 2 кути, Майк эса 20 кути донни танлашига тўғри келса, бу Майк Жейнга қараганда кўпроқ эркинликка эга дея олмай-

миз. Унда шунчаки хилма-хиллик мавжуд. Иккаласи-нинг ўртасида фарқ бор. Хилма-хиллик бу ҳали эркинлик дегани эмас. Хилма-хиллик бир турдаги маъносиз нарсаларнинг турлича шакл ва ўлчамларда намоён бўлишидири. Бунинг ўрнига фашистларнинг кийими-ни кийиб олган Майк Жейннинг пешонасига тўппонча тираб, тоза Бавария шевасида “Энг ёмон донни ол”, деб ўшқирса ўшанда Жейн Майқдан қараганда камроқ эркинликка эга деб айтишимиз мумкин бўлади. Аммо агар бу иш содир бўлса, мени уйғотиб юборинглар.

Айнан шунинг учун инсон онги эркинликни қабул қилиши жуда қийин. Хилма-хиллик бизни эркинроқ қилмайди, балки тўғри танловни амалга оширидикми ёки нотўғри танловними, деган иккиланиш бизни хавотирга солади. Биз учун мақсад хилма-хиллик эмас, балки мақсадга эришиш воситаси сифатида кўришимиз лозим бўлади. У бизни чексиз умид айланасига янада боғлиқ қилиб кўяди.

Агар баҳт кетидан қувиш бизни болаларча инжиқлиқ сари тортса, сохта эркинлик у ерда кўпроқ ушлаб туради. Чунки эркинлик кўпроқ дон маҳсулотларининг мавжудлиги, соҳилдаги таътилда ҳар хил усулда селфи тушиш, уйқусираб кўриладиган сунъий йўлдош телеканаллари дегани эмас.

Тўғри, буларнинг ҳаммаси хилма-хиллик. Аммо вакуум ичидаги хилма-хиллик маъносиз бўлади. Агар ишончизилик сабаб хавф-хатарга йўлиқсангиз, шубҳага мойил бўлсангиз, муросасизлик билан бўғилиб қолсангиз, сиз дунёдаги барча хилма-хилликларга эга бўласиз. Аммо шунда ҳам озод бўлмайсиз.

Ҳақиқий эркинлик

Эркинликнинг ҳақиқий кўриниши, унинг ягона шакли – ўз-ўзини чеклаштири. Ҳаётда ўзи хоҳлаган нарсани танлаган одам эмас, балки нимадандир воз кечада олган одам кўпроқ эркин ҳисобланади.

Бу эркинликнинг энг яхши туридир. Кўнгилхушликлар бутун бор, эртага йўқ. Лаззат абадий давом этмайди.

Хилма-хиллик маъносини йўқотади. Аммо ҳар доим ни-
мани курбон қилишингиз кераклигини, нимадан воз кечи-
шингиз лозимлигини танлаш имкониятига эга бўласиз.

Кўп нарсадан воз кечишнинг бу тури ҳаётдаги ҳақиқий
эркинликни, кенгайтирадиган ягона нарсадир. Мунтазам
жисмоний машқларни бажаришдаги оғриқлар сизнинг
жисмоний эркинлигингизни – кучингиз, ҳаракатчан-
лигингиз, чидамлилигингиз ва бардошлилигингизни
оширади. Иш этикасидаги қурбонликларингиз сизга
янада яхшироқ иш имкониятлари кетидан қувишига, ка-
рьерангиз йўналишини ўзингиз истагандек белгилашта;
кўпроқ пул топиб, шу орқали фаровон ҳаёт қуришингизга
имкон беради. Можаролар юз берганида бошқаларга
ишонч билан мурожаат қилишга тайёрлик ҳар ким-
га торгинмасдан гапира олишга, қадриятларингиз ва
эътиқодларингиз билан ўртоқлашишга, улар сизнинг
ҳаётингизга ва сиз уларнинг ҳаётига нима бера олишин-
гизни билишга имкон беради.

Ўзингизга қўядиган чекловларингизни белгилаб олиб,
ҳозироқ, қисман эркин шахста айланишингиз мумкин.
Сиз бемалол ҳар куни эртароқ туришингиз, чоштоҳча
почтангизни блоклашингиз, телефонингиздан ижтимоий
тармоқларнинг иловаларини ўчириб ташлашингиз мум-
кин. Бу чекловлар вақтингизни тежаши, дикқатингизни
бир жойга жамлаб, танлов имкониятингизни ошириши
сабабли сизни эркинроқ инсонга айлантиради. Улар онгин-
гизга восита эмас, мақсад сифатида қарайди.

Агар спорт залига боришига жаҳд қилсангиз, у ер-
даги ечиниш хонасини ижарага олинг ва ишга кий-
иб борадиган кийимларингизни у ерда қолдиринг.
Шунда ҳар куни эрталаб у ерга боришингизга тўғри
келади. Ҳафтада икки ёки уч ижтимоий тадбир билан
ўзингизни чекланг, шунда энг яқин инсонларингиз би-
лан вақт ўтказишга “мажбур” бўласиз. Яқин дўстингиз
ёки оила аъзоларингиздан бирига З минг долларлик
чек ёзиб беринг ва энди ҳар битта чеккан сигаретингиз
учун унга пул тўлаб боришингизни уқтиринг.

Охир-оқибат, ҳаётиңгиздаги әнг мазмунли әркинлик мажбуриятларингиздан, қурбон беришга қарор қилган ишларингиз ортидан пайдо бўлади. Рафиқам билан орамизда шунчалик ҳиссий әркинлик мавжудки, кунига минглаб аёллар билан учрашсам ҳам, уларга ёмон кўз билан қарай олмайман. Йигирма йил гитара чалганим ортидан шунчалик чуқур бадиий ифода пайдо бўлганки, минглаб қўшиқларни эслаб қолган бўлсан ҳам, уларни ижро эта олмайман.

50 йил яшаган уйимда шунчалик ўзимни әркин ҳис қиласманки, бошқа жамият ва маданиятлар билан яқиндан танишган бўлсан ҳам, дунёнинг аксарият қисмида бўлсан ҳам, бошқа жойда ўзимни шунчалик әркин ҳис эта олмайман.

Мажбурият қанчалик кучли бўлса, муносабатлар ҳам шунчалик кучли бўлади. Агар мажбурият бўлмаса, ҳаммаси юзакига айланади.

Сўнгти 10 йил ичида “лайф-ҳак” деган тушунча тренди айланди. Одамлар бир ой ичида тил ўрганишни, бир ой ичида 15 та мамлакатта саёҳат қилишни, бир ҳафтада жанг санъати бўйича чемпион бўлишни хоҳлаб қолишибди ва буларга эришиш “усул”ларини ўзларича ўйлаб топдилар. Уларни шу кунларда youtube каналида ва бошқа ижтимоий тармоқларда учратишингиз мумкин: одамлар бажаришнинг имкони борлигини исботлаш мақсадида кулгили хатти-ҳаракатларни амалга оширмоқда, “лайф-ҳак”лар орқали ҳеч нима қилмай туриб, нимагадир эришиш мумкинлигини исботлашмоқчи бўлишмоқда. Бу ҳам сохта әркинликнинг аянчли кўриниши. Бу рухият учун пуч ёндоқдек гап.

Яқинда бир ойда “гроссмейстер” бўла олишини исботлашга уриниб, шахмат дастуридаги ҳаракатларни ёдлаган йигит ҳакида ўқиб қолдим. У шахмат ҳакида ҳеч нарса ўрганмаган, стратегиялар билан танишмаган, услуб ишлаб чиқмаган, тактикаларни ўрганиб чиқмаган. Йўқ, у бунга худди кўп миқдордаги уйга вазифасини тайёрлаётгандек ёндашган: ҳаракатларни ёдлаб олади, би-

рорта донғи чиққан ўйинчи устидан ғалаба қозонади ва ўзининг зўр ўйинчи эканини эълон қиласди.

Бу ҳеч қанақасига ғалаба эмас. Бу шунчаки ғалабанинг алдоқчи кўриниши. Бу мажбуриятсиз, қурбонликларсиз мажбурият ва қурбонликнинг намоён бўлиши. Асли ичи бўш бўлса ҳам, мазмуннинг сохта кўриниши.

Сохта эркинлик бизни югуриш йўлакчасига қўйиб, янада тезроқ югуришга ундаиди, ҳолбуки, ҳақиқий эркинлик кўрпага қараб оёқ узатишимиzioni ўргатиши керак.

Сохта эркинлик қарамлик келтириб чиқаради: сизда қанча кўп нарса бўлса ҳам, нимадир камдек туюлаверади. Ҳақиқий эркинлик эса такрорлашни, олдиндан тахмин қилишни хуш кўради, баъзида бу зерикарли тус олиши мумкин.

Сохта эркинлика даромад камайиб боради: у бир хил лаззат ва мазмунга эга бўлиш учун кўпроқ ва янада кўпроқ куч талаб этаверади. Ҳақиқий эркинлика даромад ошади: у бир хил лаззат ва мазмунга имкон қадар камроқ куч сарф этишини кўллаб-кувватлади.

Сохта эркинлик дунёни ғолиблик ҳисси ҳадя қила-диган чексиз битим ва савдолар занжирни деб ҳисоблайди. Ҳақиқий эркинлик эса дунёни борича қабул қилиш ва хоҳиш-истаклар устидан ғалаба қозонишда намоён бўлади.

Сохта эркинлик дунёning хоҳишларингизга мос бўлишини талаб қиласди. Ҳақиқий эркинлик эса дунёдан ҳеч нарса талаб қилмайди. У фақатгина иродангизга муҳтожлик сезади.

Охир-оқибат, хилма-хиллик ва сохта эркинлик ҳақиқий эркинликинги англаш, уни ҳис қилиш қобилиятини чеклаб қўяди. Бизда қанчалик танлов, хилма-хиллик кўп бўлса, шунчалик бошимиз кўп қотади, бошимизни чангallab қоламиз ва дикқат-эътиборимиз сусаяди. Бутун бошли маданиятилизнинг оғриқли томони мана шунда.

2000 йил Гарвард университетининг сиёсатшуноси Роберт Путнам “Ёлғиз боулинг ўйнаш: Америка жамияти қулаши ва қайта тикланиши” деб номланган илмий асарини нашр эттирди. Бу асарда у Америка

сиёсатида фуқароларнинг иштироки камайиб бораётганини, одамлар гуруҳларга қўшилмасдан, ёлғиз ҳолда фаолият юритаётганини баён қилган. Шу сабабли асарнинг муқаддимасида: “Одамлар бугун ҳар қачонгида кўп боулинг ўйнашмоқда, аммо боулинг лигалари аста-секин йўқолиб бормоқда. Одамлар боулингни ёлғиз ўйнашмоқда”, деган сатрлар ўрин олган. Путнам Америка ҳақида ёзган бўлса ҳам, ундаги гаплар фақат америкаликлар ҳаётини ЭКС эттиргмаган. Китоб боблари бўйлаб сайр қилар эканмиз, ёлғизлик фақатгина дам олиш гуруҳлари билан чекланмаслигини, балки касаба уюшмаларидан тортиб, ота-оналар ва ўқитувчилар ассоциациясигача, ротари клубларидан тортиб, черковларгача – ҳамма-ҳаммага таъсир ўтказишини билиб оламиз. Муаллифнинг фикрига кўра, жамиятдаги ҳамжиҳатликнинг йўқолиши оғир оқибатларга олиб келади: ижтимоий ишонч пасайиб кетади, одамлар бир-биридан узоқлашиб бораверади, сиёсий мақсадларда бирлашмай қўйишади, паришонхотир инсонлар сони кўпаяди.

Ёлғизлик ҳам ўсиб бораётган муаммо. Ўтган йили, тарихда илк маротаба америкаликларнинг кўпчилиги ёлғиз яшашларини айтиб берди ва илмий тадқиқотлар “кўпчилик оз бўлса ҳам, мавжуд бўлган ҳақиқий муносабатлардан қочиб, сохта ва вақтингчалик муносабатларга ишониб кетмоқда”.

Путнамнинг сўзларига кўра, жамиятнинг бириктирувчи тўқималари ортиқча кўнгилхушлик ва чалғитиш эвазига емирилмоқда. Унинг келтиришича, одамлар маҳаллий ташкилот ёки гуруҳларга қўшилмасдан, уйда қолиб, телевизор томоша қилишни, интернетда санғиши, видео ўйинлар ўйнашни танлашмоқда. У вазият янада ёмонлашувнини тахмин қилган.

Тарихга назар солсак, дунёдаги барча мазлумларнинг сохта эркинлиги йўқлигига, хилма-хиллик деярли мавжуд эмаслигини кўрамиз ва бундан биз гарбликлар хурсанд ҳам бўламиз. Шимолий Кореядаги одамлар хабарларни

ўқий олмайди, ўзлари хоҳлаган кийимни сотиб ололмайди, ўзлари хоҳлаган мусиқани тинглай олмайди. Аммо айнан шу сабаблар туфайли Корея ҳалқини эркин эмас дея олмаймиз. Улар ўзлари истаган нарсани танлай олишмагани учун эмас, балки азобланиш учун танлов қилиш ҳукуқидан маҳрум қолғанылари сабабли эркин эмаслар. Улар ўзларига чеклов ўрнатишлари мумкин эмас. Улар ўзлари хоҳламаган ёки арзимаган нарсаларни қурбон қилишади. Бу вазиятда хурсандчилликнинг аҳамияти йўқ – хурсандчилликнинг мавжуд эмаслиги бу шунчаки ҳақиқий зулмнинг ён таъсири: мажбурий азоб-уқубатлар.

Чунки, ҳозирги кунда дунёning аксарият қисмидаги одамлар ўз кўнгилхушликларини ўзлари танлаш ҳукуқига эга. Улар нима ўқиши, қайси ўйинни ўйнаш, қанақа кийимни кийиш ҳукуқига эга. Замонавий дунёда хилма-хиллик ҳамма ерда бор. Аммо ҳозирги янги даврда одамларни кўнгилхушлик ва чекловлардан маҳрум этиб диктатура ўрнатилмайди. Бугун зулм ва диктатура инсонларга хилма-хиллик таклиф этиб, чексиз ахборот бериб, бемаъни бачканаликларни ўргатишдан иборат бўймоқда, шунинг учун инсонлар ақлли мажбуриятларни бажара олиш қобилиятидан маҳрум қолишмоқда. Бу борадаги Бернайснинг тахмини у кутганидан бир-икки авлод ўтиб ўзини оқлади. Унинг глобал ташвиқот кампаниялари борасидаги тасавурлари, ҳукуматлар ва компанияларнинг одамлар хоҳиш-истакларига қандай таъсири қилиш борасидаги тушунчаларини ҳаётта татбиқ қилиш учун интернет керак бўлди.

Аммо унга катта баҳо бериб юбормайлик. У шунчаки бир сохта қаҳрамон, холос.

Бундан ташқари, буларнинг ҳаммасини содир бўлишини Бернайсдан олдин кўра олган, сохта эркинликнинг даҳшатли оқибатларини олдиндан ҳис қилган, кўнгилхушликларнинг кўлами тобора кенгайиб, инсон қадриятлари тобора камайиб кетаётганидан, ҳаддан ошиқ кўнгилхушлик инсонларни худбин, инжик, тоқатсизга айлантиришидан ташвиши-

га тушган инсон бор эди. У бу масалада телевизион шоуларда чиқадиганлардан, TED¹¹ анжуманларида қатнашадиганлардан, сиёсий платформаларда иштирок этадиганилардан кўра ақллироқ, таъсирироқ эди.

Афлотуннинг башорати

Инглиз файласуфи ва математиги Алфред Норт Уайтхед бир пайтлар барча ғарб файласуфларини Афлотуннинг этагидан тушган деб изоҳ берган эди. Сиз ўйлашингиз мумкин бўлган ҳар қайси мавзу – романтик севгининг табиатидан тортиб, дунёда ҳақиқат тушунчасининг бор-йўқлигигача, Афлотун назаридан четда қолмаган. У биринчи бўлиб ўйловчи ва ҳис қилиувчи миялар ўртасида кескин фарқ борлиги ҳақида фикр юритган. У биринчи маротаба феъл-автор хошигистакка эрк бериш орқали эмас, балки ҳаёт неъматларидан воз кечиш орқали шакланади, деган ғояни илгари сурган. У шу қадар даҳо эдикӣ, ғоя сўзининг ўзи ҳам унинг топилмаси эди – шу сабаб у ғоянинг ғоясини ўйлаб топган, деб bemalol айтишимиз мумкин.

Қизиқарли томони шундаки, Ғарб цивилизациясининг чўқинтирган отаси бўлишига қарамай, Афлотун демократияни бошқарувнинг энг яхши шакли деб ҳисобламаган. Балки уни бекарорликда айبلاغан. Демократия орқали инсон ўзининг энг ёмон ҳусусиятларини намоён қилиши, у бутун бошли жамиятни зулм томон бошлиши мумкинлигини қайд этган. “Ҳаддан ошиқ эркинлик ҳаддан ошиқ қулликка етаклайди”, деб ёзганди.

Демократия инсонлар хошиш-иродасини акс эттиради. Биз биламизки, инсон доимо азобдан қочиб, баҳт томон ҳаракатланади. Муаммо инсон баҳтга эришганида юзага келади: инсон ҳеч қачон баҳтидан қониқмайди. Кўк нуқта эфекти сабабли, одам ўзини ҳеч қачон бутунлай хавфсиз сезмайди, қониқиши

¹¹ TED инглизча *Technology, Entertainment, Design* сўзларининг қисқартмаси бўлиб, технология, кўнгилхушлик, дизайн деган маънони англатади. – Муҳаррип.

хиссини түймайды. Фаровонлик ошгани сайин орзуистаклар күлами ҳам ошиб бораверади.

Охир-оқибат, хукуматлар халқ хохиш-истагини қондира олмайды. Агар бу содир бўлса, нима бўлишини тахмин қилиш қийин эмас:

Одамлар хукуматнинг ўзини айблай бошлашади.

Афлотуннинг сўзларига кўра, демократия муқаррар равишда ахлоқий таназзул сари етаклайди, чунки инсонлар соҳта эркинлик томон интилар экан, қадриятлари торайиб, худбинлашиб, бачканалашиб бораверади, натижада, одамлар демократиядан чекинишига тушади. Болаларча қадриятлар устунлик қилиши билан, одамлар ҳокимият талашишни, бошқа гурӯҳ ва эътиқод вакиллари билан келишиб яшашни, тўла эркинлик ва фаровонликка эришиш йўлида азобланишни хоҳламай қўйишади. Бунинг ўрнига улар ҳамма нарсани битта етакчи амалга оширишини хоҳлашади. Бир сўз билан айтганда улар диктаторни тарбиялашади.

Америкада бир ажойиб мақол бор: “Эркинлик – текинга келмайди”. Бу мақол мамлакат қадриятларини ҳимоя қилиш йўлида кураш ва ҳарбий харакатлар амалга оширилаётганда қўлланилади. Бу одамларга “Буларнинг бари ўз-ўзидан бўлган эмас – бу ерда ўтириб, капучинони симириб, хоҳлаган гапимизни эркин гапириб ўтиришимиз учун минглаб одамларим қурбон бўлган”, деган ғояни сингдиришдир. Бу орқали асосий инсон ҳуқуқлари (сўз, виждон, матбуот эркинлиги) ташқи кучларга қарши берилган қурбонлар эвазига қўлга киритилган, деган тушунча шакллантирилади.

Аммо одамлар буларнинг бари баъзи ички кучларга қарши қурбонлар бериш орқасида эришилади, деган фикрни унугиб қўйишади. Демократия фақатгина сизнинг қарашларингизга қарши бўлган фикр-мулоҳазаларга тоқатли бўлганингизда, хавфсиз ва соғлом жамият йўлида ўзингиз истаган баъзи нарса-

лардан воз кече олганингизда, ишлар сиз хоҳлагандек кетмаётган бўлса ҳам, буни қабул қилиб, йўлингизда давом этганингиздагина юзага келади.

Бошқача айтганда, демократияга эришиш учун фуқаролардан етук феъл-автор талаб қилинади.

Сўнгти йилларда одамлар асосий ҳукуқларини ноқулайлик ҳис қилимаслик масаласи билан чалкаштириб юборгандек туюлади. Инсонлар ўзларини намоён қилиш учун эркинлик хоҳлашади, лекин бошқаларни хафа қилиши мумкин бўлган қарашларни илгари суришни исташмайди. Одамлар эркин тадбиркорлик мухитини хоҳлашади, аммо бу мухитни ушлаб туришнинг қонуний меҳанизми бўлган солиқ тўлашдан қочишга интилишади. Одамлар тенглик хоҳлашади, аммо бунга эришиш учун одамлар бир хилда завқланиши эмас, балки бир хилда азоб чекиши кераклигини тан олишмайди.

Эркинлик ноқулайликни талаб қиласди. Эркинлик қониқмасликни талаб қиласди. Чунки жамият қанчалик эркинлашса, одамлар ўз қарашларига зид бўлган қарашлар, турмуш тарзи ва ғоялар билан муроса қилишга ва ҳисоблашишга мажбур бўлишади. Азоб-машаққатларга қарши бардошимиз қанчалик кам бўлса, сохта эркинлик кетидан қуваверамиз, натижада, эркин, демократик жамиятнинг ишлаши учун зарур бўлган фазилатларни сақлаб қолиш имконияти пасайиб бораверади.

Бу ҳол жуда кўрқинчли. Чунки, демократиясиз ҳолимиз хароб бўларди. Ростини айтяпман, демократик вакиллар бўлмагандек ҳаётимиз ҳар тарафлама ёмонлашиб кетарди. Бу демократиянинг буюклигидан эмас. Шунчаки, ҳозиргача демократиядан яхшироқ ва заарарсизроқ бошқарув шакли ўйлаб топилмаган¹². Черчилл айтганидек: “Демократия, бошқа бошқарув шаклларини инобатга олмагандек, инсоният ўйлаб топган энг ёмон бошқарув шакли”.

¹² Албатта, муаллифнинг фикрига қўшилмасликка ўқувчиадаримизнинг тўла ҳақлари бор. – Мухаррир.

Дунёда цивилизация вужудга келгани ва шляпаси ёки терисининг ранги сабаб одамлар бир-бирини камситишни тўхтатганининг асосий сабаби – замонавий ижтимоий институтлар умиднинг вайронкор кучига қарши курашганида намоён бўлади. Демократия – бошқа эътиқодлар билан уйғуналиқда, аҳил-иноқ яшай оладиган кам сонли эътиқодлардан биридир. Аммо ушбу ижтимоий институтлар ҳис қилувчи миянинг эҳтиёжини қондириш билан овора бўлиб қолганида, одамлар демократик тизим ўзини ўзи тузатишга қодир эканига ишонмай қўйганларида, яна эътиқодлар жангги бошланиши муқаррар. Технологик инновацияларнинг юқори тезлиқда ривожланиши билан, эътиқод курашларининг ҳар қандай тури тобора кўпроқ вайронагарчиликларга олиб келиши, кўпилаб инсонларнинг ҳаётини барбод қилиб юбориши эҳтимоли катта.

Афлотуннинг таъкидлашича, жамият ҳаёти айланага ўхшайди: эркинлик ва зулм, тенглик ва тенгсизлик доимо ўз ўринларини алмаштириб туради. Сўнгти икки ярим минг йиллик тарих бу фикрнинг мутлақ ҳақиқат эмаслигини кўрсатди. Аммо ўтмишга назар солсак, сиёсий можароларнинг кўпчилиги бир хил қолипда содир бўлган – икки хил эътиқод доимо ўзаро кураш олиб борган: хўжайин ахлоқининг радикал тенглиги, золим етакчиларнинг пайдо бўлишига қарши демократик институтларнинг тарқалиши, болаларча экстремизмга қарши вояга етганик фазилатлари кураши.

Асрлар давомида “изм”лар ўзгарса ҳам, бу ҳаракатларнинг барчасининг орқасида бир хил инсоний умидлар ётади. Гарчи ҳар бир юзага келган янги эътиқод бутун инсониятни битта байроқ остида бирлаштиришни ва бош ҳарф билан ёзиладиган энг сўнгти «Ҳақиқат»га эга эканини даъво қиласа ҳам, ҳозиргача уларнинг барчаси бир томонлама ва бир қанча нуқсонларга эга.

9-БОБ. СҮНГИ ЭҮТИҚОД

1997 йилда, IBM томонидан ишлаб чиқылган суперкомпьютер Deep Blue дунёning энг яхши шаҳматчиси Гарри Каспаровни мағлуб этди. Бу ҳисоблаш машиналари тарихидаги инқилоб сифатида кўрилиб, одамларнинг технология, заковат ва инсоният тўғрисидаги тушунчаларини ҳайратда қолдирив, ларзага келтирган ҳодиса сифатида тарих саҳифаларидан жой олди. Аммо бугунга келиб, бу шунчаки оддийгина ажойиб воқеадан бошқа нарса эмас: Ҳа, компьютер шаҳмат бўйича жаҳон чемпионини мағлуб этди. Аммо нега тескариси бўлмади?

Ҳисоблаш машиналари ибтидосидан бери, шаҳмат сунъий интеллектни синааб кўришнинг энг оммабоп воситаси бўлиб келмоқда. Бунинг сабаби – шаҳматда чексиз бурилишларни амалга ошириш мумкин. Бутун коинотдаги атомлардан ҳам кўра кўпроқ шаҳмат юришларини амалга ошириш мумкин. Ҳар бир юришида 3 ёки 4 томонга ҳаракатни амалга ошириш имкони бўлса, умумий олиб қараганда, миллионлаб имкониятларни ҳосил қилиш мумкин.

Инсон билан шаҳмат ўйнайдиган компьютер нафақат мавжуд оқибатларни ҳисоблаш имкониятига, балки оқилона ҳисоблаши учун имкон берадиган зарур алгоритмларга ҳам эга бўлиши керак эди. Бошқача айтганда, инсонни мағлуб этиш учун компьютернинг ўйловчи мияси инсондан бир неча баробар устун бўлса ҳам, шаҳмат тахтасида кўпроқ ва камроқ муҳим позицияларни аниқлаш имкониятига эга бўлиш учун маҳсус дастурлаштирилган бўлиши керак, яъни компью-

терда ҳис қилувчи миянинг кучи дастурлаштирилган бўлиши керак.

1997 йилнинг ўша кунидан бошлаб, компьютерлар шаҳматни борган сари яхшироқ ўйнай бошлидилар. Сўнгти 15 йилдан бери дунё тан олган шаҳматчилар компьютерга ютқазиб қўйиб, анча уятли ҳолатларга тушиб қолишишмоқда.

Каспаров яқинда қўпчилик смартфонлардаги шаҳмат иловалари Дееп Блуедан кўра яхшироқ ўйнай олади дея ҳазиллашди. Шу кунларда шаҳмат дастурлари ишлаб чиқувчилар кимнинг алгоритми кучлироқ эканини аниқлаш мақсадида турли мусобақалар ўтказиб келишишмоқда. Одамларга бу мусобақаларга иштирок этишга рухсат йўқ, сабаби улар барибир кўзланган мақсадларига етиша олишмайди.

Сўнгти йилларда шаҳмат дастурлари орасидаги мусобақаларда энг кўп ғолибликни қўлга киритган илова Стокфиш деб номланган очик манбали дастур ҳисобланади. Stockfish 2014 йилдан бери ўтказилган деярли барча мусобақаларда ғолибликни, ҳеч бўлмаганда, 2-ўринни қўлга киритиб келмоқда. Бир неча кучли шаҳмат дастурчилари томонидан ишлаб чиқилган stockfish ҳозирда шаҳмат мантигининг чўққисини кўрсатиб бермоқда. У шунчаки шаҳмат ўйнамайди, балки ҳар қанақа ўйинни, ҳар бир юришини, ҳар бир жойлашувни чукур мушоҳада қиласи, рақибининг ҳар бир ҳаракатини гроссмейстерларга ўхшаб шарҳлаб бера олади.

2018 йили google кўриниш беришидан олдин, stockfish компьютерлаштирилган шаҳматнинг чўққисида баҳтиёrona ва ғолибона юришларини давом эттириди.

Аммо кейин ғалати ишлар содир бўла бошлиди.

Google AlphaZero деб номлаган дастурни ишлаб чиқди. У шаҳматга ихтисослаштирилмага, балки сунъий интеллеккт эди. У шаҳмат ёки бошқа ўйинни ўйнаш учун дастурлаштирилмаган. У ўрганишга мўлжалланган эди.

2018 йилнинг бошларида Стоскфиш googlening Alphazeroси билан рақобатлашди. Маълумотларга кўра, бу одил кураш эмасди. Alphazero бир сонияда 80 минг хил вазиятни ҳисоблай оларди, stockfish эса 70 миллион. Ҳисоблаш қуввати нуқтаи назаридан бу худди Формула-1 пойга машинасига қарши спринтерларнинг рақобатига ўхшарди.

Воқеалар янада жонлана бошлади. Ўйин куни Alphazero ҳатто шаҳмат ўйнашни билмасди ҳам. Ҳа, бу ҳақиқат эди – дунёнинг энг яхши шаҳмат дастурига қарши ўйнашдан олдин, Alphazeroда шаҳматни бошидан ўрганиш учун бир кундан камроқ вақт мавжуд эди. Куннинг аксарият қисмида дастур шунчаки оддий машқларни бажарди. У синааб кўриш ва хатоларни таҳлил қилиш орқали ўйинга танланган стратегияни ишлаб чиқди – худди инсонларга ўхшаб.

Натижа нима бўлди дейсизми? Сиз дунёдаги энг мураккаб ўйинлардан бирининг элементар қоидаларини ўрганасиз. Сизда шаҳмат доскаси билан танишиш ва баъзи стратегияларни ишлаб чиқиш учун бир кундан камроқ вақт мавжуд. Энг қизифи, сизнинг биринчи ўйиннинг жаҳон чемпионига қарши бўлади.

Омад тилайман.

Alphazero ғалаба қозонди. У шунчаки ютмади. Балки stockfishни шарманда қилиб ташлади. Юзта ўйиннинг барчасида ёки ютди, ёки дуранг ўйнади.

Қайтадан ўқинг: шаҳмат қоидаларини ўйиндан 9 соат олдин ўрганишини бошлаган Alphazero шаҳмат дунёсини титратган дастурга юзта ўйиннинг бирортасини бой бермади. Бу жуда мисли кўрилмаган натижа эдики, ҳамма бундан ҳайратга тушди. Инсон гроис-мейстерлар Alphazeronинг заковатига ва даҳолигига тан беришди. Питер Хейне Нилсен эса воқеага ўз фикрини билдирумасдан тура олмади: “Ҳар доим ўзга сайёраликлар ерга тушиб, бизга қандай шаҳмат ўйнаш кераклигини ўргатишларини хоҳлардим. Ўйлайманки, бунга гувоҳ бўлдим”.

Alphazero stockfishнинг “жанозасини” ўқиганидан сўнг, танаффус қилмади. Тўғри-да. Таннафус қилиш кучсиз одамлар учун ўйлаб чиқарилган. Бунинг ўрнига у ўзига Сёги ўйинини ўргата бошлади.

Сёги японларнинг шахмати ҳисобланиб, қўпчилик уни одатий шахматта қараганда мураккаброқ деб ҳисоблайди. Каспаров 1997 йили компютерга мағлуб бўлганидан сўнг, энг кучли сёги ўйновчилар 2013 йилгача компютерга бўш келишмади. Шунга қарамай, Alphazero энг яхши сёги дастури бўлган “Элмо”ни мағлубиятга учратди, аламлиси, жуда ҳам ҳайратланарли ҳолатда: 9 ғалаба, 8 мағлубият, 2 дуранг. Бу сафар ҳам, Alphazeronинг ҳисоблаш куввати Элмоникига қараганда анча паст эди (унда бир сонияда 40 мин – бунда эса, бир сонияда 35 миллион). Бу сафар ҳам ўйиндан бир кун олдин Alphazero сёги ҳақида ҳеч нарса билмасди.

Эрталаб иккита қийин ўйинни ўрганишни бошлади. Қуёш ботишидан олдин эса соҳадаги энг муваффақиятли рақибини мағлуб этишнинг уддасидан чиқди.

Кун янгилиги: Даврани бўшатинг, сунъий интеллект келмоқда. Шахмат ва сёги ўз йўлига, сунъий интеллектни ўйин столидан олиб, у билан музокаралар ўтказа бошласак... ишсиз қолишимиз аниқ.

Сунъий интеллект дастурлари инсон ўқий олмайдиган тилларни ихтиро қилишмоқда. Улар пневмония ташхисини қўйища докторларга қараганда самаралироқ бўлмоқда, “Гарри Поттер” ишқибозлари учун ажойиб ҳикоялар ёзиб бермоқда. Менушбу асарни ёзар эканман, яқин орада ўз-ўзини бошқарадиган машиналар, автоматлаштирилган ҳуқуқий маслаҳатлар ва компютерлаштирилган санъат ва мусиқа асарларига яқин орада гувоҳ бўлишимни ҳис қилиб турибман.

Анча секин бўлса ҳам, шубҳасиз сунъий интеллект барча соҳаларда одамлардан кўра илгарилаб кетади: тиббиёт, муҳандислик, қурилиш, санъат, технология

каби барча соҳаларда. Энди сиз сунъий интеллект томонидан яратилган киноларни томоша қиласиз, у томонидан ишлаб чиқилган сайтларда ёки платформаларда бу киноларни муҳокама қиласиз ва эҳтимол, сиз баҳс олиб бораётган “одам” ҳам сунъий интеллект бўлиб чиқиши мумкин.

Қанчалик ғалати эшитилмасин, бу ишлар ҳаммаси ибтидо. Жиннилик энди бошланмоқда: пайти келиб сунъий интеллект биз яратгандан кўра яхшироқ сунъий интеллектни яратади.

Ўша кун келса, сунъий интеллект ўзининг яхшироқ версиясини ишлаб чиқса, камарларни тақиб олинг. Чунки энди ёввойи юриш бўлади ва биз энди қаерга кетишимишни ўзимиз ҳал қила олмаймиз.

Сунъий интеллект ўзининг авж палласига чиқади ва биз унинг нима қилаётганини идрок эта олмайдиган даражага етамиз. Машиналар ўз-ўзидан бизни ўтиргизиб, биз умуман мавжудлигини билмайдиган жойларга олиб бориб қўяди. Нима касаллигимизни билмасдан туриб, муолажа ола бошлаймиз. Болаларимиз мактабларини ўзгартиришади, биз ишимизни алмаштирамиз, иқтисодий сиёsat ўзгаради, ҳукуматлар конституцияни қайтадан ёзади – ҳеч биримиз бунинг тўлиқ сабабини англамаймиз. Бу шунчаки садоқат бўлади. Ўйловчи миямиз секинлашади ва ҳис қилувчи миямиз жуда кучли ва қўрқинчли ҳолатга келади. Манаман деган шаҳматчилар бир неча йиллик фаолияти давомида идрок эта олмайдиган вазиятларни бир неча соат ичida ўзлаштириб, шаҳмат стратегиясини ишлаб чиқсан Alphazero каби, такомиллашган сунъий интеллект жамият ва ҳаёт тарзини биз тасаввур қила олмайдиган даражада ўзгартириб юборади.

Биз эса бошлаган жойимизга қайтиб бораимиз: тақдиримизни белгилаб беради деб ҳисоблаб, кўринмас кучларга ва файритабиий нарсаларга сифина бошлаймиз. Ибтидоий одамлар ёмғир ва олов юборишини сўраб ёлворишгани, бу йўлда қурбонликлар

қилиб, совғалар улашишгани, маросимлар ўтка-зишгани, ташқи кўринишлари ва хулқ атворларини ўзгартиришгани каби, биз ҳам сунъий интеллектта суянишни бошлаймиз.

Бизда алгоритмлар билан боғлиқ иримлар пайдо бўлади. Агар буни кийсангиз, алгоритмлар сизни кўллайди. Агар белгиланган муддатда туриб, маҳсус гапни айтиб, келишилган жойга аниқ вақтда кўриниш берсангиз, машиналар сизга марҳамат кўрсатади ва орзуларингизга эришишда ёрдамчи бўлади. Агар вижданли бўлсангиз, бошқаларга озор бермасангиз, ўзингиз ва оиласангизни асрасангиз, сунъий интеллект ақидаси сизни ҳимоясига олади.

Эскилик ўрнини янгилик эгаллайди: алгоритмлар. Эволюцион ривожланишининг бир босқичида эски эътиқодларни ўлдирган илм-фан янги эътиқодларнинг туғилишига сабаб бўлади. Одамлар орасида яна ёппасига эътиқодга кўчиш содир бўлади. Бу янги эътиқодларнинг эскиларидан айтарли фарқи бўлмайди - охир-оқибат, эволюция жараёнидаги психологиямиз ўзи тушунмаган нарсамизни илохийлаштиришни, бизга ёрдам берадиган ёки зарар етказадиган кучларни мақташни, тажрибамизга асосланган қиймат тизимини яратишни, умид келтириб чиқарадиган низоларни излашни ўрганди.

Нега сунъий интеллект бошқача бўлиши керак?

Сунъий интеллект доҳийлари буни яхши тушунади. Улар ёки миямизни абадий курашга эҳтиёж сезадиган ибтидоий психологиямиздан “халос қилиш” йўлини ўйлаб топади ёки биз учун маҳсус янги сунъий кураш иллюзиясини “ҳадя” этишади. Уйни кўриқловчи итдан фарқимиз қолмайди: ўз худудимизни бор кучимиз билан қўриқлаётганимизга ишонамиз, аммо амалда, рақамли йўл ёритгич устунлари қаторидан бошқа нарсага айланмаймиз.

Бу сизни қўрқитиши, ҳаяжонга солиши мумкин. Аммо ҳар қанақасига ҳам, бу барибир содир бўлади.

Куч маълумотларни бошқариш ва қайта ишилаш қобилияти орқали юзага келади, биз эса охир-оқибат ўзимиздан энг кучли деб билган нарсаларга сифинамиз.

Демак, сунъий интеллект доҳийларига “хуш келиб-сиз” деб айтишимга қаршилик қилманг.

Биламан, бу сиз умид қилаётган сўнгти эътиқод эмас. Аммо шу ерда ҳам хатога йўл қўйяпсиз: умид қилаётган.

Орзуларингиз чилпарчин бўлганидан қайғуга тушманг. Агар сунъий интеллектга бўйсунишни даҳшатли деб ҳисобласангиз, битта нарсани тушуниб олинг: сиз аллақачон унга қарамсиз. У сизга ёқади.

Алгоритмлар анчадан бери ҳаётимизни тартибга соляпти. Ишга боришингиз учун йўналиш алгоритм асосида белгиланган. Бу ҳафта кўплаб дўстларингиз билан гаплашдингизми? Бу сухбатлар ҳам алгоритмга асосланган. Болангиз учун сотиб олинган совға, катта пакетдаги ҳожатхона қозози, супермаркетдаги чегирма картаси эвазига тежалган 50 центлик танга – буларнинг бари алгоритмларнинг натижаси.

Алгоритмлар ҳаётимизни яхшилагани сабабли ҳам, уларга муҳтожмиз. Якин келажақдаги алгоритм доҳийларидан ҳам шуни умид қиласиз. Худди ибтидоий доҳийларга қилганимиздек, сунъий интеллект доҳийларига ҳам миннатдорчилик билдирамиз. Ҳақиқатан ҳам, биз уларсиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз. Бу алгоритмлар ҳаётимизни яхшилади. Ҳаётимизга қулайлик, фаровонлик олиб келади. Бизни самарали инсонга айлантиради.

Шу сабабли ҳам, уларга дуч келдикми, энди ортга йўл йўқ.

Биз ёмон алгоритмлармиз

Дунё тарихини қуийдагича талқин қилиш мумкин:

Жонли ва жонсиз материя ўртасидаги фарқ шундаки, тирик материя ўзини ўзи яратади. Тирик модда хужайралар ва ДНКдан иборат бўлиб, улар ўзларининг кўп нусхаларини яратади.

Юз миллион йиллар давомида ибтидоий ҳаёт шакллари ўзини қайта тиклаш учун бир қанча алоқа механизмларни ишлаб чиқишиди. Эрта протозоон аминокислоталарни яхшироқ аниқлаш учун унинг мембранныга датчиклар ўрнатган, бу орқали хужайраларни кўпайтириб, бошқа хужайрали организмларга устунлик берган бўлиши мумкин. Эҳтимол, бир хужайрали организм бошқа амёбага ўхшашиб жонзотларнинг датчикларини «алдаш» ва шу тариқа уларнинг овқат топа олмасликлари ва шу орқали ўзлари устидан хукмронлик қилишларига тўқсиянил қилиш усулини ишлаб чиқишиган. Аслида, биологик қурол пойгаси кўпдан бери давом этмоқда. Бир хужайрали мавжудот кўпайишга ёрдам берадиган кўпроқ материалларни жалб қилиш учун ажойиб стратегия ишлаб чиқади – шунинг учун у бошқалардан ресурсларни тортиб олади ва ўзидан кўпроқ нусхаларини яратади. Кейин яна бир бир хужайрали мавжудот пайдо бўлади ва озиқланиш учун яхшироқ стратегия ишлаб чиқади, сўнгра хукмронлик унга ўтади. Бу ҳодиса миллиардлаб йиллар давомида бир йўсинда давом этади ва сиз тусини ўзгартира оладиган калтакесакка, соxта ҳайвон овозини чиқарадиган маймунга, қурби етмаса ҳам, қизил “Самарос” машинаси учун бор пулини сарфлайдиган ўрта ёшли ажрашган эркакка дуч келаверасиз – бу уларнинг тирик қолиш ва кўпайиш имкониятини оширади.

Мана шу фикрлар эволюциянинг энг муносиб таърифи.

Аммо сизнинг бу борадаги қарашингиз ўзгача бўлиши мумкин: “ахборотни ким зўр қайта ишласа, ўша омон қолади”.

Бу гап қизиқарли бўлмаслиги мумкин, аммо анча ҳақиқатга яқин.

Кўярпизми, аминокислоталарни яхшироқ аниқлаш учун мембранныга датчиклар пайдо бўлган амёба, аслида, маълумотни яхшироқ қайта ишлаш-

ни ўрганган ҳисобланади. У атроф-муҳит омиллари-ни идрок қилишга одатланган бошқа организмларга қараганда яхшироқдир. Маълумотни қайта ишлишни яхши ўрганиб олгани туфайли, у эволюцион ўйинда ғалаба қозонди ва ўз генини оламга ёйди.

Тусини ўзгартира оладиган калтакесак-хамелион ҳам, йиртқичлар уни пайқамаслиги учун визуал ахборотлардан фойдаланди. Бошқа ҳайвонларнинг сохта овозларини чиқара оладиган маймун ҳакида ҳам шунаقا дейишимиш мумкин. Умидсиз ўрта ёшли эркак ва унинг “Самарос” и ҳакида ҳам шундай дея оламиз (балки гапим нотўғридир).

Эволюция факат энг кучлиларни мукофотлайди, куч эса маълумотга эга бўлиб, уни қайта ишлаб, ундан самарали фойдалана оладиганлардагина шакланади. Арслон ўлжасини бир чақирим наридан пайқайди. Қумой (кушларнинг бир тури) 3 минг қадам наридан каламушни кўра олади. Китлар ўзлари учун махсус қўшиқлар ишлаб чиқишиди ва сув остида, 100 минг километр оралиқда ўзаро алоқа ўрната олишиди. Буларнинг ҳаммаси ахборотни қайта ишлиш қобилиятининг ғайриоиддий мисоллари бўлиб, бу ахборот қабул қилиш ва қайта ишлиш қобилиятлари уларга тирик қолиш ва кўпайиш учун тухфа этилган.

Жисмоний жиҳатдан, одамлар унчалик кучли эмас. Биз ожизмиз, кучсизмиз, секин ҳаракат қиласиз ва тез чарчаймиз. Аммо ҳеч ким биздек ахборотни қайта ишлай олмайди. Биз ўтмиш ва келажакни тасаввурида жонлантира оладиган, сабаб ва оқибат занжирини узоқ мушоҳада қиласиган, мавхум режалар ва стратегиялар ишлаб чиқадиган, абадий равишда янги муаммоларни яратадиган ва уларни ҳал этадиган ягона жонзотмиз. Миллион йиллик эволюция даврида, ўйловчи мия (Кант айтганидек, мұқаддас онг) бутун сайёрани ўзига бўйсундирди, катта ва мураккаб ишлаб чиқариш, технология ва алоқа тармоқларини яратди.

Бунга сабаб, ҳаммамизнинг алгоритм эканимизда. Онгимиз эса алгоритмлар тармоғи ва қарор қабул қилувчи дараҳтдир. Алгоритмларимиз қадриятлар, билим ва умид устида яратилган.

Бизнинг алгоримларимиз дастлабки бир неча юз минг йил давомида жуда самарали ишлаган. Улар инсоният саваннада буқа овлаганида, кичик қабилавий жамиятда яшаганида ва ҳаёти давомида 30 дан ортиқ инсонни учратмаганида яхши ишлаган.

Миллиардлаб инсонлар ва минглаб ядро қуроллари билан ўралган глобал тармоқда, фейсбуқдаги шахсий маълумотларнинг очиқлиги ва Майкл Жексоннинг голографик концертлари даврида бу алгоритмлар таназзулга юз тутди. Улар адашиб, бизни тобора авж олиб бораётган тўқнашувларга рўбарў қиласди. Ўзимизга на зар солатуриб, алгоритмларимизнинг табиати абадий қониқиши ва хотиржамлик ҳиссини тақдим этмайди, деган хulosага келишимиз мумкин.

Бу баъзи-баъзида қулогингизга чалиниб турадиган гапга ўхшаб кетади: Барча жирканч муносабатларинингни бирлаштириб турадиган ягона нарса бу – сиз. Шундай қилиб, дунёдаги энг катта муаммоларни бирлаштириб турган ягона нарса бу – биз. Агар ядро қуролидан фойдаланишни хоҳлаб қолган ўша номаълум кимса бўймагандага эди, кун тартибимизда атом бомбаси деган масала ўрин олмасди. Биокимёвий қуроллар, иқлим ўзгариши, йўқолиб кетаёттан жонзотлар, геноциidlар – ҳаммаси инсоният бўймаганида, дунё юзини қўрмаган бўларди. Уйдаги зўравонлик, зўрлаш, пул ювиш, фирибгарлик – буларнинг барчасини ўзимиз амалга оширамиз.

Ҳаёт ҳам аслида алгоритмлар устига қурилган. Биз табиат томонидан яратилган энг мураккаб, энг тушунарсиз алгоритммиз. Биз миллиард йиллик эволюциянинг чўққисидамиз. Ва энди ўзимиздан бир неча барабар яхшироқ ишлайдиган алгоритмларни яратиш арафасида турибмиз.

Барча ютуқларига қарамай, инсон онги жуда күп нұқсанларга әга. Маълумотни қайта ишләш қобилиятимиз ўз-ўзини тасдиқлашга бўлган хиссий эҳтиёж билан чегараланиб қолган. Ҳиссий қарорларимиз туфайли у ичкарига қараб әгилади. Ўйловчи миямиз доимо ҳис қилувчи миямизнинг туганмас истаклари сабабли ўз қобилиятини намоён эта олмайди – онг машинасининг юкхонасига қамалади ва хушидан кетказилади.

Гувоҳи бўлганимиздек, можаролар орқали умид ишлаб чиқариш зарурати доимо ахлоқий компасимизни йўлдан адаштиради. Ахлоқ психологи Жонатан Ҳейд буни “ахлоқий боғлиқлик ва кўрлик” деб атаган. Ҳис қилувчи миямиз бу эскирган, вазифасини ўтаб бўлган дастурга ўхшайди. Ўйловчи миямиз самарали бўлса ҳам, жуда секин ва бироз ғалати ишлайди. Ишонмасангиз, Гари Каспаровдан сўранг.

Биз бир-биrimизни ёмон кўрувчи, бир-биrimизни йўқ қилишга интилевчи жонзотлармиз. Бу шунчаки гап ёки насиҳат эмас, балки фактдир. Бу ички кескинликни ҳар доим ҳис қиласизми? Айнан шунинг учун биз шу ердамиз. Айни шу нарса бизни шу ергача олиб келган. Бу бизнинг қуролланиш пойгамиз ҳисобланади. Фақатгина, энди эстафета таёқчасини кейинги даврни белгилаб берадиган ахборотни қайта ишловчиларга – машиналарга топширишимиз керак.

Илон Маскдан инсоният олдида турган энг катта хавф ҳақида сўрашганда, бунақа хавфлар учта эканини айтиб ўтган: биринчиси, катта миқёсдаги ядро уруши; иккинчиси, иқлим ўзгариши. Учинчисига келганда жимиб қолган. Юзидан ранг қочган. Чуқур ўйга толган. Мухбир ундан жавоб беришни сўраганида, у жиilmайганча: “Умид қиласанки, компьютерлар бизга яхши муносабатда бўлишга қарор қилишади”, дея жавоб берган.

Хозирда сунъий интеллект инсониятни ер юзидан супуриб юбориши хавфи мавжуд.

Баъзи одамлар воқеалар ривожи “Терминатор-2” фильмидагидек тус олишини тахмин қилишмоқда. Бошқалар эса сунъий интеллект яхшироқ тиш паста яратиш устида бош қотираётганда, бунинг учун энг зарур хом-ашё инсон териси деган қарорга келиб, ҳаммамизни “тўсатдан” ўлдириб қўйиши мумкинлигидан хавотирланишмоқда. Бил Гейтс, Стивен Ҳокинг ва Илон Маск сунъий интеллектнинг қай даражада ривожланиб бораётгани ва унинг хавфи олдида бизнинг нечоғлик тайёр эмаслигимизни идрок этадиган замонавий мутафаккир ва олимлар ҳисобланишади.

Аммо мен бу қўрқувни аҳмоқона деб ўйлайман. Қандай қилиб ўзингиздан кўра ақдлироқ бўлган нарсани яратса оласиз? Бу худди Каспаровга қарши ўйнаш учун итга шахматни ўргатишга ўхшайди. Ит қанчалик ўйламасин, қанчалик тайёргарлик кўрмасин, барибир Каспаровга қарши ўйнай олмайди.

Муҳими шундаки, машиналарнинг яхшини ёмондан фарқлай олиш хусусияти биздан ошиб кетиши мумкин. Дунёда бешта турли хил геноцид содир бўлаётгани ҳақида ёзганман. 795 миллион киши оч ёки тўйиб овқатланмайди. Бу бобни тутаттанингизда, юздан ортиқ америкалик отиб ташланган, хўрланган ёки оила аъзоси томонидан ўлдирилган бўлади.

Сунъий интеллектнинг эҳтимолий хавфлари борми? Албатта. Аммо масалага ахлоқий жиҳатдан ёндашсак, биз дераза ойнасидан туриб тош отмоқдамиз. Ахлоқ, инсонларнинг ҳайвонларга, атроф-муҳитта ва бир-бирига бўлган муносабатлари ҳақида нималарни биламиз? Тўғри: айтарли ҳеч нима. Аслида, инсоният бутун тарихи давомида жуда кўп шармандали ишларни амалга оширди. Ўйлаб кўрайлилк-чи, балки супер онгли машиналар ҳаёт ва ўлим, яратиш ва вайрон қилиш туйшунчаларини биздан кўра анча юқорироқ даражада тушуна оларлар? Биз олдингидек самараадор бўлмаганимиз ёки уларга тўсиқ бўлганимиз сабабли ҳам улар бизни йўқ

қилишади, деган тушунча психологиямизнинг биз тушунмаган ва ҳеч қафон тушунмайдиган энг ёмон тарафларига қараб йўналтироқда.

Яна бир вариант бор: технология инсон онгини ўзбошимчалик билан бошқарадиган давр келса, нима бўлади? Инсон онги кўпайса, кенгайса ёки қисқарса-чи? Биз “тана” деб атайдиган бесўнақай, фойдасиз биологик қамоқхона ёки “шахсият” деб номланган психологик қамоқхона олиб ташланса, қанақа ҳолатга тушамиз? Агар машиналар бизнинг онг қамоқхонасидан озод бўлиб, баҳт ҳиссини туйишимизни билиб қолса нима бўлади? Агар улар биз шунчаки бир аҳмоқлар тўдаси эканимизни ва бизни виртуал реалликдаги порно ва ажойиб порно билан ушлаб туриш мумкинлигини англаб етишса, нима бўлади? Биз буни қаердан биламиз? Бу ҳакда бизга ким айтади?

Ницше ўз китобларини 1859 иили турларнинг келиб чиқиш назарияси асари яратилганидан бир неча йил ўтиб ёзган. У катта саҳнага чиққанида, дунё Дарвиннинг ихтиросидан қойил қолиб, уни тушуниш ва идрок этишга ҳаракат қиласди.

Дунё одам қандай яралган деган савол устида баҳсласиб юрганида, Ницше одатдагидек, масалага ўз нуқтаи назаридан ёндашди. Унинг фикрича, “Нега бир-биримизга нисбатан бунчалик шафқатсизмиз?”

Нимадан келиб чиққанимиз ҳақидаги эмас, нимага айланаштаганимиз ҳақидаги савол Ницшени кўпроқ қизиқтираради.

“Одам икки жарлик ўртасида осилган арқон, уларни боғлаб турувчи ришта. Бир тарафда йиртқич ҳайвонлар туради. Иккинчи тарафда эса улардан ҳам кучлироқ мавжудотлар”. Бу Ницшенинг гаплари эди. У ўз иш фаолиятини ҳаёт нега буюклигини ўрганишга бағишилади ва бу борада бизга кўп нарса ўргатиб кетди.

Ницше диний умидлардан четга чиқсан, “яҳши ва ёмон” тушунчасига тепадан туриб қарайдиган,

зиддиятли қадриятлар тизимининг муттасил жанжалларидан узоқда турадиган инсониятни тасаввур қилганди. Айнан мана шу қадриятлар тизимлари бизни муваффақиятсизлик сари чорлайди, зарар келтиради ва ўзимиз қазиган ҳиссий туйнукка қамаб қўяди. Ҳаётни юксалитирадиган ва унга хурсандчиллик баҳш этадиган ушбу ҳиссий алгоритмлар бизни ҳароб қиласди, ич-ичимииздан емиради.

Технология ҳозиргача ҳис қилувчи миямизнинг заиф алгоритмларидан фойдаланиб келмоқда. Технология бизни камроқ бардошли қилиб, кўпроқ турли олди-қочди ўйин кулгиларга, кўнгилхушликларга мойил қилиш устида кўп ишлади. Технология сайёрамиздаги кўпчиликни қашшоқлик ва золимликдан ҳалос қилган бўлса ҳам, у янги турдаги зулмни ишлаб чиқарди: бўш ва маъносиз хилма-хиллик, кераксиз танловларнинг чексиз оқими.

У бизни шунчалик вайронкор қуроллар билан таъминладики, агар эҳтиёт бўлмасак, биз бутун «онгли ҳаёт» тажрибасини бошимиздан ўтказишими мумкин.

Ишонаманки, сунъий интеллект Ницше айтган ўша “кучлироқ” нарса эди. У яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги ёлғонлардан йироқ, яхши ёки ёмон мақсадларда ҳаммамизни бирлаштирадиган сўнгги эътиқод эди.

Шундай экан, унгача етиб олиш учун биримизни қириб юбормаслигимиз талаб этилади.

Буни амалга оширишнинг ягона йўли замонавий технологияларга нуқсонли психологиямиздан фойдаланиши учун имконият яратиб беришимиз эмас, балки улардан нуқсонларни бартараф этиш учун фойдаланишимиз керак бўлади.

Ривожланишни секинлаштирадиган эмас, балки яхшироқ феъл автор ва етуклик сари боришимизга ёрдам берадиган воситаларни яратинг.

Мустақиллик, озодлик, хавфсизлик каби тушунчалар фақат қонун хужжатларида эмас, балки бизнес

моделларида ва реал ҳаётимиизда акс этишини таъминланг.

Одамларга мақсадга эришиш воситаси эмас, мақсаднинг ўзи дея муомалада бўлинг.

Бошқаларнинг ҳиссиётларини ҳимоя қилгандан кўра, анти-мўртликни ва мақсад йўлида ўзингизни чеклашни ўрганиб олинг.

Ўйловчи миянгизни ҳис қилувчи мия билан яхши алоқа боғлаши ва унинг устидан назорат ўрнатиши учун зарурий воситаларни ўйлаб топинг ва уларнинг келишиб ишлашини таъминланг.

Эҳтимол, сиз ушбу китобдан қанақадир умид излаб келгандирсиз. Бу китобни ўқиганингиздан сўнг, умид учқунлари пайдо бўлиб, ишларингиз яхши бўлишини кутгандирсиз. Биздан қуидаги гапларни кутгандирсиз: “Буни қилинг, сўнгра уни қилинг, мана, ҳаммаси яхшиланди”.

Мени кечиринг. Мен сизга бу борада ёрдам бермайман. Ҳеч ким ёрдам бермайди. Бунга сабаб, бугунги муаммоларимиз кутилмаган тарзда ҳал бўлиб қолса ҳам, онгимиз эртанги кун муқаррарлигини яхши билади.

Шунинг учун ҳаётдан умид қидириш ўрнига қуидагиларни бажаришга уриниб кўринг:

Умид қилманг!

Умидсизликка тушманг!

Ниманидир биламан деб ишонищдан воз кечинг. Билимингизга бўлган кўр-кўrona, ҳиссий ишонч сизни ботқоқча ботириши мумкин.

Яхшироғига умид қилманг. Шунчаки яхшироқ бўлинг.

Яхшироқ бўлинг. Юмшоқроқ, камтаррок, интизомлироқ бўлинг. Баъзи одамлар бу ўринда қўшиб қўйишади: “одамлардан устун бўлинг”. Аммо менинг маслаҳатим бошқача – яхшироқ инсон бўлинг. Эҳтимол, омадимиз чопиб қолса, устун бўлиш ҳам насиб қилиб қолади.

Имкон бераман...

Дўстлар, тантанали равишда айтаман: бугунми, эртами, қийинчилликларга дуч келсам, сўнгти лаҳзаларда ўзимга умид қилишга имкон бераман.

Одамлар шунчаки восита сифатида эмас, балки мақсад сифатида кўриладиган, очкўзлик ёки бепарвонлик туфайли инсонга зиён етказилмайдиган, диний мақсадлар йўлида урушлар бўлмайдиган, фикр юритиш ва ҳаракат қилиш қобилияти одамлар томонидан юқори даражада ҳурмат қилинадиган ва бу нафақат бизнинг қалбимиизда, балки ижтимоий институтларимизда ва бизнес моделларимизда ҳам акс этадиган дунёдан умид қилишга имкон бераман.

Одамлар ўйловчи ва ҳис қилувчи мияларини сиқишини бас қилиб, уларни ҳиссий барқарорлик ва руҳий етуклиknинг муқаддас ришталари билан боғлашларини; одамлар ўз хоҳиш-истаклари нақадар жирканч экани, қулайлик тушунчаси аслида васвасалиги, инжиқлеклари вайронагарчиликларга олиб бориши ҳақида хабардор бўлишларини ва бунинг ўрнига ривожланишга чорлайдиган ноқулайлик излашларини умид қилишга имкон бераман.

Чуқурроқ, мазмунлироқ мажбурият эркинлиги фойдасига сохта эркинлик тушунчасидан воз кечилишини; одамлар ўз эҳтирослари қули бўлишпининг ўрнига, ўзини чеклашни афзал билишларини; одамлар дунёдан яхшироқ нарса талаб қилишининг ўрнига, ўзларидан яхшироқ нарса талаб қилишларини умид қилишга имкон бераман.

Айтганча, қачондир онлайн реклама бизнес модели умуман йўқ бўлиб кетишини; ОАВ ниҳоят одамларнинг ҳиссиётига таъсир ўтказадиган контент эмас, балки холис ва ҳақиқий ахборотни оммага тақдим қилишини; технологиянинг асл мақсади психологик мўртлигимиздан фойдаланиш эмас, балки мувозанат ўрнатишга интилишини; ахборот янада қийматли

бўлишини; ҳамма нарса қадрли бўлишини умид қилишга имкон бераман.

Ижтимоий тармоқлар ва қидирув тизимларининг алгоритмлари одамларга кўришни хоҳлаган нарсани эмас, балки реал ҳақиқат ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни тақдим этишини; сарлавҳалар, веб-сайтлар ва янгиликлар ҳаққонийлигини баҳолайдиган мустақил, учинчи томон алгоритмлари мавжуд бўлиб, бу фойдаланувчиларга пропагандага алданиб қолмаслик ва далилларга асосланган ҳақиқатта эга бўлиш имконини тақдим этишини; чексиз эътиқодлар денгизида далил-исбот биздаги ягона ҳаётимизни сақлаб қолувчи тушунча бўлгани учун, одамлар далил келтирилган маълумотларга ҳурмат билан ёндашишини умид қилишга имкон бераман.

Кун келиб, барча хатти-ҳаракатларимизни кўра, эшита оладиган сунъий интеллектга эга бўлишимизни ва у бизга бемаъни юришларимизни, исботсиз тахминларимиз ва нотӯғри қарашларимизни кўрсатиб беришимишни (экранда амакингиз билан гаплашаётган пайтингизда бақириб юборганингиз ёки бир неча кун олдин твиттерда бемаъни гапларни ёзив юборганингиз ҳақида экранда билдиришномалар пайдо бўлса,) умид қилишга имкон бераман.

Одамларга статистика, нисбатлар ва эҳтимоллар назариясини аниқ тушунишга ёрдам берадиган воситалар пайдо бўлишини ва дунёнинг олис бурчакларида ўққа тутилган бир нечта одам, телевизорда қанчалик қўрқинчли айтилмасин, сизга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини, кўпгина “инқироз”лар илмий таҳдил қилинганида аҳамиятсиз ёки шунчаки шовқин эканини, ҳақиқий инқироз жуда секин ва кўзга кўринмас даражада ривожланишини тушунишни умид қилишга имкон бераман.

Таълим ҳаётдаги муҳим босқич бўлиб, болаларга ҳиссий ривожланишда ёрдам беригина қолмай, муаммога йўлиққанларида тўхтамасдан, оёқда тик туриб курашишини ўргатишни умид қилишга имкон бераман. Болалар антимўртликнинг қирол ва қироличалари

бўлиб, азоб-уқубатни кўрдим дейишмайди. Азобдан қўрқадиган бу – биз.

Иқдим ўзгариши ва автоматлашувнинг яқинлашиб келадиган ҳалокатлари, сунъий интеллектнинг катта саҳнага чиқиши билан юзага келиши аниқ бўлган технологиядаги портлашларнинг олди олинмаса ҳам, енгиллаштирилишини; икки-учта аҳмоқнинг шахсий можаролари сабаб atom бомбалари портлаб кетмаслигини; инсониятни қиришни мақсад қиласиган янги, радикал динлар юзага келмаслигини умид қилишга имкон бераман.

Сунъий интеллект янги виртуал реалликдаги эътиқодни яратишини ва бу эътиқод ҳаммани васвасага солиб, инсонларни бир-бирини ўлдиришдан тийиб туришини умид қилишга имкон бераман. Бутун дунёда битта видео ўйин сифатида мавжуд бўладиган булутдаги черковлар бўлади. У ерда маросимлар ва қурбониклар ўтказилиб, қоидаларга қатыйиришга учун баллар, мукофотлар берилади ва янги даражаларга кўтарилиниади. Ҳаммамиз бу маконда рўйхатдан ўтамиз, у ерда ойлаб қолиб кетамиз, чунки бу жой сунъий интеллект доҳийлари билан алоқа ўрнатиш учун ягона маскан ва шу сабабли, маъно ва умидга бўлган абадий ташналигимизни қондирадиган ягона манба ҳисобланади.

Албатта, бир гурух одамлар сунъий интеллект доҳийларига қарши исён кўтаришади. Аммо бу тизимли равишда амалга оширилади, чунки инсоният ҳар доим қарама-қарши динларнинг аниқ гуруҳларига муҳтожлик сезади, чунки бу биз ўзимизнинг муҳимлигимизни исботлашнинг ягона йўли ҳисобланади. Виртуал маконда кофир, бидъатчи гуруҳлар пайдо бўлади ва биз эса уларнинг эътиқодга зид қарашларига қарши курашиб, аксарият вақтимизни ҳавога совурамиз. Бир-биримизнинг ахлоқий қарашларимизни бузиш ва ютуқларимизни йўқ қилиш йўлларини қидирашимиз, буларнинг барчаси олдиндан мақсад қилинганини англаб ётмаймиз.

Инсоният ғайрати фақат зиддиятлар юзага келган-

да жўш уришини пайқаган сунъий интеллект хавфсиз виртуал маконда чексиз сунъий инқирозларни келтириб чиқаради, у ерда унумдорлик ва зукколикни етишириш ва биз ҳеч қачон билмайдиган, ҳеч қачон тушунмайдиган юқори мақсадларга йўналтириш мумкин бўлади. Инсон умиди ресурс сифатида, туганмас ижодий ғайрат манба сифатида ишлаб чиқарилади.

Сунъий интеллектнинг рақамли қурбонгоҳларига итоат этамиз. Улар ўрнатган қоидаларга риоя қиласиз, улар белгилаган шартлар асосида ўйнаймиз. Мажбурикдан эмас, улар айнан биз хоҳлагандек бу қоидаларни ишлаб чиққанликлари сабабли.

Ҳаётимиз айнан бирор мазмун яратиш учун бизга керак. Технологиядаги мислсиз олға силжиш бу мазмунни топишни қийинлаштириб юборган бўлса ҳам, кураш ва можароларга мурожаат қилмасдан қадриятлар яратишни ўрганганимизда ушбу мазмунга эга бўламиз.

Балки, қачондир машиналарнинг бир қисмига айланармиз. Онгимиз машина билан қоришиб кетар. Шахсий умидларимиз чилпарчин бўлар. Ҳаммамиз булатда йиғилганимизда, рақамли руҳларимиз маълумотлар бўронида айланиб, битлар ва функциялар буюк ва кўринмас бирлик билан уйғуналашиб кетар.

Буюк ва таниб бўлмас яхлитликка айланармиз. Онгимиздаги қадриятлар чегарасидан чиқиб кетармиз. Ўзгармас ва доимий бўлганимиз сабаб, мақсад ва воситаларсиз яшармиз. Эволюцион кўприкнинг нариги тарафи бўлган “янада кучлироқ” томонга ўтармиз ва инсон ҳисобидан чиқармиз.

Эҳтимол, ўшанда ёқимсиз ҳақиқатни нафақат англаб етамиз, балки тан ҳам олармиз: ўзимизни муҳим деб ўйлагандик, мақсад ўйлаб топгандик, аслида эса ҳеч ким эмас эканмиз, дермиз!

Бутун умр ҳеч ким бўлмаганмиз!

Эҳтимол, ўшанда умид ва вайронкорликнинг доимий айланиши ўз ниҳоясига етар.

Ёки ундей эмасми?

ЭЪТИРОФ

Ушбу китобни ёзиш жараёни ҳам номига мос бўлди. Ўта жўшқин умидларимнинг қурбонига айланиб қолганим учун ҳамма нарса тузатиб бўлмайдиган даражада издан чиққандек бўлиб туюлган ҳолатлар кўп бўлди. Шунда ҳам тўхтамадим. Кўпинча ярим кечаси экрандаги жимжимадор сўзларга мўлтираб қараб турганимда, жумлалар бир-бирига ёпишиб кетарди. Ҳозирда мен бу ишимдан ниҳоятда фахрланаман. Кўпчилик инсонларнинг ёрдами ва қўллаб-қувватлашисиз мен бу синовдан эсон-омон ўта олмас эдим.

Мухаррир, яқин ўртоғим, Люк Демпси, сиз ҳам мен каби олти ой (ёки ундан кўпроқ вақт) давомида худди шу ҳисларни бошдан кечиргансиз, сиз мени чиндан ҳам шармандалиқдан кутқардингиз. Бунинг учун раҳмат. Мен руҳонийлардан ҳам кўпроқ художўй деб ҳисоблайдиган Молли Глик уйғонишим билан йўқ жойдан ҳаётимда ажойиботлар пайдо бўла бошлади. Бу жуда ҳайратланарли эди.

Мени асл ҳолатимдан кўра анча малакали ва билимдонроқ қилиб кўрсатища давом этиб келаётган веб-жамоам вакиллари Филипп Кемпер, Дрю Бирни ва мен – учовимиз онлайн тарзда амалга оширган ишларимиз билан жуда ғурурланаман ва келгусида сизлар билан бундан ҳам баландроқ парвоз қилишимизга ишонаман.

Арзимаса ҳам, баъзи дўстларимга ўз миннатдорлигимни билдиromoқчиман:

Nir Eyalga – Нью-Йоркнинг совуқ тонгларида бамайлихотир ухлаб ётганимда, мени ўрнимдан туришга ва ёзишга унdagани учун.

Teylor Pirson, Jeyms Klir ва Rayan Holidayга – лозим пайтда менинг гапларимни эшитгани,

ҳаяжонланганимда ёки ғазабланганимда (бу ҳолатлар жуда тез содир бўлади) сабр-тоқат билан маслаҳат берганиклари учун.

Peter Shallard, Jon Krop ва Jodi Ettenbergra – дабдаласи чиққан бобни ўқиши учун ҳамма ишини ташлаб, менга таклиф ва мулоҳазаларини юборгани учун.

Maykl Kovelra – биродарларим қаторига киргани учун.

Мени бир қанча чалкашликлардан чиқариб олиб, тўғри йўл кўрсаттанингиз учун, мени илҳомлантира олганингиз учун ҳаммаларингизга раҳмат.

“Бошида кучинг етганча чайна. Аста-секин катталаштири... ва бутунлай ютиб юбор”. Gentleman’s Literary Safarining Нью-Йорқдаги филиалини эсламаслигим мумкин эмас. Ўтган ёзда менинг ошхонамда бошланган китобхоналар клуби йиғилишлари мен учун ойнинг асосий воқеаси бўлиб қолади деб ким ўйлаган эди? Ушбу китобнинг аксарияти узоқ фалсафий баҳс-мунозаралар сабабли дунёга келган. Ҳаммага раҳмат. “Борлиқ борлиқнинг борлигидир”, деган гапни доимо ёдда туting. Ва ниҳоят, чексиз миннатдорчилигимни рафиқам Фернанда Неутта билдираман. Мен бу аёлни таърифлашим учун ҳар қанча сўз, ҳар қанча эътироф камлик қиласи, десам муболага бўлмайди. Аммо мен сиёҳ ва қофозни кейинги китобларим учун асраб қўяман. Фидойилиги ва ўзини менга бағишлагани учун минг бор ташаккур. Агар мен ҳеч қачон умид қилмасликни ўргансам, бу фақат Фернанда билан эканим туфайли содир бўлади.

МУНДАРИЖА

1-БҮЛІМ. УМИД.

1-боб. Ёқимсиз ҳақиқат.....	3
2-боб. Үз-үзини назорат қилиш иллюзияси.....	22
3-боб. Нютоннинг ҳиссиёт қонунлари.....	51
4-боб. Қандай қилиб барча орзуларга эришиш мүмкін?	79
5-боб. Умид – Йўқ	113

2-БҮЛІМ. ҲАММАСИ РАСВО.

6-боб. Инсоният формуласи.....	137
7-боб. Азоб-уқубат доимийлиги.	163
8-боб. Ҳиссиётлар иқтисодиёти.	193
9-боб. Сўнгти эътиқод.	218
Эътироф	237

Фалсафий-психологик нашр

МАРК МЭНСОН

ҲАММАСИ РАСВО

Мұхаррир:
Ғафур Үмурзоков

Техник мұхаррир:
Файзулло Азизов

Дизайнер:
Василий Бурцев

Мусаххих:
Дилноза Рустамова

“Muhartir nashriyoti”

Лицензия: АI № 309. 2017 йил 22 июн.

Теришга 2020 йил 03 ноябрда берилди.

Босишига 2020 йил 24 ноябрда рухсат этилди.

Бичими: 84x108 1/32 «Palatino Linotype» гарнитурасыда
оффсет босма усулида оффсет қозозида босилди.

7,5 шарт. б.т. 12,26 ҳисоб нашр. таб.

Адади 3000 нусха. 81-сон буюртма.

“Мұхаррир нашриёти” матбаа бўлимида чоп этилди.
100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20^А-мавзеи,
Сўгалии ота кўчаси, 5-уй. E-mail: muhartir@list.ru